

АЛЬБЕРТ ЛИХАНОВ



МЕНИНГ ГЕНЕРАЛИМ

Р о м а н

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети
«ЁШ ГВАРДИЯ» нашриёти

**Худойберди Тўхтабоев, Фозилжон Исмоилов
таржимаси**

Лиханов А. А. Менинг генералим.
Кичик ёшдаги болалар учун роман.

Пионер Антон бобоси, собиқ генерал Антон Петровични суйиб, «Менинг генералим», дейди.

Антон Петрович истеъфога чиққач, Москвадан ўғли, набираси яшаётган Сибирга келади. Икки қадрдоннинг дўстлигига бағишланган бу китоб қувончли ва ғамгин, кулгили ва фожияли воқеалар ҳақида ҳикоя қилади.

Д $\frac{70803-281}{356 (06)-79}$ 138—79

Ҳамма-генералларга,
Ҳамма полковникларга,
Ҳамма подполковникларга,
Ҳамма майорларга,
Ҳамма капитанларга,
Ҳамма старшиналарга,
Ҳамма сержантларга,
Ҳамма оддий аскарларга
бағишлайман.
Утган урушнинг жамики
солдатларига,
Бола-чақалари,
Набираю абиралари,
Чевараю бўлғуси авлодлари
Умрбод миннатдор бўлган —
Ям-яшил гийёҳларга,
Зангори дарёларга,
Мовий самога,
Қумушранг ҳавога —
Хулласи калом —
Ҳаёт отлиқ
Жамики эзгуликларга бағишлайман
Муаллиф.

Л 64

Лиханов Альберт.

Менинг генералим. Роман. Кичик ёшдаги болалар учун роман (Х. Тўхтабоев, Ф. Исмоилов таржимаси).—Т. Ёш гвардия, 1978.—232 б.

Лиханов А. Мой генерал. Роман.

P2

© Издательство «Детская литература», 1975 г.

© Издательство «Ёш гвардия», 1978 г.



Биринчи қисм

Қиссамнинг аввали

УЗИМ ҲАҚИМДА

Танишиб қўяйлик: исмим Антон, Антошка дейилса ҳам бўлаверади.

Мен Сибирда яшайман. Шу ёқда туғилган эканман, демак сибирликман.

Тағин мени сибирлик бўлгани учун ғурурланиб кетипти, деб ўйламанг.

Бунда менинг ҳеч қанақа хизматим йўқ-да, ахир.

Биров жанубда туғилганлиги учун — жанублик, ши-

молда туғилса — шимоллик дейишади. Мен эса Сибир-
да туғилганман.

Нима учун сибирликларга бошқача қарашаркин, си-
раям тушунмайман. Масалан мен, ўзимнинг «қандайдир
бошқачалигим» ҳақида ҳеч қачон ўйлаган эмасман. Би-
роқ мен бобом билан бир марта Москвага борганимда
қизиқ бўлган эди: ҳамма менга бармоғи билан ишора
қилиб: «Воҳ анави сибирликни қаранглар!» дея ачиниб
боқишганди.

Аслида менинг бошқалардан ҳеч қанақа фарқим йўқ.
Ҳамма қатори мактабда ўқийман. «Икки»лардан ҳам
олиб тураман, «уч» ҳақида-ку, гапирмай қўя қолай. Қо-
билиятим унчалик эмас шекилли?

Кўпинча худди шу масалани ўйлаб кетаман. Ойим
кўп танбеҳ беради. «Яхшиси, сен файласуфлик қила-
вермай, кўпроқ ўқигин», дейди.

«Файласуфлик қилишга бало борми! — ўйлайман
мен. — Файласуфликни олимлар ёки буюк кишилар қи-
лади. Мен бўлсам оддий бир одамман-ку».

«Оддийлик ҳам, буюклик ҳам, — дейди ойим, — одам-
нинг ўзига боғлиқ. Чўртан балиқнинг амри билан буюк
бўлиб қолмайди».

Хўш, ўзим ҳақимда яна нима десам экан?

Тўртинчи синфда ўқийман, партадошимнинг исми
Кешка, яъни Иннокентий, иккаламиз дўстмиз.

Феълу атворимиз бир хил.

Иккаламиз ҳам айниқса қулупнай мураббосини,
шпионлар ҳақидаги киноларни яхши кўрамиз. Қишда
иккимизга ҳам қиров босган дарахтлар ёқади, ёзда
эса — чўмилиш. Оталаримиз — Кешканики ҳам, ме-
нинг дадам ҳам қурилишда ишлашади.

Ўзим ҳақимдаги гаплар шулар, холос.

ДАДАМ ҲАҚИДА

Менинг дадам — Буюк Кўчманчи. Ойим кўнгли
ёришиб турган пайтларда дадамни шундай дейди. Шун-

да дадам жилмайиб, хурсандлигидан худди мушук болага ўхшаб типирчилаб қолади. Бироқ ойим, авзойи бузилиб турганида, дадамни Бахтсиз Дарбадар деб атайди: Шунда дадам унга гоҳ хўмрайиб, гоҳ чўчиб боқади, шу ҳолатида бешинчи синф ўқувчисига портфелини олдириб қўйган биринчи синф боласидек мунгайиб қолади. Мен шунақа пайтда дадамга ачиниб кетаман, ахир Буюк Кўчманчи ва Бахтсиз Дарбадар бўлмиш дадамнинг аввало, бош инженер муовини деган номи бор-да.

Кап-катта икки кишининг орқамдан қараб: «Муовининг ўғли...» деганларини ўзим ҳам эшитганман.

Дастлаб мен тушунмадим, кейин аңгласам: отам бош инженернинг муовини, мен эса унинг, яъни муовининг ўғли эканман.

Мана шунақа. Ойим дадамни Бахтсиз Дарбадар деб, беҳуда камситади, чунки кап-катта кишилар «Муовинов» сўзини жуда ҳурмат билан тилга олиб туришганда ярашмас экан... Ҳатто ўшанда гарчанд мен — тўртинчи синфнинг оддий ўқувчиси, ҳали ҳеч нарсани қойиллатмаган бўлсам-да, кишилар менга эҳтиром қилиб ўтишганди. Отамнинг соясида ўз-ўзидан мени ҳам ҳурмат қилишади-да.

Буюк Кўчманчи бўлишида отамнинг ҳеч қандай гуноҳи йўқ. Унинг иши шунақа. У электростанциялар қуради. Биттасини қуриб битиргач, бошқа жойга кўчиб ўтади ва яна янгисини қура бошлайди. Ойим у билан бирга кўчиб юради. Мен ҳам. Бу энди ўз-ўзидан маълум — ойим унинг хотини, мен эса ўғлиман-да.

Ойим авзойи бузилганда тўнғиллай бошлайди:

— Москвага кетаман, у ёқда эллик квадрат метрли шундоқ уйимиз қанғиллаб ётибди-я! Театрларга тушишни хоҳлайман! Шунақа яшашга арзигулик меҳнат қилмадикми, ё? Мана учинчи станцияни қуриб битираяпмиз-а!

Дадам столни черта бошлайди. Жуда мураккаб баҳс бу. Дадам — москвалик, шунда туғилган, ойим эса си-

бирлик бўлиб, улар Иркутскда танишишган, сўнг ўзларининг биринчи қурилишларига йўл олишган, иккинчи ГЭСни қуришаётганда эса мен туғилган эканман, лекин асосий гап бошқа ёқда. Гап шундаки, асли москвалик бўлган дадам Москвада яшашни хушламайди, ойим эса шу ёққа талпингани-талпинган.

— Сени неча марталаб министрликка чақиришди!— дейди ойим.— Бунинг устига умр бўйи қурилиш, қурилиш... жонга тегиб кетди-ку, ахир! Умрни нуқул йўлда ўтказиш шартми? Вақти келганда раҳбар, маслаҳатгўй бўлиш ҳам керак-да! Бошқаларга тажриба ўргатиш. Маслаҳат бериш! Китоблар ёзиш. Диссертация ёқламоқ... Эҳ-ҳе!

Дадам эса раҳбар бўлишни ҳам, диссертация ёқлашни ҳам хоҳламайди. У қуришни, қуришни, фақат қуришни истайди! Кезиш бўлса бўлди унга, кезгани-кезган!

Дадам меникига ўхшаган малла сочларини тўзғитади, қовоғини уяди, гапирмайди.

— Нега индамайсан?!— жиғибийрон бўлади ойим.— Яна бетоннинг мустаҳкамлиги ҳақида ўйлаяпсанми?

— Йўқ,— жилмаяди дадам, ойимни ўзига тортиб чаккасидан ўпаркан.— Мен бетоннинг мустаҳкамлиги ҳақида ўйламабман. Севгининг мустаҳкамлиги ҳақида ўйлаяпман. Гапираётганингдан тамомила бошқа нарса ни ўйлаб турганингни ҳам биламан. Сен, сершовқин шаҳарда эмас, бу ерда — Сибирь бағрида яшаётганлигимиз қандай яхши эканлиги ҳақида ўйлаяпсан! Сен менинг қурилишсиз кун кечира олмаслигим ва бу соҳада ўзимни яхши ҳис этишлигим ҳақида ўйлаяпсан! Сен менинг Москвада, тамаки тутунларига тўла кабинетларга тоқат қила олмаслигимни, исланиб сўлиб қолишлигим ҳақида ўйлаяпсан! Ахир чекмаслигимни, тамаки тутунини ўлгудек ёмон кўришимни ўзинг биласан-ку. Яна сен Москвада эллик квадрат метрли квартирамизни ораста қилиш ўзимизнинг икки хоналик уйимизга қараганда анча сермашаққат эканлигини, кўп вақт кетиши-

ни ўйлаяпсан, Москва спектакларини эса телевизорда ҳам маза қилиб томоша қилиш мумкин!

— Ойимга дадамнинг сўзлари таъсир қилади. Энди ойим мушук боладек ювош тортиб қолади. Дадамга парвона бўла бошлайди.

Ойим дадамнинг елкасига бошини қўяди, кўзларини яшириб кула бошлайди.

— Ҳай майли,— дейди ойим,— мен-ку, шундоғам кўникаман, сибирликман-да, сендек асл москваликка қийин бўлмасмикан? Асл москвалик қовоғини уяди. Менга аёнқи, дадам мана энди бетоннинг мустаҳкамлиги ҳақида ўйлаяпти.

ОЙИМ ҲАҚИДА

Дадам чиндан ҳам бетоннинг мустаҳкамлиги ҳақида ўйлаётган чоғларида ойим унга асло халал бермайди, оёқ учида юриб, қалам-қоғозларини тахт қилиб қўяди. Дадам бетоннинг мустаҳкамлигини синаш ҳақида китоб ёзиш ниятида юрипти. У қандайдир формулалар чиқаради, нималарнидир ҳисоблайди, ҳар хил чизиқлар билан қоғоз бетини бўяб ташлайди, пайпоқ тўқиб ўтирган ойим эса жилмайиб кузатади.

Мен ойимнинг жилмайишини яхши кўраман. Унинг юзи думалоқдан келган, ёноқларида чуқурчаси бор, тиниқ кўзлари мовий тусда. Агар у дераза олдида ўтирган бўлсаю қуёш нурлари ён томонидан ёритса, шуъла тўппа-тўғри ойимнинг кўзларига тушиб, қорачиғи шаффоф тошчалар сингари ялт-юлт қила бошлайди. Ойижоним меҳрибон, очиқ кўнгил, аччиқланганини ҳеч қачон кўрган эмасман. Ҳатто жаҳли чиққан пайтда ҳам бари бир мулойимлигича қолади. Ойимнинг сочлари малларанг; сочини ўриб боши устига кулча қилиб қўяди. Шунинг учун дадам «офтобча» деб чақиради. Оиламиздагиларнинг ҳаммаси малласоҳ. Ойимнинг исми ҳам чەҳраси каби — юмалоқ; ёқимтой: Ольга. У районнинг бош са-

нитар врачл бўлиб ишлайди, шу боисдан ҳам дадам билан тортишиб туради. Дадам, қурилиш ҳамма нарсанинг боши, дейди. Ойим, қурилиш район территориясига қарашли, деб баҳслашади. Дадам, район тақдири бутунлай қурилишга боғлиқ, деса, ойим, қурилиш районда яшайдиган одамлар учундир, деб туриб олади...

Ана уларнинг баҳслашишини кўринг. Мен ҳам қўшиламам: гоҳ дадамнинг фикрига, гоҳ ойимнинг фикрига. Тўғрироғи, кимнинг фикри сал устунроқ чиқа бошласа шуникини қувватлайман.

Айни чорда қандай қилиб бошқача йўл тутиш мумкин?

Дадам қураётган электростанция Сибирь бўйича энг каттаси. Шунақанги улкан дарёни тўсиш керакки — эҳҳе! Электростанция ток бера бошласа, ён-атрофда қурила бошлаган заводлар ишга тушиб кетади. Посёлкамиздагилариям; ойим бош санитария врачл бўлиб ишлаётган райондагилариям. Бутун Сибирь яшнаб кетади. Дадам: зўр ўхшатиш қилди-да, менга хўп ёқди. У шундай дейди: ГЭС бамисоли мойчечак. Станция унинг сариқ ўзаги, ядроси, пулбаргларини эса заводлар, колхозлар, ўрмон хўжаликлари дейиш мумкин. Узаксиз гулбарглар бўлиши мумкинми? Йўқ. Тўғри гап!

— Гулбаргларл йўқ мойчечакнинг кимга ҳам кераги бор? — Баҳслашади ойим. Худди гижимлаб ташлангандек хунук! Ахир, сен гапирётган станция одамлар учун; заводлар; колхозлар; ўрмон хўжаликлари учунми? Демак, аввало, одамлар ҳақида ўйлаш зарур. Олдинни кўра билиш керак!

Тўппа-тўғри! Ойим ҳам ҳақ.

Баҳслашаётган пайтда ойимнинг жаҳли чиқади, бироқ унинг чеҳраси илгариги мулойимлигини йўқотмайди, бундан дадам жилмая бошлайди.

— Қизиқ, — ажабланади дадам, — бутун райондагилар сендан қўрқишса-я? Овози телефонсиз ҳам Москвага эшитиладиган, министрлардан ҳам тап тортмайдиган,

дағдағаси момақалдироқдан ҳам зўр бошлиғимиз ҳатто сен келишингни эшитган заҳотиёқ, телефонга ёпишиб, ҳамма ер саранжом бўлсин, ҳамма ер саришта бўлсин, деб буйруқлар бера бошлайди...

Ойим кулади, мен эса дадамнинг гапини маъқуллаяман. Бизнинг мактабдаги озодаликни кўрсангиз. Қишлоқда лойгарчилик вақтлари — баҳору кузда юра олмайсан, аммо синфларимиз эса озода, чунки ойимнинг кўрсатмаси билан мактаб олдига ёғон тоғорада сув, латта қўйишди, санпостлар ташкил этилди. Пойабзалида зиғирча лойи бор одамни ичкарига асло қўймайдиган бўлишди. Ойим тоғоранинг уч поғоналигини ўйлаб топди. Биринчи поғонасида пойабзалдаги лойлар ювилади, иккинчисида — пойабзалнинг ўзи, учинчисида эса пойабзал тоза сувга чайилади.

ТУРМУШ ТАРЗИМИЗ

Хўш, турмуш тарзимиз қандай? Одатдагидай!

Соат еттида ойимга эшигида қизил крести бор «газик» келади. Дадамга бошқача «газик» — тепаси брезент билан ёпилгани келади. Баъзан дадам шофёри Коля амакига ўзи учун келмаслигини тайинлайди ва шунда ойим дадамни қурилиш бошқармасига ташлаб ўтади, чунки ойимга машина ҳаммавақт келади — у районга шошилади, ҳамма жойга улгуриши керак. Дадамнинг ҳам, ойимнинг ҳам машиналари бор, уларга шофёрлар ҳам биркитиб қўйилган, бироқ дадам ҳам, ойим ҳам ўзлари бемалол ҳайдай олишади. Айниқса ойим. У чинакам шофёр. Рулни бир қўл билан бошқаришни яхши кўради — бундай қилиб юриш бизда, Сибирнинг ўнқирчўнқир йўлларида катта маҳорат талаб этади.

Ойим дадамни ишга ташлаб ўтади, мени эса мактабга ҳеч қачон олиб борган эмас, ҳатто ялинганимдаям. Фақат биринчи синфлигимда, кўкламги лойгарчилик пайтида олиб борган эди. Мен у пайтда кичкина эдим,

этигим лойга ботиб қоларди. Ўша йили баҳорда кўчалар ботқоқ бўлиб кетган эди, мен ўзим ўта олмасдим, катталардан ёрдам сўрашга эса уялардим ва этигим лойга тўлиб кетарди. Ойим ўшанда мени мактабимга машинасида уч кун олиб борди. Мени бу аҳволдан қутқаришни ҳали ўйлаб топмаганди.

Ахийри қутқариш йўлини топди. Катталар киядиган этик топиб келди, чамаси ўттиз саккизинчи размер бўлса керак; ичига шиппагимни маҳкам жойлади, оёғим хаккалак отиб юрмаслиги учун шиппагимни эски пайпоқлар билан сириб ташлади. Катта этикнинг кўнжи баланд бўлгани учун юриш ноқулай эди, шунинг учун ойим кўнжнинг орқасидан учбурчак қилиб қийиб олиб ташлади. Натижада ботфорт деган антиқа этик ҳосил бўлди. Худди Пётр Биринчиникига ўхшаш. Бир расмда кўрган эдим — Пётрнинг оёғида этик, кўнжининг олд томони баландроқ, орқаси эса қисқа, тиззасигача. Мана меники ҳам худди ўшанақа.

Дадам ойимнинг кашфиёти устидан кулди. Сенда инженерлик қобилияти бор, деб қўйди.

— Қобилият эмиш!— жавради ойим.— Министрлик керакли жойларнинг танобини тортиб қўйса дуруст бўларди. Қурилиш шароитини ҳисобга олиш ҳам керакку, ахир. Шаҳар болалари киядиган этикларни жўнатишади. Бунақа этикчаларни фақат асфальт йўлларда кийиб юрсанг ярашади. Қурилишга эса-чи? Сибирга сал кўнжи баландроғидан керак!

Дадам мазах қилса ҳам ойимнинг тажрибаси шу заҳоти оммалашиб кетди. Ўз-ўзидан тарқалди. Ҳеч қандай кўрсатма ҳам берилмасдан! Дастлаб қанча-қанча болалар бир пой этикда қелишарди! Этигим ботиб қолди, деб дод-вой қилишарди. Ойимнинг кашфиёти бирдан ёқиб тушди. Менинг этигимни кўздан кечиришар, ажабланишарди. Кейинчалик деярли барча болалар меникидақа ботфортда савлат тўкиб юрадиган бўлишди.

Ойим эса ўзининг кашфиётини ўзи бекор қилди.

Унинг талаби билан кўчаларга асфальт ётқизишди. Мактабга бориш осонлашиб қолди. Гарчи баҳор ва кузда ҳеч ким ботинкада юрмаса-да, ботфорт киймайдиган бўлишди, чунки лой энди тиззагача чиқиб кетмасди.

Мана шунақа. Соат еттида йўлакдан «газикларнинг» гуриллагани эшитилади. Биз учаламиз чиқамиз.

— Кеч келаман,— дейди дадам.

— Антон, шўрва плитада, қуюқ овқат холодильник-да, газни ўчиришни унутма,— дейди ойим.

— Хайр, ореувар!— дейман мен икковларига.

«Газик»лар икки томонга қараб йўл олади, мен мактабга шошиламан, яна хаёлимни француз тили дарси банд қилади.

Москва ҳақида гап кетганда, ойим менинг у ёқда кўп нарса ўрганишим мумкинлиги тўғрисида гапирди. Масалан, французчани ўрганарканман.

— У ёқда махсус мактаблар бор,— дейди у,— унда ҳамма фанлар француз тилида ўтилади.

— Рус тилида ҳамми?— жўрттага сўрайман мен.

Ойимнинг жаҳли чиқади ва Анна Робертовна деган буви қўлида қунт билан шуғулланишимни талаб қилади. Жудаям ғалати — мактаб тўғрисида ҳафталаб оғиз очмайдилар-у, француз тили дарси ҳақида ипидан игнаси-гача — нималарни туслаганимиз, қайси сўзларни қандай талаффуз этганимиз ва Анна Робертовна менинг ютуқларим ҳақида нималар деганлиги ҳақида суриштиргани-суриштирган.

Анна Робертовна қишлоқда энг эътиборли одам. У бутун умрини шаҳарда ўтказган, Смоленск пединститутида француз тилидан дарс берган, пенсияга чиққач эса ўғли Гриша билан Сибирга келган. Болалар орқаваротдан «ла мадам» деб унинг жиғига тегишади, мен ҳам кўнглимда болаларга хайрихоҳлик қиламан. Анна Робертовна новча, барваста аёл бўлиб, оёқлари ингичка эди; кўкламги лойгарчиликларда юрганида кенг этикларни чапақ чалганга ўхшаш овоз чиқарарди. Худди икки-

та хўроз қанот қоқяпти деб ҳам ўйлайсиз. Бироқ Анна Робертовна бунга эътибор қилмас, бошини тик тутганча кумуш гардишли қалин кўзойнагидан атрофга мағрур боқарди.

Мен француз бувиникига ҳафтада уч марта қатнайман, «же парле, ву парле» турланишларини такрорлашларини эшитавериб, юрагим ёрилиб кетай дейди.— Ишдан қайтиб, сосиска чайнаётган ялтироқ бош инженер Гришага боқаман, унга жуда раҳмим келиб кетади: менга у бутун умр фақат сосиска ейдигандек туюлади, у сосискани хуш кўргани учун эмас, балки «сосиска» француз сўзи бўлганлиги учун еса керак, деб ўйлайман...

ҚАНДОҚ ЯШАЯПМИЗ УЗИ?

Э, гапни бошқа томонга буриб юборибман. Турмуш тарзимиз ҳақида сўз бошлаган эдим, Анна Робертовнада тўхталиб қолдим. Француз тили дарси ҳаёт деган сўз эмас, нима ҳам дердик. Ҳаёт — бу тамомила бошқа нарса.

Ҳаётни қиш десак, масалан, қишнинг ўртасида ажойиб, алоҳида қайд этиладиган кунлар акт кунлари бўлади. Календарда қизил кунлар борлиги ҳаммага маълум. Улар байрамлар ва дам олиш кунлари. Бизда, Сибирда эса, тағин бошқа шунақа алоҳида кунлар ҳам борки, улар қишда бўлади. Эрталаб барвақт туриб оласан-да, дарҳол радиони овози борича қўйиб қўясан. Бу етти яримга тўғри келади. Эрта ҳам эмас, кеч ҳам эмас. Яхши биламанки, соат етти яримда қишлоқдаги барча болалар радио олдидан кетмай туради. Чунки ўша пайтда диктор об-ҳавонинг қандайлигини айтади. Минус қирқ даража деб эълон қилса, бу ҳеч нарса эмас. Биз қирқда ўқийверамиз. Қирқ даража совуқни ҳеч ким совуқ ҳисобламайди. Совуқ эллик даражага чиқиб кетганда эса!..

Буни нега «акт кунлари» дейилишини дадамдан сўраб олганман. Асл москвалик бўлгандан кейин Москвада ўқиган-да. У нима дейди денг, у ёқда ўттиз даражада мактабга боришмас экан. Ҳа-ҳа-ҳа! Ўттиз ҳам совуқ бўлибди-ю! Бу совуқни бизда писанд ҳам қилишмайди. Масалан, Кешка ўттиз даражали совуқда шарфини елкасига ташлаб томоқларини очиб, кўчада юраверади. Ўттиз даражали совуқ кунлариям клубимизда морожний сотишади, биз уни паққос тушираверамиз. Бироқ эллик даража бошқа гап!

Эллик даражали совуқда трактор гусеницаларини ташкил этувчи темир бўғинлар чирс-чирс чатнаб, узилиб кетади. Мен ўз кўзим билан кўрганман — Гриша кўрсатган, шунақа совуқда шестёрнага болгача билан бир урса, уваланиб кетган. Эллик даражани совуқ деса бўлади! Совуқ эллик даражага чиққан кунларни «қизил кунлар», «акт қилинган кунлар» деймиз.

Мен дадамдан нега «акт қилинган кун» дейишади, деб сўраб, билиб олдим. У «акт» сўзидан олинганлигини айтди. Одамлар йиғилишар экан-да, акт, яъни ҳужжат тузишиб, эллик даражали совуқда ишлаб бўлмаслигини, чунки темир бардош бера олмаслигини қайд этишаркан.

— Ишлаш сираям мумкин эмасми?— қайта сўрадим дадамдан.

— Мумкинку-я, бироқ темир дош беролмайди-да...— Дадам акт этилган кунлар ҳамма учун ҳам қувонч келтирмаслигини айтди.

Мен ажабланаман. Бунга ҳеч ақлим етмайди.

— Одамлар ишлашни хоҳлашади, билдингми?— дейди дадам.— План қолиб кетади!

Йўқ, менинг ақлим етмайди. Шунақанги совуқда кимнинг ҳам ишлагиси келади? Дадам хона бўйлаб юра бошлайди, жиғибийрон бўлади.

— Биз учун, гидростанция қўрувчилар учун,— дейди

у,— қиш энг қулай пайт. Дарёнинг суви тингандек бўлади, ҳамма гап мана шунда. Муз —биз учун қуруқлик. Бемалол ишлаш мумкин.

Чиндан ҳам тўғри-да: қиш бизда энг яхши пайт. Қишда бемалол енгил нафас оласан. Тепаликлардан чанғи отамиз, агарда баландга чиқиб олиб атрофга қарасанг, узоқдаги тўғон деворини, кўплаб кўтарма кранларни ҳамда юзини муз пардаси қоплаган қорамтир ёйилмани, кўкка кўтарилиб турган совуқ ҳовурларни кўрасан.


Бу қурилиш. Бу биз қураётган ГЭСимиз майдони.

Нима учун мен «бизники» деб тилга оляпман? Ахир мен ишламайман-ку. Ўзим ҳали ўқувчиман. Бироқ ҳамма болаларимиз ҳали ўқувчи бўлишсаям, яъни ишлашмасаларам, шундай деб гапиришади-да, ўқитувчиларимиз ҳам гарчи улар бизларга дарс бериш билан бўлиб, қурилишда ишлашмаётган бўлишсаям шундай дейишади. Магазин сотувчилари ҳам, қишлоқ клубидаги киномеханик Андрей ҳам, морожнийчи Зинаида Ивановна ҳам, хуллас, қишлоқда яшовчиларнинг барчаси шундай дейишади. Ҳатто Анна Робертовна ҳам қурилишни «бизники» деб атайди.

Ёзда қурилишни бошқа жойдан ҳам кузатиш мумкин. Кешка билан ёзда кедр ёнғоғи теришга борган эдик — унинг бобоси Иннокентий Евлампиевич ишдан жавоб олиб, ёғоч таёқ йўнди-да, бир ҳафтага тайга томон йўл олдик. Кешканинг бобоси кедрларни ёғоч билан қоқади, биз эса тўкилган ёнғоқларни терардик. Қайтаётиб тоғ чўққисига кўтарилдик. Нақ оёғимиз остида тикка жарлик бўлиб, нариги томонида эса дарёни иккига бўлган тўғон ястанган, унинг пойидаги одамлар худди чумолига ўхшаб кўринишарди. Мен ҳеч қачон қурилишимизни бунчалик баланддан, шунчалар яқиндан кўрмаган эдим. Қўрқувдан юрагим орқамга тортиб кетди, томоғимга бир нарсa тикилгандек бўлди. Нега бундай бўлдийкин?

Билмайман. Аввал ҳечам бунақа бўлмагандим. Лекин кейинроқ шунақа бўлди... Кейинроқ...

Шундай қилиб, мен сизларга ўзим ҳақимда, ойим, дадам, қишлоғимиз тўғрисида, этик билан лой кечганларим ҳақида ҳикоя қилиб бераяпманку. Анна Робертовна билан «ву парле» ҳақида ҳар хил бўлмағур нарсалар тўғрисида сўзлаяпманку, аммо-лекин энг асосий нарса ҳақида гап бошлашга қўрқаман, бирам қўрқаманки... Ҳалиги, кейинроқ, юз берган воқеа ҳақида-да... Шошилишнинг нима кераги бор? Ке, борица гапиравераман, бир четдан барини эсга олавераман-да.



Иккинчи қисм

Бобом

БОБОМ ҚАНДАЙ ОДАМ ЭДИ

Қисқа қилиб айтсам, менинг бобом бор. Бобожоним. Ҳар кимнинг бобоси бор, баъзиларнинг ҳатто иккита бобоси бўлади: Мана Кешканинг иккита бобоси ва иккита бувиси бор. Ота-онасининг ота-онаси-да. Ахир ҳеч бир одам осмондан тушмайди: ҳар бир инсон — давомчи. Табиатшуносликдан кирадиган ўқитувчимиз бизга, табиатда ҳамма нарса ўз давомига эга, деб тушунтирган эди. Масалан; дарахт. Қайинларнинг баҳордаги гул-попуқлари тукли, майда-майда уруғларга айланадилар,

шамол уларни кифтига олганча далаларга, ўтлоқларга, тайга бағрига сочиб юборади, уруғлар ерга тушиб, янги қайинлар ўсиб чиқади, баҳорда эса улар ҳам гулпопук бойлайдилар, ёзга бориб, улар уруғга айланади, улар ҳам митти парракчалар сингари ҳавода ўйнаб йироқ-йироқларга йўл оладилар. Бу митти парракчаларнинг ҳам ота-онаси, бобоси, бувиси бор: булар кекса қайинлардир. Одамларда ҳам худди шунақа бўлади.

Менда ҳам шунақа.

Фақат менинг биттагина бобом бор — дадамнинг дадаси. Боғчага қатнайдиغان чоғимда менинг ҳам бувим бор эдилар. Лекин ўлиб қолганлар. Ойимнинг йиғлаганлари, дадамнинг шоша-пиша, қўллари титраб чамадонга у-бу нарсаларни жойлаганлари, кейин қўлимдан етаклаб мени Қешкаларнинг уйига олиб бориб қўйиб, ўзлари Москвага, дафн маросимига учиб кетганлари ҳали-ҳали эсимда.

Бобом ёлғиз қолди. Дадам бизникига келиб яшайверинг, деб хат ёзди, бироқ бобом ҳозирча бундай қилолмайман, ҳаққим йўқ, деб унамадилар. Бобом ҳарбий киши эди. Генерал ҳам бўлгандирлар, балки армияга ҳам қўмондонлик қилгандирлар. Мен боғчадалигимда шундай деб ўйлардим, ҳозир эса, катта бўлиб, бобомнинг армияда ҳамон хизмат қилишларини, Москвада туришларини, истеъфога чиқиб, бизникига келишга ваъда берганликларини аниқ билиб олдим.

Мен бобомни бир марта ҳам кўрган эмасман.

Елгон бўлмасин, бир ёшгаям тўлмаганимда кўрган эканман. Ушанда бувимни ҳам кўрганман. Уз-ўздан маълумки, эслаб қололмаганман. Ойим билан дадам Москвага атайлаб мени бувим билан бобомга кўрсатиш учун олиб борганлар. Кимга ўхшайди бу ўзи, қанақайкин, бу болақай, деб эслари кетиб, ўша пайтда аниқлашолмапти-ю, лекин Антон деб исм қўйишипти. Бобомнинг исмини беришипти. Дадам мени баъзи пайтларда

Антон Икки деб чақирарди. Бу менга ёқарди. Қачонлардир Карл Ун иккинчи деган қирёл ҳам ўтган, мен-ку, Антон Иккинчиман. Бу ҳам ёмон эмас.

Бобом Москвада яшаганлар, бизлар эса — Сибирда, лекин доим бир-биримизни ўйлардик. Мен бобомнинг бизни ўйлаётганлигини, ўйламаса туролмаслигини билардим. Дадам унинг ёлғиз ўғли, мен эса ёлғиз неварасиман. Менинг ҳам биттаю битта бобом шу киши бўлганлиги сабабли ҳар оқшом биз улар ҳақида гаплашиб ўтирардик.

Бобом портрети кенг хонамиздаги дадамнинг столи тепасида осилди туради. Бобом унда жуда ёш, эгнидаги гимнастёркада ёқаларининг бурчакларида кўндаланг чизиклар ялтирайди, бобомнинг кўзлари ҳам камар тўқасидаги беш қиррали юлдуздек ярақлаб турарди. Суратда бобомнинг ўзи ёлғиз эмасди. Сочи қалин бир қиз бобомнинг елкасига қўлини қўйиб турибди. Аввал шу қиз бувим эканлигига сираям ақлим бовар қилмади. Бобом-ку, ҳарбий бўлиши мумкин, лекин у-чи... Бобом билан бувим девордаги суратдан барчамизга боқиб турардилар. Улар суратга шундай тушган эдиларки, агар сен уйнинг нариги бурчагига бориб олсанг ҳам, сенга тикилиб туришарди. Гўё бизнинг қандай яшаётганлигимизни кузатиб туришгандек.

Биз ҳам тез-тез улар ҳақида гаплашиб турардик. Дадам ойиси — ўзининг ойиси — бобом билан доим, ҳамма ерда: қаерда хизмат қилишмасин — Узоқ Шарқдами, Кавказдами, Украинадами ё Мурманскдами — ҳаммиша бирга бўлганликларини сўзлаб берарди. Дадамнинг гапини тинглаган киши бобом ҳамма ерда хизмат қилган экан, деган фикрга келиш мумкин эди. Дадам ҳаммиша бу ҳақда гапирганида ойимдан кўз узмасди, уни ҳам шундай бўлишга даъват этаётгандек бўларди. Шундай пайтда ойим ҳам дадам ёнига келиб, худди ёш болани эркалагандек бошини силарди, сўнг елкасига қўлини қўйиб мендан сўрарди:

— Антошка, биз даданг иккимиз бобонг билан бу-
вингга ростданам ўхшаймиз, а?

Мен бир суратга, бир дадам билан оймга тикилиб
қарайман-да, тўғри, дегандек бош қимирлатаман.

МОСКВАДАН ХАТ

Мен бобомни тез-тез ўйлардим, уни жуда кўргим ке-
ларди. Бироқ бобом ҳали-вери хизматдан бўшай демас-
дилар. Отпускага ҳам келмасдилар. Эҳтимол, дадамга
ўхшаб отпускаи ҳам олмаслар.

Дадамнинг-кў, қачон қарасам, вақти зиқ. Қурилиш-
да ҳамини ишлар тигиз бўлади. Ҳеч бир нарса унинг-
сиз битмайди. Эндигина Москвага жўнашга тайёргар-
лик кўриб, чамадонларни тахт қила бошлаганимизда
дадам ишдан хомуш бўлиб келиб қолади. Уҳ тортади.
Қовоғини солади. Ойим унга жиддий назар ташлайди.
Индамайди. Нима ҳам бўларди, бу ҳатто менга ҳам аён.
Демак, дадам ўзлари айтгандек, «ишнинг қайноқ дав-
ри» бўлганлиги сабабли яна отпускаи чиқа олмайди.

Ойим анча вақт индамай туради-да, кейин менга қа-
раб дейди:

— Нима дейсан, Антошка, яна ўйнинг ўзида дам
оларканмиз-да...

Мен хўрсинаман — Москвага боришни орзу қила-
ман. Кейин ўйланиб қоламан. Тинчланаман. Масала
ойдин, уйда қолаверамиз, шу ерда ҳам чўмилиб, тобла-
ниш мумкин. Буюк Кўчманчини ташлаб кетармидик?
Ҳар қалай, дадам муовин — бош инженер ва қурилиш
бошлиғи отпускаи зўрлаб чиқаришсалар ҳам, ўзи ҳеч
қаёққа кетмайди.

Дадам шунақа одам.

Бобомлар-чи?

Менимча, дадам дадасига тортган бўлса керак.
Феъл-атворлари бир хил. Фақат ишни билишади, ишдан
бир дақиқа ажрала олишмайди.

Мен баъзан бобомнинг ишлари қанақа эканикин, деб ўйланиб қоламан. Уруш пайтида-ку — ўз-ўзидан равшан: ҳарбийлар жанг қилишади. Генераллар қўмондонлик қилишади. Қўшинларни отлантиришади, манёврлар ташкил этишади, мудофаага киришишади, аскарларни жангга кўтаришади. Аммо тинчлик пайтида-чи? Бобом бизга ҳамиша: «Ишларим чакки эмас», деб ёзарди. Қанақа ишни назарда тутаётганлиги ҳақида сўз очмасди.

Бобом ҳамиша кўнгилни кўтарадиган хатлар йўллайди. Фақат бувим ўлганларидан сўнг уч ойгача ҳеч нима ёзмади. Дадам билан ойим безовта бўлишди. Телеграмма жўнатишди. Отпускаи олиб келишини сўрашди. Бобомдан жавоб бўлмади. Аҳён-аҳёнда: «Ишларим жойида, хавотир қилманглар», деган телеграмма келарди, холос. Кейинчалик қувноқ хатлар ёза бошлади. У дам олиш кунни пляжга борганини ёки Москва йигитларининг соч олдирмай юришларини — узун соч қўйиш одат бўлганини ёзарди. Бобом бир қиздан соат неча бўлди, деб сўрапти. Ҳалиги қизнинг башарасига мундоқ қараса, суваракка ўхшаш мўйловини кўриб, қўрқиб кетипти. Шунақа гапларни ёзарди.

Дадам бобомнинг хатларини ўқиб бераркан, бизга шундай дерди:

— Ёлғизлик ёмон, унга қийин. Бу ёққа келишга кўндириш керак.

Биз стол атрофига йиғилиб бобомга хат ёза бошладик. Сибирь манзараларини тасвирлардик. Дарёميزни, тайгани, қишлоғимизни мақтардик. Уйимизга келишга ундардик.

Бобом бир хил жавоб ёзарди. Рапорт берганини, бироқ рад жавоби олганини айтарди. Ўзимиз Москвага боришга аҳд қилганимизни ёзиб қолсак, ҳозирча қабул қила олмаслигини айтиб узр сўрар, келмаганларнинг маъқул, дерди. Желасизлар-да, уйни ҳувиллатиб қайтиб кетасизлар, мен тагин бир ўзим қоламан. Яхшиси хиз-

матдан бўшагунимча сабр қилай, кейин сиз томон раво-на бўламан, дерди.

Бобомнинг хатини олиб дадам бош чайқайди, уҳ тор-тади, ойим ҳам хўрсинди, улар уҳ тортганини кўриб, мен ҳам чуқур хўрсиниб қўяман. Мен ўша пайтда бобомнинг худди кинодаги Чапаевни ўйлагандек ўйлардим. Бобом мен учун бамисоли асар қаҳрамони эди. Синфимизда «Мен севган қаҳрамон» деган мавзуда иншо бўлганди. Ушанда мен кинода ўн мартача кўрган Чапаев ҳақида ёзгандим. Энди эса бобом ҳақида ҳам иншо ёзишим мумкин. Нақ «беш»га! Танимаган одамнинг ҳақида ёзишдан осони йўқ. Менинг бобом генерал-ку, ахир. Ма-на, марҳамат: унинг фашистларни қандай қиргани ҳа-қида ёзиш мумкин. Бобом тўпи билан Берлинни қандай аниқ нишонга олганлигини ҳам тасвирлаш мумкин ахир, бобом артиллерист бўлган-да. Ёки унинг граж-данлар уруши даврида қўлига қилич олиб қора дулдул отда қандай жанг қилганликларини ҳикоя қилиш мум-кин... Бобом гражданлар урушида қатнашган бўлса ни-ма қипти. Унинг нима аҳамияти бор? Иншода ҳамма нарсани бичиб-тўқиб ёзиш мумкин, шунинг учун ҳам ўз номи билан иншо-да:

«Тўқимоқ» маъносини билдиради.

ЛАРЗАГА СОЛГАН ХАБАР

Хуллас, бобом бизга кўнгилни кўтарувчи хатлар йўллаб турдилар, дадам билан ойим ҳам шундай жавоб қайтардилар: Қандай яшаётганлигимиз, электростанция-ни қандай бунёд этаётганимиз, хуллас, турмушимизнинг яхшилигию хушчақчақлигимиз ҳақида рапорт берардик. Мен бир кун эмас бир кун бобом бизникига келади деб қаттиқ ишониб юрардим. Лекин ростини айтсам, секин-аста бу фикримга ишонч йўқота бошладим. Ҳаммаси-дан ёмони — бобомнинг бор-йўқлигига ишонмай қўй-дим.

Мана, худди ҳозир бўлганидек эсимда:

Француз тилидан дарс тайёрлаб, Анна Робертовнани кидан келаётган эдим. Муаллима менга қўлимдан келганча француз тилида гапиришни уқдирди. «Кутилмаганда,— дейди у,— қишлоғимизга французлар келиб қолиши мумкин, делегатлар группаси деяйлик. Ё бўлмаса сен Францияга бориб қолдинг. Шунда сен ўзинг ҳақингда гапириб беришинг керак-ку. Қани, гапириб кўрчи!»

Мен тутилиб-қоқилиб гапира бошладим: «Ж'обитадан Сибирь». Бу, мен Сибирда яшайман, деганим. «Мон пэр инженер». «Менинг дадам — инженер». Ва ҳоказо. Мен ўшанда Анна Робертовнадан «бобо»нинг французчаси қандай бўлишини ҳам сўраган эдим. «Гран-пэр», деганди. Сўзма-сўз таржимаси «катта ота» экан. Ғалати. Кулиб юбордим.

— Бобонгни генерал дейишадими?— сўради Анна Робертовна.

— Ага,— дея жавоб бердим.

— Рус тилида «ага» деган сўз йўқ,— уқтирди Анна Робертовна,— «ага — оға» деб татарлар бойни, хўжайинни айтишади. Агар тарбия кўрган инсон бўламан десанг, ҳеч қачон «ага...», деб жавоб қайтармагин, «уй яъни ҳа» дегин! «Пардон», «лаббай», деб айтгин.

Оббо, Анна Робертовнаси тушмагур-ей! Ойим айтгандилар-а, революциядан аввал номи ғалати институтда ўқиган деб. Хур қизлар институтими? Шуям институт бўлди-ю — ғирт майнавозчилик! Мени ҳам ўшаларга ўхшатиб тарбияламоқчи бўляпти. Баҳслашиб ўтиришни эп кўрмадим.

— Уй,— дедим мен,— менинг бобом генерал.

— Француз армиясида,— деди Анна Робертовна қошларини чимириб,— агар офицер мартабаси ўзиникидан пастларга мурожаат қилса, махсус ибора ишлатади: «Ҳа» ёки «йўқ» деб эмас, балки «менинг лейтенантим!»,

«менинг капитаним!», «менинг генералим!» деб мурожаат қилади.

Анна Робертовна ниманидир ўйлаб, хаёлга толганди, мен эса француз тилида «менинг генералим» қандай айтилишини ўйлаб, индамасдим. Мон — менинг, буни билардим; бироқ генерал сўзи қандай айтилади?

— Мон женераль, — деди хаёлга толиб Анна Робертовна. — Мон женераль! Оҳ, қандай зўр жаранглайди!

Шундай қилиб, мен ўша кунни уйга келиб плитадаги шўрвани иситдим, совуқ котлетларни еб турувдим ҳамки, қўнғироқ жаранглаб қолди. Узоқ, чўзиб-чўзиб жаранглади. Яна Кешка бўлса керак, деб хунобим ошди. Кундалигига уй вазифасини ёзишни унутган, энди келиб телбаларча қўнғироқ қиляпти — дқим шунақа қилади. Ошхонадан турибоқ бақирдим:

— Бас қил! Жигингни эзиб қўяман!

Эшикни очсам, остонада дадам турибди. Мен дадамни ҳеч қачон бундай аҳволда кўрган эмасдим. Шарфи пальтосидан чиқиб қолган, шапкаси кўзигача тушган, тушиб кетай-тушиб кетай дейди, кўзлари чақнайди, зинадан югуриб чиққан бўлса керак — нафаси тикилиб ўпкаси тўлиб кетган: кўриниб турибдики, ҳозир бетондан бошқа нарса ҳақида ўйляпти. Нима ҳақида экан?

— Ойинг қаерда? — қичқирди дадам.

Мен елкамни қисдим. Ғалати савол! Ишда-да.

Дадам мени ёнбошлаб сузиб ўтди-да, лоё этиклари билан гиламни босиб бориб, телефонга ёпишди — энди ойимдан ўлади!

— Станция! — қичқирди у. — Станция! Район билан уланг!

Сўнгра худди энди кўраётгандек менга кўз қирини ташлади-да, гўё мен кардек буйруғини бешинчи марта қайтараётган каби қичқирди:

— Кийин! Тез бўл! Бобонг келяпти! Ҳозиргина қўнғироқ қилди!

ОЙИМ. МАШИНА РУЛИДА

Машина ҳайдаб бораётган ойим, руль чамбарагини, тезликни алмаштирувчи ричагни моҳирона ишга соларкан тинмай жаврайди:

— Вой худойим-ей, шунақа ҳам бўладими? Шарманда бўлдим! Кўзим тўрт бўлиб кутсам-у, уйда ҳеч вақо бўлмаса! Лоақал чучвара тугиб қўйганимдаям майли эди!..

Ойимнинг ўтиришини кўрсангиз эди: бошида келишган беретка, бўйнида чиройли шарф, лаблари бўялган, ўзи эса руль чамбарагини учар шофёрлардек бошқариб бормоқда.

Шаҳарнинг аэропорт жойлашган ерига олиб борадиган йўл ўнқир-чўнқир, ҳар жой-ҳар жойда бўтана сувлар ҳалқоб бўлиб ётар, кўлмаклар учрар эди. Ойимнинг «газиги» баландга кўтарилишларда ўкирар, ўнқир-чўнқирларда дадам иккимизни силкиб ташлар, лекин биз буткул ойимнинг ихтиёрида бўлганлигимиз учун миқ этмасдик. Об-ҳаво бугун худди аксига олгандек айниган: шамол ойнага ёмғирни ҳовучлаб урар, серҳаракат «фаррош» тозалашга улгура олмас, кўчалару атрофдаги дарахтлар ёмғир қўйнида айқаш-чалкаш кўринар, лекин ойим пинагини бузмай юқори тезликда елиб борарди. Қойил-э, ойижон!

— Кўряпсанми, Бахтсиз Дарбадар, кўчаларинг аҳволини! Шунақа об-ҳавода бирор киши оғриб қолсами, вертолёт ҳам чақира олмайсан! Бу йўлларингда беморнинг шўри қурийди-да! Ҳафтафаҳмлар!

Дадам ойимнинг дашномларига жавоб қайтармас, миқ этмасди. Авзоидан хуноби: ошиб бораётгани сезилиб турипти. Гарчи ёмғир ва лойдан бўлак ҳеч нарча кўринмаса-да, нигоҳини олдинга қадаганди.

— Аэропорт қабул қилмаса керак?— сўрайди у ойимдан,— унда нима қиламиз? Қайтамизми?

— «Қайтамиз»?!— фиғон бўлиб дейди ойим.— Шун-

ча интизор бўлиб, шунча шиддат билан югуриб-елиб келамизу қайтамизми! Кутамиз!

Кутиш керак! Аэропортда кутиш керак дейишди. Метереологик сабабларга кўра самолётнинг келиши кечиктирилипти.

Дадам самолётлар ҳақида маълумот берадиган дарчадан узоқлашаркан, елкасини қисади. Авзойи паришон.

— Ғала-ғовурда,— дейди у,— батафсил сўрай олмадим. Уни ҳарбий учувчилар опкеб ташлармиш. Дўстларини. Биз фақат хотиржамгина кутиб ўтиришимиз керак экан. Э, қаёқда, хотиржам кутиб бўларканми? Ойим ўрнидан ирғиб туриб, қаёққадир ғойиб бўлиб кетди-да, қайтиб келгач:

— Ана шунақа, ҳамма самолётлар учолмай жойида турибди, бизники эса кўнишга шайланаяпти. Ҳарбий транспорт самолёти,— дедилар.

Биз чиқиш йўлагига югурдик, юрагим така-пука. Ахир, бобомни кўрган эмасман-да! Тўғрироғи — эсимда қолган эмас. Чақалоқлигимдагиси бари бир кўрган ҳисобига кирмайди. Мана ҳозир у ўзининг транспорт самолётидан генераллик формасида, қатор-қатор орденлари билан чиқиб келади, ҳамманинг кўзи бизда бўлади.

Атрофга боқаман. Аэропорт кичкина, тор, гавжум эди, самолёт учмайдиган ҳаво бўлганлиги учун кутиш зали одамларга тўлиб кетганди, биз эса ҳозир оломон ва той-той юклар орасидан ўтиб боришимиз керак. Ана у ерда найсимон пирожний ёб турган, қийиқ кўз, айёро-на боқувчи эвенк болалари, анави ерда ўнлаб тасмали сафар этик кийиб олган бир гуруҳ геологлар туришипти. Бошқа ерда эса — қопчиқ кўтарган солдатлар, уларнинг погонлари йўқ, биламан, улар армиядан бўшаб бизга ишга келишмоқда, машина келишини пойлаб туришипти. Самолёт гуриллашидан ойналар зириллаб кетди, одамлар ҳам, ҳаво яхшиланипти, деб ўйлаб, жонланиб қолишди. Йўқ, ҳаво ҳали яхшиланмаган. Менинг бобом учиб келганидан дарак бу.

Ажойиб самолёт. Қанотлари орқа томонига жойлашган, ўзи келишган самолёт.

Биз кўлмаклар устида чопиб ниҳоят бобомни олиб келган ҳайратомуз ҳарбий самолёт томон югурдик, мен очиқ эшикка тикилганимча мана ҳозир, бир секунддан кейин остонада бобомнинг пайдо бўлишини илҳақлик билан кутардим.

Ойим билан дадамни қувиб ўтиб, бор кучим билан югурарканман, бизга орқа ўгириб омонат нарвондан тушиб келаётган учувчи шлёмидаги эркакка кўзим тушди. Мен яна тезлигимни ошириб, жигарранг пальто ва шапка кийган паст бўйли чол олдидан физиллаб ўтиб кетдим. Чол менга нимадир дегандек бўлди, шекилли, бироқ ҳозир унга қарашгайм вақтим йўқ эди, артиллеристларга бунақа шлёмнинг нима кераги бор экан, дея ўйлаганимча, учувчи шлёмидаги киши томон отилдим. Оғзим қулоғимда. Унга яқинлашиб жилмайганча дедим:

— Мон женераль!

У киши менга ўгирилади, мен тишлари ярақлаган, чеҳраси ёшгина йигитни кўрдим.

— Сенинг женералинг ҳув ана!— деди у қўли билан ишбара қилиб.

Мен саросималаниб жилмайдим-да, самолёт яқинида дадам билан ойимнинг боя мен ёнидан физиллаб ўтиб кетган чолни галма-гал қучоқлаб кўришаётганларига кўзим тушди.

—Қанақасига у генерал бўларкан?— дедим мен бўшашиб.

— Генерал бўлганда қандоқки!— дейди учувчи менинг елкамга қоқаркан.

Мен ойим билан дадам томон ҳамда менга боя нимадир деган чол томон юрдим.

Нима бўлаётганига ўзим ҳам тушунмаган ҳолда секин одимлардим, наҳотки адашган бўлсам, нега у кокарда тақилган генерал фуражқасию заржиякли шинелини киймаган, жигарранг пальто билан шапкада ке-

липти? Мен борарканман, ойим билан дадам чолни қучганча менга қарашарди, чол ҳам менга қарайди, мен билинар-билинемас қадамимни тезлаштириб, сўнг унга тўмон югурдим-да, тамақи ҳиди ўтириб қолган муздек пальтосига юзимни босдим.

— Танимади!— дейди бобом.— Алам қилади-да, танимаяпти-я!

Биз аэровокзалга қайтиб кирдик, оломон орасидан ўтиб борарканмиз, бизга ҳеч-ким эътибор қилмасди.

Хизматдан бўшаган солдатлар одатга кўра қотиб туриш ўрнига унга беҳурматлик билан орқа ўгириб олишганди, улар гарчи мажбур бўлмасалар ҳам менинг генералимга бунақа беҳурмат бўлишлари менинг иззат нафсимга тегди!



Учинчи қисм

Истеъфо

БОБОМ ҚАНАҚА ЭДИ УЗИ

Мана энди бобом билан ёнма-ён ўтирибман-у, унга тикиламан. Эгнида парадга кийиб чиқадиган мундир — ўзим зўрлаб кийдирганман. Ҳар битта погонларида иккитадан юлдуз. Кўкраклари тўла орден — санаб адо қилолмайсиз, жудаям кўп-э!

Бобомнинг ажин босган юзлари чолларникига ўхшайди, бошидаги сийрак майин сочлари силлиқ таралган. Дадамнинг столи устида турган фотосуратдаги бо-

бомга асло ўхшамайди, чақир мўйлабларини қириб ташлаган. Ёлғиз кўзлари қолган, жудаям ўхшаб турипти. Порлаб кулиб туради. Ўзи ҳам кулгани-кулган, мени эркалаб ҳазиллашгани-ҳазиллашган:

— Бу қанақаси!— Нима бўлди сенга! Бобонгни танимасдан ёнимдан пилдираб ўтиб кетдинг-а!

Мен елкамни қисаман. Мана шу тўкин дастурхон устида қанчадан бери ўтирибмизу ноқулай аҳволда қолиб, ўзимни қаёққа қўйишни билмайман. Ҳақиқатан ҳам жаллаварамман-да. Ўзимни тутиб олдим.

Бобом сочларимни тўзғитиб, юпатиб дейди:

— Хўш, ўзим ҳам сени кўчада учратиб қолганимда танимасдим-да.

Бобомнинг товушлари йўғон, гумбурлаб чиқади, баланд. Гапирганида қандилларимизнинг осилчоқлари жангиллаб кетади, уйимиз тўлиб кетгандек бўлади.

— Овозим урушда шунақа дўрилдоқ бўлиб қолган,— дейди бобомлар,— кўп бақиршига тўғри келарди, билдингми? Телефонда гаплашсанг ҳам, тўп олдида сўзлашсанг ҳам гумбур-гумбурнинг зўридан бақирмай иложинг йўқ. Артиллерияда товуш жуда керак-да...

Бобом ҳаводан симириб, юзларини қип-қизартириб:

— О-о-о-оггонь!— деса борми, уйимиз худди дув тўкилиб кетаётгандек бўлади.

Қўққисдан айтилган бу гапни эшитиб, онам рангларини қув ўчиб, қўрқиб кетади. Дадам бўлса хахолаб кулади. Бобомнинг товуши шунақа зўр! Ўзим ҳам куламан, бобомга тақлидан:

— Огггонь!— деб бақириб кўраман.

Лекин қаёқда, менинг овозим чийиллаб, секин чиқади. Ярим кечада нега бақирасиз, дегандек қилиб оғимнинг жаҳллари чиқади, бобом бўлса юпатиб дейди:

— Ольга! Бир марта бақирдим-да. Набирамга шоншавкатимни кўрсатиб қўйиш ҳам керак-ку, ахир. Билиб қўйгани яхши, бўлмаса аэродромда мени танимай

ёнимдан пилдираб ўтиб кетармиди, мана ҳозир ҳам яккам-дуккам сочларимга, буришган лунжларимга тикилиб, шу ҳам генерал бўптими, деб ўйлаётгандир-да! Яхшиям манави юлдузларим бор экан.

Бобом менга рўбарў ўтириб тикилиб қолди, қизариб кетаётганимни ўзим сезиб турибман. Унчалик деб ўйламовдим-ку, лекин ҳар қалай шу гап кўнлимга бир келувди.

— Лекин сен,— дейди бобом,— бобомда қуруқ товушдан бошқа нарса йўқакан-да, деб ўйлама тагин. Яхшигина мерганман ҳам.

— Милтиқ отасизми? — сўрадим қувониб кетиб.

— Қарабинданам, пистолетданам, автоматданам яхши отаман.

— Мениям отишга ўргатасизми?— сўрадим.

— Агар қурол топсак, ўргатаман. Ер ҳайдашним биламан. Бир оз дурадгорчиликданам хабарим бор. Сузишни биламан. Ўзинг нимани биласан?

Мен бошимни сарак-сарак қилдим. Бизнинг анҳорда сузишни ўрганиб бўлсан — суви айқириб оқади, кейин жудаям совуқ: шўнғийсану чиқасан.

— Сенлар ҳам бамисоли куркулдаксанлар — дарё бўйида туриб сузишни билмайсанлар. Армияда менинг қўлимга тушган сибирлик йигитларнинг ҳаммаси нуқул ўтмас болтага ўхшаб нўноқ бўларди-я.

— Қанақа болта?— сўрадим мен.

— Болтанинг қанақиб сузишини биласанми ўзинг?

Мен куламан. Болта жуда зўр сузади-да, тўппа-тўғри шилт этиб тушадию сув тагига ғойиб бўлади-қўяди.

— Ўргатасизми?— сўрайман мен.

— Ҳаммасини ўргатаман,— дейди-да, яна сочларимни буйдалайди.— Ўзим билган ҳамма нарсага ўргатаман. Ростини айтсам, ўзим асли вяткаликман-да! Вяткалик баҳодир — ҳар ишга қодир. Эшитганмисан? Эттитаси бир кишидан қўрқмайди!

— Хўш, вяткалик баҳодир!— дадам бобомга муро-

жаат қилиб дейди.— Қани энди, ростини айтинг-чи,— нега истеъфога чиқариб юборишди? Узингизга қолсаю асло чиқмасдингиз-а, мен биламан-ку ахир.

— Нега? Нима учун?— ғўлдираб дейди бобом. Урнидан секин туриб, дадамга ўхшаб хонанинг у бошидан-бу бошига бориб келаверади. Бу савол уларга ҳечам ёқмайди.— Бўлди-да энди, жудаям жонга тегди-ку. Тўққиз юз бешинчида туғилдим — бу бир, йигирма учинчида армияга олишди. Мана шундан ҳисоблайвер, армияда хизмат қилганимга элликдан ошибди. Етар энди, дейман? Ёшлар ўсиб келишаяпти. Уларга жой бўшатиш лозим.

— Хўш, мен сизга айтсам, ўртоқ генерал-лейтенант,— дейди дадам салмоқлаб,— сизни соғлигингиз туфайли истеъфога чиқаришган, юрагингиз важидан-а, буни мен биламан, мана сиз энди ниҳоят бу ерда, бизникида дамингизни олиб ётаверинг. Худога шукур, хизматингизни қилиб қўйдингиз, етар!

— Ие, бу қанақаси, ўртоқ запасдаги лейтенант, унвони юқориларга ўргатишни сизга ким қўйипти?— сўрайди бобом.

Бобом хонанинг бурчагида тўхтади — жуссаси мўъжазгина, кўзлари қоп-қора. Биттамизгаям ўхшамайди. Қошлари қоп-қора, сермўй — чимирилиб туради. Кўзлари ҳам қоп-қора. Важоҳатидан ҳозир дадамга: «Смирно!» деб қичқирадигандек.

Лекин бобом мундирини ҳорғин равишда ечиб, стулга қўяди-да, секингина диваннинг четига омонат ўтиради.

— Дам олсак оламиз-да,— дейди эшитилар-эшитилмас.

БОБОМНИНГ ИСТЕЪФОГА ЧИҚҚАНИ

Эрталабдан ҳамма негадир ғимирлаб қолади. Жўнаш вақти етган, дераза олдида «газик»лар шай бўлиб пойлаб туришипти, баримиз кийиниб бўлганмиз, шунда

пальтоси билан телпагини кийиб олган дадам бирдан хонанинг у ёғидан-бу ёғига зир югуради, телепрограмма чиққан шанба кунлик газетани қидиради.

Аввалига мен ҳеч нимани тушунолмадим. Дадам ниҳоят газетани голибона силкиб, қизил қалам билан аллақандай сатрлар остига чизиб чиқади-да, телевизоримизни қандай ишлатишни тушунтиради, сўнг онам алланималарни излаб кетади. Китоб жавонини титиб, даста-даста китобларни оларкан, бобомдан қанақа китобларни ёқтиришини, фантастиками, саргузашт, олдиқочдиларми, тарихий романларми — қайсиларини суйиб ўқишларини сўрайди.

Битта мен остонада бекор турипман. Бу ташвишларнинг боиси менга энди равшан бўлди. Шундай қилишгани ҳам тўғри-да, албатта. Бобом зерикиб қолсинми. Умрбўйи ишлаб-ишлаб, урушларда жанг қилиб келган одамга бирдан «ҳе» йўқ, «бе» йўқ, мана сенга, «ҳал ўтир!» дейишса, яхшими ахир? Иш-пиш қилмай, жимгина ўтир, дейишса. Мен ҳам ўйлаб-ўйлаб, фикримни жамлаб, бобомга ёқадиган бирор ишни топмоқчи бўлдим лекин калламга ҳеч вақо келавермади. Бобомга росаям ҳавасим келиб кетди. Қани энди унинг ўрнида мен бўлиб қолсам! Ҳеч қандай узрли сабаб деб ўтирмай мактабга бормасам. Бобомга ўхшаб уйда қолиб, хоҳлаганингни қилсанг. Мен хўрсиниб, бобомга бош иргийман, бобомнинг хомушлигини сезаман. У илжаяди-ю, лекин ўзи шодон эмас-да: кўзлари кулмайди. Кўзлари алланечук жиддий бўлиб қолган. Ташвишли. Ғамгин.

— Яхши, яхши!— дейди дадам билан онамга.— Телевизорни албатта кўраман. Китобларниям сўзсиз ўқийман. Баҳузур бораверинглар! Яхши ишлаб келинглар. Ўқинглар.— Лекин бари бир чидаб туrolмади. Шахдамлик билан деди:— Мен умрим бино бўлиб бугун биринчи кун ишсиз қолишим...— Яна кулади.— Бир мириқиб ухлай!

Биз эшикни оҳиста ёпиб, чурқ этмай зинадан туша-

миз. Машина олдига келганимизда онам билан дадалар ташвишланиб бир-бирларига қарашди. Менга тикилишади.

— Юраги ачишяпти,— дейди дадам.

— Антошка,— хўрсиниб дейдилар онам,— сен мактабдан чиққанинг заҳотиёқ уйга югур, ҳеч қаерда тўхталиб қолиб ўтирма. Бобонглар билан бирга ўйна, сайр қил. Уларга посёлкамизни кўрсат. Қурилишним кўрсат. Ишқилиб, биз келгунча қараб тур.

«Газик»лар ҳар томонга жўнаб кетишади, мен мактабга жўнадим. Вазифани қаранг! Бобонгларга оталик қил эмиш. Бу айтишга осон. Қанақиб оталик қиламан-а?

Мактабда кун бўйи хаёл суриб юрдим. Кешка ҳатто бунга нима қилдйкин, деб роса гаранг бўлди. Мени касал бўлган деб ўйлапти. Лекин мен касал эмасдим. Энди нима қиламан, деб ўйлаганим-ўйлаган. Қанақиб оталик қилишим керак?

Муаллимамининг товуши узоқдан аллақадан «бу-бу-булаб...» келарди. Математика дарси тугагач, мени ҳатто диққат-эътибор бериб ўтирганим учун мақтаб ҳам қўйишди. Буни қаранг-а! Диққат-эътиборим учун мақташади-ю, аслида эса ўзим биттаям сўзни тингламагандим.

Бобомни овутиш учун бирон нарса ҳам ўйлаб тополмадим. Умуман олганда Гайдарнинг темурчиларига ўхшаб нон-пон, сут-пут олиб келгани магазинга бориш, ўтин ёриш, сув ташиш ҳам мумкин эди-я. Лекин ўтин ёришнинг ҳожати йўқ — ўйларимиз марказлашган тартибда иситилади, сув водопроводдан ўзи оқиб келади, нон билан сутни биров оталик қилмасаям ўзим олиб келавераман-ку.

Йўқ, ҳеч нима ўйлаб тополмадим. Лекин дарҳол уйга югурдим. Ахир бобом билан мундоқ тузуккина гаплашиб ҳам олмагандик-да. Ундан сўрайдиган нарсаларим бориди. Бир талай. Учиш ҳақида. Артиллерия тўғрисида. Ҳамма нарсани сўрагим келарди.

Зинага қадам қўйишим биланоқ хушбўй ҳид келаётганини сездим. Бобом эшикни очиши биланоқ димоғимга ана шу тотли хушбўй урилди.

Оғзимни очдим. Аслида оғзим ўз-ўзидан очилиб кетганди. Автоматик равишда.

Росаям зўр бўлди-да!

Бобом эски шим кийиб, почаларини шимариб олган, оёқларида калиш, буларни қай гўрдан топиб олди экан! Бошидаги даккам-дуккам сочлари тиккайиб-тиккайиб турарди. Бир қўлида латта. Ўзи бўлса қўрқиб кетганидан жилмаяди.

— Худога шукур!— хитоб қилди ҳарбийларни-га асло ўхшамайдиган товуш билан... Даданг билан ойнинг келиб қолишиптими, дебман!

Мен худди гипноз қилинган одамдек портфелимни қўйдим, ечиндим, хонани айланиб чиқдим. Ҳамма нарса ағдар-тўнтар бўлиб кетганди. Гилам думолоқлаб ўралганча ётарди. Диван жойидан қўзғатилган. Стуллар бир-бирларининг устига пирамида шаклида қалаштириб қўйилган.

Бобом латтани челақдаги сувга ботириб, энгашди — мен яна қойил қолдим. Полни тез, чаққон, усталик билан юварди. Гўё умрбўйи армияда қўмондонлик қилмагану фақат пол ювиб ўтгандай.

Секин-аста ўзимни босиб олдим. Аввалига жудаям жаҳлим чиқди. Онамга арз қиламан, демоқчи бўлдим: бобом бизни-кига пол ювиш учун ҳарбий учувчилар билан учиб келиптимики... Лекин кейин Кешкага қанақиб бу воқеани айтиб беришни тасаввур қилиб кўрдим. Бу чўпчагим учун Кешка мени росаям мазах қилишини ўйлаб, «пиқ» этиб кулиб қўйдим ўзим ҳам. Кейин кулиб юбордим. Сўнг хахолаб роса кулдим. Буни қаранг-а! Генерал пол ювармиш!

Бобом ишдан кўз узмай менга хўмрайиб қаради. Бирдан кулиб юборди. У ҳам хахолаб кулди.

— Қани, кел, сен ҳам,— деди менга,— ўзингга калиш топиб ол! Қўлингга латта ол!

Албатта, бошқа калиш топилмади, мен ялангоёқ, хўл полда шилп-шилп юриб, диванни сурдим, стулларни жой-жойига қўйдим, нимхуш латта билан мебелларни артиб чиқдим. Қароқчиларга ўхшатиб бошимни сочиқ билан танғиб олдим, бобомни ҳам шундай қилишга мажбур этдим. Икковимиз бир кўзли капитаннинг каютасини йиғиштираётган икки матросга, икки қароқчига ўхшардик. Мен хириллаб аллақандай фильмдаги шу сатрларни хиргойи қилардим:

Эҳ, биз қароқчи! Қароқчи! Қароқчи!

Оҳ, биз қароқчи! Қароқчи! Қароқчи!

Уҳ, биз қароқчи! Қароқчи! Қароқчи!

Бошқа сатрларини билмаганим учун шу гапларни қайтараверардим. Фақат хитоб сўзларини ўзгартириб: «Эҳ, оҳ, уҳ, их», деб олаверардим. Қўшиқ содда бўлганидан бобом ҳам менга жўр бўлди. Иккаламиз якнафас бўлиб қўшиғимиз жуда яхши чиқди:

Иҳ, биз қароқчи! Қароқчи! Қароқчи!

— Мунча ёқимли ҳид қаёқдан келаяпти? Нима у?— сўрадим мен ниҳоят.

Бобом ғалати қилиб энтикиб олди-да, хўл полда сирғана-сирғана ошхона томон чопиб қолди.

У ёқдан тарақ-туруқ, бобомнинг инграши эшитилди, мен ёрдамга отилдим, қаранг, яна оғзим ланг очилиб кетди. Автоматик равишда.

Газ духовкасидан енгил буғ ҳовури кўтарилиб турар, ошхона столининг ўртасидаги ликопда яхши қовурилган иштаҳани очадиган пирожкалар уйиб қўйилганди.

Ана бизнинг бобомиз! Ана, менинг генералим!

БОБОМНИНГ ОТАЛИҒИ

Ажаб, шунақаси ҳам бўларкан! Биз бобомга оталиқ қилиш ўрнига у киши бизга оталиқ қилаяпти.

Энди эрталаб уйдан тўрт кишилашиб чиқамиз. Онам

билан дадам машиналарига ўтиришади, мен билан бобом эса турли томонга равона бўламиз. Мен мактабга, у киши эса — магазинга.

Мен вақт-вақти билан тўхтаб, бобомнинг кўчада салмоқлаб одим отишларига, тўр халтадаги қатиқ шишаларининг ялт-юлт қилишига тикилиб қоламан.

Бобом ҳам ўгирилиб, менга қўлларини силкийди, унга раҳмим келиб, юрагим ачишади.

Йўқ, йўқ, мен у кишининг бу аҳволда юришларига рози эмасман!

Жанговар генерал, истеъфода бўлса ҳам, шишаларни кўтариб, магазинга бориб юриши ярашмайди-ку! Пол ювса. Пирожкалар пиширса.

Мен бир марта қилар деб ўйловдим. Ўзим ҳам учинчи синфда ўқиётганимда пол ювгандим. Саккизинчи март шарафига. Кейин нуқул ювгим келаверарди-ю, лекин ҳечам бўйним ёр бермасди. Ишларим кўпайиб, қўлим тегмасди... А бобом бўлса ҳар куни уй ишлари билан овора.

Бобомни кўп уришдик. Лекин бу койишларимиздан фойда чиқмади. Бобом бу ҳужумларимизни қайтариб турди. Бобом кулиб:

— Хўп, нима юмуш қилишимни буюрадилар? Бу уйларингда зерикиб ўламан-ку! Бунда истиқомат қилувчиларнинг ўртача ёши йигирма беш бўлса. Уят! Чолларингиз йўқ! Масалан, Москвада чоллар жуда кўп, ачиб ётипти! Тўртта-бешта бўлиб олишиб суҳбатлашишгани суҳбатлашишган, домино ўйнашгани-ўйнашган! Мен ҳам бирор нарса билан машғул бўлишим керак-да, ахир!— дерди.

Онамнинг фигони чиқади. Бобом ошхонада чекиш билан овора бўлганида онам дадамга шивирлайди:

— Энди нима қиламиз! Жуда номусга қолдик-ку! Генерал пол ювса! Гиламларни қоқиб берса!

— Сен полни шу генерал ювиб бераётганини хаёлингга ҳам келтирмагин,— маслаҳат берди дадам.

Лекин ойим ҳар қалай йўлини топди. Азонда секингина йиғиштириб чиқади. Беш яримда туриб, ими-жимида пол ювади, идиш-товоқларни пок-покиза қилади. Бизларни уйғотвормаслик учун оёқларининг учида юради. Бобом бу ҳийлани билиб қолди. Нонушта қилаётганимизда:

— Ольга, сен шу ишингни қўй!— деб қолди.

— Нима деяпсиз ўзи, Антон Петрович?— муғамбирона деди ойим.

— Антон Петрович, дейди яна! Мен сенга кўрсатиб қўяман ҳали!— деди бобом дўқ билан. Бари бир ойимдан кейин ҳам бобом полни ўзи юваверади.

Бир куни бобом иккинчи дапқир пирожка пиширганида ойим йиғлаб юборай деди.

— Антон Петрович!— қичқирди ойим хуноб бўлиб.— Бу нима қилганингиз, ахир? Нега мени ноқулай аҳволга, хижолатга қўяяпсиз?!

Бобом шиппакларини тапиллатиб онамнинг олдига келди. Қўлларида қип-қизариб пишган пирожка. Бир тишлам олишга мажбур этди. Ойим пирожкани чайнардан, бобом деди:

— Оленька, сен илғор кишимизсан, тўғрими? Ҳар қандай ирим-чиримларга парво қилма! Мен ҳали тирикман-ку, тўғрими? Ё мени музейга қўймоқчимисан? Буюк одамлар қаторига, а? Фалончи генерал... деб-а?— Бобом худди Наполеонга ўхшаб кўкракларига қўлларини қовуштирди-да, кулгили қилиб қошларини чимириб қўйди. Ўзи кулиб юборди.— Мунақа генераллар тўлиб ётипти.— Бирдан жаҳллари чиқиб кетди.— Бунақа гапларни тўхтатларинг!

Ойим бобомни маҳкам қучоқлаб олди. Мен бобомнинг орқасида турганим учун ойимнинг кўзларига ғилтиллаб ёш келганини кўрдим.

— Дадажон,— деди ойим, — қандай ажойиб одамсиз-а!

Бобом онамнинг елкаларини силарди.

— Хўп, бўпти,— деди,— ярашамиз. Келинлар, пирожкаларни еяйлик энди.

Бобом ёпган пирожкаларни еявердик. У киши сотиб олиб келган сутни ичавердик, ювган полда юравердик.

— Жуда ғалати одам экансанлар, ўзларинг ҳам?— деди бобом,— ўзларинг ишлайсанлар, ўқийсанлар, мени бўлса бир чеккада ўтиришимни истайсанлар-а? Шунинг учун келгим йўқ эди мен бу ерга! Тушундиларингми?

Ойим хўрсиниб қўйди. Таслим бўлди.

МАХФИЙ УСУЛ

Онам таслим бўлди, мен бўлсам қўшилмадим. Бобомнинг сўзларини эсладим. Қариялар ҳақидаги сўзларини. Бу ерда қариялар йўқ, деганди. «Нега?— ўйладим мен.— Француз аёли Анна Робертовна-чи?»

Мен пул тўплаб, клубга бордим-да, сотувчи Зинаида Ивановнадан олтига морожний сотиб олдим. Уларни махсус усул билан едим. Бу синалган усул бўлиб, яламай, тишлаб-тишлаб шундай ютилаверади. Менга бунинг сирини Кешка айтиб берганди. Аммо-лекин-бу усул биз томонда фақат баҳор билан кузда ишлатиларди. Тўғри, ёзда ҳам қўллаш мумкин, фақат кун роса исиган пайтларда. Қишда эса асло бундай емаймиз. Лекин қишда килолаб еганингда ҳам ҳеч нарса қилмайди. Кўчада ҳам, қорнингда ҳам совуқ бирдек бўлганлиги учун бўлса керак, деб ўйлайман. Чунки иссиқ-совуқ баравар келади-да. Кузда эса бошқа гап. Кўча совуқ ҳам, иссиқ ҳам бўлмайди. Ёмғир шивалаб, сарғимтир тупроқда пуфакчалар пайдо бўлаётганида Кешка ўйлаб топган бу усули жуда қўл келади.

Ҳозир айни куз. Мен Зинаида Ивановнадан тўққиз тийинлик морожнийдан олиб, тишлаб-тишлаб чайнамай ютавердим. Кечаси билан ҳеч нарса қилмадимикан, деб бошимни ушлаб кўраман. Йўқ соппа-соғман. Жуда алам қилди.

Мактабда ўзимнинг бахтсизлигим ҳақида Кешкага гапириб бердим.

Кешка — тажрибали, ҳаққий кержак. Мен, масалан, оддий сибирликман. Чунки Сибирда туғилганман. Кешка бўлса — кержак, демак, сибирликларнинг сибирлиги, унинг бутун авлоди — ота-онаси ҳам, бобосию бобоқолонлари ҳам доим тайгада яшашган. Тайгадаги ишлар билан шуғулланишган, ов қилишган, бужур теришган, тайга асалини олишган, балиқ тутишган, ёғоч оқизишган... Дарёни тўғон билан тўсишганда Кешканинг отаси қурилишга борган. Бобоси — Иннокентий Евлампиевич ҳам у билан бирга бўлган.

Кешка ҳам худди отасидек қисқа гапиришга одатланган. Дарсда жавоб бераётганида бекорчи сўзларни ишлатмайди. Шунинг учун ҳам математикадан доим «беш» олади-ю, тарих, география ёки адабиётга келганда қоқилади. Сўзлаш зарур-да. Бу фанларга келганда гапга чечан бўлиш керак. Мисоллар келтириш лозим. Кешка бўлса: «Колумб Американи 1492 йилда очган», — дейди-ю, жим тураверади. Унга сари ўқитувчи: бир чеккадан Колумб қандай сузгани, нималарни кўргани ҳақида гапир, дейди. Кешка эса оғирлигини у оёғидан-бу оёғига олиб, елкасини қисади-да, ҳаммасини айтдим-у, яна нимани гапираман дегандек, тураверади: Кейин:

— Ҳамма сингари сузган. Лекин у томонга эмас... — дейди.

— Ҳа-а,— хўрсинади ўқитувчи,— сендан-чи, Евсеев, битта гапни олиш учун ўзингни бамисоли пресс орасига қўйиб эзиш керак.

Кешка бунақа дарсларни ёқтирмайди. У доска олтидан ўрнига қайтаркан:

— Фактларни айтдим-у! Яна нима керак! — деб тўнғиллайди.

Лекин тарих ва география, адабиёт ва табиатшунослик фанлари бўйича нуқул фактларнинг ўзи камлик қи-

ларкан. Кешкани ўқитувчилар яхши билишмайди. Кешка шунақа болаки қўяверасиз. У нималарни билмайди, нималарга қурби етмайди, дейсиз. Бир дона гугурт донаси билан ҳатто ёмғир уриб турганида ҳам гулхан ёқа олади. Ахир бунақа иш ҳатто катталарнинг ҳам қўлидан келмайди. Тайгада юрганида қўлда компасиз дарахтларга қараб шимол қаёқда-ю, жануб қаёқдалигини дарров белгилаб беради. Маълум бўлишича, дарахтнинг шимол томонида йўсин ўсаркан. Эҳ, нимасини айтасиз! Кешка қўзиқоринларнинг конини билади, мевалар кўп ўсадиган жойларниям жуда яхши билади.

Бир кун у кичкина бир одамчанинг расмини ишлади. Ўзи малла. Қўли, оёғи узун, боши кал. Кешка менга бу аслида сираям одам эмас, балки одамга ўхшаш илдиз эканлигини айтди. У ҳаёт илдизи — женьшень деб аталаркан. Ундан қимматбаҳо дори ишланиб, ичган одам узоқ яшаркан. Бу илдиз қарияларнинг айтишича, Узоқ Шарқда ўсаркан-у, Сибирда ҳам учраркан. Фақат жуда кам бўларкан. Кешка яшил қалам билан барг ясади. У нақшли, тилим-тилим эди. Илдиз ер тагида ўсаркан, мана шунақа баргни топиб, тагига қаралса, женьшень бўларкан. Кейин Кешка мендан бу ҳақда чурқ этмайсан, деб қатъий сўзимни олди. Чунки у қандай қилиб бўлмасин женьшень топаман деган мақсадда юрган экан.

Мана Кешка шунақа. Ўқитувчилар бўлса уни қадрлашмайди. Уни тушунишмайди. Ҳечқиси йўқ, Кешка женьшенни топганидан кейин тушуниб олишади.

Хўш, Кешка яна қанақа бола?

Қорасоч, қорақош. Юзи катта, ёноқлари дурқун. Қўллари катта-катта. Кешка — синф чемпиони. Хоҳлаган кишисини тирсаги билан эзиб қўяди. Ёки панжалари билан шунақанги қисадики, кўзларингдан тирқираб ёш чиқиб кетади. Лекин Кешка кучим бор деб мағрурланмайди, бекорга кучини кўрсатмайди ҳам. Шунинг учун ҳам Кешкани жуда ҳурмат қиламан-да.

Лекин мен Кешкани ҳаммадан ҳам бамаъни маслаҳатлари учун ҳурматлайман. Менимча, у ҳамма нарсани билади. Мана ҳозир ҳам морожний ейиш ҳам ёрдам бермаганлиги ҳақида унга шикоят қилдим. Кешка ўйлаб туриб:

— Э, шуми... Яна бир йўли бор,— деди.

Кейин чидай олармикин, дегандек менга тикилиб қаради. Мен уни тирсагим билан туртиб:

— Айт, нима?— дедим.

— Хўп, майли,— деди Кешка.— Чойшабни олгин-да, совуқ сувга ботириб, ўралиб ол. Кейин то тишларинг тақиллагунча тур. Кўп турма, ўн минутча. Тушундингми?

Кечқурун иситмам ўттиз саккизга чиқди.

— Яхши,— дедим мен қувониб,— энди бобом билан шуғулланаман.

БИЗНИНГ СУҲБАТ

Эрта билан онам мени ётишга мажбур қилиб, дамбадам телефон қилиб туришга ваъда берди, бобом эса этигини кийиб, магазинга югурди.

«Энди бобомга менинг касалимни боқиш ётмай турувди», ўйладим мен.

Лекин нима қилиш керак? Санъат қурбонсиз бўлмайди.

Менга далда бериш учунми ёки биз кетгандан кейин бир ўзи қолганида доим шундай қиладимиз, ҳар қалай бобом қўшиқ айта бошлади. Магазиндан келди-ю, кастрюлькани тарақа-туруқ қилиб, сут қўйди-да, қўшиқ бошлади:

Буйруқ бўлди — йигит ғарбга!
Қиз эса бошқа ёққа!

Мен унга жўр бўлдим:

Комсомоллар жўнаб кетдилар
Гражданлар жангоҳларига!

Бобом кружкадаги қайноқ сутга сода солиб мени ичишга мажбур этди. Мен башарамни тириштириб, зўрға ичдим, терга ботгунимча у ўз таассуротини ҳикоя қилди.

— Посёлкаларинг ғалати-я,— дейди бобом.— Кундуз кунлари магазинларни беркитиб қўйса ҳам бўларкан. Қўчага чиқсам, посёлкада ўзим юргандекман.

У форточкани очди, папиросни лабига қистириб чекиб, тутунини тирқишдан пуфлаганича, посёлкамиз ҳақида ўйларди. Менинг хаёлим эса унда.

Бобом кулади.

— Генералларнинг иши жуда кўп. Худди уруш йўқдек кўринади киши кўзига. Аслида қаердадир уруш кетяпти. Урушаётган бошқалару лекин унинг бизга даҳли йўқ деб ўйлайсанми, бўтам? Айтайлик, кўз олдингда ўзингдан кичкина, нимжон болани ураётган бўлса-де, сен бир чеккада бефарқ қараб турармидинг?

Мен «йўқ» дегандек калламни лиқиллатдим. Албатта, қараб туриб бўлмайди-да.

— Сизнинг урушда қўрққан вақтингиз бўлганми?

— Бўлган. Урушда командирга нисбатан солдатга хавфлироқ. Командир кузатув пунктида ёки штабда туриб қўмондонлик қилади, солдат эса ўқ ёмғири остида бўлади. Шундай экан, командир урушда қўрқишга мажбур. Ўзи учун эмас, унинг буйруғи билан жанг қилаётган солдат учун қўрқади.

— Генерал бўлиш яхшими?— сўрадим мен.

Бобом менга зимдан қараб чиқди. Чурқ этмади, хаёлга чўмди.

— Албатта кўчада кетаётганингда елкангда юлдузлар ярақлаб турса, қандай яхши! Солдатлар салом бериб ўтишади. Одамлар ўгирилиб қараб қолишади. Лекин буларнинг ҳаммаси шунчаки бир гап. Бундан чарчаганинг қолади, холос.

— Галингизга қараганда, генерал бўлишнинг сира аҳамияти йўқ экан-да!— дедим мен.

— Аҳамияти бор,— деди у жиддий.— Бу масъулиятли иш. Мана сен фақат ўзингга, ўз баҳойинг, ўз хулқингга жавоб берасан. Командир эса одамлар учун, уларнинг уқуви, уларнинг жангдаги маҳорати учун жавобгар. Яна уларнинг қорни тўқ бўлиши учун ҳам, кийими-бут бўлиши учун ҳам, кайфияти яхши бўлиши учун ҳам — ҳамма-ҳаммаси учун жавоб беради. Бу осон эмас.

Ойим қўнғироқ қилиб, менинг соғлиғимни сўради. Бобом «яхши» деди. Гаплашиб бўлгач, ошхонага кетди.

— Товуқни қайнатиш керак,— деди бобом.

— Тўхтаг,— дедим мен.— Мундиригини олиб стулга илиб қўйинг. Товуқ қайнагунича унга қараб ётман.

Бобом бир хўмрайди-ю, мундиригини стул суянчигига илиб, чиқиб кетди.

Мен генерал формасига, бобомнинг орденларига қарайман. Анови иккитасини биламан — фақат мен эмас, уларни ҳамма ҳам билади. — Ленин ордени. Жанговар Қизил Байроқ орденини ҳам биламан. Бу ордендан бобомда учта. Анавинисини биринчи марта кўришим — Александр Невский ордени. Яна битта қандайдир крестли чет эл ордени ҳам бор. Медаллар-чи, эҳ-ҳе...

Мен аста дивандан туриб, бобомнинг мундиригини кияман-да, ойна қаршисига бораман. Бобом сингари қошларимни чимириб, қўлларимни олдинга узатаман: мен Кутузовнинг қўлларини мана шунақа олдинга чўзиб турган суратини кўрган эдим. Ўзимга-ўзим ёқдим. Қани энди мен ҳам генерал бўлсам! Нега кичкина генераллар бўлмас экан-а? Масалан, ўн беш, ҳа майли йигирма ёшда? Кўчада юрасан-у, ҳамма сенга честь беради. Сенинг измингда бўлишади.

Ўзимга-ўзим честь бердим. Кейин мундирни ечдим. Яна орденларга қарадим. Шу кўйи ухлаб қолганлигимни сезмапман.

Телефоннинг жириглашидан уйғониб кетдим. Ойим яна менинг аҳволимни сўради.

— Ойи,— дедим мен,— уйимизга Анна Робертовна таклиф қилинг. Бугун машғулот бор эди, қолгим келмаяпти.

Ойим ҳайрон. Ҳеч нарса демади, лекин телефоннинг нариги учуда савол аломати ётгандек бўлди назаримда. Яна битта эмас, ҳатто учта савол аломати.

Ойим бирон сўз ҳам айтмади-ю, лекин кечқурун Анна Робертовна билан бирга келди. Бобом гафлатда қолди. У хонаки шиппак, спорт чалвари кийиб олганди. У хижолат чекиб, нуқул қўлларини ошхона сочиғига артади. Анна Робертовна бўлса, қизариб кетди, французчалаб:

— Мон женералы!— деди.

Э, худойим-ей, мен уни шунинг учун чақиртирган эдимми? Ҳатто иссиғимни чиқариш учун ҳўл чойшабга ўралиб ўтирибман-а!

Ҳа майли. Бобом ўзини йўқотиб қўймади, товонларини бир-бирига шақ этиб уриб, кўкрагини керганича Анна Робертовнанинг қўлини олиб, аста лабини текказди-да, йўғон товуш билан:

— Мадам!— деб қўйди.

ЖИДДИЙ СУҲБАТ

Бир оз дарс қилдик. Лекин ҳозир сезиб турибман, Анна Робертовна учун бу машғулотнинг аҳамияти йўқ эди. Мен бошимга нима келса шундайлигича феълларни туслаяпман-у, муаллимам бўлса, тўғри, дегандек нуқул бош ирғитади.

Режам ўринлаб тантана қилдим. Ҳа! Анна Робертовна бобом билан суҳбатлашишга илҳақ.

Ойим кекс билан чой олиб келди. Мен феълларни туслаётганимда ёпган экан. Улар дастурхон тузоглиқ стол атрофига ўтиришди, мен эса ўз диванимга ўтириб, чой ича бошладим. Ҳар қалай касалман-да.

— Мана шунақа, мадам,— деди бобом,— кўриб

қўйинг, пенсионерларнинг қандай яшашини. Яна ёшлар орасида-я?

— Қийин, генерал,— деди Анна Робертовна.— Эски романсларда куйлангандек: «ҳам маъюс, ҳам мароқсиз».

— Ие, ие,— жилмайди бобом,— маъюсликка қўшиламаман, лекин мароқсиз эмас. Қанақаси мароқсиз бўлсин?

— Ҳа, шундай,— жавоб берди Анна Робертовна.— Улар учун бу ер қизиқарли: қурилишда ишлашади, плани бор, тўғон, кубометрлар, кейин кўчма қизил байроқ олишади, менда-чи? Қуни бўйи Гришамнинг ишдан қайтишини кутаман. Озгина гаплашсам, дейман. Қаёқда, келади-ю, овқатлана солиб ухлаб қолади ўтирган ерида. Тасаввур қилиб кўринг-а?

Бобом стакандаги чойни қошиқ билан айлантириб, хаёлга чўмди.

— Балки тўғридир,— деди бобом,— балки бу ерга қариялар керакмасдир.

— Вой, сизларни қаранглар-у!— хитоб қилди ойим.— Гапларинг ғалати-ку! Агар ихтиёрни менга беришгандами, пенсионерларни ҳам комсомол йўлланмаси билан шу ёққа жўнатардим! Улар биз учун ҳаво билан сувдек зарур! Қанчадан-қанча ёш оналар бор бу ерда: Яслилар етишмайди. Ёш оналар болаларига қараб уйда ўтиришяпти. Агар кампирлар келишганида нечта аёл уй ишидан бўшарди. Нимасини айтасиз, кампирлар шунақа катта куч.

— Чоллар-чи?— сўрадим мен.

— Чолларнинг йўриғи бўлак, албатта, қийин!— пешанасини қашлади ойим.— Болаларга қараб туришолмайди. Лекин уларга ҳам иш топилади.

Бобом хандон отиб кулиб юборди. Люстра яна оҳиста жаранглади.

— Эҳ, Ольга!— деди у.— Вой, давлат арбоби-ей!

Ойим қизариб, хижолатдан деди:

— Кечирасиз, дада, мен умуман оталар муаммосини айтаяпман-да. Шахсан сиз ҳақингизда эмас. Сиз дам олишингиз керак.

Бобом яна кулди, лекин унинг бу галги кулгиси хушчақчақ чиқмади.

— Ана, Анна Робертовна,— деди у хафахонлик билан,— биз энди фақат бобо ва бувиларгина эмас, муаммо ҳам бўлдик!

Ойим бутунлай хижолатда қолганди. Узини йўқотиб столни йиғиштира бошлади. Анна Робертовна бўлса ҳамон гапдан қолмасди.

— Мен Гришамнинг уйланишини кута-кута чарчадим. Мен ҳозир буви эмас, шунчаки оддий бир кампирман...

Бобом унга тикилиб қаради-да, жимгина дастурхонни қўли билан текислади. Кейин бир хўрсиниб:

— Ҳечқиси йўқ, Анна Робертовна,— деди секин,— ҳечқиси йўқ... Ҳар фаслнинг ўз гашти бор. Қишнинг ҳам, баҳорнинг ҳам, ёзнинг ҳам, кузнинг ҳам. Инсон ҳам шунақа... Қарилик — инсон ҳаётининг кузи. Ана шу кузнинг ҳам ўз жозибаси, ўз фазилати бор.

— Қани ўша ёшлик шиддати, қани бизда у куч қудрати,— деди Анна Робертовна худди декламация қилгандек.

— Ҳа, ҳа,— деди бобом,— ҳар нарсанинг вақти бор. Қариликда умидсизликка тушмай ғам-алам чекмай, беш кунлик умрингни фароғатда ўтказганга не етсин.

Улар оҳиста суҳбатлашишарди. Бобомнинг ҳам, Анна Робертовнанинг ҳам кўзларини туман пардаси қоплаган-у, худди хонадан чиқиб кетишгандек, ойимни ҳам, мени ҳам кўришмайди чоғи, қандайдир менга номаълум бўлган, ўзлари яшаган даврда юргандек, суҳбатлари ҳам сокин, ҳам дарёдек чуқур...

Мана уларнинг суҳбати тугади. Анна Робертовна уйга кетиш пайига тушиб қолди. Бобом илтифот билан:

— Кузатиб қўйишга рухсат этинг!— деди-да, гене-

раллик формасини кийди. Анна Робертовна уни бу кийимда кўриб қалтирай бошлади, юзларини аллақандай лоларанг доғлар қоплади, оҳ уриб, нималарнидир айтиб кўзига ёш олди.

— Марҳамат, мадам!— бобом шундай деб француз аёлига қўлини букиб, тирсагини тутди, Анна Робертовна уни ушлағач, икковлари чиқиб кетишди.

— Кўрдингми,— деди ойим улар кетидан,— бобонг қандай назокатли, ундан ўрнак олгин.

Мен жилмайдим.

Мен учрашув оқибатидан мамнун эдим.

Балки улар домино ташлашмас. Албатта-да, бобом билан француз аёли ундай қилишмайди. Лекин гап доминодами! Ҳар қалай икки киши бўлгач, ҳаёт энгил кўчади, кунлари хушчақчақ ўтади. Тўғри, бобом ёлғиз, эмас, биз бормиз. Шундай бўлса ҳам таниш дилкаш топилгани яхши-да.

Бир-бирлариникига бориб чойхўрлик қилишади.

Бугунгидек очилиб, сочилиб суҳбатлашишади...

ИШ

Бобом чиқиб кетганича ҳали қайтмагани, дадам ишдан келиб қолди.

— Генералга — сюрприз! — деди у. Лекин биз уни қанча зўрламайлик ҳеч нарса айтмади.

Бобом юзлари бўрсиллаб кириб келди. У шинелини ечяпти-ю, ҳарсиллаб, томоғини қиради.

— Тепага чиқдим,— ҳикоя қила бошлади у,— қурилишларингни кўрмоқчи эдим. Шамол зўр, совуқ экан!

Ҳаяжонини босолмайди, негадир жуда қувониб кетганди. Қўлларини нафаси билан иситиб, хитоб қилди.

— Буни қурилиш деса бўлади! Қанча кран, қанча машина, чироқлар сонсиз! Худди жанг майдонидагидек сувдан буғ кўтарилиб турипти!

— Бўлмасам-чи!— қувониб деди дадам. Кейин шкафчадан шошилиб карта олди-да, бобомни ўз ёнига

ўтқизди.— Мана бунга қаранг! Мана бизнинг кўлами-миз! Тўғон дарёни тўсганидан кейин ҳосил бўлган сув омбори бир юз эллик минг гектар ерни суғоради. Мана ҳаммаёқ ўрмон. Тайга дарахтларини кесиш учун махсус ўрмон хўжалиги ташкил этилган!..

Ойим уларнинг ёнига келиб ўтирди-да, деди:

— Қишлоқлар, Антон Петрович, янги жойга кўчирилади. Минглаб янги уйлар қурилиши керак! Мана бу ердан юқори вольтли симлар ўтади. Мана бу ерда эса темир йўл тушади, кенг асфальт йўл очилади.

— Бу ерга қанчадан-қанча одам келади!— хитоб қилди отам.— Ҳозирча қурилишда ўн минг одам ишлаяпти. Кейинчалик анча кўпаяди.

Бобом қаноатланганлигини томоқ қириб изҳор этди, бошини лиқиллатиб ҳайратга тушди. Кейин қўлини да-дамнинг елкасига қўйди-да, ойимга айёрона кўз қисиб:

— Бу билан нимага шаъма қиляпсизлар? Очиғини айтинглар,— деди.

— Ҳеч нимага,— деди ўзини йўқотиб ойим.

— Йўқ, сабаби бор!— деди дадам.— Сизга бир таклиф бор. Шахсан ўзимдан эмас. Қурилиш бошлиғидан чиққан, келганингизни эшитиб дарҳол меҳмонга келмоқчи эди-ю, иш билан бўлиб фурсат тополмади. Хуллас, сизни у ишга таклиф қиляпти. Қадрлар бўлими бошлиғи вазифасига. Тасаввур қиляпсизми?

— Тасаввур қиляпман! — деди бобом, кейин жим бўлиб қолди.

— Қурилишда келиб-кетувчилар кўп. Одам тўхтамаяпти, тушундингизми?— деди дадам ҳаяжонланиб.— Одамлар худди дарёдек оқади. Бир хиллари келади, бир хиллари кетади. Айниқса ёшлар. Армиядан келишадиган, бир оз ишлаб, уйларига жўнаворишади. Ана шулар билан гаплашиб, ўтроқ бўлиб қолишга кўндириш керак, умуман айтганда, бу ҳам катта иш — қурилиш-ни ишчи кадрлар билан таъминлаш керак. Майлими, дада! Бизга худди шундай одам жуда зарур эди!

Бобом бошини эгганича жим турарди, ойим дадамга гап қотганидагина бошини кўтарди.

— Ўзингнинг гапинга ўзинг қарши чиқяпсан,— деди ойим.— Бир айтасан, энди дам олинг деб, энди бўлса иш топиб келибсан.

— Э, йўқ,— деди бобом,— гап бунда эмас...

У ўрнидан туриб, хонада у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Унинг кўриниши қандайдир ҳорғин, руҳан эзилгандек эди.

— У менга, Оленька, овуниб юрадиган енгил иш топганга ўхшайди... Бу ишда мен ортиқчалигимни сезмасам керак-да.

Бобом у ёқдан-бу ёққа юришини тўхтатиб, дадамга тикилиб қаради. Дадам асабийлашиб, карта устида қаламни юргизаркан, кўзини яширади.

— Лекин мен, ўғлим, тўй генерали бўлишни хоҳламайман. Ишга келганда, биламан, яхши ишлолмайман... Энди кеч...

Дадам картани тахлай бошлади. Жилмайди. Кейин бобомга: «Зоримиз бор, зўримиз йўқ»,— деди. Ойим эса дадамни койиб, бобомнинг гапини маъқуллади: «Тўғри, Антон Петрович, дам олишингиз керак. Ишлаш нимаси, сиз ишлаб қўйгансиз». Бобом эса ич-ичидан эзиларди — буни шундоқ афтидан кўриб турардим.

...Биз бобом икковимиз қоронғи хонада ётибмиз — мен касал бўлганим учун диванда, бобом менинг раскладушкамда. Ётибмиз-у, сира уйқумиз келмайди. У ётган раскладушка нуқул ғичирлайди. Бобом у ёқдан-бу ёққа ағдарилади, хаёл суряпти...

— Тўй генерали, деганда нимани тушуниш керак, бобо?— сўрадим мен.

Бобом раскладушкани ғичирлатиб менга ўғирилди.

— Сен ҳам ухлаганинг йўқми?

— Ухлолмаяпман,— пичирладим мен.

— Бу жуда иснод келтирадиган ном, Антошка! Тўй генерали! Масалан, тўйга тантанаворлик тусини бериш

учун генерални ҳам таклиф қилишади. Бу билан тўй эгаси: «Ҳамма, тўй жуда зўр ўтди. Ҳатто генерални ҳам таклиф қилипти», десин деб, ном чиқариш учун қилади. Генералнинг эса тўйга сира алоқаси йўқ. У на қайната эмас, на ака. Мен бўлсам ана шунақа генерал бўлишни хоҳламайман.

Биз жим бўлдик.

— Ахир бу тўй эмас-ку!

— Ҳеч қаерда ҳам шунақа — тўй генералига ўхшаш генерал бўлмаслиги керак!— дерди бобом.— Ҳеч қаерда! Ёки тушунмайсанми? Ё ҳамма ишлаши керак, ёки...

Мен хўрсиниб қўйдим. Бобом ҳам.

— Сен нима дейсан, Антошка,— сўрайди бобом,— даданг мендан хафа бўлмадимикан?

— Билмадим. У яхши бўлишини хоҳлаяпти-да!

— Ҳамма гап шунда-да,— деди бобом,— у мен учун ҳаракат қиляпти, мен эса рад қиляпман. Ҳечқиси йўқ. Хафа бўлади, кейин тушунади.

У қоронғида оғир нафас ола бошлади.

— Нима бўлди?— сўрадим мен.

— Негадир юрагимнинг мазаси қочиб қолди,— пичрлади бобом.— Секин туриб, дераза тоқчасида турган шишадаги доридан томизиб бер. Лекин эҳтиёт бўл — даданг билан ойинг билиб қолмасин.

Менга бунақа ишонч билдирилиши жуда ёқарди. Мен аста бориб, шишачадан стаканга дори томизиб, устига сув қўйдим. Бобомга дори бердим. У ичиб юборди.

— Яхши,— деди у,— энди бир оз тузукман.

У жим бўлди. Мен ухлаб қолди деб ўйладим. Мен ҳам кўзимни юмиб, бобомнинг қанақа эканлиги ҳақида ўйладим. Бобом бўлса:

— Яхши, мени чойшабга ўралмасдан француз аёли билан таништира олмасмидинг?— деди.

— Қандай қилиб?— дедим мен.— Ахир машғулотга унинг уйига боришим керак эди-да.— Лекин шу заҳо-

тиёқ ўзимга келиб олдим.— Буни қаёқдан билдингиз?

— Ҳарбий сир,— жавоб берди бобом.

Мен жилмайиб қўйдим.

— Сизнинг ҳақиқий ҳарбий сирингиз борми?— сўрайман.— Чинакам сирми?

— Бўлмаса-чи,— дейди бобом босиғлик билан.

— Айтиб берасизми?— сўрайман яна.

— Бўлади,— жавоб беради генерал,— сиримни ўзим билан олиб кетмайман-ку.



Тўртинчи қисм

АЛВАСТИ

«Алвасти», деган ибора бор.

Мен уни ўйласам, сочлари тўзиган, башараси одамга ўхшаш, орқасида кўршапалакники сингари туксиз қаноти бор махлуқ кўзимга кўринаверади. Сесканиб кетаман... Мен унинг ўзини тасаввур қилганим билан, Алвасти мутлақо кўзга кўринмайди. У ҳавода учиб юриши мумкин, шунда ҳаво синтетик кўйлакни ечаётганингдигдек читирлаб учқун сочади. Алвасти одамга, бирорта танишингга, бундан ҳам баттарроғи — ўзингга ўрнашиб

олиши мумкин, унда нима қилсанг чаппасига кетади, хаёлингга келмаган ишлар юз бериб, кўрган кунингга «вой» бўлаверади...

Уша куни мен эрталаб одатдагидек уйқудан турдим. Ҳеч қанақа алвастини хаёлимга келтирмадим. Мактабга бордим, портфелимни партага тиқиб қўйиб, одатдагидек Кешка билан гапга тушиб кетдим. Шунда бу воқеа содир бўлди...

Синф эшиги тарақлаб, остонада арра тишли Алвасти пайдо бўлди, ҳиринглаб кулиб, портфелини синфнинг нариги бурчагига улоқтирди-да:

— Халойиқ! — деб бақирди. — Кеча кимни кўрган имни биласизларми? Генерални кўрдим!

— Тушингдами? — деб сўради Кешка.

Одатдагидек, синфдагилар гуриллаб кулди.

— Йўқ, — жавоб қилди у хижолат тортмай. — Уйқудан олдин. Сайр қилгани чиққан эдим, у рўпарамдан чиқиб қолди. Погониди иккита юлдузи бор! Шимининг ёни ҳошияли!

— Вой лопчи-ей! — ҳайрон бўлди Кешка.

— Лопчинг нимаси? — тушунмади Алвасти.

— Мюнхаузен! — деди Кешка.

Яна ҳамма гуриллаб кулди.

Уни — Алвастини доим масхара қилишарди. Чунки унинг ёлғон гапирадиган одати бор эди. Бир балоларни ўйлаб чиқарарди. Мен ҳам ундан доим кулардим. Лекин ҳозир юрагим шиғиллаб кетди. Алвасти рост айттарди, шу пайтда мен шубҳа қилмадим, ҳеч нарса хаёлимга келмади, энди бу одам менга Алвасти бўлиб кўринмади, рўпарамда Газ Баллони лақабли Кирилл Пухов турарди. Кирилл синфимизда энг семиз бўлгани учун ҳам унга шундай лақаб қўйишганди.

Болалар Пуховни майна қилишар, у бўлса кўзларини олайтириб, бу сафар рост гапирётганига қасам ичарди, мен эса, ҳаммадан аччиғим чиқиб, қизариб кетгандим. Шунда мен шовқинни босиб:

— Аҳмоқона кулгингизни тўхтатинг. Генерал — менинг бобом бўлади,— дедим.

Шундан кейин Газ Баллонининг жазаваси тутиб, хирллай бошлади. У шунақа куларди. Рисоладаги одамга ўхшамасди. Хур-хурлаб куларди. Унинг бундай кулишини кўриб, ҳамма куларди. Синфдагилар кулгидан қорнини ушлаб қолди. Балки Баллоннинг хур-хурлашига кулишаётгандир, лекин мендан кулишаяпти, деб ўйладим.

Лавлагим чиқиб кетди. Ҳатто кўзимга ёш ҳам келди. Ана холос! Ана мақтаниш! Мен уларни қойил қолдирмоқчи эдим. Бобом тўғрисида гапириб бергим келарди! Ҳеч бўлмаса, Кешкага! Мен эса, индамай чидаб турардим. Беҳуда сўзлаб бўладими? Ниҳоят ўйлаб топдим. Зўр гапни топдим-у, лекин бошқача бўлиб чиқди... Мен, бобом генераллик кийимини кияди, бирга мактабга келамиз, ҳамманинг оғзи очилиб қолади, деб ўйлагандим. Улар бўлса, мени қандайдир бир арра тишли Кирилл Пуховга ўхшатиб кулишаяпти.

Кешка тирсаги билан биқинимга туртиб, тўнғиллади:
— Бу қандоқ бўлди?

Бу иззатимга тегди. Фурурим кўзидими? Ёки алваси шу пайтда биринчи марта менинг қитиғимга тегди. Мен ирғиб туриб, ғазабимни зўрға босиб, Газ Баллонига:

— Бас бойлаймиз! — дедим.

— Ютқазиб қўйма, олифта! — деди Пухов.

Яна ҳамма кулди.

— Билиб қўй — истаганини қилдиришдан,— дедим мен тоқатсизлик билан қалтираб. Ҳозир, ҳа, ҳа, ҳозироқ уйга бориб... Бобомни бошлаб келиш керак. Йўқ, бу ноқулай... У хафа бўлади... Унда...

Ишонмайдиганларни уйга бошлаб бориш, бобомни балконга таклиф қилиш керак. Мундирина кийдириб, албатта.

Дарс тугагунча зўрға тоқат қилдим. Ҳар танаффус-

да ишқибозлар гоҳ мени, гоҳ Пуховни тезлашарди. Гижгижлаш осон: «Қўйсанг-чи, шунақа бўлади-да, қизишиб кетдинг», дейилса кифоя, Кирилл билан галмагалдан қизариб, пуфакдек шишиб кетардик.

Ниҳоят сўнгги қўнғироқ чалинди. Талайгина бола йиғилди. Деярли, синфимиздагиларнинг ҳаммаси.

Биз Пухов билан худди дуэлга кетаётгандек ёнмаёن борардик. Кейинда менинг секундантим Кешка бошини эгиб келарди. Ундан кейин томошабинлар, уларнинг орасида Альканинг кўк қалпоқчаси кўринарди.

Алька — синфимиздагилар ичида ўзига мустақил қиз. Умуман... Агар ҳаммага бир нима ёқса, масалан фильм, унга ёқмаслиги мумкин. Алька бунга яширмайди. У ҳамма қатори индамай қўя қолмайди. Бор гапни айтади қўяди. Бошқа қизларимиз эса, эл қатори бўлишни яхши кўришади. Фикрлари бир жойдан чиқишини, диди, ашулага, артистга муносабати бир бўлишини иташади. Улар мана шу фикри бир жойдан чиқишини ёқтиришади, мен эса, Алькани ёқтираман... Унинг ўзи нозик, камсуқум бўлса ҳам, эркакча одати бор, деб ўйлайман. Бундан ташқари Альканинг сочи синфимиздаги қизларникидан узун, йўғон ўрилган. Худди бувимнинг суратдагисига ўхшайди. Лекин бунинг ишга алоқаси йўқ.

Алька ҳамма билан бирга келаётган бу ишга алоқадор эди. Унинг қалпоқчаси кўриниб турар, шунда Кирилл Пуховга бир нафас раҳмим келарди. У баҳсни ютқазди — хоҳлаган пайтимда учта истагимни бажариши керак. Ютқазди бечора Газ Баллони. Алька эса, менинг бобомни кўради.

Қўнғлимда ғалати туйғулар кечарди. Ҳозир беш баҳо оладигандек, бунга юз процент ишончим бордек, баданим жимирлашиб кетарди. Болалар уйнинг олдида қолишди, мен зинадан югуриб чиқиб, қўнғироқни узоқ, шошиб-пишиб босдим, кейин ўзимнинг калитим билан

эшикни очиб, ошхона, ваннахона, уйларни қараб чиқдим.

Бобом кўринмасди.

Нима қилдим? Шарманда бўлдим-ку...

Кутиб туринглар десамми? Аҳмогинг борми, деб кулиб кетишади. Шу пайт бошимга доно бир фикр келди!

Пальтомни ечиб, шкафни очдим, бобомнинг орденлар тақилган мундирини кийиб, енгини қайирдим, бирпас ўйлаб туриб, олтин уқа тутилган генераллик фуражкасини кийдим-да, балконга чиқдим.

Болалар тантанавор, ҳайрат, шодлик билан менга қараб туришарди. Мен кўк қалпоқчани излаб, Алькани топдим-да, унинг ўзига кулиб қўйдим. Кейин фельдмаршал Кутузовдек қўлимни олдинга чўздим, мундир худди менга тикилгандек лойиқ, кўкрагимдаги орденлар ҳам тантанали вазиятда менга топширилгандек туюлди, хуллас, ўзимни генерал-лейтенантдек ҳис этардим.

Алвасти Кирилл Пухов саросимада жилмаярди.

ИМТИЁЗЛАР

Синфдагилар ўзгарди.

Дарслардан олдин ҳамма болалар менинг олдимга эгилиб, салом бергани келишарди — бу катта ҳурмат белгиси эди, қизлар бўлса, дарсдами, таънаффусдами, қайси бирига қарамай, шу заҳоти илжайиб қўйишарди.

Аввалига ичимни бир нарса таталаётгандек, ўзимни ноқулай сездим. Кейин аста-секин кўникиб кетдим, юқори синфдагилар ҳам менга эгилиб салом берадиган бўлишди, ўқитувчилар мактабга алоқаси бўлмаган бир гапни сўрамоқчи-ю, лекин уялишаётгандек менга бошқачароқ, қизиқиб қарашарди.

Умуман ҳаётим яхшиланаётганини сеза бошладим. Мен имтиёзга эришгандим. Баъзан «икки» ҳам қўйишарди-ю, лекин аввалдагидек эмас. Энди ўқитувчилар

«икки» қўядиган бўлишса, қанчадан-қанча панду насиҳат қилишарди: сен Антон нега бундай қиласан? Қобилиятинг бўлмаганида ҳам бошқа гап эди, сен «икки»-сиз эмас, «уч»-сиз ҳам ўқий оласан — сал ҳаракат қилсанг бўлгани, дейишарди.

Бундай насиҳатларни эшитиш кўнглимга ёқмаса ҳам бир оз кўникдим, математика ўқитувчиси айтганидек, қизиқ бир қонуниятни пайқадим. Ўқитувчилар баъзан менга узундан-узоқ насиҳат қилиб, ҳатто, журналга «икки» қўйганларида ҳам, аввалдагидек ёки ҳозир бошқа болалардан талаб қилганларидек кундалигимни берасан деб туриб олишмасди. Баъзан журналга ҳам: точкани ёзамиз икки дилда, дегандек, икки ўрнига нуқта қўйишарди. Бундан ташқари ўқитувчилар мендан бир нимани кутаётгандек бўлишарди. Кейин бунга ҳам тажрибада аниқладим: бир-икки оғиз сўзимни қутишаркан. Унча тавба-тазарру қилишим шарт эмасди. Жўнгина қилиб, секингина: «Кечиринг, кейинги дарсга албатта тайёрланиб келаман», десам кифоя эди — ўқитувчилар, бири қаттиқ, бири секин, ух тортиб қўя қолар, шу билан мен осонгина кўнгилсизликдан қутулардим.

Имтиёзлар турлича бўларди. Масалан, директори-миз Максим Сергеевич энди ҳар доим менга эътибор берар, саломимга хушмуомалалик билан алик оларди. Малла физрук параллель брусъкидан ўмбалоқ бўлиб тушганимда менга тиқилинч қилиб, шармандамни чиқармасди, илмий мудиримиз эса, танаффусда коридорда чопиб юрганимда тўхтатмас, секин юргин, демасди. Мен дарсдан сабабсиз кетишим мумкинлигини ич-ичимдан сезардим. Лекин бунга журъат этмасдим. Ҳаддидан ошсам бўлмасди. Бундан ташқари куппа-кундузи посёлкамизда битта ўзим шўппайиб қаёққа ҳам борардим?

Хуллас, куним кичкина имтиёзлар билан ўтар, агар Қешка билан Алька бўлмаганда, ҳаммаси силлиқ бо-

рарди. Бутун мактабда фақат шу иккаласи мен билан аввалгидек муомала қиларди. Кешка менга эгилиб қулуқ, қилмас, истар-истамас «салом», дея тўнғиллаб қўя қолар, Алька эса ҳар дақиқада табассум қилавермасди. Аксинча, улар гаплашиб қўйгандек, менга шубҳаланиб қарашармиди-е. Мен уларга тушунмасдим.

Уларга нима бўлди? Менга ҳеч нарса бўлгани йўқ-ку, ахир.

Бир куни хаёлимга, наҳотки ҳасад қилишаётган бўлса, деган ножўя бир фикр келди. Лекин бу фикрни дарров хаёлимдан қувдим. Бундай бўлиши мумкин эмас. Кешка билан Алька бўлмаган нарсаларга ҳасад қиладиганлардан эмас. Бобом генерал бўлганигамикин? Беҳуда гап! Менга бунинг нима даҳли бор! Мен бу фикрни ҳар қанча қувсам-да, хаёлимдан чиқара олмадим.

Бир куни коридордан ўтиб кетаётсам, Кешка билан Алька батарея олдида туришган экан. Уларнинг ёнидан ўтаётганимда, Кешканинг сўзлари қулоғимга чалинди. Кешка мазах қилиб, кесатиб гапирарди.

— Шимининг жияги йўғ-у, генералнинг ўзи-я, қўйиб қўйгандек! — дейди.

У «генерал» сўзини катта ҳарф билан айтгандек, бўрттириб гапирди. Мен қоқилиб кетгандек бўлдим. Қулоқларимга ишонмай ўгирилиб қарадим, Кешка, дўстим Кешканинг бундай хоинлик қила олишига ишонмасдим.

Кешкага қараб, қулоқларим қизиётганини сездим, гарчи мен томон қараб, деразадан узоқларга тикилса-да, кўзлари мени кўрмаётганлигини, алланечук бежо эканлигини пайқадим.

Кешка тешиб юборгудек тикилган эди, ўзимни ерга кириб кетгудек ҳис этдим; Алька мийғида куларди.

Алька Кешканинг сўзига, менинг янги лақабимга кулаётгани аниқ эди.

«ГЕНЕРАЛ»

Энди мени Генерал, деб аташарди.

Кешка билан Алька индамай қовоқ солиб юришарди, бошқалар янги лақабимни очиқ кўнгил, ҳурмат билан аташгани учун хотиржам бўлдим. Янги ном менга хушёрқарди. Генерал! Мон женерал! Ҳеч ким ёмонлик жойи йўқ. Масалан, Газ Баллонидан яхши-да.

Газ Баллонининг боши эгилди. Энди хур-хурламасди. Мен ундан ютуқни қисташимни кутарди. Ҳамманинг олдида шарманда қиламанми, ҳеч ким йўғида талаб этаманми билолмасди. Кўпинча унинг ташвишли, бир нимани илтижо қилаётгандек боқаётганини сезиб қолардим. Нимани илтижо қиларди? Нималиги маълум. Энди мен Генералман, у Газ Баллонлигича қолди. Агар хоҳласам, уни истаганимча масхара қилишим мумкин. Хоҳлаганимча. Арзимаган нарсагаям. Унинг хур-хурлаб кулишини масхара қилсам ҳам бўлаверади.

Унинг Газ Баллони лақабини бундан ҳам баттарроғига алмаштиришим ҳеч гап эмас. Масалан, Нуф-Нуф. «Уч чўчқача»да шунақа ном бор.

Лекин ундай қилмадим. Мени нимадир тийиб турарди. Алвасти тўғрисидаги гапларнинг ҳаммаси кейинчалик маълум бўлиши бежиз эмас...

Иш чувалашиб борарди.

Бир куни кечқурун мен кутубхонага кетаётувдим. Нақ симёғочнинг таггинасида пионервожатиймиз Галяга урилиб кетай дедим. Яхшиям чироқ бор! Ишинг ўнгидан келмагандан кейин, сираям юришмас экан-да. Иш ўнгидан келмаганда, чироқ ҳам ортиқчалик қиларкан.

Ўринли бўлмаса ҳам Галя мени кўриб, қизариб кетди. Қизарганига сабаб шуки, у ёлғиз эмас эди, монтажчи Борис Егоров билан қўлтиқлашиб келарди. Мактабда Егоровнинг Галяга хушомад қилиб юришини, бунда ҳеч қандай сир йўқлигини ҳамма билар, бундан уялиш

ўринсиз эди. Лекин Галя уялар, Борис билан доимо хилват жойларда юрарди, қайси куни қизлардан бири Бориснинг катта кўлмакдан Галяни кўтариб ўтганини кўрибди. Борис думалоқ юзли, ягриндор, бақувват, Галяни кўлмакдан кўтариб ўтиш унга чўт эмасди, лекин қизларимиз буни кўпиртириб, бир ҳафта шивирлашиб, ҳиринглаб юришди, Алька уришгандан кейингина тинчишди. У бир нима деди шекилли, қизлар дўрдайиб, қовоқларини уюшди, лекин вожатийни гапирмай кўйишди.

Шундай қилиб, чироқ остида уларга тўқнаш келганимда, кимлигимни билгунича қоронғиликка уриб қолмоқчи эдим, Галя қизариб кетди, у мени кўрмаганга олиб кетгани тузук эди-ю, лекин тўхтаб, мени гапга солди. Нима ҳам деб бўларди, одам кўпинча истагидан ташқари ҳаракат қилади-да!

— Салом! — деди Галя, гарчи кундузи мактабда кўришган бўлсак ҳам.

Галя гап тополмай гоҳ у, гоҳ бу оёғини қўйиб ўнғайсизланди, юзидан қаттиқ саросимага тушганлиги билиниб турарди. У нима дейишини, нега тўхтаганини, нега гап бошлаганини билмасди. Мен энди қоронғиликка шўнғиб, қуён бўлмоқчи эдим, Галя бирдан ёлдираб қолди:

— Яқинда синфингиздагиларни пионерга қабул қиламиз. Борис Егоров эса...— гарчи монтажчини посёлкамизнинг итигача таниса-да, Галя уни менга кўрсатди,— Борис Егоров эса, қурилишдан сизга вожатий бўлади.

Мен мийиғимда кулдим. Галя Борис билан юрганини оқламоқчи эди. Мен монтажчига қараб қўйдим. У Галянинг хижолат тортаётганига парво қилмай, жилмайиб турарди.

— Менга қара, отинг нима эди! — деди у тишларини ярақлатиб.— Одамларингга айт, ўйлаб кўришсин, отряд начальнигининг номзодини, тушундингми!

— Совет раисини! — шошиб, унинг гапини тузатди Галя.

— Ҳа, умуман, тушунасан-а! — хахолаб кулди Борис.— Командирни! Генерални!

Бошимдан қайноқ сув қуйгандек бўлди. Генерални?

Йўқ, Егоров менинг янги лақабимни билмасди.— қаёқдан билсин? Отряднинг эса, раиси, командири, Гальянинг хуштори айтгандек, генерали бўлиши керак.

Мен уйга «ҳим-ҳим!»лаб димоғимда кулиб борардим. Уйлаганим сари кулгим қистарди — иш ўнгидан келганидан кейин... Бари бир менинг имтиёзим бёр, деб ўйлардим: бобом — генерал! Мен бобомнинг неварасиман! Ахир менинг томиримда ҳам генерал қони бўлиши керак-да! Нима, мен отрядни бошқара олмайманми? Ҳим-ҳим!

Бу ёғи осон эди. Ўзимни отряд советининг раиси қилиб сайлайман. Лекин қандай қилиб? Америкада яхши — хоҳласанг ўз номзодингни қўяверасан. Бизда бундай қилиб бўлмайди, ноқулай. Шу пайт бошимга ажойиб фикр келиб қолди. Мендан тили қисик, қарздор одам бор-ку. Унга айтсам иш битади-қўяди. Мен қаттиқ «ҳим»лаб юбордим: ноқулай-да, бу. Лекин мен ўзимга-ўзим: қулай, дедим. Бир ишни бошладингми, орқага қайтма! Бошлашга бошладинг! Шундоқ бўлгандан кейин уятни йиғиштир. Уялишнинг ўзи уят.

Ўзимни ишонтирмоқчи бўлганим сари юрагим дов бермасди. Лекин мен ўзимни қўлга олдим — шундай ибора бор-ку. Ўзини қўлга олиш қанақа бўлишини билмасдим, лекин шундай гап бўлгач, иложи бордир-да. Шундай қилиб, мен ўзимни қўлга олиб, нимадандир ўтдим. Катта танаффусда Кирилл Пуховни бурчакка тортиб, дудуқланиб ўзимнинг биринчи хоҳишимни туншунтирдим. Алвастига жон кирди.

— Хотиржам бўл! — деди у.— Хавотир олма.

— Лекин буни ҳеч ким билмаслиги керак! — дедим мен дўқ уриб.

— Бу иккинчи талабми? — Сўради севиниб Газ Баллони.

«Ҳа айёр!» деб ўйладиму лекин рози бўлдим.

— Қасам ич! — дедим мен.

— Бу учинчи талабми? — очилиб кулди у ва оғир юкдан қутулгандек енгил нафас олди.

— Учинчиси! — дедим хўмрайиб ва муштумимни кўрсатиб қўйдим.

Алвасти кулиб турарди.

Менинг кўнглим беҳузур бўлди. Қандайдир бир шубҳа юрагимга ғашлик соларди. Лекин мен нималигини билмасдим...

САЙЛОВ

Биринчи мажлис жуда тантанали ўтди, чунки ҳали линейканинг таассуроти хаёлимиздан кетмаганди. Ҳаманинг юзи қизил, ғалстуклар томоғимизни қисиб турар — биз ҳали бунга ўрганмаган эдик, кўзларимиз порларди. Ҳаммаси байрамона кўринар, хаёллар тарқоқ, шунинг учун ҳам Галя: раисликка кимнинг номзодини кўрсатасизлар, деб сўраганида, болалар бир-бирларига саросимада қарашарди. Пухов улгура олмай, довдираб қолиб, бошқани сайлаб қўйишса-я, деб юрагим сиқилди. Бошимга қандай хаёллар келмади? Қайси Алвасти ичимга кириб олди экан? Мен отряд советининг раиси бўлишни, енгимда қизил белгилар тақиб юришни, синфдагиларга бошчилик қилишни жуда-жуда истардим. Менинг бунга ҳақим бор — бобом ахир генерал-ку, масалан, Қешканинг бобосига ўхшаган атиги старший сержант эмас, деб ўйлардим. Синфимиздагиларнинг ота-боболаридан менинг бобом обрўли, бунинг менга имтиёз бериши аниқ эмасми?

Аниқ, аниқ, ҳаммаси аниқ, лекин бари бир юрагим

хаприқарди, шунинг учун Газ Баллонига ўқрайиб қарадим.

Ниҳоят Пухов қўлини кўтариб, аста, шошмасдан, худди кино лентасини секин юргизаётгандек ўрнидан турди-да, лабларини қимирлатди. Мен номимни эшитдим.

Синфдагилар шовқин кўтарди, ўғил болалар ва қизлар баробар Пуховнинг таклифини қўллашди, фақат Кешка билан Алька индамай ўтиришарди.

— Ҳой, бақирманглар! — буйруқ қилди қурилишдан келган вожатийимиз Борис Егоров.— Яхшиси нима учун бу номзодни кўрсатаётганинглари тушунтиринглар.

Борис Егоров Галяга қаради, Галя кўк кўзларини четга олиб, қовоғини солди, у жиддийроқ кўринмоқчи бўларди, лекин бунга ўхшата олмас, Галя жиддий кўринмасди — у атиги бир йил олдин мактабимизни тамомлаганди-да, Борисга эса, менинг номзодимни нима учун кўрсатишаётганининг аҳамияти йўқ эди, у қоидага биноан шунчаки сўраганди, бу унинг думалоқ, очиқ, жилвали юзидан билиниб турарди. Умуман у мажлисни эмас, бошқа нарсани ўйларди.

— Нима учун бўларди! — жавоб қилди Пухов.— Унинг бобоси генерал.

— Генерал дейсанми? — эътиборсизлик билан қайта сўради Борис ҳамон Галядан кўзини олмай, гапнинг маъносига етмай.— Эҳ-а, генералми? Қанақа генерал? Бобонг қанақа генерал?— менга бошдан-оёқ қараб, чинакам ҳайрон бўлди у.

Монтажчининг эътиборсизлигига ичимда жаҳлим чиқди-ю, лекин ўзимни тутдим.

— Генерал-лейтенант,— дедим ғурур билан.— Лекин гап бунда эмас-ку.— Синф жимиб қолди. Егоров хижолат бўлди. Шунда Галя ёрдам қилди.

— Албатта гап бунда эмас! — деди у қизишиб, унинг юзлари қизарди.— Сени бобонгсиз ҳам раисликка сайлашади. Тўғрими, болалар?

— Тўғри! — деб бақришди болалар.

Ҳаммаси жим бўлганида мен Кешканинг товушини эшитдим.

— Йўқ, тўғри эмас! — деди у.

Мен аста ўрнимдан турдим. Ғазабим қайнарди. Синфдагиларга, кўпчиликка, эгилиб кўришадиган болаларга, менга ҳар доим жилмайиб боқадиган қизларга қарадим. Мен уларнинг кўзларини, меҳрибон боқишларини кўрдим-да, қандайдир ёқимсиз хирилдоқ товушда Кешкага ўқрайиб:

— Сенга алам қилаяптими? — дедим.

Синф жимиб қолди.

Мен тўхтаб, ўзимни тутмоқчи бўлдим-у, лекин удалай олмадим. Алвасти мени жарга итарарди.

— Сенга алам қилаяптими? — такрорладим ва беҳосдан қўшимча қилдим:— Старший сержант.

Кешка менга қаради.

У менга шундоқ қарадики, ерга кириб кетишга рози эдим.

Ё товба! Қандай шармандалик!

Кўз қири билан Кирилл Пуховга қарадим, лекин у қарашимни бошқача тушунди. Бошини қимирлатиб, топшириқни бажаришга киришди.

— Қани, келинлар, овозга қўямиз! — деди баланд товуш билан.

Ҳамма раис бўлишимга қўл кўтарди...

Кечқурун ойим бунинг шарафига зиёфат қилди. Торт сотиб олиб, столга янги дастурхон ёзиб, нозу неъматлар билан беади.

Мен енгига қизил белги тақилган пионер либосида ўтирардим, ойим елиб-югурар, мен эса, ичимга чироқ ёкса ёримасди.

Чой ичиб ўтирганимда, бобомнинг кузатаётганини фаҳмладим. У билинтирмай — гоҳ кўз қири билан, гоҳ ёнламалаб қарарди. Гоҳ ўрнидан туриб папирос чекиб, орқамдан қарарди. Бир нимани сезаётганга ўхшарди.

Бирдан билиб қолса? Ёки сўраса нима қиламан?

Ойим кулар, ҳазиллашар, дадам билан бир нима-ларни гаплашар, бобом иккаламиз индамай ўтирардик.

Ётаётганимизда ҳам у гапирмади. Фақат хўрсинади. Ўзим гапиришимни кутаяпти шекилли. Лекин менинг гапиргим йўқ. Унга нима ҳам дейман. Охири бобом чидаб туrolмади.

— Гаплашамизми? — деди у секин.

Мен лабларимни қисиб, нафас ҳам олмай қўйдим. Ухлаб қолгандек қимир этмадим, юрагим эса, тўп отаётгандек гурс-гурс урарди.

Худди ўғрига ўхшайман. Худди бир нимани ўғирлагандек...

АННА РОБЕРТОВНА

Бобом ўзини ғалати тутарди.

Бунга балки ўзим айбдордирман. Индамасам, Анна Робертовнанинг гапларини айтмасам бўлармиди, унда ҳеч нарсани билишмасмиди. Қаёқдан билай... Балки кўчада учрашишганида бобомнинг ўзи билиб олармиди.

Хуллас иш бундай бўлганди.

Французчани ўргангани бордим. Анна Робертовнанинг эшиги очиқ эди. Қўнғироқ чалиб ўтирмадим. Ичкарига кириб, ечиндим. Хонадан кимларнингдир овози эшитиларди, лекин менинг хаёлимга ҳеч нима келмаганди. Қўшнилар кирган бўлиши мумкин. Ёки бошқа биров бордир. Шу онда қўшиқ эшитилди. Анна Робертовна қўшиқ айтарди. Мен хонага қараб, қотиб қолдим.

Диван сурилган. Диванда учта ёстиқ, учта кўрпа айқаш-уйқаш бўлиб ётибди. Анна Робертовна хонанинг қоқ ўртасида, абажурнинг тагида турибди. Боши абажурнинг шокиласига тегиб турса ҳам ҳеч сезмасди. Озгин қўлларини ўзича силкитиб, қўшиқ айтиб, ўйинга тушарди:

Боғда хризантемалар
Гуллаб, бўлдилар хазон,
Менинг ҳаста дилимда
Сўнмас ишқ ўти ҳамон!

Хонага кўз ташладим — кимга айтаяпти? Ўз-ўзига айтаяптими? Бирдан эсим оғиб қолаёзди. Ўзича айтмаётган экан. Унинг қаршисида, девор тагида қатор учта горшокда учта бола ўтирарди. Юзига ёстиқ ботганидан яқинда ўрнидан туришгани билинарди. Улар Анна Робертовнага кулиб индамай қараб туришарди. Ашулага маҳлиё эди.

Мен ҳушимни йиғиб олиб, дедим:

— Салом, бонжур Анна Робертовна!

— Вой! — чўчиб тушди у.— Мени қўрқитиб юбординг-ку, Антоша!

Болалар ғингшишиб қолишди, Анна Робертовна уларнинг олдига югурган эди, лекин кичкинтойлар эпчил чиқиб қолишди — горшокдан тура, ҳар томонга қочишди. Болаларни тутиб, тартибга келтиришда Анна Робертовнага қарашишга тўғри келди. Бунақа иш қиламан, деб сира ўйламагандим! Анна Робертовна терлаб, пишиб кетди. Пешонасида маржон-маржон тер томчилари.

— Ме шер енфанти! — дерди у қичқириб. Бу — азиз болаларим, дегани эди.

Лекин енфантилар қулоқ солишмас, уюшмаган халқдек кўринарди булар. Биринчи йиғлар, иккинчиси полга ётиб олган, учинчиси дивандан кўрпани тортарди.

— Буни мен,— деди Анна Робертовна,— ойнанинг маслаҳати билан қилган эдим, эсингдами? Невара кўргунингизча, деганди! Мана, уйимиздаги учта ёш онага ёрдам қилмоқчи бўлдим. Лекин қандай боқишни билмаяпман. Балки кўп бола олиб қўйгандирман? Балки иккитаси етарлидир?

Анна Робертовна ҳаяжонланар, юзлари бўртган, ойнак тагидан кўзлари машина чироғидек ёнарди.

— Антоша! — деди у.— Сизларда бола боқишга оид

китоб йўқми? Сенинг болалик пайтингдан қолгани ойингда сақланмаганмикин?

Мен муаллимага зарур китобни қидириб топиб, эртагаёқ олиб келишга ваъда қилдим. Француз тили энди бўлмайдиганга ўхшайди, мутлақо. Мен Анна Робертовнага каша пиширишда ёрдам бердим. Иштонсизларни овқатлантиришга кўмаклашдим. Уларнинг иштонларини ювиб, батареяларга ёйдим.

Анна Робертовна хижолат тортарди. Каша, иштон тўғрисида мен билан французча гаплашмоқчи бўлди. Мен уни тушунмагандек бўлиб, французчалаб қайта-қайта сўрардим:

— Қес-ке се?— Бу, нима, дегани эди.

Кейин у русчага таржима қиларди. Нима қилиш кераклигини тушунтирарди. Мен кетаётганимда болакайлар тинчиган эди. Диванда ўтириб шовқинлашар, ўйинчоқларни шақиллатишарди. Анна Робертовна яна хонанинг ўртасида туриб, қўлларини силкитар, яна хризантема қўшиғини куйларди. Мен хонага кўз ташлаб:

— Уларга бунинг кераги йўқ! — деб маслаҳат бердим.

— Нима керак?— хурсанд бўлиб сўради муаллима.

— Бошқа бир тарбиявий қўшиқ, масалан, «Ўрмонда арча бўлди пайдо» ёки «Бойчечак»ка ўхшагани маъқул. Кейин болаларга ўзим «Бойчечак»ни айтиб бердим. Бу иштонсизлар галчанинг ўзи эди. Қўшиқ сўзига тушунмас, маъносинигина фаҳмлашарди. Ҳаммаси кулишди. Анна Робертовна эса, кўзойнагини тўғрилаб менга ажабланиб қарарди.

— Оҳо, Антошка-ей!— деди у.

— Оҳо, эмас оға!— ҳазиллашдим мен. Ахир, «оға» бўлса — хўжайинни, «оҳо» бўлса — ҳечнимани билдирарди-да.

Уйга ҳовлиқиб жўнадим. Йўлакдаёқ ҳаллослаб бобомга гапириб бердим. У кулмади. Бошини сарак-сарак қилиб, ўйланиб қолди.

— Оббо Анна Робертовна-е,— деди.— Баракалла!
Кейин кечгача чурқ этмади.

Бир-икки кундан кейин қизик воқеани кўрдим!

Кўчада Анна Робертовна болаларнинг аравачасини тортиб келарди, у тортса тортавермайди. Унинг ёнида жигар ранг пальтода бобом бирварақай иккита аравачани итариб келарди! Бир вақтда иккита аравачани бошқариш осонми, бобом пишилар, гоҳ у-гоҳ, бу аравачани бурар, жиндек ҳам уялмасди! Аксинча, яйраб куларди. Йўловчилар буларга ажабланиб қарарди. Иш вақти тугаган, биров бош чайқар, бошқаси кулар, яна бири елка қисиб ўтарди.

Мен бўлсам бобомнинг бу ишига уялардим. Наҳотки хижолат тортмаса, деб ўйлардим. Генералу — аравача тортиб юрибди! Яхши ҳам болалар келганида у уйда бўлмагани, биров танимайди. Унда болалар бундай генерал учун мени майна қилишарди.

ҲАШАР

Аввалига бобом бировларнинг аравасини тортиб юрди, кейин омборчи бўлди. Мен буни эшитганимда ҳатто, йиғлаб юбордим. Шу ҳам генерал бўлди-ю! Қип-қизил шармандалик...

Лекин, олдин якшанбалик — ҳашар бўлди.

Қиш бошланиб, посёлкамизни қор босди. Момиқдай юмшоқ. Кечқурун қуёш тайгага ёнбошлаганида у пуштирангга киради, қизариб ялтирайди. Кейин ҳаворанг олиб, кўкимтир тусга киради-да, тўсатдан қорая бошлайди.

Бизда кундузи бирдан тугайди. Қуёш ботиши билан қоронғи бўлади-қўяди. Фақат чироқларнинг тагида қор ялтироқ доира бўлиб кўринади. Тепадан қизик туюлар балки, у ердан қоронғиликда танга-танга оқ доира ялтираб кўринса керак. Шамол турса чироқлар тебранарди, оқ доиралар, гўё бўшлиқда сирли учар талинкалар:

дек ҳаракат қилади, ер билан осмоннинг чегарасини библиб бўлмайди, атроф зимзиё.

Бизда қиш чиройли бўлади: тайга оқ уқа тақади, сув ўпирган жойларда дарё буғ чиқариб нафас олади. Совуқда қарағайлар қарсиллайди — кавакда йигилган сув музлаб ўтинчидек дарахтни ёриб юборади.

Қишимиз гўзал, лекин бу билан ишим йўқ. Нимагадир ичим ачишиб, оғрийди, нега бундай бўлаётганини ўзим биламан, лекин тан олгим келмайди, қайсарлик қиламан, жаҳлим чиқади, бундан кайфиятим бузилади, ҳеч нарса татимайди.

Янги йил олдидан Галя менга:

— Якшанба куни — умумий ҳашар! Сенга биринчи топшириқ, бўшашма! — деди. Мен севинмадим. Синфга командирлик қилмоқчи эдим, энди бунга ҳеч ҳушим йўқ. Ўзимни беқорга уринтирдим. Бошимга бу аҳмоқона фикр келмаганда, Газ Баллонини бас ўйнаб ютмаганимда, ҳаммаси жойида бўлармиди. Кешка билан дўстлигимиз бузилмасмиди, Алька ҳам менга олайиб қарамасмиди. Энди нима қилдим? Орқага қайтиб бўлмайди...

... Ҳали қоронғи. Чироқлар ўчмаган. Посёлкада шовқин-сурон. Ҳар бир симёғочдаги радиодан қувноқ, куй эшитилади. Қаердадир, тўғонда духовой оркестр гумбурлайди. Юк машиналари гуриллаб, одам ташийди. Кейин тонг отганида, ҳаммаёқ байрамона тус олди: байроқлар ҳилпирайди, транспарантлар порлайди.

Бизнинг мактабимизни ялангликка юборишди. Уни тозалаш керак экан. Тозаласак тозалабмиз-да. Ўқитувчилар ломларни кўтариб юришибди. Биз бел билан қорни тозалаймиз. Бульдозер бизга ёрдамлашяпти. Ҳаво унча совуқ эмас, нафас олиш осон. Ҳаммаёқ хурсандчилик!

Мен ҳатто, ҳафагарчилигимниям унутдим. Ҳеч кимга буйруқ бермай, қор курардим. Каттаконлик хаёлимга ҳам келмасди.

Бизга Баллоннинг дадаси бошчилик қиларди. Қиряга сира ўхшамайди. Семиз эмас, рисоладаги одам. У бульдозери билан майдонни текисларди. Биз атрофида уймалашардик. Қаерда оғирроқ нарса ётган бўлса, у суриб берар, тўнкани кўчирар, бетон ғўлани ғилдиратар эди. Бульдозер қувноқ патирлаб, трубасидан паға-паға кўк тутун чиқарарди.

Галя билан Егоров менинг ёнимда ишлашарди. Уларни томоша қилиш қизиқ эди. Борис ҳеч кимга эътибор бермай гоҳ Галянинг қўлидан ушлар, гоҳ сеҳрлангандек тўхтаб, унга тикиларди. Галя уялиб, қўлини тортиб олар, ишингни қил, дерди. Егоров итоаткорона бошини қимирлатиб, ломини музга шундай урардики, зарралари ҳарёққа учарди.

Газ Баллони ҳам шу атрофда уймалашар, қизларга дўқ уриб, ҳазиллашар, қўшиқ айтарди. Мен унга меҳрибонлик билан қарардим. Қайфиятим ёмон эмас эди.

Шунда бобомни кўриб қолдим. У ҳамма қатори телогрейкада эди. Бошида дадамнинг ҳурпайган қулоқчини, қўлида ит терисидан тикилган қўлқоп.

Бобом менинг отрядимга яқинлашарди, у ҳар қадам қўйган сари менинг яхши кайфиятим бузилиб борарди. Йўқ, мен буни бошқача тасаввур қилардим. Бобом формада, болаларнинг ҳаваси келар, орденлари ярқирар, тақинчоқлари порлар, қаранг, қаранг, деб завқли шивирлашлар эшитилар, деб ўйлардим... Ҳозир қандайдир бир чол қўнжи қайтарилган валенкада оёғини судраб келар, елкасида лом, у оғирлик қилаётган бўлса керак елкаси хиёл қийшайганди, ориқ, нимжон чол, генералга сира ўхшамасди.

— Ишлар қалай? — мendan сўради Бобом болаларга кўз ташларкан. Лекин унга биров эътибор бермади. Ҳаммаси қизиқишиб ишларди. Фақат Газ Баллони одатдагидек ҳушёр эди. Кўзлари олайиб, қулоқларини динг қилди.

— Ёмон эмас,— нохушлик билан бобомга жавоб қилдим,— ишляяпмиз.

— Майли,— бош ирғади у,— мен борай, кутишаяпти...

У қор босган майдондан юриб кетди, Газ Баллони эса кўзимга қарайди.

— Шуми? — сўради Пухов шилқимлик билан.— Генералинг шуми?

Баъзан одам ўйламаган ишни қилиб қўяди. Бир хунар чиқаради-да, кейин ўзи важ топа олмай қолади. Мен ҳам шундай бўлдим. Елкамни қисиб:

— Шу кам эди! — деб юбордим.

Лекин ўзим қизариб кетдим. Ана холос! Ўзимнинг бобомдан тондим. Буёқда Галя, жин урсин, меҳрибонлик билан менга қўл силтаб, ҳаммага эшитириб қичқирди:

— Рибоков! Антоша! Бобонг шу кишими?

Мен баттарроқ қизараман, болалар эса, белларини ташлаб, бобомнинг кетидан кузатиб, бозор қилишиб чугурлашади.

«Бўлмаган гап!..», «Генераллар бошқача бўлади!». Қизларнинг тўдасида кимдир кулиб: «Кичкиналигини қара, кичкиналигини!» деди.

Бошимга қон қуйилгандек бўлди. Кўз олдим қоронғилашди. Оми халқ! Бир нимага тушунса экан! Менинг ўзим ҳам... Ичимда шамол, бўрон, гирдоб қуюн кўзгалди. Менинг жаҳлим чиққанидан, рангим оқариб кетган бўлса керак. Ҳаммани улоқтириб, товушини ўчиргим келарди. Шу пайтда командирлигим эсимга тушди. «Нима бу ўзи? — деб ўйладим? — Раисни масҳара қилишаяпти-ку». Бор овозим билан бақирдим:

— Ҳой, сизлар! Товушингизни ўчиринг!

Бирдан жим бўлишди. Шунда Альканинг:

— Оҳо! — деган қочирими эшитилди.

Мен дод солиб, ўкириб йиғлаб юборай дедим. Лекин энди нима қилишимни билмасдим. Мен четдан балки

қўриқчига, овсарга ўхшаб кўринаётгандирман: қўлларимни мушт қилиб, лабларимни тишлаб турардим. Лекин беҳуда эди, қўлларим қалтирар, лабим титрарди.

Шу пайт Газ Баллонига жон кирди. У бобомнинг кетидан югуриб кетди. Мен бобом тўхтаганини, Пуховга бошини қимирлатганини, биз томонга қараганини, бир нималар деб, йўлига кетганини кўрдим, Кирилл эса, ҳовлиқиб орқасига қайтарди. У қадамни секинлатиб, кейин бир-бир босиб, яқин келди-да, кўзларини менга қадаб:

— Гаровни мен ютдим, ютуқни қайтар! — деди.

Мен қордан ҳам оқариб кетган эдим. Газ Баллони эса, синфдошларимизга ўгирилиб бақирди:

У бобосини танимади! Лекин у бунинг бобоси. Фақат генерал эмас, оддий пенсионер. Узи айтди.

Синфдошларим зогчалар галасидек чуғурлашишди. Менга худди қўнғизчага лупадан қарагандек боқишарди. Мен гўё ўқ отаётган пулемёт ёмғири остида тургандек ҳис этардим ўзимни: ҳар томондан мени тешиб юборгудек бўлиб туришарди. Биринчи бўлиб Алька отди. Билмадим судьяларнинг кўзи ҳам Альканикига ўхшаган бўлса керак. Совуқ ва димоғдорлик билан боқарди. Томоғимга бир нима тиқилди, мен ўзимни унутдим. Негадир дўриллаб йиғлаб юбордим, белни улоқтириб, қор уюмларига ботиб, уйга жўнадим.

Галя орқамдан: «Рнбаков, қайт ҳозир», деб бақирди. Егоров ҳам чақирди. Мен ҳатто қайрилиб ҳам қарамадим.

УЧРАШУВ

Етишимиз олдидан, қоронғида бобом гап бошлади:

— Бугун синфингиздан бир гражданин менинг кимлигимни сўради. «Сиз генералмисиз?» — деди. Сен мени пеш қилмагансан, шунинг учун ўзимдан сўрашаётган бўлса керак, деб ўйладим. Тўғри қиласан. Бировнинг

орқасидан кун кўриш қийин эмас. Шунақалар бор, кўп кўрганман. Безрайиб, бировнинг обрўсидан фойдаланишди.— У эснаб, уйқисираган товушда қўшиб қўйди: — Мен тондим. «Пенсионерман», дедим. Қалай, тўғри қилибманми?

Мен ғужмалак бўлиб кетдим. Гап буёқда экан-да. Лабларим титрарди. Лекин зўрға:

— Тўғри,— дедим.

Бошқа иложим бормиди? Баданимдан тер чиқиб кетди. Э, гап буёқда экан-да! Мен бобомни рўкач қилиб, бировнинг шуҳратидан фойдаланибман-да!

Кечқурун, бўлганича бўлар, мактабга бормаيمان, деб ўйладим. Эрталаб фикримдан қайтдим: кўрқди дейишлари мумкин. Мен унақалардан эмасман. Лекин мактабга боргим келмасди. Оёғимни зўрға босиб борардим. Биров қаттиқроқ гапирса, чўчиб тушардим.

Синфимизга яқинлашганимда у ердан қаттиқ шовқин эшитиларди. Альканинг товуши ҳаммадан баландроқ эшитилди:

— Нима, у мундирни бозордан олганми?

Қолганлар алланималар деб бақаришди.

Мен остонадан ўтишим билан ҳаммаси жим бўлиб қолди. Ҳар ким ўз иши билан шуғулланишга тушди: китобини тахлашар, дафтарини титкилар, бир-бири билан гаплашишарди. Ҳеч ким менга эътибор бермади, болалар эгилиб саломлашмади, хижолатлик билан тескари қарашарди, менга кулиб боқадиган қизлар кўзини олиб қочарди. Биргина Газ Баллони менга тикилиб қараб, менсимай сўз қотди:

— Менга қара, раис! Мен Егоровни учратган эдим. У сени тайёрлансин, деди. Ҳашардан кетиб қолганингни муҳокама қилар эканмиз. Фақат кеча Галя шамоллаб қолибди. Тузалиб келган куни мажлис ўтказамиз.

Менинг томоғим музлаб қолди. Чаккамга болга урила бошлади. Мен Баллонга бурилиб, бошдан оёғига нафрат билан қараб чиқдим-да:

— Нега буйруқ қиялсан? Мени ҳали ўрнимдан туширишгани йўқ шекилли? — дедим.

Пухов хуриллади. Хур-хур қилиб бўлиб, деди:

— Мен сени кўтарган эдим, ўзим сени тушираман!

Шунда ҳамма кулиб юборди. Мен қўлларимни мушт қилиб, бошимни эгдим. Гўё кимдир бир туширгандек бўлди-ю, мен жавоб қила олмасдим.

Кўзимга ёш келди. «Йиғлама! — буюрдим ўзимга ўзим.— Шармандалик етар!» Ўзим эса синфни ўйлайман. Нобоп дўстларимни. «Хоинлар, яна мен билан таъзим қилиб кўришишарди-я!»

Ўқитувчининг столига сакраб чиқиб, бобом генерал, генерал, генерал, деб товушим борича бақиргим келарди. Лекин бундай қилишни хоҳламадим. Тишимни тишимга босиб, Қириллнинг ҳақоратига чидадим...

Энди мен ёлғиз, бир ўзим қолдим. Алька менга қараб-қараб қўяди, холос. Қешка билан уришиб қолганман, халқ оммаси бўлса мени сотди.

Буни қаранг! Мен дўстларимни йўқотяпман, бобом топаяпти. Қешканинг бобоси Иннокентий Евлампиевич билан топишди.

Шунақанги гаплар бўлар экан, ишонгинг келмайди! Лекин бўлар экан. Рост. Ўз кўзим билан кўрдим.

Менинг бобом Қешканинг бобоси билан ҳашарда танишибди, шундай дейиш жоиз бўлса, Иннокентий Евлампиевич қурилишда омборчи бўлиб ишлайди, бобом у билан чекишиб ўтириб, танишиб қолибди: иккаласи Биринчи Украина фронтида жанг қилган экан. Менга таъна қилаётгандек, деярли ҳар куни ошхонада бирга ўтириб, папирос тутатишади: мана сен Қешкани камситмоқчи эдинг, биз генерал билан сержант бирга тамаки чекаямиз, деяётгандек бўлишади.

Мен боболарнинг ёнидан оёқ учида ўтаман, дарсликларни очаман, қарайману ҳеч нарсани кўрмайман. Иннокентий Евлампиевич менинг Қешка билан уришганим-

ни биладими, бу ёғи нима бўлади? «Нима қиламан», деб ўйлайман.

Кешканинг бобоси Кешкага жуда ўхшайди. Суяклари йўғон, яғриндор, боши катта. Фақат кекса Иннокентий қалин соқол қўйган, оқ мўйлари дағал кўринар, мўйловлари папирос тутунидан сарғайган, кўзлари Кешканикидан айёрроқ эди. Кўзларини қисиб, кулиб турарди. Иннокентий Евлампиевич менинг бобомдан сал каттароқ, етмишдан ошиб кетган, пенсия олади, лекин уйда қолса, дарров касал бўлади. Шунинг учун ҳам, айтишига қараганда, омборчи бўлиб ишлайди.

Девор ортидан «бу-бу-бу»лаган овоз эшитилади. Боболар ниманидир ўйлаб, нималарнидир эслаб жим бўлишди, кейин секин, бўғиқ овозда кулишди, сўнг яна «бу-бу-бу»лаб тўхтовсиз гаплашишди. Шундан буён бобомиз ҳар замонда пирог пишириб, полни онда-сонда ювадиган бўлди, бунга ойим ёш боладай қувониб, дадани ҳайрон қиларди. У бўлса: «Айтмовдимми! Шароитимизга у кўникди!» дерди.

Мен хурсанд ҳам, хафа ҳам эмасдим, умуман бобомнинг қандай яшаётгани билан ишим йўқ, ўзимнинг ташвишим етарли эди.

Лекин бир куни кутилмаган воқеа содир бўлди.

Бобом Иннокентий Евлампиевич билан учрашди.

Ҳа, ҳа, ҳайрон бўлманг, улар кўпдан бери таниш бўлса ҳам, кўпдан бери бир-бириникига бориб-келиб юрган бўлса ҳам энди учрашишди. Улар доим ошхонамизда ўтиришарди. Бир сафар улар мен дарс тайёрлайдиган хонага кириб, қаёққадир телефон қилишди. Менинг бобом номерларни терар, Кешканинг бобоси атрофга аланглаб ўтирарди. Кейин у девордаги суратни кўриб, яқин келди-да, бирпас қараб туриб мени беҳосдан чўчитиб юборди.

— Хим бу?— бақириб юборди Иннокентий Евлампиевич ва қўрқиб бобомнинг қўлини ўшлади.— Хим бу! Хим?

— Вой, Евлампиевич-е,— кулди бобом,— шунча кўпни кўрган одам кўрққанингни қара-я. Бу мен, сенга нима бўлди?

— Мана шу мўйловли-а? — кекса Иннокентий қўллари-ни ёзиб, жим бўлди.

Мен ҳеч нарсага тушунмадим. Оддий сурат-ку, нега бақиради?

— Вой-ёй-ёй! — оппоқ соқолини силкитди Иннокентий Евлампиевич.— Вой қариб қолибман, ҳеч балога ярамайман — кўр бўлибман!»! Вой-ёй-ёй!

Бобом ҳатто, телефон трубкасини қўйиб қўйди.

— Нега «вой-войлайсан, тушунтирсанг-чи!

Евлампиевич тинчланиб, бобомга қаради.

— Мен сени кўпдан биламан, Петрович,— деди у кулиб.— Днепрдан ўтаётганимизда унвонинг қанақа эди? Полковникмидинг?

— Полковник,— деди бобом.— Нима бўпти?

— Худди ўшанда сен мени қаматган эдинг.

Мен аллақачон дарс тайёрлашни йиғиштириб қўйгандим, ҳозир ручкамни дафтар устига тушириб юбордим. Сиёҳ тушиб доғ бўлди. Бобом елкасини қисди.

— Бир асир фрицнинг башарасига туширган эдим,— дерди ҳовлиқиб Кешканинг бобоси.— Бир тўдасини ҳайдаб борардим, муштумимни ҳидлаб кўрсин, дедим-да. Шу пайт мана шу мўйловли полковник пайдо бўлди. Бу сен! Нега урасан, деб тиқилинч қилиб қолдинг. Мен довдираб қолдим. Қўрқиб кетдим-да. Сен менга уч сутка бердинг!

Ана холос, демак менинг бобом Кешканинг бобосини қаматибди-да?

— Оббо сен-эй! — яна бош чайқади Иннокентий Евлампиевич.— Жиндак ҳам танимабман. Ўзгариб кетибсан, жуда ўзгарибсан!

— Шошма,— деди бобом,— сал-пал эслаяпман. Наҳотки ўша... — у бармоғи билан орқа томонга ишора қилиб, ўйланди,— ўша сенми?

Кекса Евлампиевич бобомга яқин келиб, унинг қўлини кенг кафтига олди.

— Оббо сен-эй! — такрорларди у қайта-қайта. — Буни қаранг-а, уят бўлди. Неча кундан бери тамаки тутатамизу шу сурат бўлмаса, танимас эканман-да.

— Фрицни нега ургандингиз? — эсига солдим.

Кешканинг бобоси энги билан кўзларини артиб, киприкларини пириллатди-да, жавоб қилди:

— Узининг немисига теккан нонини тортиб олганди...

Уринда ағанаб ётибмиз, уйку келмайди.

Бобом хўрсинади, унинг нафас олишига қулоқ соламан.

— Дори томизиб берайми? — сўрадим мен.

— Майли! — дейди у, кейин тўнғиллаб қўшиб қўйди:

— Нега Иннокентийни-а? Суриштирмасдан-а?..

ОМБОРЧИ

Бир ҳафта, балки ундан ҳам кўпроқ бўлгандир, бобом уйдан билдирмай чиқиб кетадиган бўлди.

Эрталаб у биздан олдинроқ, бўш шицалар солинган халтани олиб жўнар, негадир ташвишли кўринар, дамбадам соатига қарар, бировнинг, кузатишини хохламагандек, тўсатдан эшикни ёпиб чиқар, умуман ўзини ғалати тутарди. Баъзан қаёққа шошилаётганини сўрасам, у саволинг ғалати, деб норози тўнғиллар, бошқа гапга ўрин қолдирмасди.

У ҳаммадан олдин кетиб, мен мактабдан қайтганимда ҳам келмас, иш куни охирида қайтар, мен деразадан унинг калта пахталик, қулоқчин, валенка кийиб доимо тўрвасида сут кўтариб аста келаётганини кўрардим.

Куни билан магазинма-магазин юрармикин? Ундай десам, атиги икки-учта магазин бор. Қаёқларда юради унда? Балки яна Анна Робертовнага қарашаётганмикин, деб гумонсирадим. Лекин болаларнинг олдига калта пахталикда эмас, пальто кийиб борарди.

Бобом тўсатдан бизни ташвишга қўйди! Мен унинг бундай қилишини кутмаган ҳам, ўйламаган ҳам эдим: ҳеч ким билан маслаҳатлашмай, ҳеч кимни ўйламай...

Бир куни дадам ишдан негадир бўшашиб қайтди. Менга картошка артишаман деб, уч марта қўлидан пичоқни тушириб юборди. Кейин стаканни чил-чил қилди. Диванга газета ўқигани ўтирдию уни тескари ушлаб олибди. Сира бундай бўлмаганди. Мен ҳайрон, ойим ҳайратда эди. Нуқул: нима бўлди, нима бўлди, деб сўрарди.

Дадам ҳеч нарса бўлгани йўқ, деганга ўхшаш бир нималар деб тўнғилларди. Кейин ирғиб туриб, негадир шарфни томоғига икки марта ўраб, мен билан ойимга сизлар ҳам айланиб келинглар, деб буюрди. Йўқ, у нимадандир ташвишда эди.

Мен ойим билан индамай кийиндик, бобом йўлакка чиқиб, ҳазиломуз: «Мени ҳам ола кетасизларми?» деб сўради. Тўсатдан дадам: «Сабр қиламиз», деб дағал жавоб қилди. Доим бобом билан хушмуомалада бўларди, ҳозир жаҳл билан гапирди. Яхши бўлмади. Ҳайратдан бобомнинг қошлари керилди. Лекин у гап қайтармай хонасига кирди.

Биз ташқарига чиқдик, ойим яна дадамдан нега бундай қилаётганини сўради, лекин дадам уни қўли билан тўхтатиб:

— Шармандалик! — деди. — Унғалтирмайдиган зарба! Бугун мендан: «Омборчи бўлиб ишлаётган сенинг қариндошингми? Рибаклов Антон Петрович. Қайсар чол экан!» — деб сўрашди. Тушунаюпсизларми?

Мен дадамнинг нима деяганига тушуна олмадим. Қайси Рибаклов, қандай омборчи? Ойим ҳам ҳайрон бўлди. Дадамнинг жаҳли чиқди:

— Нега тушунмайсизлар! Бобомиз омборчи бўлибди! Мен уни кадрлар бўйича директор ўринбосарлигига таклиф қилган эдим, у омборчи бўлиб олибди!

Мен кулиб юбордим. Дадамга:

— Бугун негадир ҳамма нарсани чалкаштириб юб-
ряпсиз,— дедим.— Газетани оёғини осмондан қилиб ўқи-
дингиз; энди генерални омборчи деяпсиз.

Ойим бўлса, қўлларини силкитиб, чаккасини ушлаб,
пешанасига қор босарди. Игна пластинканинг қирилган
чизиғига тушиб қолгандек бир хил овозда:

— Даҳшат-ку, бу, даҳшат-ку, бу, даҳшат-ку, бу...—
деб нола қиларди.

Ана шундан кейин, бобомнинг омборчи бўлиб ишла-
ётганини фаҳмладим. Генерал-омборчи. Генерал-лейте-
нант эди, энди генерал-омборчи бўлибди, қойил-е!

Мен гоҳ кулиб, гоҳ йиғлардим. Аллаңечук кўринаёт-
ган бўлсам керак, ўзим ҳам сезиб турардим. Ойим ел-
камни силай бошлади худди бир нима тикилгандек, да-
дам орқамга урди, лекин фойдаси бўлмади, ҳиқиллаб,
пиқиллайвердим.

Ҳашар куни кўз олдимдан кетмас, аҳмақона гаплар-
ни эслардим: «Генерал бунақа бўлмайди!», «Кичкинали-
гини қара, кичкиналигини!» Пуховнинг арра тишларини
очиб: «Мен сени кўтарган эдим, ўзим тушираман!» деб
тиржайиши хаёлимдан кетмасди. «Тушир, тушир!» —
деб ўйлардим безгакдек қалтираб. «Менга нима? — дер-
диму бобомни тўхтовсиз айблардим.— Нега, нима учун
омборчи бўлдингиз? Сизга нима ёмонлик қилдим», дер-
дим.

Дадам ойим билан менинг атрофимда айланар, мен
ҳиқиллаб бурнимни тортардим, ойим бузуқ пластинка-
дек ҳадеб бир гапни такрорларди. Ойим асли сибирлик
аёл бўлгани учун ҳаммамиздан олдин ўзини босиб олди.

— Бас! — деди у қатъий, елкални силашдан тўхтади.
Мен дарров тинчидим. Дадам тўхтади.

— Бас! — такрорлади ойим, — ҳозироқ уйга кириб, бу
шармандагарчиликни йиғиштирамиз! Қитоб ўқиш, те-
левизорда спектакль, концертларни томоша қилиш ўр-
нига...

— Таклиф бор, — унинг гапини бўлди дадам, — бу

ишни эртага қўйайлик, жиноят устида ушлаймиз. Асос бўлиши, исботи керак!

Эрталаб бобом тўрвасини кўтариб, шошиб чиқиб кетди. Биз бир оз кутиб, кейин пастга тушдик-да, ойимнинг «газик»ига ўтирдик.

...Омбор эшиги ланг очиқ, у ерга одамлар кириб-чиқиб турарди, яшиқда мих, қучоқда янги бел, ўрам-ўрам сим олиб чиқишарди. Биз бир-биримизга қараб қўйдик. Омборхонадан бобомнинг товуши эшитиларди.

— Туши-риб юбор-ма! — деб бақирарди у гўё артиллериячиларга буюраётгандек баланд овозда.— Эҳ-тиёт бўл!

— Кутамиз,— деди дадам асабийлашиб.— Ҳозир иши зик, смена бошланган. Шарманда қилмайлик!

Мен ойимдан, нега бундай деяптилар деб сўрадим. Халқ олдида уялтириб, обрўсини туширмаслигимиз кераклигини айтдилар ойим. Бизнинг обрўйимиз-чи, менинг обрўйим-чи, деб ўйладим.

Энди менда обрў қолибдими? Ҳеч қандай обрў қолмади. Мен ўзимни раисликка сайлатганим, бобомдан тонганим, ҳашардан кетганимни эслаб, аччиқ кулиб қўйдим... Мана энди Газ Баллони мен билан хоҳлаганича гаплашаверади. Обрў қаёқда...

Одамлар камайди, кейин охиргиси ҳам чиқиб кетди, биз эшикка юрдик.

Мен бу манзарани турлича тасаввур қилардим. Дадам шармандасини чиқариб, ёпиштириб ташлаши осон бўлсин учун бобом деворга яқин турган бўлади, ойим айблайди, мен унга ўпкаланиб қарайман. Жуда бўлмаса, тўсатдан шошиб қолади, хижолат тортиб, ўзини оқлайди, ҳаяжонланади. Лекин ўйлаганимча чиқмади, бобом бизни кўриб, кулиб юборди.

Ўтириб, бир нималарни ёзаётган эди, бошини кўтариб бизга қаради-да, енгил тортиб кулди.

— Қелинглар!— деди у кулиб. Худога шукур, енгил тортидим! Сизларга қандай тушунтирсам экан, деб

ўйлардим, энди тушунтиришнинг ҳожати йўқ, жуда яхши бўлди-да.

— Ҳожати бор! — бобомни айблашга тушди ойим. — Ҳали тушунтирасиз!

— Тушунмаяпман, — қўлини кўтарди бобом. — Сиз ўртоқчиликка қаршимисиз? Мен Иннокентий Евлампиевичнинг ўрнида ишляяпман, тушунаси, у касалхонага тушиб қолди. Тузалиб чиқса, қутиламан. Сизларга пирог пишираман, бу ердан қўлланма топиб олдим. — Бобом катта китобни олиб, боши устида силкитди. — Еввойи саримсоқдан қадимги сибирча пирог пиширишни ёзибди!

Бир киши миҳ сўраб келди, бобом кўзойнагини тақиб, бизларни унутди. Ойим қўлларини ишқалаб, гапиришга тайёрланарди, лекин бегона киши чиқиб кетиши билан бобом:

— Кейинги ҳафтада — иккинчи смена, кечаси ишлайман, билиб қўйинглар, — деди.

Ойим бўшашиб, қўлларини туширди, дадам тўнғиллади.

— Сиз ишлаш эмас, дам олишингиз керак. Бошқа омборчи топилмайдими! — деди аччиғи қистаб.

— Ҳой, бошлиқнинг ўринбосари! — деди кулиб бобом. — Майда ишларга тушунмас экансан! Баланда экансан! Чиндан ҳам омборчи етишмайди, чунки ёшлар бу ишга йўламайди, қизиқишмайди, қариялар эса йўқ. Омборни ёпиб бўлмайди-ку!

Дадамнинг қовоғи осилган, ойимнинг жаҳли чиққан, лекин иккаласи ҳам индамасди.

— Бобо, — дедим мен сўнгги баҳонани ишлатиб, — сиз ахир генералсиз-ку, уят эмасми! Сиз бизни шарманда қилаяпсиз! Шунини ўйладингизми?

Бобом жиддий тус олди.

— Мана бу гапни қаранглар! — деди у чўзиб, сўнг бирдан аччиғи қистади: — Агар уялаётган бўсанглар, ёнимга йўламанглар!

Ойим билан дадам дарров ҳужумдан ҳимояга ўтишди, бир нималар деб бобомни юпатмоқчи бўлишди, у эса, ҳайрон бўлиб:

— Вой озода сассиқлар-ё! Уятли иш йўқлигини билмасмидинглар?

Мен омборхонадан ер ёрилиб, ерга киргандек бўлиб чиқиб кетдим. Ойим билан дадам ишига кетди, мен мактабга жўнадим.

Йўлда ҳеч ким йўқ эди, мен яна йиғлаб юбордим. Демак, мен озода сассиқ бўлдим, бобомдан уялар эканман... Мен йиғидан ўзимни сира тўхтата олмадим, алам эмас, ҳақиқат мени эзарди: ахир шундай бўлди-да...

СБОР

Мен қандайдир ботқоқликка тушиб қолганга ўхшардим: ундан чиқишни истар, лекин оёғим ботар, тийғонар, тагига етолмас, ҳолдан тойиб, умидимни узган, ҳаракатдан қолгандай эдим... Мени ботқоқлик тубига тортар, қутилиш чораси йўқ эди...

Лекин ҳаёт қарама-қаршиликларга тўла. Дадам шундай деган эди. У бу гапни айтганига кўп бўлган; мен уни унутган ҳам эдим, лекин аҳволим чатоқлашганида эски сўз хотирамга келди. Эсладим у қутилмаган бу гапдан титраб кетдим.

Мен тамоман қийин аҳволга тушиб қолдим, ёлғоннинг сассиқ ботқоғида иложсиз типирчилар, бошим айланар, кўнглим айнарди, лекин тўсатдан кўзим очилиб, оғир касалликдан энди тургандек дармондан кетгандим. Чиндан ҳам ҳаёт қарама-қаршиликларга тўла...

Худди темирни қиздириб босгандек, бобомнинг гапи мени куни бўйи куйдирарди. У омборда: сиз, сизга, деб ҳаммамизга гапирган бўлса ҳам, буни фақат менга айтгани аниқ эди. Демак, мен бобомдан уялаяпман. Унинг омборчи бўлганига номус қилаяпман. Генералимнинг олтин белгилари тикилган шинёлда эмас, калта пахта-

ликда, қулоқчин, валенкалар кийиб юрганига уяляпман. Қисқаси мен эсимни ебман. Менга бобом, унинг одамгарчилиги, саломатлиги, хулқ атвори эмас, ташқи кўриниши, генераллик погонини таққан савлати муҳим экан. Жуда пастлашиб кетган эканман. Унинг шуҳратидан фойдаландим. Унга ўхшаган командир бўлгим келди. Генераллик шуҳрати менга ҳам тегишли деб ўйладим.

Қилган ишларим ўртар, бобомнинг кейинги сўзи темир тамға босгандек куйдирарди. Озода-сассиқ, дегани оз.

Қайсидир танаффусда, қайсилиги ҳам эсимда йўқ, ҳамма танаффуслар, ҳамма дарслар миямда чалкашиб кетди, Газ Баллони пайдо бўлди:

— Бугун сбор! — деди у.

У арра тишларини кўрсатиб тиржайди. Мени аввалгидек бошини эгади, деб ўйлади шекилли. Йўқ, мен Пуховнинг башарасига тик қарадим, мени раисликдан тушира қол, зор эмасман, дегандек, хотиржам бош иргадим. Мени аллақачон тушириш керак эди. Бу фикр менга тасалли берарди. Ҳаёт қарама-қаршилиқларга тўла, деб дадам тўғри айтган экан.

Дарсдан кейин бутун синфимиз пионерлар хонасига йиғилди. Галянинг хонаси байрамона безатилган. Байроқ бурчакда турибди. Ёнида барча отрядларнинг байроқчалари ўрнатилан. Барабанлар тоқчаларга қўйилган, горнлар олтиндек ялтирайди. Деворларга плакатлар осилган. Хонанинг ўртасида столга ёпилган алвон ловуллайди. Шивирлаб гаплашгинг, музейгадидек, оёқ учида юргинг келади.

Галянинг музейига оёқ учида кириб, стулнинг четига ўтиргандим, лекин Егоров мени бармоғи билан имлаб чақирди:

— Бу ёққа кел, ҳали раисликдан тушганинг йўқ.

Шундай қилиб, мен алвон ёпилган столнинг нарёғига ўтиб ўтирдим, Борис Егоров эса эълон қилди:

— Кун тартибда: биринчидан-менинг армияга кетишим. Ҳа, ҳа, шовқин солманглар, жўнайман, сизларга хат ёзиб тураман, мени вожатийликдан бўшатмаслигини илтимос қиламан.

Охирги сўзни Борис Галяга қараб айтди, у бошини қимирлатди-да, қизариб ерга қаради, у хафа кўринарди. Пионер галстугининг учи доим қизил мўйловдек тиккайиб турарди, ҳозир у ҳам бўшагандек эди.

— Майли,— деди Борис тетиклик билан,— хафа бўлма...— бирдан эсига тушиб, «нг» ҳарфини қўшиб қўйди.— Хафа бўлманг, вожатийингиз солдат бўлади.

Болалар шовқин кўтарди, лекин Борис қўлини кўтариши билан жим бўлишди.

— Иккинчи масала,— дейди шошилмай у, ҳамманинг эътибори менга қаратилгандек бўлади,— отряд совети раисининг хулқ-атвори. Сўз,— Борис Галяга қаради, бош пионер вожатий ўрнидан тура бошлади...

Лекин мен ундан олдин туриб:

— Ўзим гапираман,— дедим.

Галя ҳайрон бўлиб менга қарайди, мен сира шошилмайман. Гулханда чўғ ёниб кул бўлгандек, ҳароратим пасайгандек эдим.

Мен синфимиздагиларга, таъзим билан кўришадиган болаларга, мен хоҳлаган пайтимда кулиб боқадиган қизларга, кун-кеча сотқинлик қилди, деб ўйлаб ҳақорат қилганларимга кинояли жилмайиб чиқдим. Лекин улар сотқинми? Ҳатто менинг ашаддий душманам, Газ Баллони лақабли Алвасти Пухов ҳам сотқин ёки душман эмас. Душман ўзим. Ўзим ўзимга душман эканман.

— Менга қўйилган ҳамма айблар ўринли,— дедим шундан кейин.

— Сең аввал эшитиб ол! — деди Газ Баллони ўридан туриб.— Ташаббус кўрсатиб чиқиб, осонгина қутилмоқчимсан? Яна алдамоқчи бўлаяпсанми?

Унинг қулоқлари иккита қизил чироққа ўхшарди.

«Тентак,— деб ўйлайман унинг тўғрисида қизишмай,— нега ҳаяжонланаяпти? Мен ҳаяжонланишим керак». Пионер хонасида энди шовқин бошланди. Яхши. Сен айтганча бўлсин деб ўйлаб, жойимга ўтирдим. Газ Баллони эса, бармоқларини букиб:

— Ҳашардан қочдинг,— бир! Яна раис эмиш. Йўқ — бу иккинчиси. Яна бири — у ўз бобосидан тонди. Учинчидан — бобосини генерал қилиб кўрсатди. Менда далил бор! — У яна бармоқларини бука бошлади.— Биринчидан бобосининг ўзи пенсионерман, деди, иккинчидан...— Пухов хонага, байроқларга, горн, барабанларга кўз югуртиради, болаларга ғолибона боқиб, тантана билан сўзини яқунлади: — Иккинчидан, бобосининг омборчи бўлиб ишлаётганини ўзим кўрдим!

Бу гап халойиққа таъсир қилди, халқ худди човгумда сув қайнаётгандек гувиллаб, шовқин соларди. Омборчи! Генерал эмас! Буни қаранглар-а! деган гаплар эшитиларди. Кеча бу мени ўлдирган бўларди. Энди таъсир қилмасди. Аста ўрнимдан турдим. Энди гапиришим керак, ўзимни оқлашим керак, шунда бобомнинг гапларини такрорладим:

— Нима бу, озода-сассиқлар? Ҳар қандай ишнинг шарафли эканини билмайсизми?

— Насиҳат қилма,— бақирди Газ Баллони.— Уддасидан чиқолсанг, ўзингни оқла.

— Оқлайман,— дедим мен кулиб,— фақат сен асосий айбни унутдинг. Сўзни менга берганингни тушунаман. Гаров ўйнаганимиздаги учинчи талаб эсингдами. Мен унисидан сени холи қиламан. Мана асосийси,— дедим мен Галя билан Егоровга қараб,— асосийси, гаров туфайли мени раисликка кўрсатишди, тушундингизми? Мана энг асосийси.

Пионер хонаси жим бўлиб қолди.

— Тушуниб бўлмайдим,— деди Альқа ўзига ўзи гапиргандек.— Айблашаяпти-ю, у ўзини оқлаш ўрнига тескарисини қилаяпти. Ўзини кўпроқ айблаяпти.

— Генерал мундирини қаёқдан олдинг? — деб бақирди Пухов терлаб.

— Дадам ҳаваскорлик тўғарагига қатнашади, тушунасизларми?— дедим мен жавобан.— У ўйнайдиган пьесада генерал бор. Ана ўша генерал учун мундирни олган, фаҳмладингларми? Реквизит деб аталади.

Шундан кейин ғавғо бошланди! Полнинг чангини кўтариб, бақирдишар, бир-бирининг сўзини бўлишарди. Газ Баллони стулга чиқиб олди. Шунда Кешканинг товуши эшитилди.

— Яшанглар, халойиқ! — қичқирди у «халойиқ» сўзини нафрат билан айтиб.

Ҳамма бирдан сергакланиб, жим бўлди.

Кешка байроқ олдида турар, юзи хол-хол қизариб кетганди.

— Сиз уни бобоси учун сайлаганингиз йўқ-ку!— деди у.— Ўзларинг Галяга уқтирдиларинг! Энди нима қилаяпсизлар? Ҳозир генерал сизларга нега керак бўлиб қолди?

Яна ҳаммаси бирдан бақира бошлади, Галя барабани таёқчаси билан дўпиллатди.

— Биз бобосини муҳокама қилаётганимиз йўқ! — деди у.— Биз Рибаконни муҳокама қилаяпмиз. Аниги, унинг ҳашардаги хулқини гапиринглар.

— Бари бир унинг бобоси генерал,— деди тўсатдан Кешка секин, ҳамма жим бўлиб, унга ўгирилди.— Менинг бобом у билан бирга жанг қилган экан. Менинг бобом сержант, лекин у касал бўлиб қолганида Антошканинг бобоси ўрнида омборчилик қилгани уялмади. Унинг нега омборчилик қилаётганини энди тушундингларми?

Яна ҳамма менга қаради.

Юзимга қайнаган сув сепгандек бўлди. Мундир тўғрисида ёлгон гапирганим учун мени яна уришишлари керак эди, лекин болалар менга яна аввалгидек қарай

бошлашди. Худди таъзим қилиб хайрлашадигандек эди. Лекин мен бўғиқ овозда:

— Бас қилинглар!— дедим.— Бобомни аралаштириб нима қиласизлар! Ўзимга ўзим жавоб бераман. Мени раисликдан туширишингларни сўрайман. Шармандали хулқим учун. Рўкач қилганим учун.

— Нимани рўкач қилдинг? — тўнғиллади Пухов.

— Бобомнинг обрўсини, хомкалла!

ОЛМАХОН

Мен сборда ҳаммадан олдин туриб, чордоққа чиқиладиган чанг босган зинага ўзимни урдим. Мени қидиришар, чақирришарди. Алька билан Кешканинг товушини эшитар, лекин жавоб бермасдим. Кўзимга ёш қуйлиб келар, ўзим бўлса, жилмаярдим. Ўзимни енгил ҳис қилардим, тушунасизми? Ҳаёт қарама-қаршиликларга тўла, деганди дадам. Мана менда ҳам қарама-қаршлик юз берди: йиғлаб туриб кулардим,— ҳам хурсанд, ҳам хафа эдим.

Узоқ ўтирдим. Қоронғилик туша бошлади. Қурилишда иш тугаган бўлса керак.

Ичкаридан судралиб чиқдим, кийиниб, уйга жўнадим. Мен нима қилган бўлсам, тўғри ва ҳаққоний эди. Фақат қилган ишларимни бобом билса нима дёр экан? «Эх, Антоша, мени шарманда қилдинг»... Энди унинг олдида ўзимни оқлай оламанми? Йўқ, ҳаммаси бўлиб ўтган, тўғрилангандай бўлса ҳам, нафасим сиқиларди. Кешка раис бўлди — тўғри қилишди, шундай бўлиши керак эди, лекин нимадир мени қийнарди...

Қилган ишларингни унутиб бўладими? Топ-тоза бўлиб кетиш осонми? Мен кўчада шошилмай борардим, оломонга кўзим тушди... Унтача юқори синф ўқувчилари, сал нарида Газ Баллони турарди.

Болалар шошиб ерга энгашар, қорни думалоқлаб,

янги уйнинг деворига олишарди: гадир-будир бетон девордан олмахон юқорига тирмашарди.

Болалар кулишар, деворга қор олишар, олмахон эса калта, дадил сапчиб тобора юқорилашар, нималаргадир тармашиб, бўғотга яқинлашарди. Тайга яқин, олмахонлар поселкага келиб турар, лекин дарахтларга тирмашиб, осонгина қочиб кетишарди, бунинг омади юришмай, ер бўйлаб қочган бўлса керак, уни пайқаб қолишганида ўзини уйга уриб, қор бўронига қараб деворга тирмашарди.

Юмалоқланган қор олмахоннинг яқинида деворга тарсиллаб урилиб, атрофга сочилар, олмахоннинг кичкина жуссаси қалтираб кетар, гўё таянч бўладигандек, момнқ думини деворга қисарди.

Ун киши битта олмахонга қарши. Лекин бу ўнтаси одам эди. Ҳар бирининг елкасида боши, кўкрагида юраги бор эди. Газ Баллони улар ёнида турар, оқибати нима бўлишини мароқ билан кутарди.

Қоним қайнаб кетди.

— Сизлар! — дедим мен ғазабдан титраб.— Аблах экансиз! Нима қиялпсизлар!

Газ Баллони менга қаради, кўзлари айёрона қисилди.

— Э! Ҳа! Генерал! — деди қилтанглаб.— Яна буйруқ қиялпсанми!— У хахолаб кулди:— Аскарари йўқ генерал!

Бошқа вақтда мен бу гапдан жинни бўлардим, балки яна бир ҳунар кўрсатардим, ҳозир бу гап қулоғимга кирмади.

— Тўхтатинг! — бақирдим олмахондан кўзимни узмай.

Энди унинг ёнида юмалоқланган қор эмас, яхлаган лой, тошлар тарсилларди. Бирдан олмахон йиқилиб тушди. У ерга қулаб тушди ҳамки, мен девордан кўзимни олмасдим. У ерда, гадир-будир бетонда қизил дор пайдо бўлганди...

Мен портфелимни улоқтирдим, қалпоғимни бостириб кийдим-да, югура бориб катта боланинг қорнига калла қўйдим. У вой, деб йиқилди, мен бошқаларини калла қила бошладим. Болалар кўп бўлгани учун довдираб қолишмади, кейин юзим қорга текканини сездим, қор уюмида нафасим бўғилди. Менинг белимга, бошимга уришар, лекин мен оғриқни сезмай, ўрнимдан туришга, яна биттасини калла қилишга уринардим.

Бирдан муштлашиш тугади. Мен эгнимдан қорни қоқдим. Юқори синфдагилар ғойиб бўлган, фақат Газ Баллони жойида турарди.

Лабларим титрар, қўлларим қалтирарди. Мен юзим-да эрий бошлаган қорни артиб, бобомни кўриб қолдим. У ҳарсиллаб, менга жиддий қарарди.

— Мен ҳаммасини кўрдим,— деди у нафасини ростлаб,— баракалла!

АЛВАСТИ БОРМИ

Баракалла!

Мен титраб кетдим. Ҳаёт қарама-қаршиликларга тўла... У менга баракалла, деди. Аслида-чи, аслида?

Қоидадан ташқари усуллар борлигини мен биламан. Масалан, боксда белдан пастига уриш мумкин эмас. Пастроққа урсанг, одам букчайиб, эси оғиб қолади, агар ҳалол одам бўлсанг, нозик жойига урмаслигинг керак.

Ҳалол одам. Мен эса, ҳалол эмас эканман, ман қилинган усулни қўлладим, гаровда ютиб, Пуховдан мени раисликка кўрсатасан деб талаб этдим, кейин бобомнинг обрўсидан фойдаландим. Унга қандай айтсам экан? Айтмаслик мумкин эмас. Олмахон воқеасидан кейин индамасдан кетиб бўлмайди.

Бобом ёнимда бораёпти. Оёқ остида қор ғарчиллайди. У қовоқ солиб, индамай кетаяпти. Кейин:

— Бу шафқатсизлик қаёқдан пайдо бўлди? — деди ҳайрон бўлиб.

Мен бошимни эгдим. У мени айтаётгани йўқ. У болаларни назарда тутаяпти. Лекин худди менга айтаётгандек туюлади.

Шафқатсизлик. Демак, мана шу шафқатсизлик бор экан, одамгарчилик, шафқат ҳам бор. Менинг қилган ишларим одамгарчиликка кирадими? Гарчи ўтиб кетган бўлса ҳам... Томоғимга бир нима тиқилади, лекин мен ютинаман. Қўз ёшини бас қилиш, қилмишларингга жавоб бериш пайти келди. Мен хафагарчиликдан йиғлаб юборишга тайёрман: болалар олмахонни ўлдиришди, бемаъно ва шафқатсизлик билан ўлдиришди, кейин мени қорга тиқишди — ўн киши биттага қарши. Ҳа, мен хафагарчиликдан, ожизликдан, ноҳақликдан дод солишга тайёрман. Қўпроқ ўзимнинг ноҳақлигимдан йиғлагим келаётгандир.

— Бобо,— дедим қатъий.

У қадамини секинлатиб, менга қаради.

— Бобо,— дедим такрор ва асосий мақсадимни айтишдан олдин лабимни тишладим.

У қошларини чимириб, индамай қулоқ солади.

Мен унинг сўзлашини кутаман, юпатишини эмас, ҳукмини кутаман.


Лекин бобом индамайди. Унинг индамаслиги кўнглимга қаттиқ ботади. Қорнинг ғарчиллашини, узоқдаги краннинг сигналини, тепадан учиб ўтаётган қарғаларнинг қағиллашини эшитиб турибман.

Мен оғир ҳукми кутардим. Аччиқ гапларни эшитишга тайёрланардим: айб қилганингдан кейин жавоб беришинг керак. Лекин мен бобомнинг индамай, айбимни юзимга айтмай боришига тоқат қилолмасдим.

Мана кўпни кўрган бобомнинг ҳукми.

Ҳеч қанақа алвасти йўқ. Ўзингда ҳам, бошқада ҳам. Фақат ўзинг борсан, ироданг ёки қўрқоқлигинг бор. Қўрқоқликни, ярамасликни тан олишининг ўзи жасорат.

Мана шу сукутга-бардош бера олсам бўлгани...



Бешинчи қисм

Азиз инсон

ОМБОР

Орадан бир неча кун ўтди, кечинмалар ортда қолиб, ҳаёт олға силжирди.

Энди кўнглим нимадандир тез-тез ҳижил бўлаверади. Жимгина ўтириб хаёл суришни ёқтириб қолдим.

Бир ўзим ҳа, ёлғиз бўлиб олиб, қоронғи хонада кўзимни очиб ётишни, қор гупиллаб ёғиб турганида ғарч-ғурч босиб юришни... хуш кўраман.

Мен ўтган дамларни қайғуриб, афсусланиб, лекин бамайлихотир эслайман. Улар йўқолган эмас, фақат эсдан чиқди, ўтди-кетди. Лекин унутиш мумкин эмас. Ўз хатойингни доим ёдда тутишинг керак. Бу — келажак ҳаётингда тўғри қадам ташлашинг учун зарур.

Йиғилишдан кейин синфда ҳамма нарса яна ўзга-

риб кетди. Шунда ҳам қўл бериб сўрашиш учун ёнимга ҳеч ким келгани йўқ, лекин болалар менга самимий қарашар, дилдан гаплашишарди. Ҳар қалай йиғилишдан кейин синф ўзгаргани йўқдиру ўша олмахон воқеасидан сўнг ўзим ўзгаргандирман. Одамларга ҳам, ўзимга ҳам бошқача қараяпман. Бирданига содда ҳам жиддий тутаман ўзимни.

Газ Баллони ғалати, худди савол бермоқчидек қараш қилади, лекин лом-мим деб оғзини очмайди. Дарс пайтида орқамда ўтирган Альканинг қарашини сезаман. Угирилибман-у, кўз ўнгимда хаёл сураётгандай бўлиб кўринаверади. Угирилиб қарасам хаёлга чўмиб ўтирганини кўраман. У мен ҳақимда қандай фикрдайкин? Умуман билиб олсам чакки бўлмасди, бироқ Альканинг олдига боргим йўқ. Якка ўзимман. Энди бу нарса ўзимга зарур, танҳолик керак менга. Ҳар куни мактабга келаман, дарсда ўтираман, агар ўқитувчилар чақириб сўраса, жавоб бераман, лекин ўзим яккаю ёлғизман. Худди битта ўзим синфни четга суриб қўйгандекман.

Бобом. Ҳа, мен ёнида бемалол ўтирадиган бирдан бир одамим фақат бобом эди.

Уша вақтда у менга ҳеч нарса дегани йўқ. Бирон сўз билан дашном ҳам бермади. Лом-мим демай юраверади.

Кейин ҳам шундай юравердик. Бобом илгаригидек омборчи. Иннокентий Евлампиевич ҳамон бетоб, касалхонада ётипти. Мен бўлсам ҳар куни дарсдан кейин омборга бораман.

Яшиқлар, ўрамлар тахлами орасида устини қоғоз босиб кетган бобомнинг столи туради. Шифтга осилган учун шнурдаги лампочка хира ёғду сочади. Полда турган электр печкасининг спираллари апельсин рангида қизариб туради. Омбор совуқ, қиров босган металл трубалар кумушдек ялтирайди, лекин стол ёни айниқса, стол ости электр печкасининг тафти билан исиган.

Бобом телпагининг қулоғини тушириб ўтирипти, қўлида эски жун қўлқоп. Қўлқопнинг кўрсатгич бармоғи кирадиган учини кесиб, яхшилаб чоклаб олган. Ручкани ушлаш осон бўлсин учун шундай қилган. Бари бир авторучка столнинг бир чеккасида ётипти, ундаги снѐх совуқда яхлаб қолган, шарикли ручка ҳам чидамайди, пастаси яхлаб қолади. Ёзишга қаламгина дуруст. Совуққа шугина чидамли.

Бобом қаламни қитирлатиб, қаршисидаги деразага қаради. У ерда, дераза ортида дўнглик нотекис ер кўриниб туради. Номигагина ер дейилади-да, у шу топда диабазнинг ўзи.

Диабаз — тоғ жинси. ГЭСларимиз диабаздан тикланган қирғоқлар елкасида ястаниб туради. Уни белкурак билан чопиб бўлмайди. Дадам:

— Қани энди диабаздек мустаҳкам бетон бўлса! — деб орзу қилади. Бу янгиликни дадам олиб келди. Мен уни эшитдим уша заҳоти унутиб юбордим. Бобомнинг эсидан чиқмапти. Ҳозир бўлса справочникларни варақлар, логарифм чизигида алланарсаларни ҳисоблар, қалам билан қоғоз қитирлатиб ёзиб қўярди.

Мен: «нималарни ҳисоблаяпсиз?» деб сўрадим. Бобом ҳеч нарса эшитмагандек лом-мим демади. Мен ҳам уни қистамадим. Жавоб бермаяпти, демак, айтгиси йўқ экан-да.

Лекин бир ҳафта ўтгач, кечқурун ётиш олдидан:

— Биласанми,— шипшиди бобом,— ажойиб фикр келди миямга! Бир зарб билан бутун бир майдонни бунёд этамиз!

Мен дастлаб нима деяётганига тушунмадим. Кейин бобом дадам айтган гапни эслатди. Ленинградда бизнинг станция учун турбиналар тайёрлашаётган экан. Ҳар бири икки юз минг киловаттдан ортиқ — ғоят баҳайбат эмиш. Ҳар ишчи дўнгалаги диаметрининг ўзи олти метрдан экан. Бунақа турбина яшаш — эҳе, осон иш эмас — қанча меҳнат талаб этади. Кейин бутун бир эше-

лонга ортиб келинади. Фақат шугина эмас, уни монтаж қилиш керак. Бунинг учун майдонча, йўқ, майдонча эмас, каттакон майдон керак бўлади. Ахир у ерда кранлар ҳам, турбина қисмлари ҳам туриши керак-да. Ҳозир ердан фақат ном қолган-ку — диабаз! Шу диабазни текислаш учун қанча куч, қанча техника талаб этилади-ю.

— Биласанми,— шипшиди бобом,— мен бу ишни бир зарб билан бажараман!

— Бир зарб билан? Қандай қилиб? — сўрадим мен.

— Бир портлатишда! Фақат ҳисобини тўғри олиш керак.

Мана у ҳеч ким йўғидан фойдаланиб нималарнидир ҳисоблаб, яхламас қалам билан ёзиб чиқаяпти.

Оёқ иссиғ-у, бобомнинг оғзидан буғ чиқади.

У жилмайганича севган қўшиғини аста хиргойи қилади, мен ҳам ўзимча секин унга жўр бўламан:

Қазо етса, тез етса,
Яралар енгил битса!

Бобом портлатиш ҳақида ўйлайди, мен эса бобом тўғрисида.

Лекин бобомни фақат мен ўйлаётганим йўқ. Бир куни эшик очилиб, остонада Анна Робертовна пайдо бўлди. Уни анчадан бери кўрмагандим! Қўлида тугун.

— Мон женерал! — дейди у жилмайиб ва тугунни еча бошлайди.— Биласизми, Гриша бир қизни севиб қолипти! Шунақанги ёқимтой қизки! Билдингизми? Мен ҳам бахтиёрман, тфу, тфу, кўз тегмасин!

Тугун ҳам роса тугилган экан. У мовут рўмол бўлиб, ичида жунли берет, унинг ичида эса кичкина кувача. Анна Робертовна унинг қопқоғини очиши билан димоққа гречка бўтқасининг ёқимли ҳиди урилди.

Мен емадим, бобом иштаҳа билан уриб олди, овқат ичини илитди шекилли ёноқларига қизиллик югурди. Анна Робертовна столга тирсагини тираб, буришган юз-

ларини кафтлари орасига олганича аста Гришанинг уйланиш маросимини кўз олдига келтириб пичирлагани пичирлаган эди.

Мен французчани эсладим-у, хўрсиниб қўйдим. Анна Робертовна неvara кўрса, болалигиданоқ французча гаплашаверади. Туғуруқхонаанинг ўзиданоқ «Божур, гранмаман!»— деб йиғлаб келаверади.

Ё бўлмаса бувининг французчасини айтаверади...

ОЛФИРЛАР

Бобом дадам билан айтишиб қолди.

Мен бунақа бўлишини сира ўйламагандим. Сабаб йўқ эди-да.

Лекин сабаби топилди.

Бу менинг олдимда бўлди, ҳаммасини ўз кўзим билан кўрдим.

Бир куни омбор олдига битта юк машинаси тириллаб келиб тўхтади. Ундан икки киши тушди. Катта ёшларда, мулойим, кўринишлари худди ака-укалардек бир хил. Иккови келиб, бобомнинг қўлқопли қўлини қисшди. Хона совуқ бўлишига қарамай, бош қийимларини ечишди. Биттаси қўйинини узоқ титкилаб, газетага ўроғлик бир нарса олди.

Бобом газета ўрамига ҳайрон бўлиб тикилди:

— Ну нима?

— Биласизми, ота,— деди бири,— беш қопча цемент керак эди. Агар бўлса бирон яшик мих, уч рулон толь, жуда зарур бўлиб қолди. Қурилиш қилаётган эдик. Маъқулми?

— Маъқул,— жавоб берди бобом жилмайиб.— Бу ерда, ким ҳам қурилиш қилмаяпти. Бизда ҳаммаси топилади, накладнойни беринг.

Шунда бир-бирига ўхшаш кишиларнинг бири газета ўрамини очиб, стол устига бир шиша вино қўйди.

— Бу нима? — сўради бобом. Энди унинг овози ўзгарган — қалтирарди.

— Накладной,— жавоб берди бошқаси жилмайиб.
— Ие-ие-ие-ие!..— деди у чўзиб, сўнг пешанасига бир шапати уриб, қўшиб қўйди: — Тушунарли!

— Ҳа, ўша,— енгил тортиб деди уларнинг бири.

— Очқич борми? — сўради бошқаси.

— Бор,— жавоб берди бобом ўйланиб, кейин табу-реткадан аста туриб эшик томон юрди.

Келган кишилар ҳеч нарсага тушунмай, қараб туришарди, бобом эса эшикни ланг очиб бамайлихотир:

— Қани, бир жўнангларчи!— деди.

— Сизга нима бўлди, ота? — деди бири.

— Ҳақини ҳам тўлаймиз,— қўшимча қилди иккинчиси.

— Яхшиликча жўнаб қолинглар, бўлмаса тегишли жойга топширвораман,— такрорлади бобом бояги оҳангда.

Келганлар қулоқчинларини кийишди, кўзлари эса бежо ўйнарди.

— Қурилиш камбағал бўлиб қолмайди-ку, ота! — мурасозлик қилишга уринди бири, иккинчиси эса шошиб шишани чўнтагига тикди.— Қурилиш катта! Коммунизмнинг улуғ қурилиши, биласизми? Биз кичкинагина сарой қурмоқчимиз, шунчаки...

— Жўнанглар,— бобом шундай оҳанг билан мурожат қилдики, улар лип этиб эшик олдига бориб қолишди.

— Тушунинг ахир, ҳеч қаерда йўқ,— давом этди бири.— Биз олдингизга яхшиликча келган эдик, сиз бўлсангиз...

— Мен ёмонликча кутиб оламан! — бақирди бобом жарангдор товуш билан.

Стол устидаги лампочка силкиниб кетди, бояги кишилар эшикдан чиқишиб, кўздан ғойиб бўлишди. Бир оздан кейин юк машинасининг тириллаши эшитилди-ю, кейин ҳаммаёқ жимиб қолди.

Бобом жойига келиб ўтирди, пешанасини артди.

Келган жойидан ёзувини давом эттирди. Қўллари қалтираётганлигини кўрдим. У қўлидаги қаламни ташлаб менга қаради.

— Кўрдингми?

— Муттаҳамларми?

— Ушаларга ўхшаш,— деди у.— Давлат ҳисобига қуришмоқчи-я.

Икковимиз ҳам анча вақтгача жим қолдик. Бобом ўзини босиб олди, яна ёзишда давом этди.

Тўсатдан юк машинасининг гуриллаши эшитилди.

— Ота! Ота! — чақирдишди кўчадан.

Мен қўрқиб кетдим. Улар нега қайтиб келишди, нима керак уларга? Бобом ташқарига чиқди, мен унинг ёнида турардим.

— Эҳ, отажон-ей! — бақирди машина кабинасидан бояги кишиларнинг бири.— Бекорга ўжарлик қилдингиз! Анави ерда цемент тиқилиб ётипти, ҳаммасини нима қиламан. Михни ўша шишага дурадгорлардан олдик. Икки яшик — ана кўринг.— У қўли билан кузовни кўрсатди. Кузовдан тахта, ёғоч, сим чивиклар кўриниб турарди.

— Уғирляяпсизларми?— бақирди бобом.

Бояги киши калласини лиқиллатди.

— Оляпмиз. Пул тўлашга ҳам розимиз, лекин одамларимиз бой, пул тиқилиб ётипти, керак эмасмиш!

Юк машинаси бўғиқ гувиллади.

— Соғ бўл, эй қоқвош чол!— алам билан қичқирди ҳалиги киши.

Бобом омбор остонасида муштини қисганича турарди.

— Демак, мен бу ерда бекорга ўтирган эканман-да? — деди ўзига ўзи.— Бекорга қоровуллик қилаётган эканман-да?

Кечқурун дадам икковлари этишиб қолишди.

Дадам бу воқеани эшитиб:

— Олғирлар! Ҳечқиси йўқ! — деди.

— Негадир жуда хотиржам гапиряпсан-а,— деди бобом.

— Ҳаёт шунақа,— жавоб берди дадам.— Нима ҳам қила олардингиз,— у кулиб қўйди.— Бу худди телеви-зорда кўрсатадиган «ҳайвонот оламида»га ўхшайди. Катта балиқ атрофида кичик балиқлар уймалашаётган-дек гап... Майдалари сарқитлар билан тамадди қилади, улар каттанинг ҳисобига яшашади.

— Нималар деяётганигни ўйлаяпсанми ўзи?!— ҳайрон бўлди бобом.

— Фараз қилайлик!— деди дадам жаҳли чиқиб.— Фараз қилайлик, сиз тўғри гапиряпсиз! Лекин ўйлаб кўринг! Биз электростанция қурияпмиз. Тенги йўқ электростанция! Бунақаси йўқ ҳали! Ўзингиз бу ерда армия экан, дедингиз-ку! Ҳужум кетяпти. Қўрдингизми, қанча одам бор! Техника-чи! Қандай улкан иш! Бир яшик мих, бир рулон толь, ўнтагина ёғочни назорат қилиш осонми!

— Ана холос!— хитоб қилди бобом.— Менимча, жиддий масала устида гаплашаяпмиз шекилли! Қани, бўлмаса, оддий гапимга жавоб бер-чи. Чўнтагингда юз сўм пулинг бор эди. Улар қоғоз пуллар-у, орасида битта сўлкавойи бор. Уша сўлкавой ерга тушиб кетди, дейлик, хўш, энгашиб оласанми?

— Агар шошиб турган бўлсам,— жавоб берди дадам,— агар вақтим бўлмаса — энгашмайман.

— Шунақами!— деди бобом.— Сен бунга қандай жавоб берасан, Антон? Бир сўм сенга кўдми, озми?

— Кўп!— жавоб бердим мен иккиланмай.— Бир сўмга тўққиз тийинлик морожнийдан ўн битта бериб, яна бир тийин қайтади.

— Сен-чи, Ольга?

— Нима ҳам дердим, бу қурувчилар пулни пўчоқча билишмайди,— жавоб берди оғим.— Улар юз сўм сарф қилишса яна пул берилишини билишарди-да!

— Ана-ана! — деди бобом жиддий.— Эшитдингми, ўртоқ ўринбосар.

— Бўлди,— жаҳл қилди дадам,— менимча, бу мен ҳақимда эмас. Умуман олганда, буни тергаш менинг вазифамга кирмайди!

Шунда бобом нима бўлганини билсангиз эди!

— Лекин менинг вазифам! — қичқирди у. Шундай деди-ю, дадамга ўқрайиб қаради. Дадам бу қарашдан ҳатто қизариб кетди.

Бобом эшикни тарс ёпиб хонадан чиқиб кетди.

— Нега бунча овозингни кўтармасанг? — деди ойим дадамга.

— Ольга! — хитоб қилди у яна ҳам қизариб.— Ке, бас қилайлик! Бу ерда болалар бор!

— Болалар! — тўнғиллади ойим.— Гап ўшалар ҳақида кетяпти!

Дадам дик этиб ўрнидан турди. Хонада у ёқдан бу ёққа юрди. Мен унга ачиниб:

— Хафа бўлманг, дада! Тўғри-да! Ахир у сизнинг вазифангиз эмас-ку! — дедим.

Дадам дудуқланиб қолди.

— Се-ен! Се-ен! Сен нега масхара қиляпсан? А!

Шундай қилиб, мен ҳам дадам билан жанжаллашганга ўхшайман.

ҚОР ЁҒАДИ ГУПИЛЛАБ

Посёлкамизда бекорчи кунлар бошланди. Бунга сабаб эллик градусли совуқ эмас. Сабаби қор ёғиши бўлди. Йўқ, бу сўз унга мос келмайди. Қор ёғади гупиллаб... Ҳа, қор ботмон-ботмон ташляпти.

Аввалига шунчаки қор ёғаверди.

Аста, лайлакқор ёға бошлади. Бамисоли посёлкани оппоқ сим тўр қоплагандек бўлди. Баҳайбат филлар қорамтир рангга бўялгандек эди — бу бинолар. Қурилиш

томонда ниманингдир кўзлари милтиллаётгандек электр пайвандчилар чиқараётган учқунлар қор орасидан аранг кўзга ташланади.

Кейин осмон ерга тушгандек бўлди.

Булутга қараб бўлмайди — тепага қарашинг билан кўзингга қор киради, оппоқ гирдобга дош беролмай юзингни яширасан беихтиёр. Лекин шундай қарайсан-у, худди булут пастлаган-у, этаги томларга тегиб тургандек туюлади. Худди уларда жон бордек. Юқорида нафас олиш қийинлашган-у, қорларни инсон устига ташлаб ўзига қулайлик туғдирыпти.

Кун тунга ўхшаб кетди. Мактабда чироқ ёқиб ўқилди, машиналар фараларини ёқиб олган, ҳамма жим, нафаси ичига тушган, ниманидир кутишаётгандек.

Мана қорни кўринг!

Кечқурун момақалдироқ гулдуради — қиш куни-я! — чақмоқ чақди. Қор орасидан чақмоқ кўринмади — фақат дераза аранг бўзариб кўринади.

Кейин бирдан жимиб қолди. Ҳамма енгил нафас олди: «Хайрият-э».

Тунда қурилиш бошлиғининг баланд овозидан уйғониб кетдик. Биз эрта билан ухлаб қолмаслик учун радиони ўчирмас эдик. Бошлиқ тўсатдан ташвишли товуш билан:

«Ўртоқлар! Диққат, диққат! Шошилиш хабар!» дерди.

Мен дарҳол уйғониб, чироқни ёқдим: соат эрталаб беш экан. Апил-тапил кийиниб дадам билан ойим ҳам чиқиб келишди.

Бошлиқ бўлса ҳар бир жумлада хитоб қилиб гапирарди:

«Ўртоқлар! Посёлкага кечаси мисли кўрилмаган қор ёғди! Биз область маркази билан алоқа боғладик! Ерддамга ҳарбий қисм ва техника воситалари юборилди! Табиий офат билан курашиш бўйича махсус оператив

штаб тузилди! Бугун ҳашар кунн деб эълон қилинди! Ўзини хонадони хавфсиз, деб ҳисоблаган жамики кишиларни қурилиш, посёлка хавфсизлиги учун курашишга чақирамиз! Қелишларингда чанғидан фойдаланишни малсаҳат берамиз! Интизом ва осойишталикка риоя қилишларингни сўраймиз!»

У гапини тамомламасиданоқ, биз ўзимизни деразага урдик.

Мен ойнага тикилдим-у, афсонавий манзарага дуч келдим: уйлар бамисоли чўккалаб олгандек, бутун бир қават ерга кириб кетгандек эди. Бир қаватли уйлар эса деярли кўмилиб кетган. Фақат мўрқонлари, шамол супурган томларигина кўринарди. Қор тинган, қорамтир булутлар сокин қушлардек енгил учарди. Тун қоронғи, ташқарига қарасанг, борлиқни қор эмас, балки кулранг кисель қоплагандек.

Ташвишли хабарни эшитганларни тинчитиш учун бўлса керак, радиодан қувноқ музика овози янгради. Шу пайт ойим жаҳл билан бақириб юборди:

— Мана! Дам ҳам олдик? Ўйнаб хумордан ҳам чиқдик! Ўйнадик ҳам.

Мен нима воқеа содир бўлганлигига тушунмай анга райиб қолдим. Ойим кўзини бақрайтирганича дадамга тикилган. Билдимки, ҳаммасига у айбдор. Қандай? Нега?

— Эҳ! — дерди ойим хонада югуриб.— Бўш келганим учун ўзим айбдорман! Қаттиқ туришим керак эди! Қаттиқ туриш керак эди!

Дадам қовоқларини уйди, мен ҳайрон, кўзимни пириллатар эдим.

— У қани? Унга нима бўлди? — бақирди ойим. Сўнг буюрди: — Тезроқ кийининглар! Отани қутқариш керак!

Биз ҳанг-манг бўлиб қолдик. Мен шошилиб кийина-япман-у, дарҳақиқат, мана энди нима бўлди, деб ўзимни ўзим койийман! Биз уйда маза қилиб ухладик. Бо-

бом эса омборда қоровуллик қилган эди. Унга нима бўлганлиги номаълум.

Биз отланиб йўлакка чиқдик, эшикни ёпиб, пастга тушсак одам тирбанд. Кишилар саросимада бир-бирларига қарашади. Дадам пешанасига бир уриб орқасига қайтди.

— Менинг орқамдан! — қичқирди у қўшниларга.

Биз уйимиз эшигини очиқ қолдирганча хонамизга кирдик. Ойим ошхона деразасига ёпиштирилган қоғозни кўчирди, дадам дарчани очиб юборди.

Биз турган иккинчи қават энди биринчи қават бўлиб қолганди. Қор деярли дераза тоқчасигача чиққанди. Дадам белкуракни олиб, деразадан қорга қадам ташлади. У-ух! Қорнимнинг аллақандай томири тортишди, ойимнинг ранги оқариб кетди: дадам қорга ағдарилганди. Унинг гавдаси кўринганда сочларида қор ялтирарди.

— Қўрқадиган ҳеч нарса йўқ,— деди у хотиржамлик билан худди умри бўйи дераза орқали чиқиб юргандек.— Тушаверинглар, ўртоқлар.

Ойим қулай бўлсин учун дераза тагига табуретка қўйди, қўшнилар бамисоли меҳмонга келаётгандек майин саломлашиб хонамизга киришар, кейин ошхонага кириб дераза орқали ташқарига чиқишарди.

БОБОМНИНГ ШЕЪРИ

Бобомнинг омбори қор тагида аранг кўринади. Томида танаси ингичка, ғалати қўзиқорин-замбруғ ўсгандек: тунука мўркон устига қор қўнган. Дадам мени томга чиқариб қўйди. Мен мўркон томон югурдим. Мўрконга оғзимни қилиб, худди ажинадек қичқирдим:

— Уҳ-ҳў!

— Уҳ-ҳў! — жавоб берди шу заҳоти бобом.

Бобомнинг овози ноаниқ эшитилди.

— Печкадан бақирсин! — маслаҳат берди сибирлик аёл.

Бобом «буржуйка» печкасининг эшигини очиб қўйган бўлса керак, овози худди микрофонда гапирётгандек йўғон эшитилади.

— Эшитяпсанми, — сўради у, — қор уйни кўп кўмганми?

— Етарли! — жавоб бердим мен.

Пастда дадам, ойим жаҳл билан имо қиларди. Охири дадам чидаб туролмади, ойимни томга чиқарди. У сирпаниб, қор уюмида йиқила-сурила тармаша бошладди, то мен бобомга далда бериб тургунимча аранг мўркон олдига етиб келди.

— Тўхтанг, — дедим мен бобомга, — ҳозир сиз билан яхшилаб гаплашишади.

Ойим мўркондаги қорни тушириб, худди жарчилар карнайни ушлагандек трубани икки қўллаб тутганича нафасини тўплади, гапирмоқчи эди, аввал ўйлаб олмаган эқанми бир зум жим қолди. Кейин бор кучини тўплаб:

— Дада! — деб бақирди. — Бу нимаси? Ахир бу бемаънилик-ку! Мен рухсат бермайман! Бунга йўл қўймайман ахир!

Кутилмаганда ойимнинг юзида ишонч йўқолди, у мўрконни маҳкам ушлаганича кўзига ёш олди.

— Совуқ қотгандирсиз? — деди ойим нафаси тиқилиб.

Мўркондан ҳам шундай бўғиқ овоз эшитилди.

— Оляжон! Жонгинам! Билмабмиз бундоқ — қор ёғар тоғ-тоғ!

Мен хандон ташлаб кулиб юбордим: чунки бобом шеър тўқишга ўтганди. Ойим кўзёшини ютаркан: қорни кавлашга тушишди, бир оз чиданг, деб бобомга хабар берди.

Эшикка етгунча анча жойни тозалашга тўғри келди. Биз терлаб кетдик, ойим қизарган, дадам бўлса:

Оляжон!
Жонгинам!
Ким билсин бундоқ
Қор ёғар тоғ-тоғ!

деб нуқул куларди.

Биз нуқул куламыз, ойим қўл силкиди, биз бўлсак хушчақчақлик билан қор кураймиз. Шу пайт орқамда кимдир турганлигини сезиб қолдим.

Мен ўгирилиб қарадим.

Гира-ширада таниш кишининг гавдаси кўринди. Бел-куракни ерга қўйдим. Гавда имиллаб бизга яқинлашарди.

Газ Баллони қаттиқ пишиллайди, лекин индамайди.

— Хўш?— ҳайрон бўлиб сўрадим мен ўз-ўзимдан.— Уни қандай шамол учирдийкин? Бирор воқеа юз берди-микан?

— Ҳалиги,— деди у,— нима эди...

Мен елкамни қисдим.

— Ёрдамлашсам майлими? — деди у ниҳоят.

Ҳамма ерда шу Кирилл, қаерга борма шу Газ Баллони олдимдан лўп этиб чиқади. Мана яна ўзини суқаяпти... Уни ҳайдаб юбормоқчи эдим уялдим. Мен генерал бўлганимда ана шундай фикр келганди... Кириллга Нуф-Нуф деган лақаб қўйиб, ҳаммага команда беришни орзу қилгандим.

— Марҳамат,— дедим мен,— қизғонадиган ери борми?.. Кавла:

Мен Кириллнинг белкурагимни хурсандлик билан олиб, қорни ота бошлаганлигини кўнглим ғаш бўлиб кузатардим... Мен унга ачиндим, лекин балконда генерал формасида кўринганимдагидек эмас. Негадир сира ичиқоралик ёки қувониб эмас, ҳақиқатан ҳам ачинардим...

Биз индамай қор кураямиз. Баъзан нафасни ростлаб олиш учун тўхтаемиз. Шунда ҳам гапирмаймиз. Яна

курашга тушамиз. Бирдан Кирилл қаддини ростлади-да:

— Мен ўшанда аҳмоқ эканман,— деди у дабдурустан.

Қалпоғим кўзимга тушган экан, орқага кўтариб қўйдим: Кирилл менга хаёлан ва бамайлихотирлик билан қараб турипти. У сира Кириллга ўхшамасди, бутунлай бошқа одам бўлиб қолганди. Мен бошимни силкидим:

— Мен аҳмоқ эдим.

У хўрсинди.

— Ҳа, сен ҳам,— фикримни қувватлади у.

Биз бир оз турдик-да, кулмасдан яна кавлашга тушдик. Шунда ўзимда шундай куч сездимки, қўлимдаги белкурак бамисоли кичкина чўпдан ҳам енгил бўлиб кетди, қорни липиллатиб, отиб турибман. Кўнглим ҳам равшан. Мен бобомнинг шеърини такрорлайман-у: «Эҳ, Пушкин!» деб қўяман.

Оляжон!
Жонгинам!
Ким билсин бундоқ
Қор ёғар тоғ-тоғ!

Биз Кирилл билан қор курарканмиз бирдан тўрт киши эмас, беш киши эканлигимизни кўрдим. Кўзимни ишқадим. Дадам билан ойим бир чеккада ишлашарди, Кирилл билан икковимиз бир ерда. Энди биздан салгина нарида яна бир киши қор курапти.

— Ҳей, у ердаги ким,— бақирдим мен.

— Ким, ким! — жавоб берди номаълум одам Қешканинг овозида.— Мен!

Мен қор деворга суяндим, томоғимга бир нарса тикилгандек бўлди. Буни қаранг! Мен ўйлабманки, мен... Демак, мен нотўғри ўйлабман, мен бутунлай бошқача ўйлаган эканман...

Белкуракни қорга ботирдим, назаримда кучимга икки баробар куч қўшилгандек бўлди. Қалбимда қандайдир қувонч барқ урди, лабларимдан бемаъни бир сўз-

сиз қўшиқ учиб чиқди: Турум-бурум-ба-а! Турум-бурум-ба-а! Белкураклар парракдек уча бошлади, мен Кешка билан Кириллга қарайман, шу пайтдаги қайноқ ҳаёт менга жуда-жуда ёқиб тушди.

Дадам билан ойим Кешкани кўриб тўхташди-да, ўзаро гаплаша бошлашди. Мен бунинг маъносига дарров тушундим.

— Албатта! — дедим мен.— Сизлар кетаверинглар, сизларни кутишаётгандир. Ахир бошқа ерларда ҳам кераксиз, бобомни ўзимиз қутқариб оламиз.

Дадам билан ойим кетишди.

Тонг ёришгандагина эшиккача кавлаб бордик. Бобом тор йўлакка қисилиб чиқди, кўзлари қамашди, кейин эшилиб бир хомуза тортди. Кирилл овозининг борица тантанали куйни чалди, мен кулиб юбордим. Кешка бўлса:

— Қишловчилар кўчиб юрувчи музликдан қутқарилди! — деб эълон қилди.

Бобомнинг чеҳрасида мамнунлик, табассум балқиди, кейин бирдан жиддий тусга кирди-ю, ўзининг қўмондонлик овозини ишга солди:

— Қутқарганлигингиз учун миннатдорлик билдираман!

Кешка қўлларини чаккасига тираб:

— Совет Иттифоқига хизмат қиламиз, ўртоқ генерал-лейтенант! — деб дадил жавоб қайтарди.

Эски валенка, фуфайка, қулоқчин кийган генерал-лейтенант Кешканинг қаршисида турарди. Бир қўлига оддий қўлқоп кийган, иккинчисидан эса кўрсатгич бармоғи кўриниб турарди.

Бобом йиртиқ қўлқопли қўлини қулоқчини олдига олиб бориб, аниқ ва кескин команда берди:

— В-вольнo-o!

Кешка бир оёғининг тиззасини букди, ўзини эркин тутди. Биз генерални қутқарганимиздан қувониб мириқиб кулдик.

Кейин... Кейин бизникига бордик-да, бобом кийиниб олгунича кутиб турдик.

Мен ҳатто бу ҳақда ўйламадим ҳам. Ахир мени бутун бахтсизликка олиб келган бемаъни ҳавасим шу кийим туфайли бўлган эди-да. Мен албатта бобом ана шу формада, орден ва медаллар тақиб олганда ёнида юришни хоҳлардим. Унинг шуҳрати менда акс этгандек бўларди. Бир вақтлар шуни ўйлагандим.

Мана биз қор уюми оралиғидан ўтиб боряпмиз, одамлар эса, орқамиздан қараб баралла овозда:

— Қаранглар, ҳатто генерал ҳам келипти,— дейишади.

— Ёрдам келипти!

— Энди ҳеч нарча қилмайди, ҳаммани қутқариб олишади!

Бобом жиддий, мен эса жилмаяман: у бугун шинелини нима учун кийганлиги маълум. Одамларнинг кўнглини кўтариш учун экан. Одамлар ёрдамга генерал келган экан, демак, армия ҳам шу ерда — энди ҳамма нарса жойида бўлади, деб ўйлашади. Бобомнинг шинели бугун тинчйтиш учун хизмат қилаяпти. Мен жилмаяман-у, аввалги қилган қилмишим учун ўзимни-ўзим койийман ва: бобом қандай ажойиб — шинелини ўз вақтида кийди, мақтаниш учун эмас, балки зарур иш учун кийди, деб ўйлайман. У билан ёнма-ён кетаяпман-у, бобом билан фахрланаман. Кешка ҳам, Қирилл ҳам бобом билан фахрланишарди. Сабрсизлик билан кутилган вақт ҳам келганди. Фақат бир вақтлар мен ўйлагандек эмас, минг марта, йўқ миллион марта яхши бўлди.

Биз бошқармага борардик, у ерда штаб тузилган эди. Посёлкани ташкилий равишда тозалашни бошлаш учун одамлар ҳам ўша ёққа боришарди.

Биз бобом билан қурилиш бошлиғининг хонасига кирганимизда у ерда одам тирбанд эди. Лекин улар киришимиз учун йўл беришарди. Ҳамма сукутда.

Қурилиш бошлиғи бобомга пешвоз чиқиб, жимгина унинг қўлини қисди.

— Ҳузуримизга ким келганлигини билиб турибман,— деди у ва бурчакка қаради. У ерда — телефон олдида дадам турарди.— Жуда вақтида келдингиз-да, Антон Петрович!

— Хўш, топшириқни бераверинг! — жавоб берди бобом ва бизни кўрсатди: — Мана ёрдамчиларим ҳам бор.

Қурилиш бошлиғи бизнинг қўлимизни қисди.

— Пионерларга ҳам бизда иш топилади. Сизни, Антон Петрович, менга ўринбосар бўлишга таклиф қиламан. Фронтчасига — штаб бошлиғи бўласиз!

Кейин хонада ўтирган одамларга мурожаат қилди: — Бу кишига ҳам меҳр қўйинглар, ҳам иззат-ҳурматларини бажо қилинглар! Бу киши — генерал-лейтенант Рибакков бўладилар. Ишнинг бориши ҳақида шу кишига, шу хонага ахборот бериб турасизлар. Антон Петрович ишимизни координация қилиб турадилар.

Одамлар тарқала бошлади, қурилиш бошлиғи ҳам қаёққадир кетди. Дадам бармоғини карта устида юргизиб бобомга алланарсаларни тушунтирди.

Биз ҳам топшириқ олдик: клубни очадиган бўлдик. Қурилиш бошлиғи бугун клубда кино бўлиши керак, деб буйруқ берди.

Биз уч кун ишладик.

Катталар эса уч кеча, уч кундуз ишлашди.

Уйда бир ўзим ухладим. Ойим бир неча вақтгагина келиб кетарди. Фақат бир соатгина ухлаб дам оларди, яна жўнаб қоларди. Кетиши олдидан кофе қайнатиб қўярди.

Кофени мен бобомга олиб борардим. Клубдан кейин, бизни мактабимизни очишга бошлашди. Ҳамма ошхоналар кечаси-ю, кундузи ишлар, биз эса ишчиларга махсус бидонларда овқат таширдик. Уларга чой ҳам, кофе ҳам олиб борардик. Лекин ойимнинг кофеси бошқача

бўлиб, уни бобом жуда яхши кўрарди. Кечқурун ҳам термосда овқат олиб борардим.

Бобом қурилиш бошлиғининг хонасида навбатчилик қиларди. Шинели диванда ётарди. Мен термос олиб борганимда бир кружка кофе ичиб олиб КПда ўтирган бошқа кишиларни ҳам меҳмон қиларди. Кейин бобом телефонни қўлига олиб: «КПга ахборот беринг», «КПга келинг», «КП ҳал қилади», «КП жавоб беради», дерди.

— Кўрдингми, менинг КПим қанақалигини,— деди у менга.— Саранжом-саришта! Дивани ҳам бор. Ухласа ҳам бўлади.

КП — команда пункти. Мен бобомдан урушдаги КП қандай бўлганлигини сўрадим.

— Блиндаж эди,— дейди у.— Шунақа хона-ю, лекин ернинг тагида эди. Усти ёғочлар билан беркитилган. Бир сўз билан айтганда, ертўла. «Ер» сўздан олинган, тушундингми? Хуллас, одатдагидек бино. Албатта маскировка қилинган, яъни ниқобланган бўлади. Ниқоб ҳаммаёғига барглар тутиб ташланган махсус тўрдан бўларди. Албатта ҳақиқий барг эмас, материалдан ясалган барглар. Ёки палаткада бўларди КП. Лекин сен кўрган оддий кириб ухлайдиган кичкина палатка эмас, бошқача, йиғилиш ҳам ўтказиладиган каттакон палатка эди.

У жимиб қолди, нима ҳақдадир ўйлади. Кейин деди:

— Мана шунақа.— Бу — менинг охирги КПим бўлса керак... Тушундингми...

Бобом жим бўлди. Унинг елкалари чўккандек бўлиб кетди. Қўзларининг тагида қорамтир ҳалқалар пайдо бўлди. У мундирининг тугмаларини ечиб, қўлини юрагининг устига қўйди.

— Дори олиб келайми? — сўрадим мен.

У қалласини лиқиллатди. Эшик очилди. Бобом тез тугмаларини тақди. Бир зумда юзи ўзгарди. Чехраси бардам, хушчақчақ, табассумли. Мен жилмайдим: чарчаганини билдирмоқчи эмас, деб хаёлимдан ўтказдим.

Бобом яна команда бера бошлади. Янги объектга одамлар жўнатди. Ағдарма машиналарни тақсимлади. Қурилиш бошлиғи олдида ҳисоб берди. Бобом ҳужумга қўмондонлик қиларди, телефонда бақирарди. Мен туш пайтида овқат тарқатаётганимда душманнинг қандай чекинаётганлигини яққол кўрдим. Ғалаба борган сари яқинлашарди.

Баланд-паст зиналарда кетма-кет турган роторли қор тозаловчи машиналар кўча бўйлаб ҳаракат қиларди. Улар секин юришига қарамай, моторлари гумбулар, қор учқунлари фонтандек узоқларга отиларди. Мен уларни душманга қақшатқич зарба бераётган танкларга ўхшатардим.

Кечқурун бобомнинг картасига назар ташладим. Унда тушуниб бўлмайдиган белгилар қўйиб ташланган эди. Ундаги белгилар орасида қизил қалам билан қўйилгани анча. Мен булар қордан тозаланган кўчалар, уйлар эканлигини дарҳол тушундим.

Учинчи кун кечаси биз аллавақтгача ўтирдик. Бобом мени диванга ётқизди. Кейин шинели билан устимни ёпиб қўйди. Шу кўйи ухлаб қолибман.

Мен туш кўраётган эканман шекилли, қандайдир зарбадан уйғониб кетдим.

Бобом стулнинг суянчиғига тирсагини қўйиб бошини ушлаганича рўпарамда ўтирарди. У менга тикилар, лунжлари ичига кириб кетган, кўзлари ғамгин.

— Сизга нима бўлди? — сўрадим мен ташвишланиб.

— Сенга қараб ўтирибман, — жавоб берди бобом.

— Мен бирон воқеа содир бўлибдими, деб ўйлабман, — дедим мен.

— Менга...

Диванга ўтирдим. Шинелни елкамга ташладим, орқага суяндим.

Мен бобомга қарадим-у, нимагадир, унга жуда ачиниб кетдим. Дастлаб кўчада келаётганида сафар хал-

тасида сут шишалари шақиллаб келганлиги ёдимга тушди. Уни қучоқлагим, ҳа, қаттиқ қучоқлаб олгим, дунёда қанча яхши сўз бўлса ўшаларни айтиб, уни эркалагим келиб кетди.

Лекин кулиб қўйдим.

Ҳа, уни қучоқлаб ҳам олмадим, яхши сўзлар билан эркаламадим ҳам, фақат кулимсираб:

— Эсингиздами, менга ўз ҳарбий-сирингиз ҳақида гапириб бермоқчи эдингиз? — деб сўрадим.

У бошини лиқиллатди.

— Ҳозир эмас. Лекин айтиб бераман.

Унинг бу сўзлари эсимда. Нимагадир бу менга ёқмади. Лекин яна кулимсираб, бошимни лиқиллатиб:

— Нималарни ўйлаяпсиз? — деб сўрадим.

— Сенинг тўғрингда, — деди бобом жиддий. Қўзлари ҳамон ғамгин эди. — Сен ҳақингда ҳам, ўзим ҳақимда ҳам. Сенга қанчалик қийин бўлишини ўйлаяпман. Генерал ҳақида, деб ўйлама. Сени ўйлайман-да, тушуняпсанми, сен ҳақингда!

У жилмайганича кўзини юмди, кейин давом этди:

— Иккаламиз бирга кам турганлигимизга ачинапман. Ўзимни сира кечиролмайман бунинг учун. Кўраяпсан-ку, шундай бўлиб қолганини! Мен хизматда эдим, даданг ўз иши билан банд. Бари бир афсусдаман. Хизматдан ҳам, ишдан ҳам, вазифадан ҳам муҳимроқ нарса бор. Ҳа, ҳамма нарсадан ҳам муҳимроқ нарса бор дунёда.

Мен унинг бу гапларига унча тушунмадим. Қўзларимни катта очганимча бобомга қараб туравердим. У худди қалбимдагини тинглагандек:

— Ҳечқиси йўқ, — деди. — Катта бўлганингдан кейин тушуниб оласан. Фақат ҳамиша эсингда бўлсин: инсоннинг давомчиси бўлади. Бу олий бахтдир.

Мен унинг нима демоқчи бўлганлигига энди тушундим. Мен давомчи нима эканлигини билардим.

— Худди қайиндагидекми? — сўрадим мен. — Ёки

арчадагидекми? Қарағайдекми? Кедрга ўхшабми? Шамол уларнинг уруғини учуриб келади-ю, ерга тушиб янги ниҳоллар ўсиб чиқаверади. Кейин яна, яна...

— Йўқ! — деди бобом. — Йўқ, йўқ ва яна йўқ! Инсонларда бошқача бўлади. Инсонларда янги одамлар яхшироқ, яна ҳам яхши бўлиши керак. Шунчаки одам эмас. Фақат яхши! Доимо яхши! Буни эсингда тут!

Мен кўзимни бошқа ёққа олиб қочдим.

— Мени кечиринг, — дедим секингина.

— Мен сенга ишонаман, — деди бобом, — буни эсингда тут.

Хонага жимлик чўкди. Фақат қаердадир соат чиқилларди.

— Яқинда каникул бошланади, — деди бобом секин. — Қе, каникул кунларини бирга ўтказамиз. Иннокентий Евлампиевич касалхонадан чиқаяпти.

— Бўпти! — дедим мен қувонч билан. Шу пайт елкамизга милтиқ осиб олиб ўзимни бобом билан тайгада чанғида юргандек ёки автобусда катта шаҳарларда кетаётгандек, ёки бир-бировимиз билан ёнма-ён ўтириб кино кўраётгандек ҳис қилдим.

Лекин бутунлай бошқача бўлиб чиқди. Бундан ҳам қизиқарлироқ бўлиб чиқди...

УЙҚУДАГИ ПОСЁЛКА

Тонг ёришди. Бобом тоқатсизланиб кабинетда уёқдан-буёққа юради. Кейин қаёққадир телефон қилди. Ҳеч ким жавоб бермади.

— Нимадир бўлган, — деди у. — Эшитяпсанми, моторлар ҳам ишламаяпти.

Тўғри, кўча жимжит бўлиб қолибди. Кечаси билан самосваллар юриб, узоқда қор тозаловчи машиналар гумбирлаб турган эди. Бирдан ҳаммаси жимиб қолди.

— Нима бўлди экан? — ҳайрон бўлди бобом ва ташқарига чиқиш учун шинелини кия бошлади.

Лекин шу пайт эшик очилди.

Остонада дадам билан қурилиш бошлиғи туришарди. Бамисоли оғир уч кун ва уйқусиз уч кеча бўлмагандек уларнинг ёноқлари қизарган, чеҳралари қувноқ.

— Тамом!— деди қурилиш бошлиғи.— Табриклайман, Антон Петрович!

Бобом креслога ўтириб, муштугига сигарета тика бошлади.

— Бутунлай эсимни йўқотиб қўйибман-да,— деди у,— кўз олдимда карта турибди, тамом бўлаётганини яхши биламан, кўриб турибман-ку, лекин жимжит бўлиб қолганидан кўрқиб кетдим.

У дадамга қаради, кейин қурилиш бошлиғига, менга кўз ташлади. Кейин секин:

— Худди ўшандагидек...— деб жим бўлди.

Дадам билан қурилиш бошлиғи диванга — менинг ёнимга ўтириб жилмайишарди.

— Биласизми,— деди бобом,— жимлик даҳшати, деган ҳиссиёт бор. Биз Берлин остоналарига борганимизда қаттиқ жанглар кетарди. Қанча йигитлар ҳалок бўлди... Бирдан жимлик бўлиб қолди. Мен нима бўлди экан, нега ҳаммаёқ жимиб қолди, деб ташвишланаман. Ҳимоя мустаҳкамлансин, деб буйруқ бердим. Постларга кўпроқ одам қўйдим. Кейин бирдан қўнғироқ бўлиб қолди. Маълум бўлдики, уруш тугаган, капитуляцияга қўл қўйилган экан. Лекин ахир ғалаба яқинлигини билардим. Ғалабага ишончим кўмиш, ўзим соат санаб юрардим. Жимликдан кўрқиб кетдим. Гумбур-гумбурга ўрганиб қолган эканмиз-да.

Қурилиш бошлиғи ўрнидан турди. Бобомнинг олди-га борди. Унинг қўлини икки қўллаб ушлади. Қаттиқ қисди.

— Чин қалбдан раҳмат, Антон Петрович!— деди у.

— Арзимаёди! — жавоб берди бобом.— Борди-ю, погонларим ёрдам берган бўлса, ҳарбий обрўйим, Унда раҳматни менга эмас, Армияга айтинг.

Кўчага уч киши: бобом, дадам, мен чиқдик.

Уйга жўнадик.

Посёлка худди кимсасиздек ҳувиллаб қолганга ўхшайди. Йўлда самосваллар турипти. Шофёрлар ухлашмоқда. Бульдозерлар ҳам тин олаяпти. Оғир артиллерия — қор тозаловчи машиналар бир чеккага чиқариб қўйилган. Қуёш кўтарилмоқда, посёлка бўлса уйқуда. Уч кеча-кундуз ишлади, чарчаган. Энди тин олаяпти.

Кўчада кетаётгандик, почтачи аёл биз томон югуриб кела бошлади. Ўзи шод, юзлари лов-лов ёнади, олди-га иккита семиз сумка осиб олган.

— Азизим! — қичқирди бобом хушчақчақлик билан.— Сенга оғир-ку, ке, ёрдамлашиб юборайлик!

— Йўқ, ўртоқ генерал! — ўз навбатида қичқирди почтачи аёл.— Мен ўрганиб қолганман! Булар уч кунлик почта-да, ўртоқ генерал!

— Ана,— деди дадам,— почта ҳам ишлай бошлади. Демак, ҳаммаси жойида.

Биз почтачи аёлга қўл силкиб, соф ҳаводан тўйиб нафас олдик-да, қўл ушлашганча йўлимизда давом этдик. Биз уч кишимиз: бобом, дадам ва мен.

Уйга келганимизда шундай манзарага дуч келдик. Ойим ечинмай ухлаб қолган, ҳатто валенкаси ҳам ечилмаганди. Фақат телогрейкасини ечишга улгурипти.

Биз унга қараб, уйғотиб юбормаслик учун секингина кулиб қўйдик.

Кейин ечиниб ётдиг-у, шу заҳоти ухлаб қолдик.

ТЕЛЕГРАММАЧИ

Мен кейинчалик, буни қаранг, дунёнинг ишлари хўп аломат-да, деб тез-тез хаёлимдан ўтказаман. Қайфиятинг чоғ бўлиб юрсанг ўз навбатида дилсиёҳлик кели-

шини ҳам кутавер. Ё ишинг юришмайди, ёки дарҳол кайфиятинг бузилади. Ё бўлмаса кимдир бирор бемаъ-ни гап айтиб таъбингни хира қилади.

Биз ҳали уйқуга тўймагандик ҳамки, ўша киши келиб қолди. Телеграммачи келди.

— Рибаклов шу ерда турадимиз? — сўради у остонадан уёқдан-буёққа чайқалиб.

Телеграммачидан вино ҳиди анқиб турар, афт-башарасига қараб бўлмасди — соч-соқоли ўсиб кетган. Шапкаси қаншарига тушган, ҳозир тушиб кетадигандек турарди.

Бобом унга қаради-ю ижирганиб кетди. Телеграммани қабул қилганлиги ҳақида имзо чекди-ю, уни олиш учун қўлини чўзди.

— Э-э, йўқ! — кулди телеграммачи бармоғини шиқирлатиб. — Олиб келинган ҳақи-чи! Бош оғриғи қилишим керак. Ана шу телеграммани элтиб берай деб уч кундан бери қор тагида ўтирдим.

Бобом ойимдан йигирма тийин олиб телеграммачига узатди. У телеграммани берди. Лекин кетишга шошилмади.

— Менга қаранг! — деди у бобомга. — Айтишларича, қандайдир генерал бизни қор тагидан кавлаб олипти.

— Ҳа, шунақа дейишяпти! — жавоб берди бобом. — Хўп, хайр!

Маст қўлини силкиди.

— У чакки иш қилипти! — хитоб қилди у. — Кавлаб олмагани маъқул эди! Ишга ҳам борилмасди! Мана бу ярамас телеграмма ҳам олиб келинмасди!

— Нима, уч кун бутилка қучоқлаб ётдингми? — сўради бобом.

— Ҳа-ҳа! — мамнун қиқирлади телеграммачи. — Генералларни эса ҳеч ким чақиргани йўқ. Генерали нимаси! Балким ўзим майорман. Балким, шу пайтгача генерал ҳам бўлармидим.

Ошхонадан ойим чиқиб, мени ичкари киришга ун-

дади. Мен хохламадим. Бобомни ёлғиз ташлаб кетишга қўрқдим. Бирдан маст жанжал чиқариб қолса-я? Лекин бобом бош ирғаб:

— Бор, Антошка! Бу майорга қарама. Мени ҳам унга қарашга кўнглим бўлмапти,— деди.

Мен ичкарига кирдим. Лекин хонадан ҳамма гаплари эшитилиб турарди.

— Жирканма! — деди телеграммачи.— Мунча жирканасан? Урушда бўлмаган кўринасан? Мамлакат ичкарисида биқиниб ўтирган бўлсанг керак!

Мен шу сўзлардан кейин бобом унга бақириб кўчага ҳайдаб чиқарса керак, деб ўйлагандим. Йўқ, индамади. Маст бўлса ҳамон вайсарди.

— Ичкарида бекор ўтиргансан! — дерди у.— Урушда — яхши! Биласанми, урушда мен инсон эдим. Ҳамма салом берарди! Нимани буюрсанг қиларди! Хато қилсанг — ҳеч ким сени айбламасди. Ботинолмасди. Олга — тамом!

Бобом жим турарди.

— Йўқ,— бақирди телеграммачи,— сен ҳеч нарсани билмайсан! Уруш яхши эди! Қани энди ҳозир ҳам уруш бўлса! Мен яна одам бўлиб қолардим!

— Бунақа дейишга қандай тилинг борапти? — деди бобом.— Ҳатто маст ҳолингда ҳам.

— Нима дейсан, нима дейсан! — чайналди телеграммачи.— Мени қандайдир Черчилъ деб ўйлаяпсанми? Урушни хоҳлармидим?

— Қани, бу ердан жўнаб қол-чи, қаҳрамон! — деди бобом масхаралаб.— Анави ерда набирам гапларингни эшитиб турипти. Сени ҳақиқатан ҳам майор деб ўйлайди!

— Майор! — бақирди маст.

— Агар майор бўлсанг ҳам буни ёдингдан чиқар. Ҳеч кимга гапирма. Армияга ҳам, ўтмишингга ҳам иснод келтирма.

— Сен кимсан? — бақирди телеграммачи.— Ким бўл-

сан — мени тартибга чақирасан? Подполковникмисан? Полковникмисан? Ё генералмисан? Ҳа-ҳа-ҳа! Генерал! Мен ҳамма генералларга тупурдим!

— Мен оддий кишиман,— жавоб берди бобом.— Еки бу камми?

Телеграммачи сўкиниб чиқиб кетди. Йўлакда оймнинг овози эшитилди:

— Милиция чақирин керак эди.

— Ёрдам берармиди? — жавоб берди бобом. Унинг овози ҳорғин ва оғир чиқди.— Обрўсини йўқотиб, мосуво бўлган одамга милиция ёрдам бера олармиди?

Бобом кечгача чурқ этмай юрди. Бирон нарса сўралса ўринсиз жавоб қайтарарди. Ухлаш олдидан чўнтагига қўлини тикди-ю, қоғоз олди.

Телеграмма! Уни ҳам ёддан чиқарган экан.

— «Қадрли Антон,— уни ўқий бошлади бобом,— йигирма саккизинчи мартда мен эллик ёшга тўламан тчк Албатта учиб кел тчк Иванов».

Бобом хонада зир югура бошлади. У ўзида йўқ хурсанд эди.

— Бораман! — қичқирди у дадам билан оймга.— Бораман! — деди менга.

Кўзимдан ёш чиқиб кетаёзди. Ахир биз каникул пайтида чанғида сайр қилишга келишиб олгандик-да. Кинога ҳам бирга бормоқчи эдик. Умуман олганда баҳорги каникулни бирга ўтказишга қарор қилгандик. Энди бўлса кетиб қолмоқчи! Кетиб қолмоқчи! Мени эсидан ҳам чиқариб қўйди!

Бобом ёнимга келди. Иягимдан аста ушлаб, кўзимга қаради.

— Ольга! Сергей! — деди у.— Айтгандай, биз Антошка билан бирга кетамиз.

Шу пайт Анна Робертовна кириб келди.

— Мон женераль! — қичқирди у бобомга бизни ҳам сезмай. — Орзумга етдим! Ниҳоят орзумга етдим! Гриша уйланмоқда! Энди набираларимга қарайман!

Бобом кулиб юборди.

— Энди биз қандай уддалаймиз? Учта коляскада бегоналарники-ю, яна ўзингизники,— деб сўради.

— Мон женераль! — хитоб қилди Анна Робертовна кўзларини кулгили қилиб қисаркан худди нордон нарса егандек чимирилиб.— Аравачаларни бир-бирига маташтириб худди поезддек олиб юраверамиз-да.

Биз ўзимизни худди вагонлару Анна Робертовнани паровоздек ҳис қила бошладик.

БОБОМНИНГ ЮРТИ

Биз саёҳатдамиз!

Самолётдан самолётга ўтирамиз. Аввал катта «Ту»-да учдик. Кейин кичикроқ «ИЛ»да. Ундан кейин кичкина «ЯҚ» ва ниҳоят «АН»да учдик. «АН» жуда кичкина экан. Ун иккитагина одам ўтирипти. Деворлари титраб туради.

Биз аввал бобомнинг юртига учдик. У ахир вяткалик-да. У биздан анча узоқда — Уралнинг ортида. Москванинг яқингинасида.

— Менинг юртимга қўниб ўтамиз. Ота-онамнинг қабрини зиёрат қилишим керак. Қим билсин уёққа яна бора оламанми, йўқми,— деган эди бобом маршрутларни белгилаётганимизда.

Мен бу гапларга парво қилмовдим. Ундан Москва ҳақида, генерал Иванов яшайдиган Харьков ҳақида сўрай бошладим...

Мана, «Ан» ерга қўна бошлади. Ҳаммаёқ оппоқ қор. Биз колхозчилар уйи томон кетдик. Бобом туғилган қишлоққа машина юрмас экан. У ерга фақат отда, тўғрироғи, чанада бориларкан. Бизга эрта билан ўша ёққа почта боришини, ўшанда бизни ҳам олиб кетиши мумкинлигини тушунтиришди. Афтидан пулли бандероллар билан бўлса керак.

Биз кичкина деразали тор хонага жойлашдик. Унинг пештахтаси кенг, тахминан бир метр келади. Бобомнинг айтишича, бу жой бир вақтлар монастырь бўлган экан. Бу хона монахлар яшаган хужра экан. Менга ғалати туюлди, демак биз ҳам монах бўлибмиз-да.

Бизга чироқ фақат кечаси соат ўн иккигача бўлишини айтишди. Кейин движок тўхтаб чироқ ўчар эмиш. Движок нималигига тушунмадим. Нега яна электрни кечаси ўчиришаркин? Қизиқ, нега лампочка дам хйра, дам ёруғ ёнаркин?

— Бу ерда электр токи двигателдан келади, тушунтирди бобом.— Механик ҳам ухлаши керак. Сизлардаги станция қурилиб ишга тушгач, бу ерларга ҳам тоқ келади. Кейин доимий ток бўлади. Биласанми, Сибирь токи келади!

— Қандай қилиб? — ҳайрон бўламан мен.— Бизнинг электр токимиз шунча узоққа келадими?

— Албатта-да! — тушунтиради бобом.— Сибирь электр токи бу ерга ҳам, Москвага ҳам, ҳатто Европага ҳам боради.

Қизиқ! Мен билмаган эдим!

Биз шаҳарчада сайр қиламиз. Бу ерда ҳамма нарса ғалати! Посёлкамизга сира ўхшамасди!

Уйлар олдида учи найзали панжаралар, бизда эса бирорта ҳам панжара йўқ. Эски пастак уйлар. Бобомнинг айтишича, улар савдогарларники экан. Бизнинг посёлкамизда эса, бирорта ҳам бундай уй йўқ. Эскилари ҳам ёғоч уйлар. Яна черков қўнғироқхонаси, тепасида эса қуюқ қора булутдек қузғунлар учиб юрибди. Бизда бунчалик кўп қарға йўқ. Кўчалар сокин — йўталсангиз эшитилади. Бизда бўлса шу пайтда одамларнинг кулгиси, музыка садолари жаранглайди, кишилар сайр қилиб юради...

Эрталаб бизни барвақт уйғотишди. Биз кўчага чиқиб, чанага ўтирдик. Кучер аста хуштак чалади, отлар эринибгина тепалик бўйлаб юриб кетади.

Тонг ёришганда пайқадим — отни бошқараётган ёш бола экан, тахминан олтинчи синф ўқувчиси. У бобомга қаради:

— Сен қаерликсан? — сўрайди бобом.— Рибоковскданмисан?

— Рибоковскдан! — овозини дўриллатиб жавоб беради бола. Унинг юзини сепкил босган.— Сиз вақтинча туриш учун келганмисиз, ўртоқ генерал.

— Ҳа, вақтинчалик,— жилмаяди бобом.

Бола аста ҳуштак чалиб, дўриллаб:

— Ч-ў-ў! — деб отга қамчи босади.

Қизиқ, боланинг овози одатдагидек-ку, отни дўриллаган овоз билан ҳайдайди-я.

От тезроқ йўртади, чана остида эса момикдек қор ғирчиллайди. Мен атрофдаги кумушдек товланаётган қайинзорларга қизиқиб қарайман. Бизнинг посёлкамизда бунақа қайинлар ўсмайди. У ерда алоҳида-алоҳида. Бу ерда бўлса бутун майдонни эгаллаган. Жуда чиройли.

Йўл дам юқори кўтарилар, дам пастга тушарди. Худди чанадамас, тўлқинли деңгизда бораётгандек туюлади менга. Мен ухлаб қолдим. Уйғонганимда чаналар почта яшиги ўрнатилган уй олдида турар, от эса симёғочга боғланган бўлиб, пичанга бошини эгганича қаттиқ пишқирарди.

Одамларнинг овози эшитилди.

Уйдан бобом чиқиб келди. Унинг орқасида бошига жун рўмол ўраган аёл ҳам бор эди.

— Бир пиёла чой ичсангиз бўларди,— дейди у.— Биз сизни жуда яхши биламиз. Ота-оналарингиз ҳам ёдимизда.

— Раҳмат! — деди бобом ва менга имо қилди, биз дарахтзор орасидаги йўлка бўйлаб қаёққадир — қишлоқ ортига қараб кетдик.

Йўлка қабристонга олиб чиқди. Тепамизда қиров босган қарағай дарахтлари сокин турарди.

Қуёш уларнинг танасига ёғду сочиб, дарахтларни тилларанг қилиб кўрсатарди.

Бобом иккита крест қаршисида тўхтади. Уларнинг устидаги қорларни туширди. Бошидан папахасини олди...

Ушанда хаёлимга нима келганлигини очиғини айтиб қўя қолай. Мен крестлар остида ётганларни ўйлаганим йўқ. Ахир мен уларни билмайман. Уларни: бобокалонимни ҳам, бувикалонимни ҳам тасаввур қилолмайман. Улар қандайдир узоқ ўтмишда яшагандек. Агар мен уларни кўрганимда бирорта белгилари хотирамда қоларди. Лекин кўрган ҳам эмасман, тасаввур ҳам қилолмайман. Ахир улар бобомнинг ота-оналари эди-да. Шунинг учун хаёлан тасаввур этдим.

Бобом бўлса папахасини қўлига олиб, бошини қуйи солганича турарди. У шу дақиқада мени ҳам, ўз ўғли — дадамни ҳам, ойимни ҳам ёдидан чиқарганди. Биздаги қурилишлару қишлоғимизни ҳам, умуман бизни ўраб турган оламини, ҳаёт-мамотни унутганди. У қийшайиброқ қолган крестга инган қорга қарар, лекин уни ҳам кўрмас, кўз ўнгида бутунлай бошқа-бошқа бир дунё намоён эди.

Бобом сира бундай бўлмаганди. Шунда хаёлимга: тўсатдан у ўлиб қолса-я, худди мана шу ерда ётган чолу кампирдек йўқ бўлиб қолса-я, деган фикр келди. Бундан ўзим кўрқиб кетдим! Даҳшатли тушим! Бобом нега йўқ бўларкан? Бутунлай, умрбод!

Мен энгашиб бир чангал қор олдим-да, оғзимга солдим. Оғзим совиб, тишларим қирсиллаб кетди. Мен яна оқ рангга бўялгандек пўсти оппоқ, дарахтларнинг танаши олтинранг қарағайларни кўрдим. Крестларни ҳам, бобомни ҳам.

Бобомга қарадим-у, ҳайрон бўлдим. У йиғларди. Лекин ҳолати мен йиғлагандагидек эмас, унинг чехраси сокин. Ҳатто беҳол эди. Ёноқларидан эса ёш томчилари юмаларди.

ҚУШИҚ

Кейин биз тўғри қор уюмларини ғарч-ғурч босиб юравердик. Бобом менга музлаган анҳорни кўрсатиб деди:

— Мен мана бу ерда тангабалиқ овлардим! Афсус, ҳозир ёз эмас-да! Ҳув анови қарағайзорда қўзиқорин роса кўп бўлади.

Сўнг биз қишлоққа қайтиб келдик. Бобом илгари черков бўлган жойни кўрсатди.

— Сиз ҳам черковга борармидингиз? — сўрадим мен.

— Ҳа,— жилмайди бобом,— диний удумга кўра бешлик бўларди. Фақат шу бешликни «бағоят зўр ютуқ», деб аталарди.

Почта ёнидаги отимиз ҳамон беда чайнарди. Биз почтахомага кирдик. У ердан сурғуч ва янги ёпилган нон ҳиди анқирди. Рўмол ўраган аёл бизга пешвоз чиқди. Қўлини кўксига қўйиб бир оз энгашди-да:

— Утиниб сўрайман, меҳмонимиз бўлинг,— деди.

— Кетадиган вақтимиз бўлди!— жавоб берди бобом.

— Бу яхши эмас,— деди аёл,— эртага кетасизлар. Ҳозир эса овқатланиб олинглар.

Аёлнинг сўзлари ёқимли, ўзи ипакдек мулойим, истараси иссиққина эди.

Биз почтаходанан чиқдик-да, йўлни кесиб ўтиб, рўпарадаги бинога кирдик.

Бино жуда ғалати: ҳовли усти бекилган бўлиб, деворлари қучоққа сиғмас ходалардан тикланган. Ҳовлининг қоронғи жойидан сигирнинг чўзиб маърагани эшитилди.

Хонадаги стол атрофида чол-кампиралар ўтиришарди. Бурчакда иконалар ўрнатилган. Улар ярим қоронғиликда сўниқ ялтирарди.

Бобом остонадан ҳатлаб ўтиши билан, чол ва кампиралар ўринларидан туришди. Улар шошилмай мулойимлик билан қўлларини кўксиларига қўйишди.

бобом бошидан папахасини олиб, улар томон оҳиста энгашиб қўйди. Мен довдираб қолдим. Нима қилишни билмасдим. Бошини аста силкиб:

— Ассалому алайкум! — дедим.

Биз дастурхон тузатилган стол атрофига ўтирдик. Ҳамма жим ўтирар, фақат уй эгасигина бизни дастурхонга ундаб:

— Қўзиқориндан татиб кўринглар! Мана бу брусника вареньесидан олинглар! — дерди.

Уй эгаси тинмай дастурхонга ундашидан унинг сажий ва мулойим эканлиги шундоқ билиниб турарди.

Бобом қўлида рюмка билан ўрнидан турди. Чол ва кампирларга, уларнинг ажин босган юзларига назар ташлади. Кейин яна бир оз энгашиб олди-да:

— Раҳмат сизларга, кўнгли очиқ дўстларим, — деди. — Отам билан онамнинг вафот этганига анча бўлди. У вақтда беш йилликлар энди бошланганди. Мен армияда хизмат қилардим. Ушанда фақат жанозага келгандим. Мана энди бўлса ўзимизнинг ҳам ҳаётимиз сўниб бормоқда...

У жим бўлди, кейин қўлидаги винони ичди. Қолганлар ҳам бирич-кетин рюмкаларини бўшатишди.

— Битта нарсани сизлардан илтимос қилмоқчиман, — деди бобом. — Албатта, агар эсларингда бўлса! Бир ашула айтиб берсанглар. Болалигимдан эсимда — қишлоғимиздагилар жуда яхши айтишарди. Ойимнинг эса энг севган қўшиғи — солдат ҳақида эди. Охириги марта эшитай.

Кутилмаганда кампирлар қўшиқни бирдан бошлаб юборишди-ю, унинг жуда ажойиб чиққанлигидан тўлқинланиб кетди.

Йўлга тушар чавандоз
Аргумоқ миниб...
Кўринг, беҳол чайқалди
Эгар узра дов.
Чавандознинг қўлидан
Сирғалди жилов.

Қўшиқ жуда ғамгин ва таъсирчан эди. Бамисоли кампирлар қўшиқ эмас, ҳикоя айтишаётгандек эди. Бу ғуссали воқеани бобом билан мен учун айтишаётган эдилар, шунинг учун мен ҳам қулоқ солдим.

Менинг йигит бошимда
Бор экан савдо,
Бор экан савдо.
Энди солдат бўлурман,
Хоним қолур
Муштипар бўлиб.
Мени юборажаклар
Олис ерларга
Олис ерларга.
Денгизларнинг ортига.
Денгизларнинг ортида
Чақмоқ, гулдирак,
Мен шўрликни титратар
Иситма, безгак.
Ёшгина ёрим қолган
Боласи билан.
Мен унга хат ёзаман
Денгиз ортидан.

Мен хатни сиёҳ эмас,
Қалам биланмас,
Йиғлаб туриб, кўзёш-ла
Ёзаман бесас.

Мен у хатни юборай
Қарчиғай қанотида,
Қарчиғай қанотида.
Унг қуйруғи остида,
Унг қуйруғи остида
Кўк патлари остида.

Бобом бамисоли қотиб қолгандек эди. Унинг юзи бояги қабристонда қандай бўлса шў кўйда эди.

Чоллар қўшиқ айтишмасди. Лекин улар оддий томошабиндай эмас, жиддий ва жимгина ўтиришарди. Уларнинг чехраларидан ҳаяжонланаётганликлари шун-

доқ билиниб турарди. Қўшиқ айтишмаса ҳам ўзларича такрорлашаётгандек туюларди кишига. Шундай экан, улар ҳам куйлашда иштирок этишарди.

Орага жимлик чўкди.

Бобом ўрнидан турди. Чол ва кампирларнинг ҳар бирини бағрига босди.

— Энди бўлди, биз кетайлик,— деди бобом.

— Хўп майли,— дейишди кампирлар,— биз эркакларни кечиктирмай ҳарбий хизматга кузатиб ўрганиб қолганмиз. Сизга, генерал, раҳмат.

Биз кийиниб бояги бола билан бирга яна чанага ўтирдик, қор қайта ғичирлай бошлади.

Бобомнинг қишлоғи адирда, қайинзор бағрида эди. Қайинлар шохда эса зоғчаларнинг инлари кўринади. Лекин бу ошиёнлар ҳозир бўшаб қолган. Бамисоли дарахтлар етим қолгандек мунғайиб туришарди.

Отимиз олдинга йўртар, биз ҳамон қарияларга қўл силкирдик. Улар адир ёнбағрида орқамиздан қараб туришарди.

Буни кўриб қалбимга маъюслик чўкди, томоғимга нимадир тиқилгандек бўлди. Худди мен шу қишлоқда туғилиб-ўсганман-у, энди уни бутунлай тарк қилиб кетаётгандекмен.

БОБОМНИНГ УИИ

Москва!

Ҳар қалай Москвада яшайдиган болалар бахтли-да! Ўзларининг бахтли эканликларини билишмайди! Ҳар куни Қизил майдонга келишлари мумкин! Ҳайвонот боғига тушишади, «Болалар дунёси»да мержоний ейишади! Бунақа мержоний бошқа ерда йўқлиги хаёлларига ҳам келмаса керак. Ахир, масалан, сибирлик болалар бунақасини сираям кўришмайди-да. Ҳечқиси йўқ! Улар хафа ҳам бўлишмайди!

Москвадаги уйларни-ку, қўяверасиз! Масалан, Калинин проспектини олиб кўринг. У ердаги уйлар худди очик китобга ўхшайди. Китоблар бамисоли кўндаланг қўйилгандек. Метро-чи! Ажойиб! Худди кинодаги ёки расмлардагидек. Москвада бўлмаганлар ишонаверишсин, худди ўшанинг ўзгинаси. Шунинг учун Москвани тасвирлаб ўтирмайман.

Фақат номаълум солдат қабри ёнига борганимизни айтиб бераман. Лекин кейинроқ. Аввало шуки, биз ҳар қалай Москвага учиб келдик. Таксига ўтириб, бобомнинг уйига тушдик.

Бобомнинг уйи чиройли ерда экан. Шундоқ ёнидан дарё ўтади. Ҳовлиси ўрмондек. Дарахтларни қиров босган.

Уйга кираверишдаги йўлакдаги пештахтада уч-тўрт чол ўтиришарди. Улар олдиларига сурма столчани қўйволиб, домино ўйнашарди.

Улар бобомни кўришлари биланоқ қичқириб юборишди:

— Топилди!

— Нега бунақа қиласиз!

— Қаёққа ғойиб бўлдингиз, лейтенант!

— Сибирга, ўртоқ полковник,— жавоб берди бобом кулиб,— гидроэлектростанция қурилишига, ўртоқ майор! Уша айтган жойимга, ўртоқ лейтенант! Айтган машҳур жойим-чи! Бу менинг набирам, Антон Рибакков. Танишинглар.

Мен уялиб кетдим. Бобом қишлоқда салом бергандек қилиб энгашиб қўйдим.

— Э, баракалла, хўп одобли бола экан-да,— ҳайратланиб деди бир чол.

— Бир хил ёввойилардан эмас экан! — деди иккинчиси.

— Оббе сен-ей, сибирликман, дегин! — ҳайратомуз деди учинчиси.

— Уша ерда туғилган,— кулди бобом, қариялар бўлса қўлимни қиса бошлашди.

Генерал-майор фалончи, дейди бири. Генерал-полковник фалончи, деб таништирди бошқаси. Генерал-лейтенант писмадончи, дейди учинчиси ва жилмайишарди.

Мен чўчиб тушдим. Аввалига ҳеч нарса тушулмадим, кейин фаҳмладим. Демак, улар осои бўлсин учун бир-бирларини генерал-лейтенант дебмас, шунчаки қисқагина қилиб лейтенант, полковник ёки майор, деб аташар экан.

Шундан кейин мен ўзимни тутиб олиб:

— Рухсат этинглар, ўртоқ генераллар, мен сизларни Кешка иккимиз кузда терган кедр ёнғоғи билан меҳмон қилай,— дедим.

Мен ҳар эҳтимолга қарши дея елкамга осиб олганим рюкзакчани тантанавор очиб, ҳар бирларининг чўнтагига ёнғоқ солдим. Ҳатто биттадан каттакон қўнғиз ёнғоқ ҳам қўшиб бердим.

Генераллар:

— Вой-бў! Эҳ-ҳе! Уҳ-ҳў!..— дея ўз ҳайратларини изҳор қилишарди.

Кейин улар тинчланишди, афтидан полковник бўлса керак:

— Антон Петрович, майлими, кечқурун набираларимиз билан уйингизга кирсак? — деди.— Улар ҳақиқий сибирлик болани бир кўриб қўйишсин. Шунчаки гаплашиб ўтириш учун. Бу суҳбат уларга асқатиб қолади.

— Хўш, Антон, нима дейсан? — сўради бобом.

Мен ўзимни йўқотиб қўйдим. Ахир мен қандайдир йиртқич эмасман-ку. Оддий одамман. Нега менга бундай қарашади? Лекин чоллар менга мурувватли тикилиб туришарди. Умуман олганда улар жуда ажойиб кишилар эди. Мен:

— Марҳамат қилинглр!— дедиму, яна таъзим қилиб қўйдим. Хомкаллалигимни қаранг! Бу галги энга-

пишим жуда хунук чиқди. Бу сибирликларнинг одати худди шоҳлар давридагидек доим шунақа экан-да, деб ўйлашса-я.

Биз лифтда кўтарилаётганимизда бобомдан:

— Бу ерда нуқул генераллар яшайдими? — деб сўрадим.

У кулиб қўйди. Йўқ, фақат генераллар эмас, «генерал»сиз полковниклар, майорлар ҳам кўп экан. Шунчаки бу уйда ҳарбий кишилар яшар экан.

Биз бобом яшайдиган қаватга чиқдик. Уй эшиги олдада бир дақиқа туриб қолдик.

— Ҳаяжонланаяпсизми? — сўрадим мен.

— Ҳа,— деди бобом.

— Анчадан бери бўлмаганингизгами!

— Чунки бу ерда бувинг билан кўп йил яшадик,— деди бобом.— Энди у йўқ. Назаримда у уйда-ю, мен узоқ командировкадан қайтишимни кутаётгандек.

Бобом менга диққат билан тикилди.

— Ҳай! — пичирлади у ва калитни буради. Остонадан нари ўтди. Худди гирдобга ўзини ташлагандек.

Мен хоналар бўйлаб бамисоли музейдагидек оҳишта юраман. Атрофимдагиларни диққат билан кузатаман-у, ҳайрон бўламан.

Аслида мен бобомни билмас эканман! Сира-сира билмас эканман!

Биз у билан қанча вақт бирга турдик. Бир хонада ухладик, кўп нарсаларни сўрадим, турли гапларни гаплашдик, лекин у ҳақда деярли ҳеч нарса билмасдим. Агар бу ёққа келмаганимда бирон бир тасаввурга эга ҳам бўлмасдим.

Мана энди билиб олдим.

Мен бобом яшаган хоналарни айланган сарим у ҳақда кўпроқ тасаввурга эга бўлардим.

Ёзув столида кичкина пушка турипти. Тагида эса: «Майор А. П. Рибаконга синов пайтидан хотира»,— деган ёзув бор эди.

Бу нима эканлигини бобомдан сўрадим. У: гаубицани синаган эдим, деб жавоб берди. Кейин у бутун уруш йўлини босиб ўтганлигини айтиб берди.

Пушка синалишини сира эшитмагандим. Самолётлар синалишини ҳамма яхши билади. Буни қаранг — пушка ҳам синаларкан. Бу мени қизиқтириб қолди.

Бобом пушка синалаётганда снарядларнинг узоққа тушиши, уларнинг сочилиши ҳисобга олиниши ҳақида гапириб берди. Маълум бўлишича, снарядлар ҳеч қачон бир нуқтага тушмас экан. Ҳатто уруш пайтида у ҳосил қилган чуқурга тушиб, бемалол сақланавериш мумкин экан. Чунки бу ерга иккинчи снаряд сира тушмас экан. Унинг яна бир синашдан мақсади — аввалги мўлжалга узоқ, ёки яқин тушириш учун қанча порох солиш мумкинлигини аниқлаш экан. Энг қўрқинчлиси шу экан. Чунки порохни кўп солиб юборсанг снаряд учишидан олдиноқ ёрилиб, пушканинг ўзини портлатиб юбориши ҳам мумкин экан...

Китоб жавонидан менга бутунлай бегона — «Баллистика назарияси» дея номланган китобни олдим. Лекин муаллифи таниш — ҳарбий фанлар кандидати А. П. Рибакков.

— Кандидат дегани нимаси? — сўрайман мен.

— Илмий даража, — жавоб беради бобом.

— Бундан чиқдики, сиз олим ҳам экансиз-да? — куламан мен.

— Озгина, — жилмаяди бобом.

— Унда баллистика дегани нима?

— Снаряднинг учиши ҳақидаги фан.

— Буни қаранг, шунақаям фан бор экан-а.

— Нима деб ўйловдинг, — дейди бобом. — Уруш шунчаки оддий нарсами? Тррр, пақ-пақ деса, бўлди деб ўйлайсанми? Ҳа, баъзилар шунақа деб ўйлашган, ҳозир ҳам шундай дейишади. — Бобом мени стол олдига ўтқизди, ўзи рўпарамга ўтирди. — Лекин армия бу — бир олам. Олам эса, фансиз яшай олмайди. Ахир офицер-

лар ўқитиладиган академиянинг бўлиши бежиз эмас!
Офицер ўқимишли киши бўлиши керак!

— Мен офицер бўлишни хоҳлайман! — дейман қизи-
шиб.— Сизга ўхшаган ўқимишли!

Бобом елкамдан қучди.

— Ўйлаб кўр,— дейди у,— бу оғир иш. Ўқиш, ўрга-
ниш керак. Далада ухланади. Бақувват бўлиш лозим.
Қаерга жўнатишса борилади. Биров учун ҳам,
ўзинг учун ҳам жавоб берасан. Ўйлаб кўр, Антон!—
бобом жилмаяди.— Ҳали вақтинг бор.

ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ УЧРАШУВ

Мен генераллар ҳазиллашишган деб ўйловдим. Йўқ,
янглишган эканман. Кечқурун эшик қўнғироғи жиринг-
лади. Очсак, невараларини етаклаб олган генераллар.

Биринчи бўлиб хонага бурни пучуқ қиз кирди. Бе-
шинчи синфда ўқиса керак. Эғнида шим, тивит кофта,
белида эса занжирли камар.

— Фу! — деди у.— Мен ҳақиқий сибирлик деб ўй-
лабман. Кичкина бола-ку.— У менга истар-истамас қў-
лини узатиб, ўзини таништирди.— Мэри!

— Сен Мэри эмас, Маня! — деди генерал хўмрайиб
ва бошини чайқаб қўйди.

Генералларнинг ҳаммаси намоёнишга кийингандек,
орденларини ҳам тақиб олишган. Мен буни кейинроқ
пайқадим. Манянинг гапи менга жуда қаттиқ ботди.
Ёш бола эмишман! Сени қара-ю! Ўзинг кимсан?

Мен, албатта, ҳеч нарса демадим. Ҳар қалай мен уй
эгаси, улар эса меҳмон-да.

Кейин учта бола кирди. Биринчиси — ҳаммаёғига
чўнтаклар тикиб ташланган жинси шим кийган. Шими-
нинг ҳатто тиззасида ҳам чўнтаги бор. Эғнида эса, қи-
зил кўйлак. Унга Фидель Қастронинг расми туширил-
ган. Мен уни дарров Фиделга ўхшатдим. Иккинчиси —

кўзойнакли. Сочлари сип-силлиқ, бамисоли сув пуркал-гандек ялтирайди. Аслида қуруқ. Ёки ҳўлмикин? Утирибман-у, шуни ўйлайман.

Учинчисини Глеб, дейишди. Кенг пешанали бу бола еттинчи синфда ўқиркан. Кўкрагида думалоқ значок. Унда чет тилида: „Stop“ деб ёзилган. Демак, «Тўхта!» дейилган. Кимга айтилган экан, бу «Тўхта», дегани?

Улар киришди-ю, мен нима қилишимни билмасдим. Яна бобом ўз генералларини бошқа хонага олиб кириб кетди. Учта бола ўтирди. Глеб бўлса хона бўйлаб юриб, стол, пианино, китоб жавонларини кўздан кечирди. Кейин менинг ёнимга келди-да, значогига имо қилиб:

— Алмашамизми? — деди.

Мен ҳеч нарсага тушунмай, елка учирдим.

— Пушкага алмашамизми? — яна имо қилди. Кейин:— Кўрмасдан!— деб қўшиб қўйди.

«Туллаклигини-чи,— деб ўйладим мен.— Пушкага роса тикилиб олди-ю, яна кўрмасдан эмиш».

— Бу бобомники,— дедим совуққонлик билан,— ҳаққим йўқ.

Глеб бўшашди. Мулойимлик билан менга ўгирилди-да:

— Бирон нарса билан меҳмон қилсанг бўлармиди. Жуда бўлмаса совуқ сув билан,— деди.

Шу хонадан чиқишга имкон турилганидан хурсанд бўлдим. Ошхонага кирдим-у, енгил нафас олдим. Кейин вазага кедр ёнғоғини солиб, қайтиб кирдим.

Глеб кафтларини ишқалаганича столга ташланди. Чўнтақларига ёнғоқдан тиқиб, ҳовучини ҳам тўлдириб олди.

Анграйиб қолдим. Мен ачинаётганим йўқ, яна олиб келишим мумкин, лекин у нега юхтоблик қилади! Кейин силлиқ соч болага сув олиб келиб бердим.

— Муз борми? — сўради у.

Муз нимага кераклигига тушунмадим. Кейин билсам сувга солиш учун экан.

— Шамоллаб қоласан,— дедим.— Ұзи совуқ, крандан олиб келдим.

— Меҳрибонлигинг учун сэнкью, вери матч! — деди илтифот билан.

— Қани гапир, гапир,— деб хомуза тортди Мэри,— Сибирда қандай яшайсизлар?

— А, шундай, фақир киши панада деганларидек, камтарона яшаймиз,— дедим мен ётсираб.

— Қаҳрамонлик кўрсатасанми? — деб бош ирғади Глеб. Чунки доим сочи кўзига тушиб халақит қилаверади.

Мен мийиғимда кулиб қўйдим.

Негадир бобомнинг мўйловли қиз ҳақида ёзган мактубини эсладим.

— Ҳа,— дедим мен,— эрталабки қаҳрамонлик, кечки қаҳрамонлик. Баъзан якшанба кунлари ҳам.

Силлиқ соч бола хириллади.

— Жуда зерикапман,— деди Мэри,— овозинг борми? Мен ҳеч нарсага тушунмай елка қисдим.

— Ҳалиги... приёмникми, транзисторми?

Мен имо билан приёмникни кўрсатдим. У креслодан тушиб, музыка қўйди. Кейин ер тепиниб ўйинга тушди. Тиззаларини эгиб қалтиратди. «Ҳе-ҳаа!»— деб бақирди. Унинг бу кўриниши худди гимнастика қилаётганга ўхшарди.

— Смогишь? — сўради мендан Глеб.

— Мен тушунмадим.

— Яъни смогуешь?— қайта сўради у яна.

— Кўрмаяпсанми, фирт қишлоқи-ку! — деди силлиқ соч бола.— Қадимий рус тилига таржима қил.

— Чекасанми, деб сўраяпман,— таржима қилди Глеб.

Мен бобомнинг столидаги сигаретадан олдим. Сочдор Глеб тутуни кўринмасин учун қўли билан шип томон пуфланган тутунни елпиганича чека бошлади.

Мен ўзимни бориб турган аҳмоқдек ҳис қилдим. Мен

қандайдир бўлак улфатга тушиб қолгандек эдим. Бу ерда мен ҳеч кимни танимайман. Умуман тезроқ кета қолсам! Жон деб кетардим. Лекин ўз уйингдан қаёққа ҳам кетардинг!

Глеб чекар, Мэри ўзича мингиллаганча танца тушар, силлиқ соч эса оёғини чалиштириб ботинкасини ушлаганича ўтирарди. «Фидел»дан бўлак ҳаммалари гапиришди.

Мен ундан ниманидир сўрамоқчи эдим, тўсатдан Глеб:

— Жиннига ўхшаб нега галстукда юрибсан? Мактабда эмассан-ку? — деди.

Мен уялиб кетдим. Ҳатто баданимдан совуқ тер чиқиб кетди. Яна уйқусида ҳам галстугини ечмайдиган қандайдир мансабталаб, жамоатчи, деб ўйлашса-я. Мен галстук боғичини энди ечмоқчи ҳам бўлувдимки, бирдан унинг пичинг қилаётганига тушуниб қолдим. У ғазаб билан таҳқирлаш учун айтганди. Мен галстукни маҳкамроқ боғлаб олдим. Ахир ечаман — кутиб ўтир, деб ўйладим. Лекин индамадим. Саволига жавоб ҳам бермадим. Мэри танцадан тўхтаб, менга диққат билан тикилди. Силлиқ соч ҳам, Фидель ҳам.

— Бу атавизм,— деди Глеб насиҳатомуз.— Шунақа сўзни эшитганмисан? Болалик қолдиғи, тушундингми? Галстук тақиб юриш — бу болалик қолдиғи? Бу болакайни ўстириш керак. Ўстирганда ҳам прогрессив тарзда ўстириш керак.

Силлиқ соч хуриллади, Мэри яна мингиллади. Фақат Фиделгина қоққан қозикдек тек ўтирарди.

Менинг ғазабим ортди.

Ўзимга ўзимнинг ғазабим келарди. Ана шу Глебга бир нарса демоқчи бўлдим! Ҳатто башарасига солиб юбориш керакмиди! Лекин ўзимни тийдим. Генераллар нима дейишади? Бобом-чи? Ахир генераллар унинг дўстлари-ку!

Тишимни тишимга қўйдим. Ҳзимни босиб олиш учун кўзимни юмдим. Кейин хушчақчақлик билан дедим:

— Болалар! Эртага номаълум солдат қабрига борайлик! Мен кўрганим йўқ. Бобомнинг эса вақтлари бўлмайди.

Силлиқ соч яна чўчқа боласидек хуриллади. Кулишини қаранг. Кўзойнаги билан қўшилиб жуда хунук кўринаркан.

— Биз у ерда бирон нарсамизни йўқотибмизмики, борсак? — деди Глеб. Кейин Мэрига қаради: — Майорша, сибирчани балки сен олиб борарсан?

— Ҳзинг олиб бор, лейтенантик! — чийилади Маня.

Мен анграйиб қолдим. Демак, улар ҳам бир-бировларини шундай деб аташаркан-да? Майорша? Лейтенант? Генераллар бир-бировларини шундай чақиришганда кулгили кўринганди. Улар майли! Буларга ким қўйибди?

Лекин мен яна ҳеч нарса демадим.

Шу пайт Фидель ўрнидан турди.

— Ҳўп, майли,— деди у,— мен сени ҳақиқий сибирлик деб ўйлагандим. Сен ҳам уларга ўхшаш экансан! Сира ортиқ жойинг йўқ. Фақат бу ёққа кўчиб ўтишинг керак. Оралиқни камайтириш керак. Бўлмаса уларнинг тили билан айтганда, ҳаммаси «о кэй» бўлади.

Бола жинсиларидаги тугмачаларини ялтиратганича йўлакка ўтди. Мен эса унга ачинганимча жилмайдим. Бу Фиделга бермоқчи бўлган саволим ёдимга тушди. Мен унга ҳақиқий Фиделни эслатиб: «Сен бунини шунчаки кийиб юрибсанми ёки ҳурмат юзасиданми?» деб сўрамоқчи эдим.

Сўрамаса ҳам бўлади. Ҳурмат юзасидан экан!

Мен қолганларга қарадим. Глеб ҳамон чекар, Манька танца тушар, кўзойнакли Силлиқ соч эса оёғини ушлаганича ўтирарди.

— Шу мақтанчоқ полковник доим кайфиятни буза-

ди!— деди кўзойнак. Мен яна унинг сочи ҳўлланганми ёки фасони ўзи шунақами, деб ўйладим.

— Қани, генераллар,— дедим мен секин,— бу ердан туёқларингни шиқиллатларинг-чи!

Қизиқ: улар жимгина, жанжаллашмай чиқиб кетишди. Ҳақиқий генераллардан ҳайиқишгани кўриниб турипти. Мен якка ўзим қолдим. Юрагим шунақанги қисилиб кетгандики: шу пайтда кўнглимга ҳеч нарса сиғмасди. Чироқни ўчириб, хаёлга толдим.

Мен шу топда набиралар билан ўзим ҳақимда ўйлаб қанча ўтирганимни билмайман. Ўйлаб кўринг-а! Ахир мен ҳам генераллик билан фахрлангандим. Шулардан яхшиман-ку, деб ўйлагандирман-да. Ушанда уларга ўхшаб кетибман шекилли. Балки кийимларимгина ажратиб тургандир.

Включатель чиқиллади.

Бобом ва унинг дўстлари атрофимда туришарди. Улар парад формасида, кўкраклари тўла орденлар.

— Қалай,— сўради генерал-майор,— учрашув олий даражада муваффақиятли ўтдимми?

— Ҳа,— дедим мен ёлғондан. Сўнг тиржайиб қўйдим. Сохта табассумлар кечаси деса бўлади буни. Майли ҳечқиси йўқ.



Олтинчи. қисм

МАНГУЛИК МАШЪАЛИ

Самолёт булутлар устидан учиб бормоқда. Бепоен оппоқ текислик узра парвоз қилмоқда. Гүё ўзи учмаяпти-ю, қор босган далада секин судралиб бораётгандек.

Мен иллюминатордан кўзимни узмай қараб бораман. Менга саҳрода одамлар бордек туюлади. Худди уфқда кимдир қўққисдан пайдо бўлиб, бизга қўл силкиб қолаётгандай бўлаверади.

Ҳақиқатан ҳам шундай бўлди! Денгиз гирдобига ўхшаш оппоқ кўпик орасида уч бурчакли қуш кўрина

бошлади. Бурни найзадек узун, думи эса орқасида жудаям чўзилиб, судралиб келарди.

Самолёт булутлар орасига шўнғиб, шитоб билан аллақайга интилади. Қарийб ёнбошлаб боради. Қетидан оппоқ йўл из қолади. Кемалар карвонининг изига ўхшайди худди.

— Йўлтўсар,— дейди бобом менга.— Душман самолётларининг йўлини тўсади. Овоздан тез учади.

Жуда тўғри: Учар учбурчакнинг ғойиб бўлганига анча вақт ўтган бўлса-да, овози бизга энди етиб келди.

— Сизнингча, мен қандай офицер бўлишим керак?— сўрайман бобомдан.— Артиллерия офицери бўлайми? Ё пиёдалар офицерими? Балки, учувчилар ёки денгизчилар офицери бўлганим маъқулдир?

Бобом кулади.

— Офицерларнинг хили кўп,— дейди у,— ўзингга ёққанини танлаб олавер.

Ўзимга қўйиб беришса-ку, бугунгисидан бошлардим-а. Эрталаб кўрганимдан.

Эрталаб хўп ажойиб воқеа юз берди-да. Бобом дастлаб режасини ўзгартирди. Аввалига бобомни ранжитгим келмади. Кечаги гапни айтиб нима қиламан дедим. Лекин кейин айтиб бериш керак, деган қарорга келдим. Албатта керак. Ахир ўзимнинг бобом-ку. Менинг дўстим. Менинг генералим.

Бобом гапимни эшитиб, ўйланиб қолди. Кейин режаларини ўзгартириб, мўлжаллаган жойига бормасдан, мен билан бирга боражагини айтди. Номаяълум солдат қабрига.

Солдат қабри ёнида мангулик машъали ловуллаб турарди.

Ёмғир ёғаётган бўлса ҳам олов ёниб турипти.

Қор гупиллаб уриб турса ҳам олов ўчмайди.

Биз ичидан мангулик алангаси кўриниб турган тош юлдуз олдида сукут қилиб турдик. Бобом солдатга честь берди. Мен пионерлик салютини.

Бир одам яшаб ўтганди. Унинг исми бор эди. Онаси. Балки хотини, бола-чақаси ҳам бўлгандир. Кейин ўлиб қолган. Ўлганини ҳеч ким билмаптям. Лекин у йўқ бўлиб кетмапти. Номаълум солдатга айланипти. Балки уни ҳозир ҳам кутишаётгандир. Уни ўйлашаётгандир. Эслашаётгандир. Ўзларича номини айтишар балки. Лекин у беном. Чунки унга исм керакмас. У барчага баробар. Номаълум солдат.

Мен қабр ёнига хотинлар келиб-кетишганини кузатиб турдим. Ёшлар. Кампирлар, пионерлар келганини кўрдим. Уларнинг қизил мармар устига гулларни қанчалик авайлаб қўйишганига қараб турдим. Чуқур хаёлга чўмиб турганликларини сездим. Қимнинг олдига келишган улар, номаълум киши олдигами? Йўқ, аниқ, таниқ, одам қошига келишган. Ўғиллари бошига келишган. Оталари олдига. Ё боболари олдига. Мен бобомнинг енгини ушлаб оламан. Юзларига тикиламан. Бобом тирик — қандай яхши-я! Фашистлар ўлдирмагани нақадар яхши-я! Олдимда турганлигини айтмайсизми... Шундоқ енгидан ушлаб юришим мумкин... Ушанда танимай ўтиб кетибман-а?! Бобомнинг ўпкаси тўғри экан! Шуниси чакки бўлди-да! Уша пайтгача уни кўрмаганимни, ҳечам билмаганимни қаранг-а, аттанг!

Бобомнинг енгига ёпишиб олдим. Мени қучоқлаб олди. Икковлашиб Қизил майдон сари аста юриб борамиз.

Мавзолей ёпиқ, лекин атрофига тумонат йиғилган. Биз мавзолейга яқинлаб келдик. Ям-яшил арчаларни томоша қиламиз. Ялтираб турган деворларга, солдатларнинг чехраларига тикиламиз.

Бирдан қалтираб кетдим. Кўзларимни ишқалайман. Йўғ-е, наҳотки!

Мен бобомнинг енгидан тортаман-да, қулоғига шивирлайман.

— Қаранг! Анави Борис Егоров-ку! Бизнинг вожа-тиймиз.

— Қаёқдан чиқиб қолдийкин бунда? — дейди бобом елкасини қисиб.

Ҳақиқатан ҳам қаёқдан келдийкин-а? Албатта, у солдат бўлиши керак, ҳозир армияда хизмат қилаётгандир. Танкистми ё бўлмаса денгизчидир. Лекин бу ерда нима қилади? Мавзолейда соқчи бўлиб туриш ҳазил эмас!?

Мен яна кўзларимни ишқалайман. Балки шундай кўриниб кетгандир? Албатта адашаётган бўлишим керак! Егоровга Мавзолейда туриш йўл бўлсин! Лекин шунга қарамай:

— Егоров! — дея қичқириб, қўлимни силкиб қўйдим.

Солдат қимир этмай турипти. Худди тирикмасдай. Елкалари ҳам қотиб қолгандек.

Бобом кулади:

— Бехудага овора бўлма! Жавоб беради, деб ўйлайсанми?

Қадам товуши эшитилаяпти. Асфальт гурс-гурс қилади. Мавзолей ёнидаги одамлар жонланиб қолишди. Мен уч ҳарбийнинг шахдам қадам ташлаб келаётганини кўраман. Оҳиста-оҳиста, тантанавор юриб келишяпти.

Оппоқ қўлқоп кийган қўлларини чиройли маршга мувофиқ, ёзиб-йиғиб боришяпти. Милтиқлари елкаларида. Дарвоза ёнига келишди. Юлдузли миноранинг соати занг урмоқда. Солдатлар алмашинаяпти. Қўндоқлар шақирлайди. Янгилар постда қолади, туриб бўлганлари эса кетишади. Қоровул ўзгаради.

Яна қадамлар гурс-гурси. Мен солдатлар ёнига югураман. Уларнинг ҳар бир қадамини эслаб қолишга тиришаман. Яна солдатни чақиргим келаверади. Чақирсаммикан? Балки бу Егоровдир?

Лекин солдатлар олдларига адл қараб борадилар. Ҳеч кимни кўришмайди. Дарвозадан ўтиб, кўздан ғойиб бўлишади.

Мен бобом билан Қизил майдонни кезиб юрдим. Василий Блаженный соборини томоша қилдик. Жазо ижро этиладиган жойни кузатдик.

— Мен бувинг билан ўша пайтда ҳам шу ерга келувдим,— дейди бобом.

— Қачон келувдинглар? — сўрайман мен.

— Танишганимизда-да, — кулади бобом. — Кремлда. Албатта илгарироқ танишгандикку-я.

Шунда бобом бувим ҳақида гапириб берди.

БИРИНЧИ ҲИКОЯ. БУВИМ ҲАҚИДА

Бу воқеа Испанияда бўлган эди. Бунга анча бўлиб кетди. Унда отанг ҳам туғилмаганди. Ойинг бўлса ўрни-тагида йўқ эди. Бобомнинг ўзи-ку, бува бўлишни ўйламаган ҳам экан. Чунки у ўз тақдири нима бўлишлигини ҳам билмасди-да. Унга Москвада шундай буйруқ беришганди.

— Энди сизнинг отингиз Хосе. Сиз испансиз. Гап шу, вассалом.

Бобом боши билан маъқул ишорасини қилди. Хосе испанчада ҳам, русчада ҳам бир хил эшитилади-ку! Бошқа испанча сўзларни билмас, испанча гаплашишни ҳаёлига ҳам келтирмасди. Ахир унинг тўпчилари ҳам бобомга ўхшаган «испанлар» эди-да. Русчани жуда яхши тушунишарди. Фақат уларнинг ҳаммалари қопқора эди. Сочларининг қоралигига қараб танлаб олишга ҳаракат қилишади. Испанларга ўхшаш бўлсин, деб. Ана шундай қилиб, улар Испанияга келиб қолишди. Эски испан тўпларидан, русларникига асло ўхшамайдиган замбаракларни отишди. Отиб русчалаб сўкинишарди; чунки тўп ўқлари нишонга тегавермасди-да, рус қуроллари бўлганда ўзлари билишарди-я! Лекин бир амаллаб бу тўпларнинг ҳам тилини билиб олишди. Душманларни роса қийратишди. Душманлар бўлса босиб келишаверипти, ҳаммани бараварига, эркагу хо-

тинларниям ўлдираверипти. Чолу кампирлариниям аямапти. Шунда республикачилар испан болаларини халос қилишни сўрашипти. Чунки уларнинг тақдири нима бўлади, деб ташвишга тушишипти. Ота-онаси ўлган болалар нима бўлади? Улар ҳам ўлади. Қашшоқлик ва очликдан қирилиб кетарди-да.

Бобом денгиз бўйидаги шаҳарни мудофаа қилипти. Бор кучи билан жанг қилипти. Чунки шаҳарга жуда кўп бола келтиришган экан. Кемалар тўхтайдиган жой яқиндаги ертўлаларга болалар тиқилиб кетган экан. Кема ҳадеганда келавермапти. Одессадан чиққан кема шошиб тез келаётган бўлса ҳам етиб келолмасмиш.

Тўплар отилаверганидан қизиб кетаверипти; шунда хотинлар сув олиб келиб бериб туришипти. Хосе бобомнинг жудаям сув ичгиси келаркан-у, денгиз суви бўлгани учун уни фақат совисин деб тўпларга қуйишаркан, ичимлик сув ярадорларга ҳам етмас экан. Бир сафар уларга сувни республикачилар кийимидаги бир қиз олиб келипти.

— Кема яқинлашиб қолди, — депти ҳалиги қиз русчалаб. — Подвалларда уч минг бола бор. Ҳамма умид ёлғиз сиздан; Антон Петрович.

Бобом отини эсдан чиқариб юбораёзган экан. Ўзининг кимлигини ҳам эсдан чиқариб юборипти. Эшитмагандек бўлипти. Гўё қулоғига тўплар гулдуриси киргандек бўлипти. Лекин қиз кулиб яна такрорлапти.

— Ҳамма умид сиздан, Антоша Чехонте.— Бу энди қизнинг ҳазили эди: Чунки ёзувчи Чеховни ёшлигида Антоша Чехонте дейишарди. Бобом, хўп бўлади, дегандек бош ирғитипти. Унинг испан тўпи сайраб кетипти. Кейин денгизда Қизил Крестли байроқ тиккан кема пайдо бўлипти. Душманлар пароходни ўққа тутишипти. Антоша Чехонте билан унинг солдатлари газабга тўлишипти. Улар қаҳру ғазаб билан душман

устига ўқ ёрдиришипти. Душман жим бўлиб қолипти. Кема тезлик билан болаларни бағрига олволипти. Портлашлар орасида йиғи-сиғи эшитилиб қоларкан. Ўз болаларидан жудо бўлаётган хотинлар йиғлашипти.

Душманлар эса яна ўт очишипти. Уларнинг снарядлари кема тўхтайдиган жой яқинига тушаверишти. Пристандаги йиғи-сиғи авжга чиқипти. Кейин кема силжишти. Жуда секин, юрайми-юрмайми, деб қўзғалипти. Секин-аста денгизга чиқиб олипти.

Кечаси бобом содиқ тўпларини портлатипти. Ўзи порт шаҳридан ғойиб бўлипти. Испаниянинг тунлари қоп-қоронғи бўлади. Уша тундаги ҳавонинг айниши ҳам уларга қўл келипти. Кучли шамол эсар, ер бағирлаб сузаётган булутлар юлузлар нурини тўсиб қўяётган экан.

Бобом Москвада биринчи нишонни — жанговар Қизил Байроқ орденини олипти. Қизга ҳам шунақа орден топширишипти. Бобом уни таниб қолипти. Табриклаш учун олдига боришти.

— Мен Антоша Чехонтеман,— деди у,— Антоша Чехонте.

— Мен эса Лида Ивановнаман,— деди қиз.

Кейин у менинг бувим бўлиб қолипти.

Мана шунақаси ҳам бўларкан-да...

СОҚЧИ

Мен ўйланиб қолдим. Анави эски суратдагидай жудаям ёш бобом билан бувимнинг Қизил Майдонни сайр этиб бир-бирларига жилмайиб қарашларини тасаввур қилдим.

Бирдан кимдир чақирди:

— Уртоқ генерал! Уртоқ генерал!

Бобом икковимиз ўгирилиб қарадик. Бир солдат тиккайиб, қўлини козирогига олиб борганча бобомга жилмайиб турипти. Ана холос, зўр бўлди-да!

— Айтмадимми! — қичқирдим мен. — Мен дарров танувдим!

Егоров оғзи қулоғида кулиб турарди.

— Биласизми нима бўлди, бир оғиз жавоб беролма-сама! Кипригимни ҳам қоқолмапман! Лекин сизларни бир кўришдаёқ танидим! Қандай шамоллар учирди?

— Биз-ку каникул қилиб юрибмиз,— жавоб берди бобом, — ўзингиз қандай келиб қолдингиз?

— Армияга олишди-ю, Москвага юборишди,— жавоб берди Егоров.— Аввал ўқидим. Мавзолейда туриш осон деб ўйлайсизми? Унинг ҳам илми бор! Жавобгарлигини айтмайсизми! Бутун дунёнинг кўзи сенда! Чет элликлар келиб ҳамма томонидан сурат олган!

Мен Егоровни завқ билан томоша қилдим. У ёқда, юртимизда бунчалик чиройли эмасди. Балки чиройли бўлган бўлса бордир, лекин мен сезмаган эканман.

Энди кўрсам — елкалари кенг. Погонлариям худди кўм-кўк кўзларидек порлаб турипти. Адл қомати, кийимлари бирам ўзига ёпишиб туриптики, кирови солдат бўлса шунақа бўлади-да!

— Олдимга ойим келипти,— деди Егоров.— Гарнизонга борса — хизмат қилаяпти дейишипти. Бу ёққа йўллашипти. Мавзолейга чопипти. Мени кўрдию йиғлаворди. Юрагим сиқилиб кетди. Ойим қариб қолган. Нима деб овутишни билмайман. Кейин: «Нега йиғладингиз?» деб сўрадим. Бечора «фахрланганимдан йиғладим!» дейди.

Бобом Егоровнинг қўлини қисди. Ҳарбий хизматида омад тилади. Лекин Егоров узоқлашгиси келмай нечундир иймағарди. Кейин деди:

— Сизлар Галяга мени кўрганларингизни айтманглар. Поста турганимни суратга олдираман, расмимни юбораман, ўшанда билар.

Биз бобом билан «тушунарли» дегандай кулиб қўйдик. Лекин Егоров ҳамон кетолмасди.

— Отрядга-чи...— деди у менга,— сен менинг сало-

мимни етказ. Москвада хизмат қилаётганимни айтсанг бас. Мен ҳаммаларига хат ёзаман. Қатта хат ёзаман. Хизматим ҳақида ҳисобот бўлади. Ёзда отпуска олиб учиб бораман.

— Баракалла сизга, — деди бобом яна бир бор Егоровнинг қўлини қисиб.— Вожатийлик масаласини тўғри ҳал қилсиз. Москвада туриб ҳам отрядга раҳбарлик қилиш мумкин.

Энди бошқачасига иложим йўқ, — жавоб қилди Егоров. — Хизматим шунақа-да!

Мен ҳам Егоровнинг қўлини қисдим. Унинг гоёси менга жудаям ёқди. Қойил — бизнинг вожатиймиз биринчи номерли постда туради-я!

— Хўп, хайр, — деди Егоров. — Командирларим бир минутгача рухсат беришувди! Шундаям сиз генерал бўлганингиз учун, Антон Петрович! Ана қараб туришипти.

Биз Кремль томонга қарадик. У ерда икки офицер туришарди. Бобомнинг уларга қараётганини кўришлари биланоқ қоматларини тик тутиб, узоқдан унга честь беришди. Одоб—тавозе билан!

Егоров бўлса қўлини козирогига олиб бориб, бизларга честь берди. Мен хато қилаётганим йўқ, бизларга деб. Аввал бобомга честь берди. Бобом ҳам унга честь берди. Кейин менга. Мен эса Егоровга саялут билан жавоб қилдим.

Кейин у шахт билан бурилди-ю, чопганча кетди. Зўр учрашув бўлди-да! Ҳайрон қоласан киши! Москвада миллион-миллион киши яшайди. Бир ҳовлидан чиққан кишилар кўчада учраша олмайдилар-ку. Биз Сибирдек жойдан келиб ҳамюртимизни дарров топиб олдигам.

Ҳа, Мавзолейда бўлгани учун топдик-да, бошқа жойда бўлса учратармидик. Мавзолейга миллион-миллион киши оқиб келади. Чунки бу — Мавзолей-да. У ерда Ленин. Энди Ленин ёнида бизнинг вожатий-

миз бор. Сибирлик монтажчи. Соқчи... Бутун ер юзига энг таниқли солдат...

Борди-ю, ўзимга қўйиб беришса, артиллерия, дегиз ёки авиация офицери бўлишдан олдин Егоровнинг хизматини танлаган бўлардим. Даставвал Ленин ёнида соқчилик қилган бўлардим...

ЧИН ИНСОН

Самолёт қўниш учун пастлай бошлади. Ҳадемай Генерал Иванов ҳузурида бўламиз.

Мен бобомга дўстингиз ҳақида гапириб беринг, деб ўн марта айтгандирман.

— Ҳозирча гапириб бера олмайман, — жавоб берарди бобом. — Аввал сен уни ўзинг кўришинг керак. Жуда ажойиб инсон-да. Унақалар қолмади ҳисоб.

Унинг нимаси ажойиб экан, дея ўйлардим мен. Бўйи икки метрлигимикин? Штангистларга ўхшаб кучли бўлганимикин? Нималигини ўйлаб-ўйлаб топа олмадим. Нима ҳам қилардим — кейин билиб оларман.

Мана бобом дарвозанинг эшикчасини очди. Ут-ўланлар қоплаб олган уйчага олиб борадиган сўқмоқдан бораяпти. Бир одам пешвоз чиқиб, югуриб келарди. Бобом уни бағрига босиб маҳкам қучоқлади.

Улар бир-бирларини қучоқлашиб туришарди. Чурқ этишмайди. Кейин бир қадам орқага ташлашди. Шунда мен генерал Ивановнинг иккала қўли йўқлигини пайқаб қолдим. Енгилари чўнтакларига тиқиб қўйилипти.

Қандай кун кечираркин-а, деб ўйлабман. Қўллари бўлмаса, нима қиларкин-а? Бобом гўё бунга сезмасди. Елкадан тутиб мени Ивановнинг ёнига олиб борди-да, Москвада бўлганидек, унга таништирди.

— Антон Рибоковми? — сўраб олди Иванов. — Менинг издошим, дегин-а? — деди кулиб бобомга.

— Антон Иккинчи! — дейди бобом бош иргитиб.

Биз уйга кирамиз. Сочлари оқарган аёл бизларни

кутиб олди. Қўзлари кулиб турарди. Аёл бобомни қучоқламоқчи бўлди. Менинг бобом аввал уни ўпиб:

— Ассалому алайкум, жанговар ўртоқ,— деб қўйди.

Биз Николай Петрович хонасида ўтирипмиз. Бурчақда ғалати ойна турипти. Қўлимга олиб, у ёқ-бу ёғига қараб нега илма-тешик ойна бу ерда турипти, деб гаранг бўламан. Ташлаб юбориш керак. Ҳаммаёғи дарз кетган, илма-тешик.

— Қани, топ-чи, бу нима?— дейди Николай Петрович.

— Машинанинг шабада йўллайдиган ойнаси, — дейди бобом мени хижолатдан қутқариш учун. — Тешикларини кўрдингми? Уқлар тешиб ўтган-да.

— Эсдалик учун сақлаб қўйганман,— дейди Николай Петрович. Бамисоли ажал дастхати деса бўлади. Машинанинг ҳаммаёғи ғалвир бўлиб кетган, тасодифан омон қолганман.

Улар бир-бирларига қараб тўйишмайди. Худди ёш болалардек бири олиб-бири қўйиб гапиришади. Худди мен Кешка билан гап талашгандек. Гапларини айтиб адо қилиша олишмайди.

— Менга қара, Антон!— чақириб қолди бобом. Енига ўтқизди. Бошқатдан гапириб бер, Коля! Буни у албатта билиши керак. Биласанми, у ҳарбий бўлмоқчи. Бошқа ҳунарни танлаганда ҳам, бари бир билиб қўйса чакки бўлмайди!

Николай Петрович бошини силкиб, хонанинг ўртасига ўтди. Этиги билан ерга зарбалар йўналишларини хаёлий ёй, чизиқ билан шакллантиради. Тўп, танкларни чизади.

— Манави Дрезден,— дейди у.— Булар бизнинг асосий кучларимиз. Манави понага ўхшаб суқилиб турган менинг тўпчилар полким. Олдинда биз юрдик, қўшинларимиз кетимиздан етиб келишарди. Мана асирлар олаяпмиз. Танклар зарба беришга ҳозирлик кўрмоқда,— дейишди улар.— Мўлжал — фалон-фалон. Нима

қилиш керак? Агар бизни ўраб олса борми, асосий кучларимизни танклардан ҳимоя қиладиган қалқон йўқ, деявер. Танклар зарбасини икки томондан қайтарамиз деб қарор қилдим. Душманни уч бурчак бўлиб қаршилашга буюрдим. Бўлди қирғин-бўлди қирғин. Ут очдик. Немислар кутганидек рўбарўдан эмас, икки биқинидан уравердик. Олдинма-кетин, бошдан-оёқ пақиллатиб уравердик. Немислар саросимага тушиб қолди. Танклар ёнапти. Тўпларимиз мўлжалга аниқ бехато уриб турипти. Яқин келтириб урамиз.

— Антошка, — дейди бобом менга. — Николай Петрович танкка қарши артиллерияга қўмондонлик қилган. Жуда қийин-да — ўзинга қарши ўқ отиб келаётган нишонларни тўпга тутиш осонмас-да.

Ниманидир сўрагим келади. Лекин нима дейишимни билмайман. Жуда ноқулай аҳволда қолдим.

— Тушундингми? — сўраб қолди Николай Петрович.

— Ўзинг-чи? — дейману қизариб кетаман. — Ушанда ўзингизнинг қўлларингиз бормиди ўзи?

— Йўқ! — жавоб беради Иванов. — Йўқ эди! Мен қўлларимни Днепр соҳилларида йўқотганман.

Ишонгим келмайди. Учувчи Мересев ҳақида ўқигандим. Киносини ҳам кўп кўрганман. Унинг оёқлари йўқ эди, уни ким билмайди. Лекин унинг қўллари бор эди-да. Артиллериячининг қўлсиз бўлиши қандоқ бўларкан? Командалар бериш керак! Команда бериш учун картага схемалар чизиш керак! Телефон трубкасига бақириш керак! Дурбиндан қараш зарур! Керак бўлиб қолганда снарядни олиб тўпни ўқлаш лозим! Қўлсиз буларни қилиб бўларканми?

Мен генерал Ивановга тикиламан-да, рост айтаяптими, ҳазиллашаяптими, билолмай гаранг бўламан. Шунанаям ҳазил қиладими киши? Бобомга қарайман. Унга савол назари билан боқаман.

— Сенга айтувдим-ку, Антон, — дейди бобом хаёлга ботиб. — Генерал Иванов — ажойиб одам деб.

— Тозаям оласан-да гапни, — аччиқланиб дейди Иванов. — Мунча радиодек вайсадинг-а? Узинг ҳақинг-да гапириб берсанг, дуруст бўларди. Орденларингнинг кўплигини қара! Уларни бекорга беришмайди-ку.

— Майли, — дейди бобом. — Қакку хўрозни мақтагандек бўларкан-да. Мен мукофотларимни оддий ҳарбий ишларим учун олганман. Сен жасоратларинг учун олгансан. Бу сўздан қўрқма. Чинакам жасорат учун. Бу жасоратларинг ҳақида китоблар ёзиш керак!

— Ҳаммаси ёзилган! — кулиб деди Николай Петрович.

Емакхонага ўтиб, овқатландик. Николай Петровичнинг хотини кичкина қошиқ билан уни овқатлантириб турди. Худди ёш болани овқатлантиргандек. Лекин бобом бунга эътибор бермайди. Гўё ҳеч нарса бўлмагандек. Ивановнинг хотини ҳам парвойифалак. Генералнинг ўзи ҳам. Улар урушда бўлган ҳар хил қизиқ воқеаларни эслашиб роса кулишдилар, гўё урушда нуқул кулгили воқеалар бўлганидек. Йўқ, урушда кулги эмас, оғир бўлган, жуда қийин бўлган. Баъзан эса ўлгудек оғир бўлган. Кечқурун эса бобом менга генерал Иванов тарихини гапириб берди.

И К К И Н Ч И Ҳ И Қ О Я. ГЕНЕРАЛ ИВАНОВ ҲАҚИДА

Уруш қайтаётган пайтлар. Немислар орқага шаталоқ отиб қочишарди. Шу шаталоқ отиб қочди дегани бу ерга салгина ёпишмай турипти-да. Наполеонни шаталоқ отиб қочди, деса бўлади, бу тўғри. Уз аскарларини ташлаб Париж қайдасан, деб қочиб қолганди. Гитлер бўлса ҳар куни «менинг солдатларим, охиргиси қолгунча урушади», деб вайсагани-вайсаган эди. Фашистлар шаталоқ отиш у ёқда турсин, кучларининг борича қаршилиқ қилишарди. Жон-жаҳдлари билан жанг қилишарди. Лекин биз бари бир ҳайдаб борардик.

Бобом: фашистлар усталик билан жанг қилар эдилар, дейди. Уларнинг генераллари ҳам тажрибалироқ эди. Тажрибали бўлишмасинми! Бутун Европани олишганди-да. Ҳамма қўшинларни енгишганди. Шунинг учун ҳам душманни аҳмоқ деб ўйлаш керак эмас, улар ҳам анойи эмасди, асло. Аҳмоқни алдаш осон. Уларнинг устидан ғалаба қозониш ҳам қийинмас. Бизнинг ғалабага эришувимиз қийин бўлди. Чунки душман тажрибали ҳам шафқатсиз эди. Шунинг учун ҳам бизнинг ғалабамиз фахрлироқ бўлди. Йўқ, ҳеч қачон душманларни аҳмоқ деб ўйлаш керакмас, асло.

Хўш, шундай қилиб, уруш орқага қайтаётган пайтлар эди. Фашистлар жон-жаҳдлари билан урушардилар. Ҳар бир тоғ-тошга тирмашиб олишарди. Дарёларни гапирмасаям бўлади! Орқаларида қолган ҳамма кўприкларни бизга етиб олишмасин дея, портлатиб кетишарди. Нариги соҳилда ер қазиб океанга биқиниб олишади. Узоққа мўлжалланган ўт очиш жойларидан пулемётлардан ўқ ёғдиришарди. Улар шу йўсин: ҳеч ёққа силжимаймиз дегандек, Днепрга ҳам ёпишиб олишди.

Душманни уриб янчишдан бошқа иложимиз йўқ эди. Днепрдан сузиб ўтиб душман суқилиб олган қирғоқни эгаллаб олиш керак эди. Шу ерда бир нарсани тушунтириб ўтай. Днепрдан сузиб ўтиш ҳар қандай эркакнинг ҳам қўлидан келавермайди. Ҳатто тинчлик кунларида ҳам уддалаш қийин. Бунинг устига уруш. Бу ерда сузиб ўтишнинг ўзи бўлсаям кошкийди, душман ўқ ёғдириб туришига қарамай сузиб ўтишинг керак. Сузиб бораркансан — атрофингдаги сув снаряд ва ўқ ёмғирдан биқирлаб қайнаётгандек бўларди.

Лекин шунинг ўзигина бўлсаям майлиди-я.

Солларни олиб ўтиш керак эди. Темирдан ясалган махсус, ҳарбий солларни Понтон дейиларди. Понтонларда тўплар, танклар бўларди. Аслини олганда буни асло сузиб ўтиш дейиш мумкинмасди. Сенга қараб ўқ отиб турса, сузиш деб бўладими.

Дарёни кечиш худи қалъага ёпирилиб ҳужум қилгандек ўқ ёмғирига қарамай сузиб ўтиш деган гап эди. Бироқ шу қалъадан сўнг яна бир ғовга дуч келардик. Бу душманнинг мустаҳкам истехкоми — қирғоқ эди. Бу қирғоқ қўрғошин уфуриб турарди.

Бутун қирғоқ бўйлаб, дарёни кесиб ўтиш мумкин эмас. Шунинг учун генераллар душман заифроқ бўлган жойни қидириб топишади. Агар заифроқ жойини топиша олмаса, ўзимизга қулайроқ бўлган ерини танлаб олишарди. Жанг бошланиб кетди. Солдатлар сузиб ўта бошлашди. Тўпларни, танкларни олиб ўтишаяпти. Қирғоқнинг бир парчасига ёпишиб олиб, душманнинг додини беришаяпти. Бу бизнинг бир парча еримиз плацдарм дейилади. Аслини олганда бу французча сўз. Плац — майдон дегани, дарм — армия учун, дегани. Лекин дарёдан ўтиш пайтида душман соҳилидаги бу жой ҳали майдон эмас, бир бўлак ер, холос. Душман бизни ана шу бир парча ердан суриб ташлаш учун ҳамма чорани кўради. Чунки плацдарм бўлса, орқадан, дарёдан ёрдамчи кучлар юбориш мумкин бўлади. Понтонларни тезлик билан бир-бирига туташтирилса, кўприк бўлади. Кўприкдан танклар ўтади. Пиёда аскарлар чопиб боради, тўплар ғилдираб юради. Плацдармга куч-мадад етиб келади. Бир парча ерда курашаётганларга.

Бу гапларни бекорга айтаяпти, деб ўйламанглар. Бу гапларнинг ҳаммаси Генерал Ивановга тамоман тааллуқли.

Фақат Иванов у вақтда генерал эмасди. Капитан эди. Днепрдан ўтишганда унинг командири оғир ярадор бўлиб қолади. Капитан Иванов унинг ўрнига командирлик қилди. Душманга қарши шафқатсиз ўт очди. Фашистлардан бир парча ерни — плацдармни тортиб олди. Тўпларни жойлаштирди. Душман томонга ажал уруғларини ёғдирди. Мадад етиб келгунча жон-жаҳди билан жанг қилаверди. Бошқа қўшинларни понтон кўприкдан юборишгунча жангни бўшаштирмади.

Шу орада мина портлаб қолса бўладими. Шундоқ-қина ёнгинасида. Ҳаммаси ғойиб бўлди-қолди.

У госпиталда ҳушига келганда иккала қўли йўқ эди. Қоқ елкасига яқин жойдан узиб кетганди. Қўллари бўл-масаям улар бордек ҳис қиларди. Қафтларини бошига олиб боргиси, сочларини силагиси келаверади...

Капитан ётипти-ю, фалокатга йўлиққанига ишонгиси келмайди. Қўлсиз қолиши мумкинми, ахир? Қўлсиз қол-дим деган матал бежиз айтилмаган. Демак, ёмон бў-либди-да. Ҳа, қўлсиз қолиш мумкин эмас, асло.

Балки энди яшамаса ҳам бўлар? Бахтсиз мажруҳ бўлиб юргандан кўра ўлиб қўя қолган яхши эмасми? Яқинларига дардисар бўлишининг нима ҳожати бор?

Ҳаёти тушдек бўлиб қолди. Капитан кўзларини юм-са — плацдарм кўринади. Душман танклари. Тўплар-нинг гумбурлаб отаётгани. Жанговар дўстлари. кўрина-ди. Бу — ҳаёт. Кўзини очса — оппоқ шипдан бошқа нарсени кўрмайди. Врачнинг оппоқ халатини кўради. Ҳа, яна курсида хомуш ўтирган ёрдамчисини кўради. Шу ҳам ҳаёт бўлди-ю?

Капитан ўйлайверди, ўйлайверди. Ҳозир ўлиш — ғирт нодонлик. Ғалаба қилиб ўлиш, мумкинмас. Ожиз нотовонларгина шундай қилиши мумкин, лекин у эмас. Улиш — ҳаёт олдида таслим бўлиш демакдир. Лекин у чекинишга одатланмаганди. Олға бориш керак. Фақат олға. Лекин у бировга дардисар бўлолмайди. Ҳаққи йўқ. Яна жангни давом эттирибгина яшаши мумкин. Қўлсиз бўлса ҳам — жанг қилади...

Шунда Иванов бир нарса ўйлаб топди. Ёрдамчисини штабга юборди. Қоғозларимдаги бир сатрни ўзгартир-синлар, деб илтимос қилди. Бошқа шаҳарда туғилган деб ёзинглар дея илтимос қилиш учун юборди. Васса-лом. У йўқ энди. Дом-дараксиз йўқолди. Қариндошлари қидириб юришмасин. Николай Петрович Ивановлар оз-ми? Тўғри иш қилдимикин?

Тўғри иш қилдим, деб ҳисобларди. Ҳали уруш давом

этаяпти, ўлиб кетишим ҳам мумкин деб юрарди. Лекин салгина барвақтроқ ўзини ўлганлар қаторига киритиб қўйганди. Мана шунақа, Иванов воқеаси.

Врачлар капитанни жангга юборишмади. У сўрамасданоқ кетиб қолди. Полкка қайтди. Қаҳрамон бўлиб қайтди. Гимнастёркасида юлдузчаси билан қайтди. Яна жангни давом эттирди.

Иванов Дрезден остоналарида иккинчи Қаҳрамон юлдузига сазовор бўлди. Яна ярадор бўлди. Тузалиб яна фронтга кирди. Жанг қилгани.

Урушнинг охиригача жангда бўлди. Ажали етмаган экан, соғ қолди.

Ҳатто ўлим ҳам ундан чекинди. Эҳтимол унинг жасоратига қойил қолгандир.

Бироқ уни қариндошлари бари бир топиб олишди. Топиб олмасалар бўларканми!..

ЮБИЛЕЙ

Мана биз генерал Иванов юбилейига кетаяпмиз..

Юбилей — бу нима ўзи? Дастурхон атрофида ўтиришади. Вино ичишади. Нутқлар сўзлашади.

Генерал Ивановнинг юбилейи тамомила бошқача. Унинг юбилейи жуда ажойиб бўлди.

Мана биз кетаяпмиз. Мен олдинга қараб бораяпман. Энг муҳими, қачон бошланаркин, дея ҳаяжонланиб кутаяпман.

Мана асосийси бошланди. Ниҳоят!

Машина тормоз бериб тўхтади. Рўпарамизда иккита бронетранспортёр кўчани тўсиб кўндаланг бўлиб турипти. Улар ёнида байрамона кийинган, автоматларини кўкракларига осилтириб олган солдатлар бронетранспортёрлар саф тортиб туришипти. Биз томон уч полковник югуриб келишарди.

Биз машинадан тушамиз. Олдинда югуриб келаётган баланд бўйли, яғриндор полковник шахдам қадамлашга

ўтди. Лойда из қолдириб, гурс-гурс юриб келмоқда. Бизга яқинлашади, лекин кўзлари бесаранжом. Балки кимга мурожаат қилишни билмаётгандир? Генерал-лейтенант генерал-майорнинг орқасида турганди. Полковник бобом томон бир қадам босди, уставни бузиб қўяман деб қўрқаяпти, лекин бобом дўсти томон бош ирғитиб деди:

— Унга! Унга!

Полковникнинг чеҳраси ёришиб кетди:

— Уртоқ гвардиячи генерал-майор! Кутиб олувчилар группаси сизга мунтазир!

— Кутиб олиш группаси нимаси? — жаҳл билан деди Иванов, сўнг бобомга юзланиб: — Буларни қара-я?

Биз яна машинага чиқдик. Транспортёрлар моторларини тириллатиб қолишди. Биттаси олдимизда, бошқаси кетимизда борапти. Бронетранспортёрда ўтирган солдатлар худди параддагидек «смирно» ҳолатида.

Мана дивизияга ҳам келдик.

Улкан майдон. Уч томонида солдатлар саф тортган. Уртада жанговар байроқ. Байроқдор олдидаги икки автоматчининг кўксига қизил лента порлайди.

Бизга ҳамроҳ бўлиб бораётган транспортёрлар тор-моз берди. Машинамизни салгина олдинга ўтказиб юборишди.

Машинадан тушамиз. Барваста полковник чўзиб қичқирди:

— Смир-р-р-р-р-но-о-о!

Мен титраб кетаман. Музика гумбурлайди.

— Сен шу ерда туратур, — деди шивирлаб бобом.

Мен унинг ҳаяжонланаётганини кўриб турибман.

— Хотирингиз жам бўлсин, — дейман мен, ҳам шивирлаб ва кўзимни қисиб қўяман. Мана улар юришди.

Олдинда генерал-майор. Орқада полковник билан генерал-лейтенант. Полковник билан бобом қўлларини чеккаларига яқин тутиб боришарди. Иванов бундай қилолмайди. У қадамини қаттиқроқ ташлаб боради, холос.

Солдатларнинг «Ура!» «Ура!» садолари эса сафлар оша гумбурлаб боради. Гўё тўлқин дейсиз.

Мен парадга, солдатларга, бобомга ҳам генерал Ивановга, майдон ўртасидаги қизил байроққа, бронетранспортёрларга, осмони фалакка қарар эканман, ичимдан яшнаб кетаётгандек бўламан. Шодликмикин бу? Йўқ, шодлик эмас. Қувончмикин? Қувонч ҳам эмас. Қайфим чоғ, билдингизми? Мен бахтиёрман, ана шу — бахтиёрман! Қайфиятим ниҳоятда чоғ. Ажиб бахт туйғулари кўнглимни тўлдириб юборса шунақа бўламан ўзим, ёноқларим музлаб, бўғзимга нимадир тиқилгандек, кўзларим қичишгандек бўлавераман!

Бу ерда ҳамма нарса зўр, шундай тантанаворки, асти қўяверасиз! Бу ердаги ягона томошабин ўзим бўлсам ҳам, мен ҳам парадга алоқадорман. Ахир бу ерда бобом бор-да.

Музика тинаётгандек бўлади.

Иванов байроқ олдига келади. Бобомга юзланиб, нимадир дейди. Бобом дўстининг бошидан қалпоғини олади. Генерал-майор тиз чўкади, байроқни ўпади.

Бирдан ўқлар гумбурлаб кетади. Мен ўгирилиб қарайман. Ён томонда солдатлар туришипти. Улар затворларини шақирлатаяптилар; яна ўқлар гумбурлайди. Мен отаётган автоматларни санайман. Элликта. Солдатлар ҳам элликта. Элликта солдатнинг эллик залпи. Генерал Иванов мерганлар олдига келади. Кўзларида ёш. У солдатга қапишиб кетади. Уни ўпади. Саф бузилади. Йигитчалар генерални қучоқлаб олишади. Автоматларини орқаларига ташлаб олишади. Кейин генерални кўтариб-кўтариб ташлашади. Эҳтиёткорлик билан-да, албатта.

— Ур-ра! Ур-ра! Ур-ра!.. — дея қичқиришади.

Бошқа солдатлар ҳам командани кутмасдан жўр бўладилар.

— Ур-ра Ур-ра! Ур-ра!

Барваста полковник ҳам бизга қўшилиб қичқиради.

Бобом ҳам қичқиради.

Мен ҳам, бор кучим билан қичқираман:

— Ур-ра! — Бугун осмон нақадар мовий! — Ур-ра! —
Армиямиз нақадар қудратли! — Ур-ра

Генерал Иванов зўр қаҳрамон! Ур-ра! Ур-ра! Ур-ра!

УРУШ ХУДОСИ

Ундан кейин жуда гўзал нарсалар бошланди.

Биз қаёққадир кетаяпмиз. Машинада узоқ юраяпмиз. Кейин ўрмон этагидан чиқиб қолдик. У ерда тўплар турган экан. Ҳар хил тўплар. Катталариям, кичикроқлариям. Ҳар тўп олдида солдатлар туришипти.

Биз тахтадан қилинган супага кўтарилдик. Бу ерда стереотрубалар турипти. Бу асбоблар рогаткага ўхшайди. Ҳар бир рогатка оптик кўз экан. Дурбинникидан зўроқ кўрсатаркан.

— Бошлашга бўйруқ берасизми, ўртоқ генерал-майор? — сўради забардаст полковник.

Иванов бошини қимирлатиб қўйди. Полковник улкан каттакон тўппончани олади. Унга қизил гильзали ўқни жойлайди. Қўлини осмонга кўтаради. Тўппонча парақлаб, қизил ракета пишиллаб, осмон кўксига санчилади. Тўппончасини қаранг-а? Лекин ҳайрон бўлиб ўтиришга вақт йўқ.

Ўрмон этагида гумбур-гумбур бошланиб қолди. Мен ҳатто чўчишга ҳам улгуролмайман. Фақат ҳар отганда ирғиб тушаман, холос. Тўплар бирин-кетин отаётган экан. Бих-бих-бих-бих! Кетма-кет. Тинмай автоматдан отилади. Лекин автомат эмас, тўплар гумбури. Даланинг нарғида ер осмонга кўтарилади.

Тўплар яна гумбурлайди. Яна. Яна. Кейин жим бўлиб қолишди. Полковник тўплар ёнига боради. Олдиндан огоҳлантириб қўяди:

— Ҳозир танкларни урамиз. Рўбарўдан мўлжаллаб.

Сукунат. Отишмадан кейинги сукунат аломат бўларкан. Мана қарға қағиллаб қўйди. Қойиле, сенга, гумбур-

гумбурдан қўрқмаганинга! Гангир-гунгур овозлар эшитилапти. Тўплар олдидаги сўзлашаётган солдатлар овози келаяпти. Металнинг гижирлаши, бўш гильзаларни тахлашаётган бўлишса керак.

Бобом билан Иванов кулишиб, бир-бирларига қараб қўйишади. Тўплар отганда шамол олиб келган порох исини ҳидлаб ҳузур қилишаркан:

— Яхши, Антоша! — дейди Иванов.

— Яхши, Қоля! — жавоб беради бобом.

— Соз бўлганда қандоқ! — кулиб дейди бобом. — Фронтнинг бир километрга минглаб снаряд тушади-ю, ёмон бўладими! Яна саноқли минутларда!..

— Қуюн! Тутун! — дейди унинг гапини бўлиб Иванов. — Қўшни тўплар кўринмайди-я!

— Хужум яхши-да, яшнаб кетасан-да, — дейди бобом.

— Тўпларнинг ёнидаги йигитлар шайтондек дикир-дикир қилишади! — дудда иблисдек қорайиб кетишган! Гумбур-гумбурдан қулоқлари том битган!

— Йўқ! — хитоб қилади бобом. — Лермонтовдан бошқа ҳеч ким артиллерия ҳақида яхши ёзганмас: «Минглаб тўплар садоси ҳамдам: зўр наърага айланди шу дам!»

— Секин айтасанми! — кулади Иванов. — Сен билан бизнинг артиллериямиз уруш худосининг ўзгинаси!

Улар жим бўлиб қолишади. Мен уларни томоша қилиб турипман. Шинелларининг тугмаларини ечворишди. Папахларини олишди. Оппоқ сочлари қуёш нурларида ялтирайди. Хурсанд бўлиб жилмайишади.

— Менга қара, Қоля, — дейди бобом. — Мен сибирда бир сержантни учратувдим. Уни урушда ноҳақ жазоловдим. Асир тушган фашистни ургани учун.

— Ётганини урма, дейди-ку, — деди Иванов.

— Уша фриц асир тушган жўрасининг тегишини тортиб олиб еб қўйган экан. Сержант бўлса менга буни тушунтириб айтмаган-да. Бошлиқлардан қўрққан. Мана энди учрашдик ўша сержант билан.

— Чакки бўлган экан, — деди Иванов хўрсиниб. — Хўш, биз командирлар сержантдан кечирим сўрашимиз айб эмас энди. Урушда ҳар нарса бўлади-да. Силаб-сий-пашга вақт бор эканми. Ёлчиб гаплашиб. ҳам ололмадик. Буйруқни бажар, вассалом. Солдатнинг дилини оғритмаган борми ўзи, айт-чи? Ўзимиз ҳам солдат бўлганмиз. Эсимизда.

— Бу тўғрику-я, — жавоб берди бобом, — юрагинг ачишганича бор.

Полковник югуриб келди. Яна ракета пақиллади. Иванов кўзларини стереотрубага қадади. Бобом дурбинни олди. Полковник ўзиникини менга берди.

Мен дурбинга қарадим. Ростакам дала дурбинидан томоша қилдим!

Дурбинлар ҳам ҳар хил бўлади-да. Шунақасини магазиндан ҳам сотиб олса бўлади. Шунақага ўхшаса ҳам аслида унақа эмас. Мана милтиқни олиб кўр. Унинг номери бор. У ҳам солдатга ўхшаб ҳисобда туради. Чунки у жанговар қурол. Менинг дурбиним милтиқдек гап. У армияга хизмат қилади. Ҳарбийларга ёрдам беради. Бу ростакам ҳарбий дурбин.

Мен унга тикилиб юпқа ойнасига туширилган қўшув аломатлари ва чизиқлари аро томоша қиламан. Далани, узоқдаги нарсаларни кузатиб туриб, бирдан ғалати нарсалар ҳаракат қилаётганини пайқаб қолдим.

Чаналарга устун ўрнатилган. Худди мачтага ўхшайди. Мачтага сурп тортилган. Ерда елкан сузаётганга ўхшайди. Тобора бизга яқинлашиб келаяпти. Лекин тўплар жим. Даладаги елканлар кўпайиб кетди. Улар тобора тезроқ елабошладилар.

— Нега имиллашади? — дейди бобом. — Масофа урса бўладиган-ку.

Иванов ҳиқирлаб қўйдию ҳеч нима демади.

Полковник бўлса тушунтираяпти:

— Генерал-майорнинг Дрездендаги манёврини намойиш қилаяпмиз. Кўраяпсизми, тўплар атакага шай

бўлиб турипти. Яқин масофадан ўт очамиз. Биринчи қатордан сўнги қаторгача ҳаммасини бирдан гум қиламиз.

— Қойил-е!— дейди бобом ҳайратланиб.— Ҳозирги тактика бошқача-ку. Тўплар ҳам бошқача. Ҳозирги шароитларда бунақа атака бўлмаслиги ҳам мумкин, қўшилади полковник. — Балки бўлиб ҳам қолар...

— Қойил-е, — хохолаб кулади бобом, — сенларга тараф йўқ экан-да! Баракалла, азаматлар! Шундоқ бўлиши ҳам керак-да! Янгини ўрганиб эскини унутмасизлар!

Бирдан гумбур-гумбур бошланиб кетди.

Тўплар гулдирайди. Елканлар илма-тешик бўлиб кетаётганини кўраяпман. Битта елкан иккига бўлиниб кетди, нақ мачтасига тегипти! Тешилган елканлар тўхтаб қолишди. Жуда кўп «танк» мажақланди. Бошқалари ҳамон келишаяпти. Судралиб кетишаяпти.

Тўпларнинг стволларидан ўт чақнайди. Тутун бурқсийди. Сўнги «танк»лар ҳам тўхтади. Тамом. Ғалаба.

Иванов строетрубадан бошини кўтарди. Тишларини ялтиратиб қаради.

— Балли, — деди у, — жангчиларга раҳмат! Отишларингга аъло!— Бобомга кўз қисиб деди:— Ке, уларга ташаккур айтамиз. Қани, ўзинг устаси фарангсан-ку, бир нарса дел

Полковник яна ракетани пақиллатди. Урмон этагидаги солдатлар биз томон ўгирилдилар. Нима бўлишини билишолмайдилар. Ахир отишма тугади-ку.

Бобом бўлса супанинг четига келди-да, қўлларини оғзига карнай қилиб, чуқур нафас олгач, қичқирди:

— Яхши хизматларинг учун ташакк-у-ур!— Солдатлар бир-бирларига қараб олишди. Тезда тўплар ёнида сафланишди. Кейин якнафас бўлиб жавоб беришди:

— Советлар Иттифоқига хизмат қиламиз!

Жавоблари шундай чиройли чиқдики, ҳаммамиз кулиб юбордик. Гўё солдатлар ҳар қандай уставни бузиб

бўлса ҳам генераллар учун ярим километрдан бақиршидан бошқа нарсани билишмайдигандек.

Кейин тушликка таклиф этишди. Улкан «П» ҳарфи шаклидаги дастурхон тузалганди. Дастурхон атрофида фақат офицерлар ўтиришарди. Ҳаммага винолар қўйилгач, полковник деди:

Офицерлар, ўринларингдан туришларингни сўрайман!

Ҳамма туриб «смирно» ҳолатида қимир этмай қулоқ солди. Оёқларни бирдек гурс этиб қўйишди. Мен ҳам турдим. Менинг генералларим ҳам туришди.

— Офицер ўртоқлар! — деди полковник. — Икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, гвардиячи генерал-майор Николай Петрович Иванов соғлиғига қадаҳ кўтаришларингни таклиф этаман!

Офицерлар ичишди.

— Генерал Ивановга ура! — деди секингина бобом.

Қудратли, кучли «ура!» садоларидан том учиб кетай деди.

УЙГА КЕТА ТУРИБ

Биз худди қуш инида ўтиргандекмиз.

Мен тирсак қўйиб ўтирадиган ҳамда курсиларимизни айириб турадиган суянчиқни йиғиб қўйдим. Бобомнинг биқинига суқилиб олдим. У мени қўллари билан бекитиб олди. Худди қаноти остига олгандек. Худди чуғурчуқлардек ўтирибмиз. Чуғурчуқлар самолётда! — Гапимга ҳеч ким ишонмайди-да! — пичирлаб қўяман. — Бир баҳор каникулида шунча учиш осонми! Шунча нарсани кўриш! Мени олиб юрганингиз учун сизга раҳмат бобо!

— Мен ҳам сенсиз зерикиб қолардим! — жавоб беради бобом. — Икковимиз бирга учганимиз яхши бўлди-да!

— Ҳалиям учаяпмиз-а! — жилмайиб дедим мен.

— Учаяпмиз? — шивирлайди бобом.

Узоқ учамиз. Кўп соатлаб учамиз. Лекин ҳеч зерик-маймиз. Чунки бобом билан гаплашиб кетаяпмиз-да. Бир оз жим кетамиз. Мудраб оламиз. Яна узоқ суҳбатимизни давом эттирамиз:

Ҳақиқатан ҳам мен каникул кунлари шунча ажойиб нарсалар кўрдимки, асти қўяверасиз. Аммо ичимни ит тирнагандек бўлаяпти. Застёжкали анави болани асло унутмайман. Фидилни-да. Прокурорман деб қуруғлик қилади. Усиз ҳам ўзимни ўзим яхши биламан. Ушаларнинг набираларига ўхшашимни ҳам биламан. Лекин Москвага келиб нима гуноҳ қилибман? Ўзлари олдимдан чиқишди!

Мен бобомдан сўрайман. Бобом жим. Кейин тилга кириб дейди:

— Уйлаб кўр!

— Хўп, уларга «жўнаб қолинглар» дея олармидим?

— Уйлаб кўр!

— Яна нимани ўйлайман?

— Ҳар қалай ўйлаб кўр. Уйлашга ўрган.

— Лекин мен хушмуомала бўлишим керак-ку.

— Галстук масаласи-чи? Уша Глебнинг галстук ҳақида гапирганда, нега лом-мим демадинг? Буни нима дейишади, биласанми? Муросасозлик! Сен галстугингни ечмаган бўлсанг ҳам Глебнинг гапига қўшилдинг; тушундингми? Чунки гапига яраша гап қайтара олмадинг. Жим бўлиб қолдинг. Рози бўлдинг.

Мен бобом ёнидан нарироққа сурилиб ўтирдим. Иллюминаторга қараб олдим. Кўзларимга тирқираб чиққан ёшни кўриб қолмасин, дедим. Шу ҳам маслаҳатми? Муросасозлик! Яна алланима балолар!

— Мана кўраяпсанми, — деди бобом. — Мен сенга ростини айтсам, сен хафа бўлиб ўтирибсан. Тўғри гап туққанингга ёқмайди, дегани шу-да. Ёлғон гапирса хафа бўлишмайди. Ёлғон учун — раҳмат айтишади. Ҳақиқат гапни кечирмайдилар:

Мен чурқ этмайман. Хафа бўлдим-да. Кейин хафа

бўлмадим. Фақат жим кетаяпман. Ҳўлаяпман. Бобомга суқиламан. У яна қўллари билан мени бекитиб олади.

— Ростгўйлик ва ҳақиқат хушмуомалаликдан юқори туради, — дейди бобом. — Ҳаммасидан ҳам юқориси — эътиқод.

— Анави боланинг гапига нима дейиш керак? — сўрайман мен. — Фиделнинг гапига.

— Ҳеч нима, — жавоб беради бобом.

— Хат ёзсам бўлармиди?

— Нимани ҳам ёзардинг? Мен ундаймасман, дейсанми? Керак эмас.

— Нима учун?

— Буни хатда исботлаб ўтирмайдилар. Сўзларингга ишонмайдилар. Ишларингга ишонишади.

Жим бўлиб қоламан. Ҳўлаб кетаман. Юрагим алла-нечук така-пука. Қандайдир норозилик бор.

— Сенга алам қилаяптими? — сўради бобом.

Мен бошимни қимирлатиб қўйдим. Алам қилганда ҳам қандоқки.

— Яхши! — шивирлайди бобом.

— Бунинг нимаси яхши?

— Бу ўзингдан норозилигингни билдиради. Киши ўзидан ўзи ризо бўлмаса жуда соз бўлади-да. Ўзига бино қўйишдан худо асрасин. Бундайлар тамом, дея-вер. Ундай одамнинг боридан йўғи. Гарчи бор бўлса ҳам ўзи йўқ. Тирик бўлса ҳам ўлган ҳисоб. Киши ўзидан кўнгли тўлмай юргани маъқул. Хато қилса хафа бўлиши керак. Жиғибийрони чиқса хатосини тушунади. Жаҳлланиш — ўзи бир сабоқ.

— Ўзингизни ҳам жаҳлингиз чиқади-ми? — сўрадим мен.

Бобом жим бўлиб қолди. Мудраб қолиптими, деб ўйлабман, қўлини тўсиб олгани учун юзини кўрмасдим-да. Мен ғимиллаб қўйдим. Бобом хўрсиниб қўйди. Де-мак ухламаяпти.

— Бўлиши мумкинми? — такрор сўрадим мен.

— Телеграммачи эсингдами?— сўради бобом.

— Анави думбул-тентакми?— ҳайрон бўлиб дедим мен.

— Думбул-тентак,— хўрсиниб қўйди бобом.— У ҳозир думбул-тентак бўлиб қолган-да, лекин у майор эди. Мен шуни ҳам ўйлайман, нима бўлиб шу куйга тушиб қолдйкин-а?

— Бунинг нимасига ҳайрон бўласиз?— Яна ҳайрон бўлдим мен.— Ўзингиз айтдингиз-ку, қилган хатоим учун хафа бўл деб. Ўзинг хато қилсанг деб. Бунда эса бошқа одам хато қилапти-ку.

— Тўғри айтасан. Ахир бирдан бунақа бўлмайди-ку: олдин яхши бўлиб, кейин ёмонга чиқиш. Кел бир ўйлаб кўрайлик.

Мен розиман. Мен бобом фикрлаётганини яхши кўраман.

— Келинг,— жавоб бердим мен,— хўп, ана уни майор дейлик.

— Уруш бошланди. У фронтга кетди. Солдат бўлди. Ё бўлмаса командирлар курсини битириб лейтенант бўлди. Урушни майорлик даражасида тугатди.

— Кейин нима бўлди?

— Шошма. Тинчлик йилларига қарайлик-чи. Уруш-гача нима иш қилганиди? Балки бухгалтерлик қилгандир. Бухгалтерия масалан, артиллерия учун жудаям қўл келади-да, ёмон эмас. Мўлжалга уриш учун тўп олдида ҳисоблаш керак. Мана у бухгалтерликдан яхшигина тўпчи бўлди. Майор бўлди.

— Хўш нима бўпти?

— Мана бундай. Урушгача — бухгалтер. Ёмон эмас. Урушдан кейин-чи? Яна бухгалтерликми? Эҳтимол, бу касб энди жонига теккандир. Майор бўлганимдан кейин яна оддий бухгалтер бўлиб ишлаш менга уят бўлар деб ўйлаган: ваҳоланки бунинг ҳеч уят жойи йўқ. Мен боя айтдимку — бухгалтерия артиллерияга кўмакчи деб. Шундоқ бўлгандан кейин артиллерия ҳам бухгалтерияга

ёрдам бериши керак-да. Лекин у аввалгидек яшашни истамаган. Янгича яшаш учун ўқиш керак эди. Ўқишга бўйни ёр бермаган. Шунинг учун у майорлигича қолган. Собиқ майор. Ҳеч бир ишга ярамайдиган майор бўлиб қолган.

— Лекин бунинг учун ўзи айбдор-ку, — ҳайрөн бўлиб дейман мен, — нега сиз жиғибийрон бўласиз?

— Мен шунисига доғ бўламанки, — дейди бобом, — бизнинг армиямиз майордан айилганди. Давлат эса бухгалтердан.

Мен яна ўйлаб кетаман. Бу майорни нима қилиш керак? Қалламга ҳеч нарса келмайди. Нимани ҳам ўйлаб топардинг? Бобом яна хўрсиниб қўяди. Мени бағрига қаттиқроқ босади. Мен маза қилиб кўзларимни қисиб оламан. Мен бобомга дейман:

— Э, қўяверинг! Хуноб бўлманг! Шу битта арақ-хўрни деб!

Бобом мени суриб қўяди. Кўзларимга диққат билан тикилади.

— Антошка! — деб хитоб қилади бор овози билан. — Бунақа даҳшатли сўзларни айтма! Ҳар қандай одам ҳақида ҳам ўйлаш керак, билдингми! Ким бўлишидан қатъи назар! Чунки у инсон!

Бобом менга синчковлик билан тикилади. Менинг бундай гапга қандай тилим борганига ҳайрон қолади. Нима ҳам депман. Хўп арақхўр депман. Ахир арақхўрлар билан курашиш керак-ку. Шаҳримизда милиция ёнида ҳатто арақхўрлар ҳақида кўргазма ҳам бор. Номиyam ғалати: «Қулоғидан торт—эл кўзига ёт!» Бобом қовоқларини уяди.

— Ҳаддингдан ошма, сенга буюраман, чирогим, ҳеч қачон ҳаддингдан ошма! Одамлар қисматига бепарво бўлма! Сев, баҳс қил, ниҳоят нафратлан! Лекин бепарво, лоқайд бўлма! Ҳар бир бахтсизликнинг сабаби бор. Шу сабабни қидириб топиш керак. Мулоҳаза қилиб кўриш керак. Имкони борича одамларга ёрдам қилиш

керак. Лекин ҳеч қачон кўзингни юмиб кетма. Қўлингни силкиб ўтма, мендан бошқа кўрағонлар ҳам бор-ку, де-ма. Энг муҳими — лоқайд бўлма. Бунн ёдингда: тут! Умрбод эсингда бўлсин!

Мен асло эсимдан чиқармайман.

Мен иллюминатордан кўринган мовий осмонни унутмайман. Бобом чеҳрасига тушиб турган қуёш нурлариниям. Пастга нишаб бўлиб кетган курсилар орасидаги йўлакни ҳам... Шу пайт самолёт қўниш учун пастлаётганиди. Бобом айтган шу сўзларни ҳам унутмайман.

ВАСИЯТНОМА

Қўниш олдидан мен яна сўрадим:

— Ҳарбий сирни қачон айтиб берасиз?

— Сен қўрқмайсанми?— деди бобом. У менга шундай тикилиб қарадики, гўё бу қўрқоқми, мардми деб имтиҳон қилаётгандек эди.

— Бу сир қўрқинчлими? — хурсанд бўлиб кетдим: қўрқинчли сирни билиб олсам жуда зўр бўлади-да.

Бобом қовоғини уйди.

— Оғир сир; — жавоб берди бир оз сукунатдан сўнг. — Аччиқ сир.

Мана биз уйда, байрам дастурхони устида ўтирибмиз, отам билан онам қайтиб келганимиз учун қувониб бизга қараб хурсанд бўлиб қўйишади. Севинч ёшларини тўка-тўка Анна Робертовна ҳозиргина чиқиб кетди. Бобом уннинг қўлига бўлажак набираси учун кийим-кечаклар солинган пакетни тутқизди. Кампир шапалоқдан салгина катта кўйлакчаларни олиб кўраркан бурнини тортиб бобомга қараб-қараб қўярди.

— О, мон женерал! — такрорларди у; бобом бўлса уялганидан томоқ қириб қўярди.

Кейин Француз хоним кетдилар, ўзимиз — оиламиз аъзолари: отам, онам, бобом ва мен қолдик. Мен яна ажойиб каникулимизнинг тафсилотларини ҳикоя қилишга тушиб кетдим, лекин бобом мени тўхтатди.

— Биласизларми, дўстларим, — деди у, — жиддий гаплашиб олишимиз керак.

Мен бобомни бунчалик жиддий қиёфада ҳеч қачон кўрмагандим. Маъюс, гамгин ҳолатда кўргандим. Ҳатто унинг йиғлаганини ҳам кўрганман. Лекин бунчалик афтода, бунчалик жиддий қиёфада ҳалигача кўрмагандим. Бобом паст товуш билан:

— Мен сизларга айтсам, азиз жигарларим,— деди-ю, жимиб қолди.

Бобом жуда муҳим гапни айтишга ботина олмагандек ийманиб турарди.

— Умр абадий бўлмайди, — деди у бирдан паст товуш билан, — одамлар туғиладилар, яшайдилар, кейин ўринларини бошқаларга бўшатиб бериш учун кетадилар. Бу табиат қонуни. Инсон унга қаршилиқ қилишдан ожиз. Мана мен ҳам.

Бобом жим бўлиб қолди. Бошини қуйи эгди.

— Мана — мен ҳам,— такрорлаб деди у,— шунга тайёр бўлиб туришим керак.

— Уят эмасми! — хитоб қилди отам. — Жанговар генерал бўла туриб, қаёқдаги гапларни гапирасиз!

— Нима деяпсиз, ота, — саросимага тушиб деди ойим.

Мен бўлсам дик этиб туриб, бобомни қучоқлаб олдим-да, қулоғига.

— Унақа деманг! — дея шивирладим.

У мени суриб қўйди. Ёнига ўтқизди-да, бўйнимдан қучоқлаб олди. Отамга босиқ жавоб қилди:

— Агар билмоқчи бўлсанг, солдат жангга кириш олдидан ҳамиша тоза кўйлак-иштон кияди. Ваҳима, шовшув қилмасдан. Агар имконияти бўлса, ҳаммомга тушиб, албатта чўмилиб олади. Улимга кетяпман дейди, деб ўйлайсанми? Йўқ. Улишни истамайди ҳам. Лекин ҳар эҳти-молга қарши тайёргарлик кўриб қўяди.

Бобом жимиб қолди.

— Мен ўлмоқчи эмасману лекин тайёр бўлишим

керак. Ажалнинг қоқ суяк қўллари гирибонимдан олгунча тайёргарлигимни кўришим лозим. Шунинг учун васиятнома ёзишга қарор қилдим... Генерал бўлсам ҳам қақир-қуқурларим унча кўп эмас. Бор нарсамни сенга, Ольга, сенга қолдираман, сен хонадонимиз бекасисан. Ўғлимга китобларим тегади. Набирамга, Антоша, сенга, Ватан уруши орденимни қолдираман, чунки қонун бўйича орденларимнинг фақат шуниси ворисларга қолади, қолганлари давлатга топширилади.

Бобом кўзлари чақнаб бизларга қараб чиқди. Ойим билан дадам худди сувга тушиб кетгандек бўлиб ўтиришарди. Ўзим ҳам ичимни ит тирнаётгандек эдим. Бу гапни бобом нега қўзгадийкин? Ўлим ҳақида? Мерос ҳақида? Шунини ўйлаш керакмиди?

— Нега қовоқларинг тушиб кетди? — илжайиб деди бобом. — Ҳар банданинг бошида бор бу гапу савдо. Оддий зарурат бу. Ундан ҳеч ёққа қочиб қутулолмайсан.

— Дада, — хитоб қилди ойим, — шунақа қилишингиз яхшими? Аллақандай тайёргарликларни элбурутдан кўриб қўйиш, нега! Ҳозир шу ҳақда бош қотириш керак эканми?

— Дада, — деди дадам қизишиб, — онамиздан айилганимизга анча бўлган, энди бундоқ тинчгина, фароғатда яшашимиз керак-ку, ахир. Бундан кейин худога шукур, ҳаммамиз биргамиз. Антошка сиздан айрилмайди. Сизларнинг дўстликларингни кўриб дилимиз қувнайди!

— Эй, болаларим-ей! — деди бобом. — Мени юпатиб нима қиласизлар? Мен эски жангчи, ўлимларни кўравериш пишиб кетганман, Лидахонимни кўмдим. Ҳа, хотирларинг жам бўлсин мен ўлимдан қўрқмайман, гап бунда ҳам эмас!

Бобом ўрнидан турди-да, хонада у ёқдан-бу ёққа юрди. Дераза олдига келиб тўхтади.

— Мана бу шеърни эшитинглар, — деди.

Бир минутча сукут қилиб турди. Хона жимжит.

Худди момақалди роқ бўлишидан олдинги сукунатга ўхшайди. Ҳамма нарса қотиб қолгандек. Осмон ҳам жим. Ер ҳам жим.

Бобомнинг товушида лоқайдлик оҳанги бордек эди. Гўё шеър эмас, оддий сўзлар ўқиётгандек, Худди ўзига гапираётгандек:

Бошқалар қайтмаса урушдан ҳамон,
Менда йўқдир, гуноҳ бегумон.
Жангоҳларда қолди қанча-қанча жон —
Қанча қари-қартанг, қанча навқирон!
Афсус, бўлмамдим ажалга қалқон!
Дилимда, билсангиз, қат-қатдир армон...

Кейин бобом ўгирилиб бизга қаради.

— Мана энди, Антошка, — деди у, — менинг ҳарбий сиримни айтиб берадиган вақт келди.

Мен бобом олдига келдим. Алланимадан ҳаяжонланиб у билан ёнма-ён турдим. Юрагим қинидан чиқиб кетай-деб гупиллайди.

Ҳазилми! Генералнинг ҳарбий сирини унақа-бунақа бўлармиди? Оддий, жўн сиримдики бу?

Албатта бобомнинг сирини ажойиб сир-да. Энг махфий сир! Давлат сирини! Қўрқинчли бўлса бўлар. Мен қўрқоқмасман-ку.

Лекин у нега жим? Қўрқаяптимикин? Булар гуллаб қўйишмасмикин, деб қўрқаяптимикин-а?

Биз унақалардан эмасмиз. Дадам ҳам, ойим ҳам, мен ҳам. Ҳар бурчакда валақлаб юрадиганлардан эмасмиз. Гуллаб, ҳарбий сирларни ошкор қилувчимасмиз. Қўринганга айтувчи оғзи бўшлардан эмасмиз. Нега бобом индамай юрган экан-а?

— Дадил айтаверинг! — дейман мен.

Бобом мийиғида кулиб:

— Дадил бўлинг, дейсанми? — деб сўрайди. Яна жим турипти.

— Ҳа, мен қўрқаяпман, агар билсанг. Бу сирни умр бўйи ичимда сақлаб келдим, айтишга қўрқаман-да.

Бобом яна жим турди-турди-да, бирдан гапириб кетди:

— Гап бундай,— деди бобом. Унинг овози аллақандай нотабий эшитилди. Худди ёғоч тарақлагандек.— Гап шундаки,— дейди у такрорлаб,— Серёжа сенинг отанг... мен эмасман. Мен сенинг бобонг эмасман Антон!

Унинг сўзи худди снаряд портлагандек бўлди...

ИККИ ОҒИЗ СЎЗ

Садоқат деган сўзни биласизми?

Мен илгари эшитгандиму, маънисига унча бормас эканман. Яхши тушунмас эканман. Бобом маъзини чақиб берди. Унинг айтишича, садоқат «беҳад, бепоён содиқ бўлиши керак», дегани экан. Бу ўзингдан ҳам кўпроқ ишонгин, дегани.

Садоқат билан хизмат қилиш, яъни ишлаш мумкин. Садоқат билан курашиш мумкин. Беҳад, садоқат билан севиш, яхши кўриш ҳам мумкин.

Ҳа, мана. Яхши кўриш.

Биз бу сўзни жуда кўп ишлатамиз. Морозни яхши кўраман! Чанғида учишни яхши кўраман! Телевизор томоша қилишни яхши кўраман!

Қичкинтойлардан кўпинча сўрашади:

— Сен кимни кўпроқ яхши кўрасан? Дадангними ёки ойингними?

Аҳмоқона савол. Содда болалар бу саволга ҳатто:

— Онамни ҳам яхши кўраман, отамни ҳам! — дея жавоб беришади.

Мен ҳам шундай жавоб қилардим. Тўртинчи синфга чиққунимча ҳам бу сўз маъносини унча ўйламагандим. Ундан кейин ҳам яхши ўйламасмидим...

Лекин ҳар кимнинг ҳаётида шундай соат, шундай минутлар бўладики, бундай пайтда киши атрофидаги нарсаларни бошқа кўз билан кўради. Равшанроқ кўра-

ди. Балоғат кўзи билан кўради. Шунда у қўққисдан эски болалар ўйинчоқларидек ўрганиб қолган сўзлар тагида иккинчи маъно ҳам борлигини билиб қолади. Балки бир эмас, бир неча маъно борлигини идрок этиб қолади. Сўз нима бўпти — бу шунчайин сўз эмас, анча чўнг маъно бўлади унда. Ахир сўзлар инсонларга хизмат қилади-ку. Бу калималар инсон атрофидаги нарсаларни, унинг қилмишларини, ишларини англатади. Инсон ҳис қилаётган туйғуларни билдиради.

Мен бобомни яхши кўраман. Сидқидилдан яхши кўраман. Бу икки сўзнинг қимматини ҳам биламан.

Мен бобомни сидқидилдан, жону танимдан ҳам яхши кўраман, ўзимдан ҳам кўра унга кўпроқ ишонаман. Ҳар жиҳатдан бобомга ўхшагим келади...

Мана бобом дераза олдида турипти. Рангдор муштуғига суқилган сигаретасини чекаяпти. Ерга тикилиб турипти. Кутаяпти.

Хонада жимлик ҳукмрон: худди момақалдироқ олдида бўладиган жимлик. Бўрон олдида ҳамма нарса жим бўлиб қолади — эсингизда-а? Ерда ҳам, осмонда ҳам.

Хона жимжит, бобомга тикиламану кўзимга филт-филт ёш келади. Бўғзимга бир нарса тиқилгандек бўлади.

Мана бобом айтадиганини айтди. Узининг «ҳарбий сири»ни айтди. Менга бир нарса бўлди-ёв ўзим фаҳм-ляпман.

Мен энди бошқа одамман. Жуда-жуда бошқача бўлиб қолдим. Гўё мен ўзим эмас, бошқаман. Бошқа боламан. Усган, катта боламан. Ҳа, кап-катта кишиман.

Мен бобомга қарар эканман, менга бир гап бўлганини англайман!

Урнимдан турдим. Бобом ёнига келдим. Кўзёшим йўқ биттаям, энди бутунлай бошқа одамман. Мен илгари тушунмаган сўзларимнинг маъносини энди англаганим. Урнимдан туриб, бобом ёнига келдим унга

юзларимни ишқаб суркандим, қалбимда момақалди роқ
фулдураб, яшинлар чақнаётганди. Лекин бирор оғиз сўз
айтмадим. Фақат бобомни қучоқлаб, пинжига маҳкам
ёпишиб, бағрига сингиб кетдим...

Яна ҳаммасини янгитдан кўргандай бўлдим. Янгит-
дан...

У Ч И Н Ч И Х И К О Я. БОБОМ ҲАҚИДА

Уша куни қуёш ловилларди. Аёвсиз ёндирадди. Ахир кулиш эмас, йиғлаш кераклигини, ерга қувнаб-
яшнаб қараш ўрнига булутлар орасига яшириниш аф-
заллигини у қаёқдан билсин?!

Қуёш бўлса ёғдуларини мўл-кўл сочарди. Гўё бай-
рам қилаётгандек. Бемаврид. Кутилмаган бу уруш
одамларнигина эмас, балки қуёшни ҳам ғафлатда қол-
дирганди.

Бобом майор эди. Жуда ёш эди. Отпуска олиб Мос-
квадан уйига кетаётган экан. Яп-янги камарининг ёқим-
ли гичирлашига қулоқ солиб, болаларнинг ўзига ҳа-
вас билан тикилишларини кўриб завқи келиб борарди.
Кейин томдан тараша тушгандек бўлди.

Уруш!

Бошқалар ишонмади. Немислар билан сулҳ тузган-
миз-ку, дея кулгига олишди. Лекин бобом дарров ту-
шунди-да, «бўлиши мумкин»,— деди.

Уруш шарқ томон судралиб борса, бобом ғарбга
шошиларди. Поезддан — машинага. Машинадан — отга.
Отни қўйиб яёв юради. Пиёда юриб, командирлар би-
лан солдатларни бошлаб боради. Олдиан одамлар
пешвоз чиқади.

Араваларда боришади. Яёв боришади. Болалар-
нинг аравачаларида кийим-кечак, озиқ-овқат солинган
тугунлар. Чоллар қўлида таёқ. Кампирлар бўғчалари-
ни кўтариб олишган. Хотинлар қўлида чақалоқлари.
Қаттароқ болалар эса бирор нарса олиб борадилар.

Уларнинг қовоқларидан қор ёғади. Қатталарникидек жиддий. Ахир уруш-да.

Майор жон-жаҳди билан жанг қилди. Тўпларни ўзи ўқлади. Снарядлар олиб келиб турди. Фашистларни ўзи нишонга олди. Лекин фашистлар кучлироқ эди! Улар ўлар-тириларига қарамай ёпирилиб келишарди.

Бобом сўнгги куч-қуввати қолгунча урушди. Оёғидан яраланди, жангчилар уни тўпдан зўрға айриб олишди.

— Чекинсакмикин? — дея сўрашди.

— Снарядларимиз ҳали бор экан, — деди бобом, — жанг қиламиз.

Жангчилар кетишди. Кейин қайтиб келишди. Яна:

— Чекинамизми? — деб сўрашди.

— Уқларимиз бор экан, — деди бобом, — жанг қиламиз!

Бироқ ўқлар ҳам тугади. Бобом мўйловли яловбардорга Қизил байроқни гимнастёрка ичига яшириб олишни буюрди. Жангчиларга эса яловбардорни доимо ўртада олиб юришни тайинлади. Қим билади, душман орқадан ўтадим, ёндан урадим. Яловбардор хавфсиз бўлиши керак-да.

Жангчиларимиз бобом билан орқага қайтишди. Йўл-йўлакай унинг кетидан чурқ этмай боришарди. Чоллар йўқ. Қампирлар ҳам. Бола кўтарган хотинлар ҳам йўқ. Ҳамма кетган. Кетолмаганлар ер тишлаб ётишпти. Мана қопдаги картошка тўкилиб кетди...

Мана тугунлар ортилган болалар аравачаси ағдарилиб кетди...

Мана боласини бағрига босиб олган хотин ерда ётипти. Икковиям бежон...

Бобом ана шундай даҳшатли йўлдан борарди. Боши эгилган. Уялганидан бошини кўтара олмайди. Армияси учун, жангчилари учун уяларди. Ўзи учун ҳам уяларди. Эҳ, душманни тутиб қола олмади! Ҳимоясиз кишиларни душмандан ҳимоя қилиша олмади-я!

Шу чоқ ўликлар тўла кўчадан бир бола келаверди.
Қўшиқ айтиб келаверди.

Бобом қулоқларига ишонмайди: наҳотки қўшиқ
айтса!

Вы-хо-одила на бер-рег Ка-тю-ша!
На вы-со-кий на бе-рег кру-той.

Кўксига байроқни яшириб олган ҳаммадан ҳам жа-
сурроқ жанг қилаётган мўйловдор солдат тебраниб
кетди.

— Ўртоқ майор, наҳотки болакай юраги чиқиб ке-
тиб ақлдан озган бўлса?

Болакай бўлса, тўғри уларга қараб келарди. Ҳамон
қўшиқ айтарди.

Вы-хо-дила, пес-ни за-во-ди-ла...

Бола бобомнинг ёнига келиб, бошини кўтарди, чун-
ки юқорига қараш керак эди, сўнг деди:

— Негадир ҳамма ухляпти... Онам ҳам... Мен тур-
тиб кўраман, лекин онам уйғонмаяпти...

Бобомнинг юзи тошдек қотди. Йиғлаб юборай дей-
дию йиғлолмайди. Шу чоқ жангчилар:

— Танклар! — дея қичқириб қолишди.

Бобом ўгирилиб қаради — фашист танклари кўча
чангитиб келишарди.

— Яловбардор! — қичқирди бобом. — Болани ол!
Уни ҳам байроқдек асра, тушундингми!

Жангчилар ўрмонга чекинишди, кечқурун душман-
дан анча олислаб кетиб, дам олиш чоғида бобом бола-
кайдан унинг ёши учда, оти Серёжа, онасининг исми
Катя эканлигини, ҳам унинг Катюша ҳақидаги қўшиқни
севишини билиб олди. Ҳар қанча уринса ҳам, ортиқ
ҳеч нарса билолмади.

Жангчилар ўрмонма-ўрмон юришди. Ботқоқликлар-
дан ўтишди.

Серёжа ухламаган чоғлари мўйловли яловбардор елкасида ўтирган бўларди. Ухласа бобом уни кўтариб оларди.

Солдатлар узоқ юришди. Ёгин-сочин демай, иссиқ-совуқ демай юришди. Лекин болакай йиғламади. Чидади. Жангчилар уни яхши кўриб қолишди.

— Уни полк ўғли қилиб олсак бўларди, — деди яловбардор. — Лекин бунчалик ушоқни полк ўғли қилиб олиб бўлармиди?

Жангчилар олға боришди. Душманга ҳужум қилишди. Урмондан чиқиб фашистларни қириб яна ўрмонга кириб кетишарди. Жанг бошланди. Яловбардор Серёжа билан хавфсизроқ жойга бориб туришарди.

Бобом жангчиларни ўровдан олиб чиқди. Улар қурол-яроғли бўлиб чиқишди — душмандан тортиб олинган немис автоматларини осиб чиқишди.

Мўмин-қобил аламон эмас — яловининг икки жойи тешилган бўлса ҳам, байроқдор полк бўлиб чиқишди: яловбардор фашист ўқига учган эди. Жангчилар қуршовдан чиқишганда қувонишга ҳақлари бўлса ҳам (тирик қолгандилар-да) хафа, гапиришмасдилар. Чекиниб бораётган бўлишсаю кулиб бўладими, ахир? Уз ерларини душманга қолдиришяпти-ку.

Солдатлар дилгир, хафа бўлиб ўтиришарди. Бобом ҳам хафа. Ана шунда Серёжа бирдан йиғлаб юборди. Шунча узоқ йўл юриб биринчи бор йиғлаши эди.

Жангчиларнинг юраги эзилиб кетди. Бобом бўлаганича бўлди. Ғам-ғуссалари шундоғам оғирлигига яна нима сабаб бўлаётганини ҳам англашди. Серёжани топшириш керак. Боладан ажралиш керак эди.

Бобом ўйланиб қолди. Бир варақ қоғоз олиб хотинига хат ёзди. Уни ярадор яловбардорга берди.

— Раҳмат, — деди бобом, — байроқ учун. Энди уни ҳилпиратиб олиб юрамиз. Манави болакайни Москвага олиб борасан.

Бобом яна урушга кириб кетди.

Бувим унга хат юбориб турди. Уч бурчак хатлардан. Уруш йиллари конвертлар етишмасди. Ҳар бир уч бурчак хатда шапалоқ бўларди. Биласизми, буни қандоқ қилишади? Қўлни қоғоз устига қўйишади-да, ҳар бир бармоқ устидан қалам юргизиб чизиб чиқишади.

Уруш борарди. Бобом жангда. Хатлардаги шапалоқлар тобора кўпайиб борди. Серёжа деган бола ўсаверди. Менинг отам шу эди.

ОИЛАМИЗ

Мен бобомнинг пинжига суқилиб турардим. Кейин уни кимдир қучоқлаганини сездим. Яна аллаким қучоқлади.

Мен бундоқ қарасам, дадам бобомнинг елкасига бошини қўйиб турипти. Ойим бўлса бобомнинг қўлтиғига кириб олипти.

Биз ҳаммамиз кичик бир тўда бўлиб, бобомни маҳкам қучоқлаб олгандик. Бобом хириллаб:

— Нақадар жипслашган оиламиз бор-а, — деб қўйди.

— Жипслашган! — деди дадам.

— Жудаям иноқ! — деди ойим.

— Мана шунақа, — деди бобом, — энди сизлар менинг ҳарбий сиримни биласизлар.

Бобом отамнинг столи устида турган фотосуратга тикилди. Хўрсиниб қўйди.

— Сўзимнинг устидан чиқолмадим-да, — деди урамгин. — Раҳматли Лидушкам ўткан-кетганни қовлаштиришининг нима кераги бор деярди, мен бўлсам сирни ютиб кетолмайман.

— Дада,— деди дадам.— Сиз ҳақ эмассиз, биз ҳақмиз, билдингизми? Сиз — менинг дадамсиз, Антошканинг бобосисиз, тамом-вассалом.

— Сиз бизнинг энг севимли отамизсиз, — дедим мен жиддий.

Биз яна ўтирдик. Биров диванга, бировлар стулларга.

— Сен ўзинг ҳеч нарсани эслайсанми, Серёжа?— сўради бобом.

— Фақат дарахтларни эслайман, — жавоб берди дадам. — Шохлар кўзимга тегаверганидан қўлимни чўзаверардим.

— Нега қўшиқ айтувдингиз? — сўрадим мен.

— Эслай олмайман, — жавоб берди дадам.

— Ойингни ҳам эслолмайсанми?— оҳиста сўради бобом.

— Йўқ.

Мен дадамга тикилдим. Қойил, акангнинг адаси! Урушда бўптию эсламасмиш. Ҳам яна... Ҳа айтганча, онасини ўлдиришипти... Мен ойимга қарадим. Ойим бўлмаса мен нима ҳам қила олардим.

Бирдан миямга зўр фикр келди! Ахир бобом билан бувим дадам билан ойимга ота ҳам, ўлган онаси ўрнига она ҳам бўлишган-да. Йўқ, ундаймас. Уларнинг ўзлари ота-она-ку.

Дадам бобом ёнига келиб ўтирди-да, бўйнидан қучоқлади. Унга диққат билан тикилиб турди. Сўнг деди:

— Келинг мен сизни бир ўпай, эй мўътабар соҳиб-қирон!

Улар бир-бирларига сингиб кетгудек қучоқлашиб туришарди.

Кейин биз ухлагани ётдик, бобом бўлса у ёнбошидан-бу ёнбошига ағдарилиб чиқди.

— Орденингизни тақиб юрсам бўладими? — сўрайман мен.

— Бўлади ҳам, деяйлик, — дейди жилмайиб у. — Тақасан.

Яна ўйлаб кетаман. Ноқулай бўлади-да. Ҳар қалай орден бобомники-ку.

— Йўқ, — дейман мен, — ўзим орденга лойиқ иш қилишим керак.

— Тўғри ўйлабсан, — дея жавоб беради бобом. — Бу орден мендан ёдгорлик.

— Орденсиз ҳам ёдласа бўлади,— дейман мен.

— Оҳо!— кулиб дейди бобом. — Суягинг қотиб жиддий одам бўп қопсан-ку, дуруст!

— Сизга ўхшайман-да!— дейман шивирлаб.

Энди мен ҳамиша бобомни ўйлайман. Мактабдаям, дарслардаям. Танаффуслардаям. Кўчадан шундоқ ўзим кетаётган бўлсам ҳам яна бобомни ўйлайман. Уйга кираману бобомга тикилиб қоламан. Овқат есам ҳам кўзим бобомда.

Мана эрталабни олинг. «Газик»лар келишди. Отам билан онам машиналарига чиқишади. Биз бобом билан эса бошқа-бошқа томонга кетамиз. Мен мактабга йўл оламан, бобом бўлса Анна Робертонани кўргани кетади. Ё магазинга боради. Тўрхалтадаги шишалар ялтираб кўринади. Бобом оҳиста қадам ташлаб, бир оз оқсоқланиб боради.

Мен орқасидан қараб қоламан, синчиклаб кузатаман. Нуқул ўйлайман. Уйлаганим-ўйлаган.

Мен ҳам шу бобомга ўхшаган бўла оларканманми? Ёки бўла олмасмиканманми?

Лекин масалан олганда, унақа замон ўтган-да. Кўп вақт ўтди-да. Мен ҳам қаридим. Чол бўлиб қолдим. Бобомга ўхшаб қолдим. Ўзимга ўхшаган набирам бор. Қизиқ шу набирам мен ҳақимда нималарни ўйларкан-а? Ахир балки шундай ҳам бўлар—замон-замонлар келиб биз набирам билан уйдан бирга чиқиб, у мактабига, мен магазинга йўл олишни одат қилармиз.

Набирам ҳам тўхтаб, мени орқамдан кузатиб қоладиган бўлар. Нималарнидир ўйлаб қолар. Ахир унинг ҳам миясига ажойиб фикрлар келар, нарсалар ўйлаб топар. Кўнглига нималар келмайди дейсиз. Масалан, бундай фикрлар келар. Мияси айнаган каллаварам чол, шартинг кетиб партинг қопти-ку. Уйингдан гўринг яқин бўлиб қопти-ку, ҳеч нарсага ярамасанг! Дарсларингни қил, сабоғингни ўқи, деб пўнғиллаганинг-пўнғил-

лаган! Ўзинг бўлсанг ҳеч вақони билмайсан! Тарихий шахсларнинг соясига ҳам ўхшамайсан! Ҳа энди, бобонг бошқа гап эди! Генерал!

Ана шунда набирам мени эмас, бобомни ўйлай бошлайди.

Хўш, бунда нима қилиш керак? — дея узоқ ўйлаб қоламан.

Йўқ, албатта мен қарши эмасман. Майли, менинг набираларим бобомни ўйласа ўйлайверсин, лекин мени ҳам ўйлармикан? Яхши эди, деб ўйлармикан?

Хўрсиниб қўяман. Замон-замонлар ўтиб, албатта набирамнинг миясига қандай фикр келишини ким биледи дейсиз. Бу гап пировардида ўзимга боғлиқ-да. Қандай одам бўлишимга боғлиқ.

Бобомдек яхши одам бўламан, менинг набирам ҳам яхши эди деб юрсин-да. Масалан: «Ҳа, каловланиб қолибсиз-ку, чол? Боринг, бора қолинг! Секинроқ юринг, тагин қоқилиб кетманг!» Кетимдан шундай деб пичирлаб қолишадиган бўлишса ёмонми?



Еттинчи қисм

Видолашув

ҒАЛАТИ БОБО

Кейин ёз келди. Менинг генералим оппоқ сочларини шабадада ҳилпиратиб, юрарди. Юзини Сибирь қуёши қорайтирган, эғнида ялтироқ шим, оқ кўйлақда. У портлаш ҳақидаги ҳисоб-китобларини дадамдан қурилиш бошлиғига бериб юборганди, эндиликда жавоб кутарди.

Биз посёлкани айланиб чиқиб, Анна Робертовнаникига ёки Иннакентий Евлампиевичнинг омборига кириб ўтардик, Зинаида Ивановнадан эса морожний олиб ердик. Ҳаммаёқ тинч, хотиржамлик. Қуёш йўлка асфальт-

ларини қиздиради, олақарғалар эринибгина қанотларини силкитарди, посёлкада гўёки ҳаёт тўхтаб қолгандек туюларди, фақат қурилиш шовқини эшитилиб туради. Бу шовқин посёлка бундан ҳам тинчроқ бўлиши мумкин-у, кечаю кундуз тинчимаган шу қурилиш туфайли сокин эканлигини эслатаётгандек бўлади.

Посёлкадаги жимжитлик мени ташвишлантирарди. Устига-устак бу иссиқни айтмайсизми? Иссиқдан одам бўғилади, қани энди, ёмғир ёрса-ю, бу тинчлик ва осойишталик йўқолиб, шовқин-сурон босиб кетса ҳаммаёқни.

Бобом ҳам мени безовта қилади.

У жуда хушчақчақ, серғап, мен билан турли нарсалар ҳақида очиқчасига гаплашади, бугун у бирданига қовоғини солиб, тўнг бўлиб қолди, мен қанчалик уни гапга солишга ҳаракат қилмайин, ҳеч нарса чиқара олмадим.

Бирданига у қўлига қоғоз олиб, ручка билан нималарнидир ёзди-да, конвертга солиб, почта қутиси томон ўзи кетди. Илгарилари хатларга жавоб ёзиб, конвертга солиб, ташлаб кел, деб менга буюрарди.

Бобомнинг бу ғалати хатти-ҳаракатлари мени ҳайратга солди.

Мен унга тикилиб қарадим. Ахир, у доимо ғамхўр, меҳрибон эди-да. Менинг ҳар бир қарашимни, ҳатто бермоқчи бўлган саволларимни ҳам пайқаб оларди. Саволларимга ҳар доим жавоб берарди. Аммо, бу сафар ҳеч нарса демади. Мен кимга хат ёзганлигини сўраганимда у қисқагина қилиб:

— Дўстларимга, — деб қўя қолди.

Мен ундан кўзларимни олиб қочдим.

Мабодо хат келиб қолса, у зинадан кўтарилмасданоқ очарди-да, ўқиб чиқарди. Даҳлизга кирибоқ, хатни майда-майда қилиб йиртиб ахлат челагига ташларди. Сўнг кун бўйи хурсанд бўлиб юрарди. Ажаб! Мени ҳазил-ҳузулга кўмиб юборарди. Ёхуд акварель бўёқ

қоғоз олиб тепаликка чиқиб кетардик: у ердан қурилиш жуда яхши кўринарди. Бобом ҳам расм ишларди, мени ҳам чизишга мажбур этарди.

Расмларим ёмон чиқарди, аммо бобомники унчалик яхши бўлмаса ҳам, жозибали бўларди. Ҳа, ҳа! Шундай бўлиши ҳам мумкин экан! Бобом бирдан дарёни қипқизил рангда чизди. Тўғонни ҳам! Қарши томондаги тик қирғоқни ҳам. У қизил бўёқнинг тусинигина ўзгартирди. Сал пуштироқ, оч қизил, ним қизил... Агар яқинига келиб қаралса бобом ҳам менга ўхшаган рассомлиги аён бўларди-ю, лекин уники чиройлироқ чиқар эди.

— Бу менга ота мерос, — деб ҳазиллашдим, расмларимни йиртар эканман, — сизникидан сал ёмонроқ.

— Бундай демал — деб гапимга қўшилмади бобом, — мен расм чиза олмайман-у, аммо ҳиссиётимни бўёқларда ифодалайман. Тушунаёпсанми, бўёқларда!

Мен бошимни қимирлатиб, унинг бўйнига осилиб олдим. Биз расм чизишни бас қилиб, ясланиб ётган тўғонга, нариги соҳилдаги сап-сарик чўққиларга, қуёшда ялтираб турган кедр баргларига, сувда оқиб келаётган дарахт тўнгаларига, электр пайвандидан сачраб чиқаётган бинафша учқунларига қараб, кранларнинг чинқиришию узоқдаги портлашларни эшитиб ўтирдик. Қарьердаги ер жинсларини портлатишарди.

Бобом сөчларимни силар, мен эса унинг тиззасига бошимни қўйиб, кети кўринмайдиган кенг ва кўм-кўк осмонга тикилдим.

— Бундай бепоён жойда, — деб ўйланиб кетдим, — одамлар бўлмасдан иложи йўқ! Асло!

Бобом калласини орқага ташлаб осмонга узоқ синчиклаб тикилди-да, кўзларини юмиб олди. Кейин менга қаради.

— Қани? — сўрадим мен. — Жавоб беринг-чи!

— Тўғри айтасан! — қўшилди у. — Қаердадир бор! Шак-шубҳасиз бор. — Ва ўйланиб қўшиб қўйди: — Одам-

нинг ўзи хоҳласа бас, ҳамма жойда ҳам кишиларни топади.

Мен бобомнинг сўзларини тинглаб, унинг тиканаки соқолига қўлимни тегизиб, яна осмонга қарарканман:

— Ёқаяптими, бу жойлар, — деб сўрадим:

— Ёққанда қандоқ, — жавоб берди бобом осмонга қараб туриб. — Антошка, ҳеч ҳам ўлписи келмайди-да, одамнинг, — деди оҳистагина.

ЕНДИРИЛГАН РАСМЛАР

Унинг жавобидан кулдим-да, шундай, дедим:

— Сиз ҳеч қачон ўлмайсиз, тушундингизми? Ҳеч қачон!

У ҳам кулди-да:

— Бўйруғингиз бажарилади! — деди.

Кейин бирданига жим бўлиб қолди. Энди дарёга бошқача кўз билан қарарди. Қандайдир лоқайд, совуқ бир қараш эди бу. У бўёқларни йиғиштира бошлади. Қизил рангли расмларни йиртиб ташлади. Мен чизган расмларимни ҳам буйдалади. Уларни тўплаб, шошмасдан гугурт чақди.

Расмларимиз ловиллаб кетди. Ёнгилгина бўлиб орқамизга қайтдик, бўёқ ва чўткалар энди чўнтагимга бемалол жойлашганди. Шундай афсусланапманки, эндиликда... Афсус, расмларимиз бир сиқим кул бўлиб, торда ётибди, қиш келади, қор эрийди, у ердаги кулдан ном-нишон ҳам қолмайди. Сувлар уни ювиб, дарёга олиб, бориб, ташлайди... Шундай қилиб, чизган расмларимиздан асар ҳам қолмайди... Нима учун? Нега, уларни ёқиб ташладик-а, уларни тўплаб олсам бўлмасмиди?..

Кейинроқ бобом кичкина радиоприёмник сотиб олди. Қаерга борсак, уни бобом елкасига осиб юрарди. Негадир у менга ёқмасди. Илгарилари биз жимгина юри-

шимиз мумкин эди. Қушларнинг сайрашига, дарёнинг шовиллашига қулоқ солсак бўларди, энди-чи, доимо музыка. Бобом ҳам норози бўлиб юрарди, нимадир гашига те'ар, приёмникнинг қулоғини бурайверарди, бошқа тўлқинларни излар, фақат сўнгги ахборот бераётган вақтдагина жим бўлиб қоларди, кейин яна жаҳли чиқа бошларди. Унга нима бўлаяпти ўзи?! Мен ҳеч тушуна олмасдим.

Бир кун кўчада борар эканмиз, бирданига радиодан аёл кишининг товуши эшитилди: «Григорий Иванович Самойлов, бир минг тўққиз юз қирқ биринчи йилда Харьковдан кўчирилган ва шаҳардан юз километр нарида бомбардимонга учраган эшелондан домдараксиз йўқолган Надежда исмли қизини излайди... Нина Петровна Серегина урушдан олдин Смоленскнинг Киров кўчаси, бешинчи уйда яшаган укалари, сингиллари, амакивачча ва холаваччаларини ёки холаси Антонина Степановна Серегинани излайди...»

Бобом тўхтаб қолди, радиони юзига яқинлаштириб, унга шундай қарадики, гўёки унинг ичида кимнидир кўраётгандек эди.

Эшитириш тугади, у соатига приёмникнинг тўлқинлар шкаласига қаради, у ён-бу ёнга аланглай бошлади, бир оз ўтгач ўзига келди.

— Нима бўлди сизга? — деб сўрадим.

— Шундай ўзим, — уялинқираб жавоб берди у ва жим бўлиб қолди.

Бобом шахдам қадам ташлаб кетди. Унинг қўлига қўлим тегиб кетди — қўли таранг эди, менга чўчиброқ бир қаради, кейин бир уҳ тортиб юборди. Жудаям бўшашиб кетди, қадамлари бирданига майдалашди. У секинроқ юра бошлади.

— Шундақа экан,— такрорлади бобом,— ўйлаб-ўйлаб ўйимга етолмайпман. Урушдан кейин шунча йиллар ўтсаям, одамлар бир-бирларини изламоқдалар, излайдилар, излайдилар. Топишадилар ҳам.

У менга қаради. Яна гапини қайтарди:

— Топишадилар ҳам, Антошка! Тушунаяпсанми, гапимни?..

— Шунинг ҳам тушунмайдиларми? Мен бошимни силкидим.

— Сиз жуда ғалати бўлиб кетаяпсиз-а? Ўзингиз билаяпсизми?

— Ғалати? — ҳайрон бўлди у. — Нега?

— Хат ёзасиз, — дедим мен, — йиртиб ташлайсиз. Эртаю кеч приёмникни кўтариб юрасиз. Илгарилари бундақа эмасдингиз.

Бобом ғайритабиий кулиб юборди.

— Сен ҳақиқий разведкачи бўп қопсан, — деди у, — ҳамма нарсага эътибор берибсан, ҳамма нарсани кўрибсан.

Мен илжайиб қўйдим.

— Қандай қилиб кўрмаслик мумкин? — дедим мен, — сиз менинг яккаю ягона бобомсиз. Агар иккита бўлганларингда ҳам бошқа гап эди. Шунинг учун сизга қарайман-да. Қимга ҳам қарардим?

Бобом бўйнимдан қучоқлаб, кўзларимга қаради.

— Антоха, сен ўсаяпсан, — деди у, — кўз олдимда камол топаяпсан.

Бобом мени боксга олиб тушира кетди. Нақ кўчанинг ўзида туриб бердим. Мен ҳам уни секингина уриб қўйдим.

— Вақт ўтаяпти, — деди бобом, бўйнимдан қучиб. Мен ҳам тасдиқлаб бошимни силкиб қўйдим. — Вақт ўтаяпти, — такрорлади у. — Қимгадир — пешинга, қимгадир — ярим кечага яқинлашаяпти. Шошилиб қолиш керак.

Мен яна бошимни лиқиллатиб қўйдим.

— Шошилмоқ керак, вақт ғанимат! — қизишиб деди бобом ва кутилмаганда қўшиб қўйди: — Қим билади дейсан!

Нимани қим билади? Ўйга чўмиб кетдим. Тағин

бошимни силкитиб қўярканман ўзим тўғримда ўйлаб қолдим.

Албатта шошилиш керак. Ҳар қачон ва ҳамма ишда! Бўлмаса муҳимроқ бирор ишни қила олмасанг. Ёки вақтни бой берасан, ёки кўнглингдагидек қила олмайсан. Ёки Москвадагидек менга ўхшаб лом-мим деёлмай қоласан. Алам қилиб йиғлагинг келиб кетади. Ахир, ўшанда қизил кўйлакли бола билан дўст бўлиб қолишим ҳеч гап эмас эди. Аммо, мен уятга қолган эдим-да. Ушанда худди резинкадай чўзиб юборгандим гапни. Мурасасоз.

Шиқ-шиқ тугма кўйлакли ўша болани яна кўра олармиканман? Ўзимни, ундай эмаслигимни исботлай олармидим?

Бобом ҳақ — шошилиш керак. Шошилиш кераг-у, аммо, хато ҳам қилмаслик лозим.

ОИЛАВИЙ САИР

Бир куни ойим:— «Командировкага кетаяпман», деб қолди.

Билсам ойим бўлажак денгизнинг тубини кўриб келмоқчи экан. Бориб кўрсак жуда зўр бўлар эди, деб ойимдан илтимос қилдим:

— Бизларни ҳам олиб боринг!

Бобом рюкзагини қидириб, бор овози билан хиргойи қила кетди.

Қазо етса, тез етса,
Яралар енгил битса!

Дадам бизга ҳаваси келиб деди:

— Сизларга яхши, мен бўлсам бир ўзим қоляпман...

— Нега қолар экансан? — деди бобом. — Биз билан юр. Атиги беш кун! Жуда бўлмаганда, отпускаи ол.

Дадам бетон ҳақида гапира кетди:

— Ҳозир иш қизиган вақт. Биз унга қўшилдик. Шундай қилгани маъқул. Биз унга қўшилмаганимизда ҳам, у бари бир бора олмас эди. Аммо, биз жуда афсусландик. Бироқ эртаси куни дадам зинанинг иккита поясини ҳатлаб югуриб келарди — мен уни ўз кўзим билан кўрдим. Пешайвонга келмасданоқ қичқирди.

— Мен ҳам бораман! Рухсат беришди!

Мана биз ойимнинг «газиги»да кетаяпмиз. Ойим ўнқир-чўнқирга қарамасдан, газни босиб жадал ҳайдарди, бошимиз машина шипига тегиб-тегмай борар, бобом йўталарди, мен унга тақлид қилардим. Дадам ҳам биздан қолишмасди.

— Нима бўлди, сизларга, — деб сўради ойим, — ўрдакка ўхшаб рақиллайсизлар?

— Минг афсуски, тайгада милиция бўлмайди-да, — деди бобом гўлдираб.

— Бунақа учарлик яхшиликка олиб бормайди, — деб уришган бўлди дадам.

— Шипини тешиб чиқиб кетамиз! — деб бақирдим мен.

Ойим куларди.

— Азизларим! — деди у хохолаганича. — Қаерда эканликларингни унутиб қўйдиларингми? Бу ерни Сибирь дейдилар! Йўллари ҳам сибирча-да.

«Газик» шифиллайди, тоққа интилиб, ўрмалаб чиқарди, ундан пастга қараб шитоб билан тушади, сувларини икки томонга сочиб, ариқчаларни кечиб ўтарди.

Биз денгиз тубида кетаяпмиз деб ўйласак, бу ерда ҳеч қандай денгиз-пенгиз йўқ эди. Денгиз тубини-ку, асло тапирманг.

Йўллар — йўл четидаги телеграф устунлари. Тайга. Қушлар сайрайди. Тез орада қушлар ўрнига балиқлар пайдо бўлади, деб ҳеч хаёлингга келтира олмайсан, киши. Собиқ тайга устида сузиб юришса-я. Ажаб: наҳотки, бу ерларда қушлар учиб юрганлигини кейинчалик эслаб юрсак?

Биласизми, менга жуда қизиқ туюлиб кетди. Мен ўзимга кела олмасдим. Қайфиятим тушиб кетди. Жонли ўрмон, капалаклар, гиёҳлар, гуллардан асар ҳам қолмаса-я, ўйлаб ўйимга ета олмасдим.

Менимча, бу ҳақда мен ўйламасдим... Бобом ҳам индамас, дадам ҳам индамай қолганди, ойим эса ҳазил қилмай қўйганди.

Биз илгарилаб борар эканмиз, ўрмоннинг шўх наволарини тинглардик. Зағизғонлар қариллаб бутун жонзодни машина келаётганидан огоҳлантирар, қушлар гужурлашар, арилар эса виж-виж қилишиб, олдимиздан ўқдек учиб ўтишарди. Улар ўз юмушлари, тирикчиликлари билан овора бўлиб, яқин орада бу ерлардан кетишларини билмасдилар.

Арилар учиб кетишга улгуришар, қушлар ҳам, аммо, масалан, типратиканлар нима қилишаркан ёки чумолилар-чи?

Мен чумолилар ўрмонни тозалаб туришлари ҳақида, уларсиз тайга йўқ бўлиб бориши ҳақида ўқиганман. Улар жудаям майда-ку, сувдан қочиб қутула олмайдилар-ку. Қирилиб кетади, бариси...

Қайфиятим бутунлай бузилди. Довонга етганимизда, чумолилар ҳақида дадамга гапирдим.

— Қиёс қилиб кўр!— жавоб берди у менга,— чумолилар билан электрни! Битта чумоли фақат кичкина чўпнигина кўтариши мумкин, бизнинг ГЭС чи! Унда шундай катта қудрат борки!

Дадамни тинглар эканман, тобора ғамгин бўла бордим. Албатта-да! Чумолини электростанция билан тенглаштириб бўлар эканми?

— Сен тагин,— деди дадам,— ундан чумоличалар ҳеч нарсага арзимас экан-да, деб ўйламагин. Нима ҳам қила олардик? Уларни қурбон қилишга тўғри келади.

— Сен шундай қилма!— бобомнинг овози чиқиб қолди.

Мен орқамга ўғирилдим. У менинг орқамда, жаҳл билан дадамга қараб турарди.

— Умуман бу биринчи суҳбатимиз эмас,— дерди у дадамга,— миҳ, тахта, цемент — сен учун майда-чуйда. Чумолилар ҳам, унга ҳеч гапмас. Жуда ҳам катта гапирасан-да, ўртоқ технократ.

Дадамнинг ранги қум ўчиб кетди. Технократ — бу бюрократ дегани. Фақат механик бюрократ. Техник бюрократ — бу техникадан бошқа ҳеч нарсани кўрмайди. Бобомнинг дадам билан яна жанжаллашиши менга ёқмасди. Дадам қандай қилиб технократ бўлсин? Унинг иши ўзи шундақа-да, у доимо банд одам. Ҳақиқатан ҳам чумолилар нарёқда турсин, ҳатто бетон тўғрисида ўйлашга ҳам вақти етмайди-ку.

— Бобо,— дедим, мен дадамнинг ёнини олган бўлиб,— бунчалик қизишиб кетманг!

— «Қизишма!»— жаҳли чиқди бобомнинг.— Унга яхшилаб қаранглар! Ҳозиргина чумолиларнинг ғамини еяётган эди, бирдан ўзгариб қолибди. Ё тавба! Нималарни ўйлайсан ўзи? Қайсиниси муҳим? ГЭС ми ёки чумолиларми?

— Тенглаштириб бўлар эканми,— дедим мен, уҳ тортиб.

— Мана! Мана! Мана!— деб бақирди бобом.— Тўғри гапирдинг, уларни тенглаштириб бўлар эканми? Бечора чумоли қайдаю, электростанция қайда! Ҳеч қачон тенглаштириб бўлмайди, тушунасанларми? Ҳеч қачон! Чумолилар — бу чумоли-да. ГЭС эса ГЭС!

Бобом бирданига жим бўлиб қолди. Қарасам мазаси қочиб бораяпти. Юрагига оғриқ турди дегунча юзидан ранг қочарди. Мен сакраб туриб, рюкзакка отилдим, дори-дармонлар ўраб қўйилган халтани топиб, ундан дори олиб, кружкага солдим-да, устига сув қуйиб, бобомга олиб келдим.

— Сув сўргандек бўлдингизми...

— Ҳа, ҳа,— деди у бошини лиқиллатиб.— Раҳмат.

Фикримиз бир жойдан чиққандек бир-биримизга қарадик.

— Хуллас, Антон,— деди бобом,— даданг кал-катта бўлса ҳам, ҳақ эмас.

Дадам қизариб кетди. Бироқ бобом бунга эътибор бермасди.

— Чумолиларни қутқариб қолиш керак,— давом этди бобом.— Катта одамларнинг вақти йўқ бунга. Отрядни таклиф қил,— деди менга қараб.— Чўктирила-диган зоналардаги чумоли уялари картасини тузиб чиқиш керак. Кейин уларни янги жойга кўчириб чиқасизлар.

— Бу — дон-кихотчилик,— деб гўлдиради дадам.

Машинамиз янада илгарилаб кетарди. Бирданига пойга тугади. Олдимиздан ғалати дала чиқиб қолди. Бамисоли қўзиқоринга ўхшаган каллакланган тўнкалар. Унг томонда:— яйдоқ ер, чапда ҳам, олдинда ҳам, орқанда ҳам. Дарахтлар яқиндагина кесилганлиги учун, диққат билан қарайдиган бўлсангиз, худди кимдир далага тарелкаларни қўйиб кетгандек кўринарди.

— Мана денгиз туби тап-тайёр,— деди ойм.

— Одатда денгизлар туби қумлоқ, ботқоқ бўларди,— деди бобом.— Бу тўнкали туб бўпти-да.

Рўпарамизда, уфқнинг нарёғида тутун бурқсияпти. Кейин аланга кўринди. Худди ўт тушганга ўхшайди. Мен ўриндиқда сабрсизлик билан типирчилардим, ойм эса газни босаверди. Ўт тушмаган экан. Гулханлар, жуда кўп гулхан. Шох-шаббаларни ёқишяпти.

Тутун нарёғида — тракторлар гувиллайди, бензин билан ишлайдиган арралар ғириллайди. Ивир-шивир, шовқин-сурон.

Тутун девори орқасида — чинакам жанг боради. Қаска кийган кишилар дарахтдан-дарахтга ўтишади. Арралар ғирчиллайди, дарахтлар йиқилади. Шохчаларини болта билан чилпишади:

Қатта дарахтларнинг шохларини кесиб олишарди. Та-

наларини махсус тракторларга тиркаб, судратиб, йўлга олиб бориб қўйишади. Бир жойга тахлашади. Машиналарга ортишади. Кўз олдимизда дарахтлар девори чекиниб, яп-янги тўнкалар қоларди холос.

Биз «газик» дан тушдик. Қишиларнинг тайга билан жанг қилишини, моҳирона ишлаб дарахтзорларни теп-текис қилиб кетишаётганлигини кўриб турардик.

Каскали бир киши бизга яқинлашди.

— Райкомдан эмасмисизлар?— сўради биздан.— Кутавериб кўзларимиз тўрт бўлди. Одамлар етишмаяпти.

У киши менга тикилиб туриб деди:

— Бизга шох-шабба чилпийдиганлар ҳам жуда зарур! Юз кишича қерак. Икки юз киши бўлса ҳам майли. Шох-шаббаларни ташишади. Гулхан ёқишади. Қизиқарли иш!

Бобом бошини қуйи солганича турарди.

Поймол қилиб, янчиб ташланган чумоли уясига тикилиб қолган. Занжирли гилдирак изи. Шубҳасиз, трактор ўтган. Чумоличалар шошиб қолиб, югуриб-елишар, хору хаслар ташир, уйларини қайтадан тиклашга уринардилар.

Бобом бошини кўтариб, каскали кишидан сўради:

— Чумоли уялари кўпми?

— Тўлиб ётибди!— жавоб берди у шўхчанг.— Ахир бу ерлар тайга эмасми!

— Уларни нима қилаяпсизлар?

— Қимларни?— тушунмай сўради эркак.— Ёрдамчиларними? Ҳа, улар етишмаяпти!

— Йўқ,— деди бобом,— чумоли уяларини?

— Қандай?— ҳайрон бўлди киши.— Ҳеч нарса. Уларни ўйлашга вақт ҳам йўқ. Дарахт кесишимиз керак.

У кетди. Дарахтлар бирин-кетин қулайди. Тракторлар тириллайди. Гулханлар тутайди.

ДЕНГИЗ ВА ОЙИМ

Биз яна йўлга тушдик.

Бобом қовоғини солганича у ёқ-бу ёқларга қараб борарди. Дадам эса унга ҳайиқиброқ назар ташлайди. Гаплашишдан қўрқарди. Мен ҳам индамайман.

Нимани ҳам дейсан?

Бобомнинг жаҳли чиққан, дили ранжиган-да, у чумолиларга қайғуради, ахир, чумоли уяларини тракторлар янчиб ташлаётганди-да. Уларга ҳеч қандай ёрдам бериб бўлмаса. Албатта, чумоли уяларини қутқарса бўлади, янги жойга кўчириш ҳам мумкин. Бироқ бунақа инлар кўпмикан, ўзи? Дарахтларни кесиб тайгани қуририш аяпти. Шошилиш керак. Чумоли уялари билан ҳеч кимнинг иши йўқ.

— Хафа бўлманг,— деб пичирлайман бобомга.

У мени қучоқлаб ўзига тортди. Менинг юзимга тикилди. Ғамгин кўзларини қисиб қўйди. Пичирлаб деди:

— Мен шунчаки бир кекса Дон-Кихотман! Талончиларни енга олмадим, тушунаясанми? Чумолиларни ҳимоя қила олмадим! Мўлжалимдаги кўп нарсаларни қила олмадим!

У қовоғини солиб деразадан ташқарига қаради. Мен бобомнинг кўзларига тикилар эканман, уни сийпалагим, қандайдир сўзлар айтгим келиб кетди. Сўз билан тасалли бериб бўлармиди? Қани энди у киши улгурмаган ишини ўринлатиб қўйсам. Кўриб қойил қолса, зўр иш бўларди-да. «Яксон қилувчилар билан курашаман,— аҳд қилдим мен,— чумолиларни бари бир қутқараман. Афсусланишнинг ўзи етмайди, ҳаракат қилиш керак, гап мана шу».

Ойим ишлаши лозим бўлган қишлоққа етиб келдик. У билан бирга идорага кирдик. У ерда одамлар тўпланиб бўлишган экан. Ойим бизга ташқаридаги супада ўтириб туринглар, деди. У гапириб бўлгунча кутиб туришимиз керак..

Биз гапига қулоқ қоқмай ўтирдик. Хонанинг деразаси ланг очиқ. Ойимнинг гапи эшитилиб турарди.

— Ўртоқлар! Бўлажак денгиз касаллик манбаи бўлмаслиги керак. Шунинг учун сув қуйиладиган территорияни, махсус тайёрлаш лозим. Ахлат, ювинди чуқурларини тупроқ билан кўмиш керак. Оҳак билан ишлов бериш шарт. Юқумли касалликлар чиқишига сабаб бўладиган ҳамма нарсани ёндиришлар. Бунга шунчаки эҳтиёт чораси деб енгил қарамашлар. Бу ҳаммаларинг учун керак. Сизларнинг сиҳат-саломатликлариңг учун...

Мен бўлажак денгиз ҳақида ўйлаб кетдим. У жуда катта бўлади. Ундан пароходлар ҳам юрса керак. Балким, денгиз пароходлари юрар. Тўлқинлар ҳам денгиздагидек бўлса ажаб эмас, жуда катта. Ҳақиқий денгиз бўлади!

Мана ҳақиқий денгиз, ойим эса аллақандай ҳандақлар ҳақида гапириб юрибди. Наҳотки улар денгиз учун шунчалик муҳим.

Ойим нутқини тугатиб, ҳовлима-ҳовли кириб чиқди. Кимгадир куйиниб гапини маъқуллайди! Қўлларини ўйнатиб тушунтиради. Қоғозга қалам билан алланималарни чизади. Езади.

Қейин бизнинг олдимизга қайтиб келди.

— Қишлоқнинг ярми кўчиб кетибди,— деди у,— келинлар айланиб чиқамиз.

Мен собиқ қишлоқни томоша қилиш қизиқ бўлса керак, деб ўйловдим. Аксинча, кўнглим вайрон бўлиб кетди. Жудаям хафа бўлдим. Кўча бўйлаб бузилган печкалар қаққайиб туради. Энди ҳеч бир маъноси қолмаган деворлар мунғайиб кўринади. Қудуққа челақ илиб тушириладиган шайн етимчадек бошини қуйи эгганча қолган.

Бирданига кўчага малла мушук югуриб чиқди. Йўлнинг ўртасига ўтириб олиб, шикоятмуз хуриллади. Э, аттанг, мушуклари қолиб кетибди-ку! Ойим мушукни

қўлига олиб силаган эди, у овингандек бўлди, эркаланиб хуриллай бошлади.

Илгарилари одамларни иситиб келган эски печка энди денгиз тубида қай ҳолга тушишини кўз олдимга келтиргандим, кўнглим бузилиб кетди.

Шу вақт қандайдир овозлар эшитилди.

Биз кўчадан юриб, эски омборхоналар олдидан ўтар эканмиз, омонатгина турган кулбани кўрдик. Деразалари ҳам эскириб, қийшайиб қолган. Кулба олдида турган эркаклар ниманидир баҳслашардилар. Биз уларга яқин бордик. Саломлашдик. Баҳслашувчилар бир оз тинчиган бўлишди. Кейин яна қизишиб сайраб кетишди. Билсак жанжаллашаётганлари йўқ экан. Балки, бирлари олиб, бирлари қўйиб, кичкинагина кампирга нималарнидир тушунтираётган экан.

Кампир пешанасини тангиб олган қора рўмол нах кўзигача тушиб кетган. Бақириб-чақираётганларга қўрққанча қараб турарди. Лаблари қалтирарди. Вақти-вақти билан кампир уҳ тортиб олади-да, яланг қайсарлик билан такрорлайди:

- Ҳеч қачон рози бўла олмайман!
- Марҳамат!— қичқириб дейишади одамлар.
- Жуда ҳам илтимос қиламиз!
- Ахир у ер жуда яхши-ку!
- Ҳеч қачон!— жавоб беради кампир.
- Янги уй!— бақирарди эркаклар.
- Бепул!
- Барча қулайликлари бор!
- Ҳеч ҳам!
- Нимага гаплашиб ўтирибмиз,— бақирди бири.
- Машинага юклайвер!— деди зарда билан иккинчиси.
- Хайрлашиб қол, Яковлевна!— дерди учинчиси.
- Иложим йўқ!— дерди қайсар кампир бурнини тортиб.

Эркаклар қўлларини қатъий силкиб, кулба томон.

оришибди, бироқ улардан бири биз томон ўгирилиб, шундай деди:

— Тўхтаб тур, бу генерал Рибоков-ку!

У бобомга яқин келиб, шапкасини олди-да, кал бошини ялтиратиб, деди:

— Мен сизни зўрға танидим, ўртоқ Рибоков. Қишда ҳор кураб юрганнимизда сизни кўрган эдим. Мен ҳам штабда эдим.

Бобом жимгина бошини қимирлатди. Қал киши ўзини ноқулай сезиб кетди. Балки, кампирга бақирганидан хижолат бўлаётгандир.

— Ўртоқ генерал!— бирдан хурсанд бўлиб қичқирди.— Балки сиз бизга ёрдам берарсиз? Мана бир кампиримиз бор. Унга янги жойдан колхоз яхши уй қуриб берди. Бепул, қандингни уриб роҳатда яшайвер! Бу бўлса-чи, ўз кулбаси билан хайрлашишни сира ҳам истамайди!

— Қандай ёрдам беришим мумкин!— ҳайрон бўлди бобом.

— Қандай қилиб, дейсизми — хурсанд бўлиб кетди у.— Ҳар ҳолда сиз генералсиз-ку! Зора сизга қулоқ солса.

— Қани, бир ҳаракат қилиб кўрай-чи, — жавоб берди бобом, кампирнинг олдига бориб, унга таъзим қилди.

— Наҳотки, генерал бўлса!— деди кампир, бобомга ҳайрат билан тикиларкан.

Кейин бирдан анқайиб қолди. Кулбага югуриб кириб кетди. Ёғоч рамкадаги фотокарточкани бағрига юсганича қайтиб чиқди.

— Балки кўргандирсан-а?— у умид билан бобомга тикилиб, рамкани унга қаратди.— Коля менинг ўғлим. Дом-дараксиз йўқолган.

Бобом фотосуратни олиб, унга узоқ тикилди.

— Йўқ,— деди, бир оз жим қолиб:— Кўрмаганман.

— Балки, у тирик?— сўради кампир қатъиятсизгина, ҳора фартуғини гижимлар экан.

Бобом ўйланиб қолди. Суратга қараб, бошини тебратди. Кейин сўради:

— Кутаяпсизми, онахон?

— Бу қургурларнинг ҳаммаси менга ёпишиб олишди!— деб жавоб берди кампир.— «Қани жўна» дейишди. Қандай қилиб, мен кетай? Бирдан Коля келиб қолса-чи? Бу ерда ҳеч нарса қолмаган бўлса. Фақат сув бўлса.

Бобом жим бўлиб қолди. Кейин секингина деди:

— Бу гапларингиз беҳуда, онахон. Қолянгиз келади, янги уйингизни ҳам излаб сизни топиб олади. Бунга шубҳа қилманг.

Кампир рўмолини кўзигача туширди, хўрсиниб бир оз турди-турди-да, кулбага кирди. Оқ тугунчани кўтариб қайтиб чиқди — бўғча тагидаги рамкага солинган фотосурат билиниб турарди.

Кулбага қайрилиб қаради. Ўзи чўқинди. Қулбани ҳам чўқинтирди.

— Хўш, нима дейсиз, Яковлевна?— сўради кал, унинг овози қалтирарди:— Ёндирайликми?

— Ёндиравер, қадрдон кулбамни,— дея жавоб берган кампир йиғлаб юборди.

Кексаларнинг йиғлашини биринчи кўришим эмас. Улар бир хил йиғлайдилар. Юзлари умуман йиғлаганга ўхшамайди-ю, аммо кўзёшлари қуйилиб келаваради.

Қал баланд овоз билан деди:

— Қани! Худо ёр бўлсин!

Бошқалари челақ олиб, кампирнинг томига ёнилғи сепи кетишди. Олдин осмон оқарди. Аланга тили қишлоқ устини тутиб кетди.

Алангадан ҳаммаёқ қизиб кетди, биз узоқроққа бориб турдик.

— Худди чекинаётган вақтдагидек,— мунгли гапирди бобом.

— Бироқ бу ҳужум-ку!— ҳайқирди дадам.

— Нима учун ёндириб ташлашаяпти?— ҳайрон бўлиб дедим мен.

— Қоидаси шунақа,— жавоб берди ойим.— Жойларни ифлос қилмаслик учун ёндириш керак. Санитария нуқтаи назаридан ҳам.

— Биз бир-биримизга гапирмасдан, жим кетдик.

Уйимизга қайтдик. Аммо, менинг кўз олдимдан оқ тугунча кўтарган кампир ҳеч ҳам кетмасди. Мен унинг орқасидан қараб қолдим. Бояқишга ачиниб руссага тўлган юрагим қисиларди...

ПОРТЛАШ

Кейин бобомни қурилиш бошлиғи ҳузурига таклиф қилди.

— Лойиҳа ёқдимиз,— деди дадам,— портлашга командани сизни берсин дейишяпти.

Жуда ажойиб бўлди-да! Бекорга бобом соатлаб омборда ҳисоблаб ўтирмаган экан. Ҳисоблаб чиққан эди: бир портлаш билан — турбиналарни монтаж қилиш учун бутун бошли майдон тайёр бўлади-қўяди.

Портлашга узоқ тайёргарлик кўришди. Бир кун эмас. Эрталаб бобом дадам билан қурилишга кетарди. Чангга ботган, офтобда қорайган, бунинг устига ҳаммаёғидан тер ҳиди анқиган ҳолда кеч қайтардилар.

Ниҳоят менга деди:

— Эртага туш пайти!

Мен:

— Кешкани чақирсам бўладими?— деб сўрадим.

— Бўлади!— ҳайқирди бобом ва фахр билан қўшиб қўйди.— Бу менинг ҳаётимдаги энг катта портлатиш бўлади.

Мен Кешкани чақирсам, бутун отряд келибди. Қелишмаса ҳам бўлмасди-да!

Мен чақирмаганимда ҳам, бари бир улар келишар экан: майдонни бутун посёлка ўраб олганди. Ана Анна Робертовна, битта ўзи, чақалоқларисиз келибди, ахир

Бугун дам олиш куни-да. Иннокентий Евлампиевич саломлашиб бизга ишора қилди...

Бобом диабаз қоялари узра тантанавор юрарди, галстуги ҳафсала билан боғланган, эғнида оқ кўйлак, сочи силлиқ таралган, кетидан портлатувчилар оломони ва қурилиш бошлиғи боришарди. Синфимиз болалари менинг олдимда тўпланишди — мен уларга портлаш вақтида ҳар ким ўзини қандай тутиши кераклигини кўрсатдим: қулоқни маҳкам қисиб, оғизни очиб туриш керак. Бобом менга ўқлар шовқинида қулоқлар қоматга келмаслиги учун, артиллеристлар оғизларини очиб туришлигини айтиб берган эди. Газ Баллони ёнимда пишиллаб турарди, кулгим қистаб кетди — у билан гаров ўйнаганлигим, мени раис қилиб сайлаганлиги эсимга тушиб кетди.

Бу ерда жуда ажойиб воқеа бўлиб ўтди. Портлаш эмас, йўқ! Олдин мен бош вожатиймиз Галянинг қувончли юзини кўрдим. У оломон орасидан бизга қараб келар ва қўлини силкитарди. Унинг орқасидан солдат кийимидаги қандайдир йигит келарди. У ҳам қўлини силкитар ва жилмаярди. Бу Борис Егоров эди!

— Қаранглар, ким келаётганини кўринглар, — қичқирдим мен.

Қий-чув бўлиб кетди, болалар Борисга ташландилар, кўтариб-кўтариб ташламоқчи бўлишди, бироқ вожатий оғир экан, уни тушириб юборишди. Ҳамма дув этиб устига ўзини отди. Катталар ҳозир цирк томошаси бошланадигандек бизни мазах қилишди. Борис қизариб-бўзариб ўрнидан турди.

— Нима бўлди, сизларга! — деди у. — Мени эмас, генерал Рибаконни осмонга иргитиш керак эди. Қаранглар!

Ҳамма майдон томон юзланди. Бобом каскани бошига кийди. Кейин қизил байроқчани силкитди, майдонни ўраб олган навбатчилар эса махсус ҳуштакларини чалиб юбордилар.

Бобом мушак ракетасини осмонга кўтарди, самога қизил юлдузча санчилди.

Мен титраб кетдим.

Сиреналар қулоқни қоматга келтириб, шиддат билан чалинди. Худди шундай бўлса керак, урушда ҳам, чамамда. Ҳаво ҳужуми вақтларида. Ҳозир устимизга самолётлар ёпириладигандек туюлди менга, қаергадир яширингим келиб кетди...

Бирдан ҳаммаёқ сув сепгандек бўлиб қолди.

Орқамдаги Кириллнинг оғир нафас олаётганлигини сезиб турибман.

— Қулоғингизни беркитинг!— дедим секингина, худди шу дақиқада диабаза майдони осмонга кўтарилгандек бўлди. Ҳаммаси бирданига!

Кейин қулаб туша бошлади. Нотекис ялангликда тошлар фонтани вужудга келди. Улар тупроқни кўтариб, майда тошларни сачратиб, уларни янада юқорига учириб туширарди. Ниҳоят фонтанлар, шиддат билан юқорига худди ракетадек кўтарилди, энг катта тошлар учишини секинлаштириб, ҳавода тўхтаб қолгандек кўринди. Кичкина парчалар улардан ўтиб кетарди, тошлар ҳавода муаллақ туриб-туриб, кейин ерга тушарди.

Шу вақт ҳамма нарса айқаш-уйқаш бўлиб кетди. Бу ҳақиқий қуюн эди. Оғир тошлар ерда ётарди, тош бўлаклари эса ҳали учиб юришарди. Худди қандайдир кучли қўл диабаза майдонини четидан ушлаб, чодир қоққанидек силкитарди. Биласизми, чодир қоқаётганидек! Бу ерда ҳам гўё чодир осмону фалакка кўтарилдию, улкан-улкан тош бўлиб, ҳисобсиз тош парчалари бўлиб ерга ёғилди, тош чанги ҳар томонга тизиллаб отилаверди.

Шовқин-сурон кучли тўлқиндек келиб, қулоқларни қоматга келтириб, очиқ оғизларни тўлдирди, бошдаги сочларни юлқиб орқага қайириб юборди.

Чанг босилмасдан, мен Кирилл Пуховнинг ҳаяжонли товушини эшитдим.

— Мана бу манзарани қаранг-а!— деб бақирди у.
Шу вақт бобомни кўриб қолдим.

У бизга қараб, гандираклаб келарди. Қаскасига, юзига, галстукли оқ кўйлагига қалин чанг ўтирганди, кўлидан эса қон тизилларди.

Мен, қизил байроқчали кишини итариб юбориб унга қараб югурдим, қаттиқ қучиб, қўрққанымдан қичқирдим...

— Сизга нима бўлди? Нима?

Бобом эса кулар ва хиргойи қиларди:

Қазо етса, тез етса,
Яралар энгил битса!

Майдонга ҳамма томондан экскаваторлар бостириб кела бошлади. Худди қалъани қамал қилгандек ағдарма машиналарнинг моторлари гуриллайди.

Диабаза вужуди тилка-пора бўлиб, машиналарнинг кузовларига ортиларди.

БЕОРЛИК

Яра унчалик катта эмас, тимдаланган холос, диабаза парчаси шилиб ўтганди. Навбатчи врач — катта портлашлар бўлаётганда, ҳар доим врачлар навбатчилик қиладилар — ярани йод билан артиб қўйди. Биз уйга жўнадик.

Бобомнинг кайфияти жуда зўр эди — у ҳазиллашар, ўзининг ҳазилига биринчи бўлиб ўзи кулар; Борисдан хизмат қандай ўтаётганлигини сўрарди. Галя билан Егоров ҳамда бутун отряд уйимизгача кузатиб қўйишди ва улар кетмоқчи эдилар, аммо бобом сира ҳам рози бўлмади. Уларни ичкарига судраб кириб, байрам ноуштаси берди.

Катта хонамиз торлик қилиб қолди, болалар полга ўтириб олдилар, бобом катта чойнакдан ҳаммага чой тарқатди, ҳамма хурсанд эди. Улардан ҳам менинг оғзим қулоғимда эди.

— Эҳ, болалар,— деб мурожаат қилди бобом, ҳаммамиз чой ичиб бўлгандан кейин.— Бирон нарса қилиш қанчалик яхши! Тушунаясизларми, оддийгина ишни бажариш. Уқиш, ишлаш. Дўстлашиш. Мана мен — чол, ёшимни яшаб бўлганман, майдонни портлатишга ёрдам бердим. Шунинг учун, болалардек қувонаяпман. Ҳатто, ёшариб кетгандай бўлдим. Албатта-да, буларнинг ўзи бўлмайди. Ҳамма нарса ҳам ўзинг хоҳлаганингдек бўлавермайди. Бу ҳам яхши. Нима учун курашишинг маълум бўлади! Янада яхшироқ қилишга уринасан!

Кейин биз ашула айтдик. Албатта, ўзимиз яхши кўрганидан бошладик:

Гражданлар урушига
Жўнаб кетди комсомол...

Шовқин-сурон билан тарқалишдик. Бобом ҳар бир кишининг қўлини сиқиб, муваффақиятлар тилаб хайрлашди. Энг охирида Пухов кетди. Мен айвонда, болаларни кузатар эканман, уйдаги суҳбатни эшитиб қолдим.

Газ Баллони гапирарди:

— Кечиринг мени, Антон Петрович.

— Нима учун?— ҳайрон бўлди бобом.

— Олмахон учун,— жавоб берди Кирилл.

— Сен ўлдирганмидинг?— сўради бобом жиддий.

— Йўқ,— жавоб берди Пухов.

— Нима учун кечирим сўраяпсан?— ҳайрон бўлиб сўради бобом.

— Мен шу воқеа тепасида тургандим, шундоқ қараб тургандим,— жавоб берди Газ Баллони.

У эшикдан ўқдек отилиб чиқди. Мен ўзимни зўрға четга олишга улгурдим. Кирилл қисқичбақадай қизариб кетган эди. Менга у ҳатто қарамади ҳам.

«Манави ишларни қара-я!» ўйладим мен.

Болалар кетиши билан, бобом почтага жўнади. Ранг-

лари оқариб қайтиб келди. Қўлида муҳрланган конверт. Мен, яна уни йиртиб ташлайди, деб ўйладим, ammo бобом хатни чўнтагига солиб, креслога ўтирди, қўлига китоб олди. Китобга қарарди-ю, лекин ҳеч нарсани кўрмасди. Бир варағини очиб тикилиб қолди. Мен унга дори бериб, ҳайратландим:

— Сизга нима бўлди, рангиз ўчиб кетипти?

— Ҳечқиси йўқ,— деб жавоб берди бобом,— портлашдан бўлса керак.

Портлашдан! Портлашдан кейин у ўзини жуда яхши ҳис қилган эди, мен кўр эмасман-ку. Хатдан кейин шундай бўлиб қолди.

Шунақаси ҳам бўлар экан-да! Бир хонада жуда яқин икки киши ўтиришади-ю, жанжаллашмаган бўлса ҳам, гапиришмайди. Бобом ғинг демайди. Мен ҳам индамайман. Ниманики сўрасам, у қисқа жавоб беради, кейин, яна ўйланиб қолади. Уйланаверади, ўйланаверади, ҳеч ўйига етолмайди..

Бирдан сапчиб ўрнидан туриб кетиб, хонада катта-катта қадам ташлаб юради, ошхонага чиқиб папирос чекади. Яна ўтириб олади. Яна жим бўлиб қоламиз. Шу тарзда ярим кечагача ўтирдик.

Жудаям жаҳлим чиқади. Шунақаям бўладими! Ичидагини ўз неварасига ҳам айтмаса-я! Яна нима бўлган экан,а? Сизга тўғриси айтсам тозаям гаранг бўлиб қолдим. Бобомнинг аҳволини кўриб ташвишга тушдим, руҳан эзилиб ўтиришини қаранг. Ундан хафа бўлдим — бундоқ дардини айтмайдими, ўзи енгил тортарди-ку!

Мен унга ёрдам бермоқчи бўлдим. Бир оз беорлик билан бўлса ҳам, ёрдам бераман. Кечқуруноқ ўйлаб қўйгандим — уйқуга ётишимиз билан, ўша хатни олиб, ўқиб чиқаман. Нима бўлса бўлар. Эрталаб туриб, «Бобожон кўп сиқилаверманг, арзимаган гап экан-ку!» дейман. Шундай эмасми, ахир?

Киши хатга ҳам хафа бўладими, арзимади.

Биз ўринга ётдик, мен дарров уйқуга кетдим.

Биласизми, уйқу элитса қизиқ бўларкан. Бирданига қандайдир бўшлиққа шўнғийсан. Ухламаслик учун, энг муҳими — ана шу бўшлиққа ағдарилмаслик керак. Сергакляниб, бошни силкитиш керак! Бўшлиқдан чиқиб олиш лозим. Агар хона қоронғи бўлса — деразага қара. Кўчада ёз бўлса, деразалар ёруғроқ бўлади.

Мен уч марта ағдарилдим. Уйқудан ғолиб келдим. Бобом ухлаяптими, деб қараб қўйдим. Ухламапти. Кўзларини очиб ётарди. Ниҳоят, унинг ухлаб қолганини кўрдим. Кўзлари юмуқ эди. Ишонч ҳосил қилиш учун оёғим учида унга яқинлашдим. Ухлаб қопти!

Мен унинг шимига яқинлашдим. Чўнтагига қўлимни тикдим. Аксига олиб, чўнтакдаги тангалар ерга тушиб, жаранглаб кетди. Нафас олмай қотиб қолдим. Қотдим! Агар бобом уйғониб қолиб, мени шу ҳолатда кўрса, жуда уят бўлади-да.

Аммо хона жимжит эди. Мен яна чўнтакка қўлимни суқдим. Хат гўё вафли қоғозидек шилдиради. Ниҳоят хатни олдим. Ваннага оёқ учида юриб кириб, чироқни ёқдим-да, ичидан қулфлаб олдим. Хатни очдим.

Хат майда ҳарфлар билан ёзилганди. Мен шошганимдан ҳаммасини тушуна олмадим. «Қадрли Антон Петрович... шундай... қариндошларни қидиришга бағишланган радиоэшиттиришни тингладим... Бу воқеа Гомель йўлида бўлган эди... чамамда, Серёжа... хотинини Екатирина Ивановна дейишарди шекилли... туғилган йили тўғри келади... биттаю битта фотосурати сақланган... нима қилиш ҳақида хабар қилинг... кўп йиллар ўтган...» Охирги сўзлар худди босма ҳарфлардек йирик қилиб ёзилган эди: «Балки, ҳаммаси бундай эмасдир, бекорга сарсон бўлиб юргандирман... фақат сизни таъшишга қўяётгандирман. Нима қилай, хабар қилинг!» Тамом. Тагида адреси.

Мен елкамни қисиб қўйдим, ҳеч нарсани тушунмадим, конвертга хатни солиб, хонага қайтдим.

Қирдим-у, сесканиб тушдим: бобом йўқ эди!

ТУНГИ СУҲБАТ

Мен шунақанги кўрқиб кетдимки, калламга ҳеч нарса келмай қолди.

Эшикни қаттиқ ёпиб, дадам билан ойим ётган хонага бир қарадим. Кейин ошхонага югуриб ўтдим-у, енгил нафас олдим: қарасам, бобом табуреткада ўтириб қоронғида чекарди. Сигарет ўти дам ёниб, дам ўчади.

Чироқни ёқдим-да:

— Қўрқитиб юбордингиз-ку! Ахир ухлаб қолган эдингиз-ку? Қарасам йўқсиз,— дедим.

Бобом жимгина менга, кейин қўлимга қаради. Мен унга назар ташлар эканман, ҳаммаёғим ўт бўлиб, ёнди. Қўлимда хат турарди!

Мен кўзимни ундан олиб қочдим. Нима ҳам дея олардим, қандай қилиб ўзимни оқлайман. Ҳа, қандай оқлаш мумкин, ахир?! Худди ўғридек бировнинг чўнтагига тушиб, хатини олганман! Бунга бирон сабабни кўрсатиш қийин.

Ўзимни қаерга қўйишни билмайман. Вужудим жунжикди, баданимдан нималардир ўрмалаб ўтгандек бўлди.

Бобом менга шундай тикилдими, унинг нигоҳи бутун борлиғимни илма-тешик қилиб юборгандек бўлди. Бу қарашда гўё у сира мени кўрмагандек, унинг нигоҳида илтижо бордек туюлди менга. Қандай қилиб шундай одамнинг невараси бировнинг чўнтагига тушса?

— Мен ўғирламоқчи эмасдим, менга ишонинг,— дедим ниҳоят мунгли овозда.

— Ўғирламаган эмиш!— деди у.

— Фақат ўқидим, холос. Ишонаверинг! Сиз жуда эзилиб кетгандингиз. Қандайдир хат учун намунча шунча азият чексалар дедим-у, уни ўқишга аҳд қилдим!

У менга яна бир қараб қўйди. Лекин, бу сафар илгаригидек эмас эди. Кейин кўзини бир юмди-да, деди:

— Чироқни ўчириб, ёнимга ўтир. Гаплашамиз!

— Хўп!— мен унинг бундай мулойимлигидан эриб кетдим.

Мана биз қоронғида ўтирибмиз, мен унга пичирладим: у бутунлай ноҳақ, ҳаммасини неварасига айтиб бериши керак эди, ахир у менга бобо, иккинчи томондан дўстмиз.

Сигарета зўрға милтиллаб ёниб, бобомнинг пешанаси, бурни, соқолларини ёритарди. Кўзи эса қоронғида кўринмас, фақат мен унинг нима демоқчи эканлигини сўзларидангина англаб олардим. Сўзи бошқа, кўзи бошқа экан кишининг. Кўп нарсани кўздан уқиш осон экан. Шунинг учун одамлар гапираётганда кўзига қараркан! Бобом ҳамон пичирларди:

— Уқиб чиқдингми?

— Ҳеч нарсани тушуна олмадим, шунақанги майда ёзилганки. У сизнинг дўстингизми? Фронтда бирга бўлганмисизлар?

— Йўқ,— деди бобом,— дўстим эмас: Мен сени тушунгандирсан деб ўйлагандим. Антошка, у менга дўст эмас, бутунлай бегона киши. Балки, у сенинг бобонгдир. Мен кулдим.

— Ойимнинг дадаси аллақачон вафот этган,— дедим мен,— бобом фақат битта, Қешкадақа эмас.

— Сен ҳарбий сирни ёдингдан чиқарганинг йўқми?— сўради бобом.

Гўёки биров мени гирибонимдан бўғгандек бўлди.

— Нималар деяпсиз!— кескин пичирладим мен.— Нималар деяпсиз? Яна қандай бобо? Бобом фақат сиз.

У қўлимдан ушлаб, аста силади. Унинг кафти гадирбудир, дағал ва иссиқ эди.

— Қулоқ сол, Антошка,— шивирлади бобом,— диққат билан қулоқ сол, гапимни бўлма. Урушда, мен Серёжани топиб олганимдан сўнг, Лидага хат ёзиб, отасини топишини сўрагандим. Лида менга урушдан кейин қидирамиз, деб жавоб қилди. Аммо, урушдан кейин уни

қидириш жуда қийин бўлди. Ҳатто иложи ҳам топилмади. У ҳақда нимани ҳам билардим? Унинг оти Серёжа эди. Онасини эса — Катя деб аташарди. Ҳаммаси бўлиб, мана шу, холос. Агар танклар бўлмаганида, онасининг жасадини топиб, ҳужжатларини олган бўлардим. Аммо, немислар бирданига ҳужум қилиб қолишди. Чекинишга тўғри келди. Болалар билан шугулланадиган жой бўлар эди. У ердан кўпчилик ҳақида маълумот олиш мумкин эди. Уша ердан суриштирдим. Бошқа ташкилотларга ҳам ёздим. Ҳамма ердан: ота-оналарни аниқлашнинг ҳеч иложи йўқ, деган жавоб олардим. Биз эса ташвишланардик. Серёжани ўзимизга ўғил қилиб олдик. Энди тамом, у бутунлай ўзимизники бўлиб қолди, деб ўйлагандик.

У жим бўлиб қолди. Қафти менинг қўлимда, унинг қалтираётганини сезиб турардим... Уни маҳкам қисдим.

— Нима бўпти!— дедим мен.— Албатта, албатта, бутунлай, бир умрга! Сиз менинг бобомсиз, шунинг ўзи етади.

— Тўхтаб тур,— жавоб берди у,— мен ҳам шунақа деб ўйлагандим. Маълумотлар камлик қилади, дердим. Аммо, ҳозир радиода махсус эшиттириш бор экан. Болаларни — собиқ болаларни қидиришаркан. Унинг ташқи белгиларига қараб, мен ўша жойга хат ёзгандим. Радиода Серёжа ҳақида ҳикоя қилишди. Унда унинг қандай куйлаши, уни акаси қандай чақирishi. Бу воқеа қайси йўлда содир бўлганлиги; тахминий вақти — ҳамма-ҳаммасини ҳикоя қилиб беришганди.

Сигаретанинг ўти аллақачон ўчган, лекин бобом буни сезмасди.

— Мана хат ҳам келди,— деди у.— Балки шу Серёжанинг отаси; сенинг бобонгдир.

Бақириб: юборишимга сал қолди. Шундай хўрлигим келдики, кўзимга жиққа ёш тўлди. Ҳа, бобомнинг ана шу бемаъни қилиғидан!

— Нега?— пичирладим мен,— нега бундай қилдингиз? Нега? Нега?

АЗМУ ҚАРОР

Бобом анчагача жимиб қолди. У менинг бунчалик дарғазаб бўлиб кетишимни кутмаган бўлса керак. Кейин гугурт чақди, сигаретада яна бинафшаранг олов чақнади.

— Ўзингни қўлга ол!— деди бобом қатъий овоз билан.— Йигитсан-ку!

У бир оз жим бўлди-да, кейин:

— Менинг ўрнимда бўлганингда,— деб гап бошлади,— сен ҳам шундай қилган бўлардинг, шундай қилмаганингда менинг неварам ҳам бўлмасдинг.

У «менинг» сўзига урғу берди.

Мен бир оз тинчландим. Бобом мен билан худди катталар билан гаплашгандек гаплашарди. Биров сен билан шундай гаплашардими, демак хафа бўлмаслик керак. У билан жиддий гаплашса ҳам бўлади.

Мен энди бутунлай бошқача оҳангга ўтдим.

— Нега бундай қилдингиз?— сўрадим ундан вазминлик билан.

— Ишонаманки, даданг, ҳеч қачон туғишганларини қидирмайди! У фақат мени танийди, бунинг учун мен ундан миннатдорман.

— Тўғри!— пичирладим мен.

— Серёжанинг фикрича ҳам, сенинг фикрингча ҳам. Аммо мен бундай қилолмайман! Бутун имкониятлардан фойдаланишим керак! Бу виждон амри! Сўнги бурчим!

— Бемаҳалда ўтирган ким бўлди!— деган овоз эшитилди.

Биз чўчиб тушдик, бирдан тушган чироқ нури кўзларимизни қамаштирди.

Ошхона эшиги олдида, дадам ичкийимда, шубҳалангандек бизга қараб турарди.

— Ҳаммаёқни тутунга тўлдириб юборибсизлар-ку!— деди у.

— Ҳечқиси йўқ,— гудранди бобом хижолатда,— сен боравер, уйқумиз келмаяпти ахир, эрталаб ҳеч қаерга шошилмаймиз-да.

Дадам бошини сарак-сарак қилди-да, сув ичиб чироқни ўчирди.

— Худди фитначилардек кечаси гаплашадилар-а,— деди у қайтиб чиқиб кетаркан.

Мен кулиб қўйдим. Ҳақиқатан, фитначилармиз-да. Ахир дадам ҳақида гаплашайпмиз-ку. У бўлса хаёлига ҳам келтиргани йўқ.

Умуман, бобом хат ёзиб, дадамнинг туғишганларини изласа-ю, буни бирортамиз билмаймиз-а. Бобом нималар қилиб, қандай ташвишлар билан юрипти-ю, биз бундан бутунлай беҳабармиз.

Мен бобом қўлига пешонамни қўйдим.

— Эҳ, бобожон намунча ўзингизни қийнамасангиз! У секин кулиб қўйди:

— Эҳ, Антошка, Антошка! Гапларинг содда, ҳали боласан-да!

— Бола эмасман,— дедим мен,— одамман. Ўзингиз айтгансиз-ку, катта бўлиб қолдинг деб. Нуқул сизлар шунақасизлар бизни кичкина деяверасизлар. Одамнинг бўйига қарайдими? Биз катталардек одаммиз! Ҳамма нарсани тушунамиз! Ё нотўғрими?

— Тўғри!— жавоб берди бобом,— тўғри бўлганда ҳам қандоқки! Лекин нима қилай?

— Мендан сўраяпсиз-а?— Ҳайрон бўлдим мен,— аллақачон ҳал қилиб қўйгандирсиз.

— Ҳа, қарорим битта!— деди бобом қатъий ва сигаретани ўчирди.

ИРОҚИ ҚУЙЛАҚЛИ КИШИ

У нимага қарор қилди?

Бобом кун бўйи паришонхотирлик билан юрди.

Дам хоналарга кирар, дам ошхонага кириб идиш-товоқларни ювар, ҳатто қўлидан пиёлани ҳам тушириб юборди.

— Яхшиликка бўлсин!— дедим мен, лекин жавоб ўрнига хонада оғир сукунат ҳукмрон эди. Чамамда пиёла синганини пайқамай ҳам қолган бўлишса керак. Ҳатто у синиқларини йиғиб, ахлат челакка ташлаётгани ҳам ўзи билмасди.

Кечқурун бобом кўзини мендан яширганича:

— Олдимга бир дўстим келмоқчи. Бир кунга, балки икки кунгадир,— деди.

Дадам газета ўқирди, ойим дазмол босарди, улар ўзлари билан ўзлари овора, бобомдаги ўзгаришларга сира эътибор беришмасди.

— Майли бизникида яшай қолсин,— дейди дадам.

— Сиз шуни назарда тутганмидингиз?— сўрайди ойим.

Бобом бармоқларини қисирлатганича бошини қимирлатди. Бир нуқтага тикилганча сонларини шаппатилаб:

— Бас, етар!— деди у қаттиқ овоз билан.

Дадам билан ойим унга таажжубланиб қарашди. Бобом тез, хона бўйлаб юрди-да, кейин тўхтаб:

— Ольга!— деди қатъий.— Юмуш! Қандайдир юмуш топиб берсанг-чи!

— Ҳеч қанақа юмуш йўқ,— деди ойим.

Шундан кейин, бобом ойим олдига бориб, қўлидан дазмолни тортиб олиб, дазмоллашга тушиб кетди. Ойимнинг жаҳли чиқди, ишига аралашмасликни сўради, аммо у ҳеч нарсани эшитмасди.

— Менга иш кўрсат!— бақирарди у.— Қани, қани! Дазмоллашни тугатаяпман... Нуқул бош қотиравериш кишига зарарли! Агар одам бир нарсага аҳд қилдими, тамом — фақат ҳаракат қилиш керак! Тушундингми?

— Кимга ишора қилаяпсиз?— ҳайрон бўлди дадам.

— Ўз-ўзимга!— жавоб берди бобом ва менга кўз қисиб қўйди.— Антошкага ҳам! Бу сенга тааллуқли эмас.

У ўзгарди. Ойимдан дазмолни олиши билан ҳамма нарса ўзгарди.

У энди бўш хонада юрмас, тўхтовсиз сигарета ҳам чекмасди. Фақат ҳаракатга тушиб кетди. Уй олдидаги ўтлоқни чопа бошлади. Икки кун ичида, бир гектар келадиган ерни чопиб ташлади чамамда. Мен белкуракни олмоқчи бўлгандим, мени ҳайдаб солди.

— Антон! Менинг ишимга аралашма! Илтимос қиламан сендан.

Шунда ҳам нуқул хушчақчақ кўз қисади. Мен уни тушуниб турибман! У телеграмма жўнатган, энди жавобини кутаяпти. Диққат бўлмаслик учун ўзига иш қидирарди. У ҳар қандай ишдан ҳам қайтмайди.

Кунлар ўтар, менинг ташвишим ортиб борарди. Бобом бўлса таслим бўлмасди, нуқул ер чопар, тёрласа сув ичгани уйга кўтариларди. Кечқурун дадамга қилган ишлар бўйича ҳисоб берарди.

— Кўкаламзорлаштириш ёмон йўлга қўйилган. Дуруст, айрим жойларда кедр дарахтлари бор, лекин уларни парвариш қилиш керак. Кўчатлар ҳам ёш. Янги шаҳарча-ю, майса йўқлигини ўйлаб одам уялиб кетади.

Дадам унинг фикрига қўшилди. Кейин киноя билан жавоб берди:

— Кўкаламзорлаштириш бўйича битта хўжалик тузмоқчи эдик. Лекин ўйлашимча бунинг энди кераги йўқ. Сиз бу ғайрат-шижоатингиз билан шаҳарчани яқин орада гуллаган водийга айлантириб юборасиз.

— Нима ҳам қила олардим,— деди бобом бир оз ўйланиб,— агар шундай давом эттирилса...

Лекин бу узоққа чўзилмади... Бир кун бобом ҳовлида нимадир қилаётганида, эшигимиз тақиллаб қолди. Эшикни очдим-у, дарров ўша, деб ўйладим.

Қаршимда баланд бўйли, қора қошлари чимирилган оқ сочли мўйсафид турарди. Эгнида украинча чиройли қилиб тикилган ироқи кўйлак, қўлида эса чамадон.

У чамадонни ерга қўйиб, жимгина қўлимни қисди —

унинг қўллари юмшоқ, терлаб кетган. Мен билдирмасдан қўлимни шимимга артиб, дераза олдига бордим-да, бобомни чақирдим. У тезгина меҳмон олдига келди, чуқур хўрсинди.

— Нимага қараб турибсиз!!— ичкарига кириг, — деди у.

Умуман, мен улардан бир қадам ҳам орқада қолмадим. Меҳмонни Савченко деб аташаркан. Николай Михайлович. У ўзининг номини жуда қизиқ қилиб, Николай, дерди. Мен унга қарар эканман, бир дақиқа ҳам, ярим дақиқа ҳам, у менинг бобом эканлигини тасаввур қила олмасдим. Менинг бобом. Дадамнинг отасимиш.

Мен унинг бегона юзига, қора туш билан бўяб қўйилгандек қошларига, кўйлагига, қўлига, хатти-ҳаракатларига қарар эканман, юрагимдан бир сўз сизилиб чиқарди. Мен уни ошхонага чақирсам-у, илтижо билан «Кетинг! Ҳозироқ, кетинг! Нега келдингиз!» десам.

— Бола биладими?— сўради меҳмон.

— Исми Антон,— бошини қимирлатиб жавоб берди, бобом.

Савченко ўзини худди эшитмаганга солди:

— Сергей-чи?

— Йўқ!— жавоб берди бобом.

— Бўлмаса, қулоқ солинг!— деди Савченко.

ЯНА БИР ҲИКОЯ. ТРУБАЧИ ҲАҚИДА

Ў вақтларда, бу оқсочли одам анча ёш эди.

Уруш бошланганлигини эшитди-ю, фронтга кўнгилли бўлиб ёзилди. Ўз Катясини бағрига босди, ўғли Серёжани ўпди, юк машинасига ўтириб, урушга жўнади.

Юк машинаси орқасидан чанг осмонга кўтарилди. Қуюқ чанг орасидан хотини ва ўғлидан кўзини узмасди.

У биринчи жангдаёқ ўзини кўрсатди. Немис гранатаси окопга тушди. У окоп тагида айланиб турарди, у тез портлайдиган бизнинг гранатамизга сира ўхшамасди. Узун дастали фашист гранатаси аста-секинлик билан

портлашини фаҳмлади! У ўйлаб-нетиб турмай, чаққонлик билан гранатани олди-ю, душман томонга иргитди. У ҳавода портлади. Ўзи қурқувдан қотиб қолди. Хайриятки, кейинроқ портлади. Агар сағал илгарироқ бўлганидами, тамом эди. Мана тирик қолди, ҳатто қўмондонликдан ташаккурнома ҳам олди, шу-шу гранаталардан қўрқмайдиган бўлди.

Ҳамма нарса шу граната воқеасидан бошланди. У фавқулодда жасур киши сифатида шуҳрат қозонди. Мақтовлар эсанкиратиб юборди. Бир гал гранатани яна қайтариб отмоқчи бўлиб турганида қўлида портлади.

Яна омади келди...

Аслида бунақа омаднинг кераги йўқ эди. Ундан кўра, жойида ўлганим маъқул дерди у. Ушанда ўқ парчаси қўлини кесиб, ҳушидан кетказганди.

Кўзини очганида тепасида немис турарди.

У асир эди. Фашист асири. У энг даҳшатли жой — ўлим лагерида! Лагерда урушдан олдин ким бўлиб ишлаганликларини суриштиришди. Турли касбдагиларни, инженерларни, электрикларни... излашарди. Нимагадир керак эди улар. Бу эса музикант. Урушдан аввал оркестрда трубачи эди. Оркестр солисти ҳам бўлган. Ҳамма қатори тўғри келиб қолганида яккахонлик қилган.

Фрицлар унинг солистлигини билиб хурсанд бўлиб кетишди. У нимага эканлигига тушунмасди. Музикачи нега керак, бўлиб қолдйкин? Нега бундай қилишаётганини ким билсин? Бунинг тагида қанчалик ваҳшийлик ётгани кимнинг ёдига келибди?

Уни оркестрга олишди. Турли миллатлардан иборат музикачиларни тўплашди. Ноталар тарқатишди. Музика ўрганишларини талаб қилишди. Турли вальслар. Шўх маршлар. Фокстротлар:

Улар атайин турли мамлакат музикачиларини танлашганди. Турли тилда гаплашишади. Ўзaro суҳбатлаша олмасдилар. Нота эса умумий. Қанақа нота десангиз бор.

Музикачилар куйларни ўрганиб бўлишгач ишлари бошланди:

— Вой, худойим-ей!— деди у.— Алҳазар! Нега мен гранатани ушлаб қолдим экан! Бундан кўра ўлганим афзал эди!

Ишлари ниҳоят даҳшатли эди. Музикачиларни эҳтиёт қилишарди. Ҳатто овқатни ҳам кўпроқ беришарди. Ахир музикачиларнинг кўриниши ҳарқалай дуруст бўлиши керак эди-да, жуда ҳам чарақлаб турмаслар ҳам, бошқалардек қўрқинчли ҳам бўлмасликлари керак эди.

Қолганлар туну кун тошлоқда ишлашарди. Кейин ҳаммаларини ҳаммомга олиб боришарди. У ердан бошқа лагерларга жўнатишарди.

Бу шунчаки гап эди. Аслида ҳаммом мўрисида қора қуюқ тутун чиқиб турарди. Бу одамларни куйдирадиган печка эди. Мазкур «ҳаммом»дан ҳеч ким, ҳеч қанақа лагерга жўнатилмади.

Аммо, фашистлар шундай дейишарди. Янги-янги группа одамларни, «ҳаммом»га кузатишар экан, енгил жилмайишарди. Асирларга оқ қўлқопларини силкитишлари билан оркестр куй чаларди. Улар ҳар хил: шўх вальслар, маршлар, фокстротлар.

— Оқ йўл!— Тиржайрди фашист комендант, кейин трубочнинг олдига келиб, қисқа очилган чарм қамчи билан башарасига туширарди-да:— Ҳой солист, тузукроқ чалсанг-чи, шўхроғини,— дерди.

У эса трубасига ёпишарди-да, шўх, худди ҳақиқий байрамдаги куйни чаларди! «Ҳаммом»га кетаётганлар трубочнинг юзидан қон сизиб чиқаётганлигини кўриб турсалар ҳам унга ғазаб ва нафрат билан қарашарди.

Авваллари у кечалари йиғларди. Кейин бутунлай йиғламай қўйди — кўзёшлар ҳам тугаган эди. У ҳатто йиғлай олмаганлиги учун ҳам қийналарди. Бундан уни ўлгани минг мартаба яхши эди. Бироқ, музикантларни эҳтиёт қилишардилар.

Кунларнинг бирида трубасини улоқтириб юборди.

Музикани ўрганганлигини лаънатлаб, уни тепиб ҳам юборди. Оркестр тўхтади. Шундан сўнг уни сафдан ўртага олиб чиқишди, бундан унинг ўзи хурсанд эди. Ҳа, у ҳамма нарса тугаганлигидан мамнун эди. Энди мени ҳам «ҳаммом»га жўнатишади, деб ўйларди. Шунақа чалгандан кўра куйиб ўлган афзалроқ.

Лекин ундай қилишмади, дарра билан роса савалаб, яна янги труба беришди. У яна яккахонлик қила бошлайди. Фақат энди янгича чаларди. Печкага кириб кетаётган йўл-йўл пижамали кишиларга қуруққина тикилиб, шундай чалардики, шўх музика нафратли ва мунгли эшитиларди.

Бу фашистларга ёқарди. Улар мамнун эдилар. Бу музика ўлимга маҳкум этилганларга аталган мотам марши эканлигини билишмасди. Комендант трубачни бутун кучи билан қамчилади. Бу миннатдорчилик ва ҳурмат маъносида эмиш. Печка томон кетаётганлар эса энди унга нафрат билан қарашмасди. Уларнинг қарашада ачиниш бор эди. Музиканинг бу қаттиқ овози уларга ёқарди.

Бу гал ҳам унинг омади келди. Музикачиларни ёқиб улгуришмади. Бизнинг танкларимиз лагерь томон келарди, фашистлар шўх оркестрга қараб, шоша-пиша ўқ узиб қочиб қолишди.

Ўқ трубачнинг нақ кўкрагига теккан эди. У йиқилди. Ўзига келганида, тепасида терлаб-пишган танкчилар туришар. Уларнинг юзида даҳшат. Шундагина у гавдасини кўтарди. Трубани лабига олиб бориб, қандайдир шўх куйни чалмоқчи бўлди.

У трубани пуфлади-ю, ярқираб турган мисдан қон оқди — ўқ ўпкасига текканди...

«Шундан кўра юрагимга теккани маъқул эди-я...» деди у ва йиғлаб юборди. Сал тинчланганидан кейин, жилмайиб: «Қаранглар, кўзёшлар яна пайдо бўляпти», деди.

У уйига қайтиб келди-ю, ҳеч кимни топа олмади. Хо-

тини ва ўғли билан йўлда бирга бўлган қўшнилари, фашист самолётлари ҳужуми пайтида, уларни йўқотиб қўйганликларини айтишди.

Уларни кўп жойлардан ахтарди. Хатлар ёзди. Москвага бориб ҳам кўрди. Ҳеч қандай из қолмаганди. Уруш уларни ҳам йўқ қилиб юборган, деб ўйлади. Трубачи ўзини ўлгандек ҳис қилди. Тириг-у, ўлгандан беш баттар. Юради, ейди, ичади, аммо у юрмагандек, еб-ичмагандек, одамга бутунлай ўхшамай қолганди. Музикани урушдан олдин ҳамма нарсадан афзал кўрарди. Урушдан кейин эса, кўрарга кўзи, эшитишга қулоғи йўқдек эди. Янги уйидаги радио симини ҳам узиб ташлади. Фақат газета ўқирди. Оркестрни бутунлай ташлади. Заводга ишга кирди.

Кейин уйланди. Хотинининг исми Катя. Уғил ҳам кўрди. Исми Серёжа. Ҳозир институтда ўқияпти. Музикига эса сира уруш бўлмагандек. Ҳамма нарса тушдагидек ўтиб кетганди. Хотини ва ўғли билан гўёки хайрлашмаган, юк машинасига ўтириб кетмагандек. Бу вақтлар унинг учун азоб эди.

У аста-секин жонлана бошлади. Квартирасига радио туширди. Тўғри, музыка бўлган вақтда, ўчиришга ҳаракат қилади. Хотини ва ўғли ҳам бунга кўникиб қолишган — индашмайди.

Бирдан у, Серёжа ҳақидаги радио очеркни эшитиб қолди.

У ҳатто музлаб қолгандек ҳис қилади ўзини...

Ҳамма нарса алғов-далғов бўлиб кетади.

ИШОНМАЙМАН!

Мен меҳмонга бутун нигоҳимни тикдим.

У қаердан буларни тўқиб чиқараёпти? Қайси китобдан ўқиган?

Йўқ, сиз яна унга ишонмаяпти деб ўйламанг. Шундай ҳам бўлган, мен эшитганман. Аммо, унинг ҳам бошидан шулар ўтганмикан? Уни қаранг-а! Ажаблана-

диган ери йўқ. У ироқи кўйлақда. Қўли юмшоқ, нам, қандайдир совуқроқ одам. Бутунлай бошқа бир қаҳрамон ҳақида, трубачи ҳақида ҳикоя қилиб берди. Бундай қаҳрамонлар фақат киноларда, китобларда бўлади. Пионер сборларида улар ҳақида гапиришади, балки улар ҳақиқатда бўлишмагандир. Агар бўлсалар, қаерлардадир бошқа ерда. Масалан, Москвада, Олий Советда. Бу амаки эса Украинанинг қандайдир кичкина шаҳарчасида яшаркан, бунақа шаҳарчани сира эшитмагандим...

Мен ироқи кўйлақли кишига қарайман-у, у ўша трубачи бўлганлигига сира ишонмайман. Сира... Ҳатто у яна менинг бобом ҳам бўлиши мумкин!

Бу менга ёрдам беради. Йўқ, йўқ, дейман ўзимча, менинг бобом шу ерда, бу ҳикояларнинг ҳаммаси уйдирма, бу одамни бутунлай билмайман, мени унга ҳеч қандай алоқам йўқ, ҳозир у ўрнидан туриб, ташқарига чиқиб кетади — шу билан ҳаммаси тугайди... Мен, даҳшатли ҳикоя эшитдим холос, деб ўйлардим. У айтганлари балки ҳақиқатдир. У қаҳрамон ҳам бўла қолсин... Нима қипти...

Бироқ, меҳмон кетмасди. Худди эртақлардагидек ғойиб ҳам бўлмасди. У бобом билан чекишиб жимгина ўтирарди. Мен унинг енгил нафас олишини, эҳтиёткорлик билан йўталишини эшитиб турардим. У ўрнидан қўзғалмас, бошқаларга халақит бермаслиги учун нарироққа суриб ҳам бўлмасди.

— Энди нима қиламиз?— сўради бобом.

— Унинг қўлида холи бўларди. Тирсагида,— деди у. Бобом бир нуқтага тикилганича ўтирди. Мен бўлсам бесаранжом эслай бошладим — дадамнинг холи бормиди? Чамамда йўқ. Балки бордир, мен эътибор бермагандирман.

Бобом бошини қуйи солиб, калласини қимирлатди.

— Эслай олмайман.

— Охирги умид — суратида,— деди у.

— Экспертиза бор деб эшитаман. Ушами, бошқами аниқлаб беришади.

У чўнтагига қўлини тиқиб, сарғайиб кетган суратни олди. Аллақандай шўх эркак, ёш аёл сурати. Уларни оппоққина бола қучоқлаб олган. У салгина ёни билан бурилиб, қаёргадир юқорига қараб турарди. Балки қуёшгадир, ёинки булутга қараётгандир.

Суратга мен айбситиброқ қарадим. Лекин юрагим ҳаприқди. Хона дим бўлиб кетди. Мен суратга кўзларимни тикдим. Наҳотки шу дадам бўлса?

Дадам!

Балки бошқадир? Албатта, у эмас.

Бир-бирига ўхшайдиган кишилар тўлиб ётибди! Кейин, дадам ёшлигида шунақа бўлганмикин? Унинг расмини кўрганман. У бир оз каттароқ кўринган эди. Бувим билан тушганди. Кейин алоҳида портфель кўтариб турган расми ҳам бор. Бобом ва бувим билан. Яна бобом билан икковлари ҳарбий кийимда турган расмлари бор; бобом — ҳақиқий ҳарбий кийимда, дадам эса болаларга фронтдаги ҳарбий тикувчига мўлжаллаб тиктирилган гимнастёркада.

Мен саросима билан стол остига кириб, расмлар ёпиштирилган альбомни топдим. Меҳмон кўзойнагини тақиб, ҳар бир суратга шоша-пиша кўз югуртира бошлади.

Мен унга ҳаяжон билан қараб турардим. Унинг секин-секин қараётганлиги ғашимни келтирарди. Нимага тез кўриб: «Кечирасизлар, мен янглишибман!» деб айтмайди. У жимгина бизнинг фотосуратларимизга қарар, уларни ўзиникига солиштирарди. Энди менинг ғашим келмасди, балки ҳукми кутаётган кишидек қалтирардим.

Қўлларим, тиззаларим титрай бошлади. Бирдан бобом мени тирсақларимдан тутиб, кўтарганини сездим.

Мен унинг кўзларига қарадим. У хотиржам, юзи эса қонсиз. Фақат лабининг бир чеккасигина титрарди.

— Нима қиламиз, неварам?— мендан астагина сўради у. Невара? Мени ҳеч ким шундай деб атамагани. Антошка, Антоха, дерди. Биз ҳақиқий дўст эдик. Мен унинг дўсти эдим — бу неварага нисбатан яқинроқ. У буни тушунарди. Ҳозир бўлса неварам деяпти. Мен меҳмонга қарадим. У бизга эътибор бермасдан расмларни титкиларди. Шундагина бобомнинг ҳолатига тушундим.

Бобомга қараб кулдим-да, бўйнига ёпишиб, тиззасига ўтириб олдим. Уни хотиржам қилгансимон пичирладим:

— Ҳамма нарса жойида, бобожон!

— Жуда яхши!— жавоб берди у илжайиб.

Биз кулишдик. Хайрият! Менинг ҳақиқий буважоним — бобом. Менинг гўзал бобом!

ХОЛ

Бу одамни нима қилиш керак? Ахир, у Украинадан учиб келиб, Сергей деган ўғлини излаяпти, балки дадам унинг ўғлидир...

Тирсагида хол ҳақиқатан бўлса-я?... Унда нима бўлади? Иккита бувам бўладими? Тўғри, бўлиши мумкин, лекин бири дадамнинг отаси, бошқаси, ойимники. Бу ерда бутунлай бошқача. Бунақаси ҳеч қачон бўлмаган.

Меҳмон суратларни кўриб бўлди. Кейин ўйланиб қолди.

— Тушундиш қийин. Сабр қилайлик-чи. Сиздан илтимос, бу ҳақда ҳеч нарса демайлик. Янглишиш ҳам мумкин. Унда кечириб бўлмайдиган хатога йўл қўямиз. Бу билан ўйнашиб бўлмайди.

— Сиз ҳам индаманг,— деди бобом.

Биз кута бошладик. Ошхонадаги крандан сув томчилайди. Шундай секин томчилардики аранг овоз чиқади. Лекин менга баралла эшитилади.

Тиқ! Тиқ! Тиқ! Томчилар менга худди бобом дарғаб бўлганидек дағал туюларди.

Бўм! Бўм!! Бўм!!!

Юрагим нимагадир ғаш эди, мен бирон бир ҳодиса рўй бермаслигига ишонардим. Ахир ўзи ҳозирча ҳеч нарса демасликни сўради-ку, ҳатто, холи бўлса ҳам. Балки бошқа бир йўли бордир. Мен ўртоқларимни — Кешка, Кириллни чақиришимга тўғри келар. Улар бу кишини ўраб олиб, бундай бўлиши мумкин эмаслигини тушунтиришар. Унинг ўзи янгитдан уйланганлигини, Катя исмли хотини борлигини, ўғли Серёжа институтда ўқишини айтди. Бобомнинг эса биздан бўлак ҳеч кими йўқ. Бутунлай! Буни тушуниш шунчалик қийинми? Балки, бу одам ўз фикридан қайтиши мумкиндир? Дадамга қараб ҳолини кўриб, Украинага индамай қайтиб кетсайди.

Томчи ҳамон такиллайди.

Мен кранни беркитиш учун ошхонага борар эканман, қўнғироқ эшитилди. Бу дадам. У кулиб турар. Кўзини қисганича ашула айтарди.

Қазо етса, тез етса,
Яралар енгил битса!

У бобомга қаради:

— Сизнинг қўшиғингиз ота, менга бутунлай ёқиб қолди.

— Бу ёққа кир, Сергей!— деди бобом хона ичидан.— Танишинглар: менинг эски ошнам.

Меҳмон дивандан кўтарилди, унинг оқариб кетган лаблари қалтирайди, мен унга қарар эканман — ҳозир айтади ёки қичқириб юборади, деб ўйлардим. Бироқ у дадамнинг қўлини икки қўли билан қимирлатиб, кўзига худди суратга қарагандек узоқ тикилиб турди, унинг юзини кулги қоплади — у менга ҳозир йиқилиб кетаётгандек туюди. Мен ҳар эҳтимолга қарши унга яқинлашиб бордим.

— Қара, қандай бўлиб кетибсан-а,— деди у бўғиқ овоз билан.

— Нима қипти?— сўради дадам, ҳеч нарсадан шубҳаланмай.— Сиз илгари мени кўрганмидингиз?

Меҳмон ҳаяжон билан бобомга қаради, у эса бошини қимирлатди:

— Кўрган, кўрган, болалигингда.

— А-а...— кулди дадам,— мен эса сизни эслай олмайман.

— Эслай олармидинг,— жавоб берди ироқи кўйлак-ли киши.

Мен дадамни ошхонага олиб чиқиб, дарров қўлини кўрсатиш кераклигини айтишга ошиқардим. У бўлса меҳмон билан бўлар-бўлмас нарсалар ҳақида гаплашарди, қурилишлар тўғрисида ҳикоя қиларди.

Бобом ўрнидан туриб, стол тузашга киришди. Мен унга ёрдам бермасдим. Ҳаммамиз стулларни тўқиллатганча столга яқинлашдик. Қандайдир диққатвозликдан сўнг кўнгилхушлик бошлангандек, миямга бир фикр келди.

— Дада!— деб бақариб юбордим, ўзимни туюлмай.— Тирсакни букиш ўйнаймиз! Қим-кимни енгаркан!

— Ана, холос,— кулди дадам,— вақт топганини қаранг!

— Илтимос! Илтимос!— деб ялиндим унга, бобом билан меҳмон ажабланиб менга қарашди.

— Яхши,— деди дадам.

Биз тирсагимизни стол устига қўйиб, панжаларимизни ушлашдик, мен дадам қўлини эгишга ҳаракат қилиб, ҳарсиллардим.

— Найрангбозлик қилма!— деди у.— Тирсагингни кўтарма!

Албатта, мен енгилдим, бошқа вақт бўлганда менга алам қиларди, ҳозир эса...

— Яна!— бақирдим мен. Дадам яна менинг қўлимни қайирди.

— Мени-ку, осон енгасиз!— дедим мен мамнунлик билан,— қани — бобомни енгиб кўринг-чи!

Мен бобомга ифодали қараб қўйдим. У елкасини қисди. Мен унга кўзларимни катта очиб қарадим. У фаҳмлади! Фаҳмламай кўрсинг-чи!— У ахир менинг бо-

бoм! Ҳар доим бир-биримизни тушуниб келганмиз! Қерак бўлганда сўзсиз ҳам бир-биримизни тушунамиз.

— Майлига!— деди у шўхгина ва қўлини тутди.

— Қани,— команда берардим мен.— Бир, икки, уч!

Улар жон-жаҳдлари билан қаттиқ курашишарди. Бобом қизариб кетди. Албатта-да, унинг кучи дадамни-кига қараганда анча кам. Лекин у дадамнинг қўлини букди.

— Бир-у ноль!— деб қичқирдим мен; шунда бобом ҳам, меҳмон ҳам дадамнинг қўлига қарашганини сездим. Тирсагида ҳеч нарса йўқ. Ҳеч қанақа хол кўринмади. Топ-тоза!

— Энди иккинчи қўл билан!— буюрдим мен. Бобом яна енгди.

— Икки-ю ноль!— сакрайман мен.— Икки-ю ноль! Дадам — бизники! Бобом билан меники!

МУЙСАФИД

Шу вақт мен эзилиб кетдим. Раҳмим ҳам келди.

Мен уни ўзимча «меҳмон», «у», «бу одам» деб атадим. Ахир нима дейиш мумкин? У сенга бобо бўлиб чиқишини ўйлаётганингда.

Мен у дадамнинг отаси эканлигига ишонмагандим. Шунақа бўлишига ишонмасам-да, қўрқардим, ўзимга ўзимнинг ишончим йўқ эди.

Трубачи эканлигига ҳам ишонмагандим.

Трубачи қаҳрамон киши эди. У бўлса оддий бир одам.

Энди исботланди. У бобом ҳам эмас. Бу шунчаки англашилмовчиликдан бошқа гап эмас. У шунчаки меҳмон. Энди майли, бунга қўшиламан, трубачи бўлса бўла қолсин. Майли, ҳақиқий қаҳрамон ҳам бўла қолсин. Ахир сочлари оппоқ. Кўп нарсани кўрган-да. У ерда нималар бўлмаган? Унинг бу сўзлари, бошига тушган аччиқ тақдирига тўғри келармиди? Энг муҳими, у Серёжа деб аталган, менинг отамга ўхшаган ўғлини йўқотган.

Агар мен дадамни ё бобомни йўқотсам нима бўлар эди? Ёки улар мени йўқотиб қўйишса-чи? Биз кейин сира учрашармидик?

Мен оқ сочли мўйсафидга ишонмаганлигимдан жуда уялиб кетдим. У самолётдагидек тебранарди, жуда ҳаяжонланарди, ҳатто йиғлаб ҳам юборди, мен бўлсам унинг ҳолига тушунмапман-а, ишонмапман ҳам.

У стулда жуда эзилиб, бошини қуйи солиб ўтирди. Дадам билан бобом ҳаяжон билан елкасини силаб, диванга жой қилиб ётқизишди-да, устига кўрпа ёпиб қўйишди.

Биз хонадан чиқдик. Чиқиб кетаётиб орқамга қараб, чўчиб кетдим. Трубочининг юзи қандайдир тортишиб кетганди. У гоҳ кулганга, гоҳ йиғлаганга ўхшарди.

Қўрқиб кетдим. Шоша-пиша эшикни беркитдим. У худди шу тарзда, кечқурундан эрталабгача ухлади. Эрталаб, дам олмагандек кўзлари киртайиб, эзилган ҳолда турди, кейин хайрлаша бошлади. Бобом унга пакет берди.

— Бу ерда фотосурат билан хат бор,— деди у.— Бари бир сиз Москва орқали учасиз. Мана шу телефонга қўнғироқ қилинг. Мендан салом денг. Дўстим — милиция генерали. У экспертиза қилиб кўради.

Меҳмон бобомга термилиб қаради. Ҳеч нарса демасди. Пакетни олди.

Биз уни аэропортга борадиган автобусга кузатиб қўйдик.

Автобус олдида у чамадонини ерга қўйиб, бобомни қаттиқ қучоқлади.

— Раҳмат, сизларга, меҳрибон одамлар!— деди у. Автобусга чиқиб, ойнани туширди. Кўзларида ёш кўринди.

— Балки сиз янглишгандирсиз,— деди бобом,— балки холи бўлмагандир. Охиригача етказинг, тушунаясизми? Биз шундай қилишимиз керак!

— Шундай қилиш керак,— бошини алам билан чай-

қади оқсочли киши.— Биз шундай қилишимиз керак!

Автобус гулдираб аста-секин жила бошлади.

— Телеграмма жўнатаман!— бақирди у ва бизга қўлини силкитди.

Биз ҳам унга қўл силкитдик. Автобус анча узоқлашиб кетса ҳам, бобом қўлини боши узра тутиб турди.

Автобус ортидаги чанг тарқади. Бекат бўм-бўш бўлиб қолди. Ерда папирос ташландиқлари ва морожнийдан бўшаган қоғоз идишлари уйқашиб ётарди.

— Айтинг-чи,— дедим мен бобомга,— нега суратларни бериб юбордингиз. Унга бир оз бўлса ҳам далда бериш учунми?

Бобом менга ўйчан қаради:

— Йўқ!— деди у.— Ҳар ҳолда сизлар бахтлисизлар! У жим бўлиб қолди.

— Уруш ҳақида фақат китоблардан биласизлар. Ғам-алам нима эканлигини тушунмайсизлар.

Бобом менга яқинлашиб, елкамга қўлини қўйди.

— Майли!— деди кутилмаганда.— Майли! Бунинг нима ёмон томони бор? Ҳеч қанақа! Аксинча бу жуда яхши. Билишнинг нима кераги бор! Нега мана шунақа билмаганликдан қўрқамиз!

Биз аста уйга жўнадик. Бобом мен бермоқчи бўлган саволни англаб етганди.

— Уни тинчлантириб бўлармиди?— жавоб берди у.— Ахир у ҳам одам. Одам боласи учун эса хотира берилган.

Биз фотоателье ёнидан ўтдик.

— Антошка!— деди бобом.— Бир икковимиз суратга тушмаймизми?

У генераллик кийимида, мен эса қайтарма ёқали ёзги кўйлақда эдим.

Биз ательега кирдик. Сочлари қандайдир силлиқ таралган одам катта яшикка ўхшаш ғалати фотоаппаратидан бизга узоқ қаради. Бобом ўтирди, мен эса унинг

ёнида туриб худди бояги суратдагидек қўлимни унинг елкасига қўйгандим.

— Диққат!— деди фотограф,— қушчага қаранглар!

Биз қотиб турдик. Кулиб юборишдан ўзимни аранг тутиб турардим: қушчаси нимаси, ахир мен кичкина бола эмасман-ку.

Мен бу суратга тез-тез қараб тураман. У ўша бобом ва узун сочларини олдига ташлаб турган бувим Лиданинг сурати билан ёнма-ён осифлиқ. Суратлар бир-бирига жуда ўхшаш. Фақат бобом билан бувим анча жиддийроқ тушишган, бизники эса бошқача — бобомнинг кўзлари кулиб турипти, мен эса шишиб кетгандек, лабларим осилган.

ТЕЛЕГРАММА

Буларнинг ҳаммаси бўлганми?

Бўлган!

Ироқи кўйлакли оқсочли мўйсафид. Узоқлашиб кетаётган автобус. Салқин фотоателье.

Ҳақиқатми ёки хаёлми? Саробми ёки туш?

Мен, ахир бобом билан ёнма-ён эдимми? Мен ёнида юрардим, гапирардим, кулардим? Мен ҳеч нарсани ўйламай, халоватсиз юргандим.

Бобом, ироқи кўйлакли киши келгунича роса ташвишланган эди. У кетгандан кейин ҳам, яна ташвишга туша бошлади. Яна хона бўйлаб юрар, ҳуштак чаларди, гингиллаб ашула айтарди. Телефонга ёпишиб, қаёққадир қўнғироқ қилди, одам гуж жойлашган ер қандай кўчириляётганлигини суриштирарди. Ҳеч ким билмаслигини эшитиб сўкинди.

Мен саволлар бериб чалғитишга уриндим.

У апил-тапил жавоб берди-да, уй атрофидаги ерни чопиш учун чиқиб кетди. Кечқурун дадам билан уришиб қолди, дадам машинада кўчат жўнатаман, деган экан, ваъдасини бажармапти.

— Сизга нима бўлди?— деди дадам.— Узингизни босинг! Машина бугун бўлмаса эртага бўлади, ҳозир планни бажариш учун ҳаракат қиляпмиз. Умуман, ота, сиз негадир ўзгариб қолдингиз.

Бобом жим бўлди, кечаси билан инграниб ҳам чиқди, мендан дори топиб беришимни сўради. Шунда мен ундан:

— Нега врачга бормайсиз?— деб сўрадим.

У бўлса менга шивирлаб, шундай жавоб берди:

Агар дардга чалинар бўлсам,
Табибларга этмасман арз-қол,
Ўтинурман дўстлардан фақат —
Дейман, даштни тўшангиз менга,
Ҳарир туман бўлсин деразам
Ва самодан кўчган юлдузни
Бошим узра қўйинг ўшал дам.

Мен кулиб юбордим, у ҳам. Кейин худди пачақлаб ташлагандек, донг қотиб ухлаб қолибман. Тушимга, осмондан учиб тушаётган юлдузлар кирибди. Фақат оддий юлдузлар эмас, бобом қўшиғида куйланган юлдузлар эди. Юлдузнинг думи бўлиб, сувда сузаётган балиқдек ликонглар, мен уни ушлаб олишга ҳаракат қилардим, энди қўлим етганда, силтаб юборарди, чунки чўғга ўхшарди...

Эрталаб қўнғироқ жиринглади.

Эшикни очишга шошилдим. Бобом орқамдан эргашди.

Остонада ўша телеграмма ташувчи почтачи турарди. У соқолини қиртишлаб олган, янги кўйлақда.

— Қўл қўйиб юборинг,— деди у, кўзини яширишга уриниб.

Бобом имзо чекиб, телеграммага қўл узатди. Лекин, у бермади.

— Менга қаранг,— деди у хириллаб,— ўшанди генерал эканлигингизни нега айтмадиз?

Бобом қовоғини уйди.

— Бунинг нима даҳли бор?— деди бобом.

— Даҳли бор,— жавоб берди почтачи ва бирдан уялиб кетди.— Мен сиз учун кимман, ўзи? Арақхўр. Кечирасиз.

У телеграммани берди, лекин бобом уни олмади.

— Биласизми,— деди у,— сиз ҳақингизда ҳеч нарса дея олмайман, чунки сизни бор-йўғи икки маротабагина кўрдим, холос. Гап бунда ҳам эмас. Мен сизни яқиндан билишим ҳам шарт эмас. Агар, ҳақиқатан сиз майор бўлсангиз, урушни эсланг. Урушни кўз олдингизга келтиринг. Фақат урушни эмас, балки оғир дақиқаларни ҳам эслаб кўринг. Сиз қандай эдингиз. Эсласангиз, сизга ёрдам беради.

Почтачи қўлини туширди. Бошини сарак-сарак қилди. Кейин шундай деди:

— Бугун охирги марта телеграмма тарқатишим. Мана бу сўнги. Кўриб турибсизки, шу ерга келишимдан олдин, соч-соқоломни олиб, тузукроқ кийим кийдим. Умуман, қурилишга ўтаяпман. Ҳозирча пайвандчи бўлиб. Билмадим, мендан пайвандчи чиқадими, йўқми?

— Чиқади,— далда берди бобом,— жуда чиқади. Тўғри қилгансиз.

— Бўлмаса, мен кетдим,— деди телеграммачи чуқур тин олиб. Кейин кулиб қўйди:— Кечирим сўраш учун келган эдим, ўртоқ генерал.

— Мен сиз учун генерал эмасман,— жавоб берди бобом.

— Йўқ,— деди у,— мен учун генералсиз.

У телеграммани узатди, бобом телеграммани олиб, қўлини қисиб қўйди. Қаттиқ қисди.

Эшик ёпилди.

Бобом деворга суянди. Бошини эгиб, пичирлади:

— Антошка, дори! Тез бўл!

Яшиндек югуриб кетдим.

Ошхонадан сув, хонамиздан ўн беш томчи дори томизиб келиш қийин бўлиптими?

Мен дори томизаётганимда ташқарида машина сигнала

ли эшитилди. Мен деразадан қарадим. У ерда қарағай ва арча кўчатлари ортган самосвал турарди.

— Олиб келишди!— қичқирдим мен бобомга.— Кўчатлар олиб келишди!

У йўлкада бўзариб турар, пешонасидан эса тер си-зиб чиқарди. Дорини ичди. Чуқур нафас олди. Кейин:

— Белкуракни бер!— деди.

— Бир оз ётинг!— дедим мен.

Бобом индамади. Телеграммани очиб, ўқиб, кўрди-да, менга узатди.

«Экспертиза тасдиқламади минг бор узр. Савченко».

— Ана кўрдингизми,— мен қувноқлик билан қичқир-дим,— ҳамма нарса жойида.

Мен жуда хурсанд эдим. Жуда ҳам. Ниҳоят бобом-нинг азобланишларига чек қўйилди. Мен бобомга жил-майиб қарадим, у ҳам кулиб турарди. Менга бир кўз қисди-да, белкуракни олиб ҳовлига чиқди.

Машина кўчатларни тез тушириб кетди. Мен бобом-га ёрдам бериш учун эски кийимларимни кия бошладим.

Шу пайт кимдир кўча томондан бор кучи билан ба-қирди.

— Антошка! Антошка!

Мен деразадан қарадим. Қўшни болалар менга қўл-ларини силтаб бақирдишарди:

— Тезроқ! Тезроқ! Буванг!

Юрагим орзиқиб кетди. Бошимни кесакига уриб олишимга қарамай зинадан отилиб тушдим.

— Қаерда?— қичқирдим мен жон ҳолатда.— Қаер-да?

Бобом, чопилган ерга муккасидан тушиб ётарди. Бир қўлида қарағайнинг нозик бутоғи, иккинчисида эса белкурак.

— Буважон!— пичирладим мен.— Туринг, буважон! Мен уни чалқанчасига ётқиздим.

Унинг кўзлари очиқ эди.

— Аа-а-а-а!

ТУН

Мен ҳанузгача ўз овозимни эшитардим.

Ярим кечаси яна эшитилди, мен терлаган ҳолда сакраб турардим ва пичирладим:

— Буважон! Бувагинам!

Бироқ ҳеч ким жавоб бермади.

Мен йиғлардим. Бор кучим билан йиғлардим. Бақириб хириллаб қолгунча йиғладим.

Хонага ойим чопиб кирди, елкамни силаб:

— Антошка! Жонгинам, бас, энди!

Ўзи ҳам йиғлади.

Дадам кирди.

У бизни бор кучи билан қучиб, юракни ўртаб юборадиган овозда:

— Жигарларим! Жигарларим, ўзларингни тутинглари!
Йўқ, бўлмади!

Бизда куч-қувват ҳам йўқ эди!

Йўқ, ўзимни тута олмайман!

Ўзимни тута олмайман!

ХОТИМА ЎРНИДА

ТОҒ ЧУҚҚИСИДА

Биз уни тоққа дафн этдик.

У ердаги қиррали қоя узоқ-узоқлардан яққол кўришиб туради.

Тўғон ҳам у ердан худди оёқ остида тургандек кўринади.

Яқин орада йўқолиб ўрнида денгиз барпо этиладиган узоқ тайга ҳам.

Абадий шовиллаб чуққига сас таратувчи тайга ҳам.

Бир вақтлар мен ана шу чуққикида бўлгандим. Кешканинг бобоси. Иннокентий Евлампиевич отпускага чиққан эди ўшанда. Қўлимизда у ёғочдан ясаб берган шиқил-

доқ. Мен ўшанда бу ерларнинг гўзаллигини кўриб жуда
ҳайратлангандим. Кенг яланглик. Осмон жуда яқин.

Бобомни худди шу ерга дафн этдик.

Портлатувчилар динамит кўмишган эди. Бирдан
унинг гулдуриси узоқ тайга бўйлаб янгради.

Бобом парад киймида жимгина ётипти. Фақат ор-
денлари йўқ. Орденлар алвон ёстиқда ял-ял ёнади.
Бамисоли ҳаммаёқ чароғон бўлиб кетгандек. Бўйинлари-
да қизил галстук. Отрядимиз байроғи тобут тепасида
эгик. У Борис Егоровнинг қўлида. Горнларнинг миси
ҳам, бошимиздаги қуёш ҳам ёнарди.

Эҳ, қуёш!

Худди илгаригидек. У пайтда мен йўқ эдим. Дадам
эндигина уч ёшга тўлган, ўша куни кутилмаганда тўсат-
дан уруш бошланган, ҳатто қуёш ҳам булутлар орасига
яширина олмаган.

Мана бугун ҳам!

Ҳозир ҳам бирданига чарақлаб кетди. Қуёш албатта,
бобомнинг вафотини билмай қолган, ҳа, мендек, бўлма-
са, мотамсаро булутлар орасига яширинган бўларди.

Мен тобут олдида турибман.

Мен бобомга қарайман.

Қўлларим ҳам, бошим ҳам қотиб қолган. Ҳамма-
ёғим шалвираб тушган, тошга ўхшайман, гўё жонсиз-
декман, нафас ҳам ололмаётгандекман, кўраман, хо-
лос.

Тобут олдида тиз чўккан дадамга кўзим тушди.
Ёнида қора кийимдаги оyim. У қўлини дадамнинг елка-
сига қўйган. Худди фотосуратдагидек. Анна Робертвна
ҳам қора кийимда. Гриша унинг қўлидан ушлаган.

Мен ниманингдир овозини эшитдим.

Ғалати йиғи.

Бу горнлар йиғиси эди.

Улар офтобда ялтирайди, ҳар бирида алвон вимпел
осилиб турипти, лекин йиғламоқда.

Ту-ру-ру-ру-у-у!

Ту-ру-ру-ру-у-у!

Бирдан яна нимадир эшитилди.

Мен қурилиш томон қарадим, қолганларнинг ҳам нигоҳлари ўша томон бурилди.

Мен оқариб кўринган тўғонни кўрдим, котловандан, ундан нарида, қирғоқда, беҳисоб машиналар, беҳисоб самосваллар...

Улар ҳаракатсиз. Қизиқ.

Ҳеч қачон қурилишда машиналар бунақа туриб қолмасди.

Ҳозир эса улар дуч келган жойда қотиб турар ва сигнал берарди!

Ҳаммаси чўзиб, тантанали тарзда худди оркестрдай бир варакайига сигнал берарди.

Котлованда эса, худди чумолига ўхшаб кўринаётган кишилар, биз турган баланд чўққига қараб, қўлларини кўтариб, рўмолча ва кепкаларини силкитишарди.

Менинг исмим Антошка эканлигини биласиз. Буни бобом исмида аташган. Бу бобом доимо мен билан дегани. Менинг генералим доимо мен билан ёнма-ён.

Мана у менга девордан қараб турибди. Аввал ёш, кўзлари шўх. Кейин қари, мен билан ёнма-ён жилмайган. Ҳа, бу фотосуратларда.

У қачон:

Қазо етса, тез етса

Яралар енгил битса!

— деб куйламасин, нуқул жилмаярди.

Бу қўшиқ унчалик мунгли эмас, шўхроқ. Хўш, ёмонми? Ўлиш керак бўлса, бирданига ўлган маъқул. Яра-нинг тез битгани.

Бобом мен билан доим бирга. У шундай яшадик, ўлмагандек: Ҳеч қачон!

Тунлари уйқудан уйғонганимда, йиғламай қўйдим.

Фақат мен энди унинг талабчанлик билан:

«Ўйлаб кўр», демаслигини ўйлаб, хўрлигим келади.

«Шивирлашамизми!» — деб майин кулмайди ҳам.

«Эҳ, Антоха!» — деб эркаламайди ҳам.

Мен ўзимни тутаман.

Йиғламайман.

Томоғимга тиқилиб қолган тупукни ютиб, бобом ҳақида шеър тўқийман.

Генералим! Генералим — уч бора чақираман,—

Генералим қайлардасан, овоз бер менга.

Биласан-ку, ахир буйруқсиз сира

Трубачлар ҳеч қачон чорламас жангга...

Мен бу шеърларни тўқиб чиқарардим. Улар унчалик келишмасди.

Мен бошимни болишга тиқиб, бор кучим билан муштлайман.

Бари бир шеър тўқийман. Бари бир, бобожон, сиз тириксиз.

Бари бир! Бари бир! Бари бир!

МУНДАРИЖА

Биринчи қисм. Қиссамнинг аввали	5
Иккинчи қисм. Бобом	18
Учинчи қисм. Истеъфо	29
Тўртинчи қисм. Алвасти	54
Бешинчи қисм. Азиз инсон	93
Олтинчи қисм. Мангулик машъали	138
Еттинчи қисм. Видолашув	180
Хотима ўрнида	228

Кичик ёшдаги болалар учун

На узбекском языке

А. Лиханов

МОЙ ГЕНЕРАЛ

Роман

«Детская литература» нашриётининг 1975 йилги нашридан таржима қилинди.

Издательство «Еш гвардия» — Ташкент — 1978

Редактор М. Яҳёев.

Рассом А. Аҳмаджонов.

Расмлар редактори Қ. Алиев.

Техн. редактор Г. Аҳмаджонова.

Корректорлар М. Юнусова, М. Ортиқова.

ИБ № 466.

Теришга берилди 23/XI-1978 й. Босишга рухсат этилди 20/XII-1978 й. Қоғоз № 1. Формати 84×108¹/₃₂. Босма листи 7,25. Шартли босма листи 12,18. Нашр листи 10,33. Тиражи 30.000. Ваҳоси 35 т. Шартнома № 113—78.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Еш гвардия» нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26, 1978 й. Заказ № 4391.